

МУНДАРИЖА

МОЗИЙГА НАЗАР

A.Ganiyev, Z.Nishonova. Saudiya Arabistoni va Turkiyadagi Turkiston muhojirlari tarixi (1917-1990-yillar).....	3
T.A.Xatamov. Kubroviylik ta'limotining yurtimizda o'rganilishi.....	12
X.X.Djuraev. Жадид мактаби вакиллариинг хаттотлик ва китобат санъатига бўлган муносабатлари.....	16
A.Z.Ulug'murotov. Imom Marvaziy yashagan davr muhiti	24

МАНБАШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК

Sh.R.Toxtiyev. Ishq kuychisi Hofiz Sheroziyning g'azallarida mavzular silsilasi va badiiy mahorat masalasi.....	28
B.Shamsematova. The Importance of the Human Factor in Anthropocentric Linguistics and Language Teaching	33
J.A.Bo'riyev. Tilshunoslikda "til madaniyati" va "nutq madaniyati" terminlarining tavsifi va talqini.....	35
C.M.Djhalalova. Инновационные технологии активизации познавательной деятельности студентов на занятиях русского языка в неязыковых вузах.....	41
A.Hakimov. "Mutarriz" nisbali qomusiy olimlar	46
X.Nuriddinov. Analysis of Objects Expressed in the Accusative Case (Nasb)	50
B.Z.Daminov. Arab tilini o'rgatishda tinglab tushunish kompetensiyasini rivojlantirishning innovatsion yondashuvlari	54
O.Shukurova. "Интибох" ва "Ўткан кунлар" романларида экспрессив воситалар	58



Муассислар:

Дин ишлари бўйича қўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси

Бош муҳаррир:

Музаффар КАМИЛОВ

Нашр учун масъул:

Иродахон ГАФУРОВА

Таҳрир хайъати:

Нурислом ТУХЛИЕВ
Иргаш ДАМИНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Аҳаджон ҲАСАНОВ
Матлуба КАХХАРОВА
Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ
Иродахон ГАФУРОВА

Жамоатчилик кенгаши:

Содиқ ТОШБОЕВ
Неъматулло МУХАМЕДОВ

Муҳаррир:

Дурбек РАҲИМЖОНОВ

Рус ва инглиз тили муҳаррири:

Разия МАТИБАЕВА

Бадий муҳаррир:

Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами – 0968.
Йилда ўн иккита сонгача нашр этилади.
Нашр кўрсаткичи – 1323.
ISSN 2181-9572

Таҳририят манзили:

Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iiu.uz

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича
қўмитасининг 12.06.2025 йилдаги
03-07/3400-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос
олинса, «Ислом тафаккури» журналидан
олингани кўрсатилиши шарт.

Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари,
Қуръони карим оятлари ва ҳадислар берилётгани сабабли
уни ножоиз жойларга ташламанг.

Журналдаги мақолаларда берилган маълумотларнинг
тўғри ва оригиналлиги учун муаллифларнинг шахсан
ўзлари масъулдирлар.

Босишга 19.06.2025 йилда рухсат берилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида
босилди. Шартли 32,6 б.т. Буюртма:
Адади 100 дона.

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси нашриёт-
матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

ИСЛОМШУНОСЛИК

G.X.Sidikova. Imom Abu Hanifani muhaddis sifatida tan olmaydiganlarga raddiyalar 64

А.Ахмаджанов. Опровержения возражениям Абу Ханифе со стороны ахлу-л-хадис 67

ҚУРЪОНШУНОСЛИК. ҲАДИСШУНОСЛИК

Д.О.Раҳимжонов, Ж.Нурматов. Абу Ҳафс Насафийнинг “Китобу-л-қанд” асари ҳадис илми бўйича муҳим манба 74

ТАСАВВУФ

Ҳ.Сағдиев, М.Каримов. Абу Нуайм Асбаҳоний ва тасаввуф илмий анъаналарининг ривож 80

ФАЛСАФА ВА ПЕДАГОГИКА

Р.Исакджанов. Мусулмон фалсафаси методологик асослари таҳлили 86

T.S.Sattarov. Опросник политической социализации молодого поколения 92

ДИНШУНОСЛИК

С.Саиджалолов. Миллий юксалишнинг муҳим мезони 96

Ж.Нурматов, С.Абжалов. Конфессиональная политика Казахстана и её роль в обеспечении религиозной стабильности 99

E.Alimkulov. Me'moriy obida va inshootlarda diniy-mistik ramzlarning ifodalanishi 104

Х.Абдухалилова. Паломничество в православной церкви: история и современность 112

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

X.Nigmatov, O.I.Izomova. Kiberhujumlardan himoyalashda sun'iy intellektdan foydalanish va tarmoq xavfsizligini ta'minlash usullari 117

M.S.Xodjayeva. Sun'iy intellekt va chatbotlarning mehmonxona va turistik xizmatlarda qo'llanilishi 121

ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

Н.Тухлиев. Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти ... 126

R.V.Abdullaev, M.Sh.Orifjonov. Yashil sukuk – korxonalar innovatsion faoliyatini rivojlantirishning zamonaviy yechimi 130

A.A.Xudoyarov. Buxoro ziyoratgohlarini o'rganish va ulardan unumli foydalanishning samaradorligi 135

GANIYEV Avazbek,

*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi
Islom tarixi va manbashunosligi
IRCICA kafedrasida dotsenti, DSc*

NISHONOVA Zarnigor,

*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi
Islomshunoslik yo'nalishi 2-kurs magistranti*

SAUDIYA ARABISTONI VA TURKIYADAGI TURKISTON MUHOJIRLARI TARIXI (1917-1990-YILLAR)

THE HISTORY OF TURKESTAN EMIGRANTS IN SAUDI ARABIA AND TURKEY (1917–1990)

ИСТОРИЯ ТУРКИСТАНСКИХ ЭМИГРАНТОВ В САУДОВСКОЙ АРАВИИ И ТУРЦИИ (1917–1990)

Annotatsiya: Ushbu maqolada Turkiston milliy-ozodlik harakatining shakllanishi, rivojlanishi va uning ijtimoiy-siyosiy oqibatlari tahlil qilinadi. Turkiston xalqlarining mustamlakachilikka qarshi kurashi tarixiy jarayon sifatida ko'rib chiqilib, uning asosiy bosqichlari, yetakchi shaxslari va ularning maqsadlari yoritiladi. Shuningdek, harakatning g'oyaviy asoslari, uning mintaqadagi ta'siri va milliy o'zlikni shakllantirishdagi roli o'rganiladi. Tadqiqot davomida arxiv hujjatlari, tarixiy manbalar va zamonaviy tadqiqotlardan foydalanilgan. Olingan natijalar Turkiston milliy-ozodlik harakatining nafaqat mintaqaviy, balki xalqaro ahamiyatga ega ekanligini ko'rsatadi.

Kalit so'zlar: Turkiston, milliy-ozodlik harakati, mustamlakachilik, ijtimoiy-siyosiy jarayonlar, mustaqillik, milliy o'zlik, tarixiy harakat, siyosiy erkinlik, madaniy yangilanish, Markaziy Osiyo.

Annotation: The national-liberation movement in Turkestan against Soviet colonial rule represents a significant chapter in the history of Central Asia. This movement was driven by the desire of the indigenous peoples of the region to resist political oppression, economic exploitation, and cultural suppression imposed by the Soviet regime. The struggle for independence

was marked by multiple uprisings, the formation of autonomous governments such as the Kokand Autonomy, and the resistance efforts of movements like the Basmachi rebellion. Despite facing immense military and political opposition, these movements laid the groundwork for future nationalist aspirations and played a crucial role in shaping the modern identity of the Central Asian nations. This study explores the historical context, key figures, and long-term implications of the Turkestani resistance, shedding light on its legacy in the post-Soviet era.

Keywords: Turkestan, national liberation movement, colonialism, socio-political processes, independence, national identity, historical movement, political freedom, cultural renewal, Central Asia.

Аннотация: В данной статье рассматривается национально-освободительное движение в Туркестане, его предпосылки, ход и последствия. Анализируются социально-политические процессы, вызванные колониальной политикой, а также влияние этих событий на национальную идентичность и стремление к независимости. Особое внимание уделяется историческим движениям, направленным на политическую свободу и культурное возрождение региона.

Ключевые слова: Туркестан, национально-освободительное движение, колониализм, социально-политические процессы, независимость, национальная идентичность, историческое движение, политическая свобода, культурное возрождение, Центральная Азия.

KIRISH

O'tgan asrning 20-yillarida kommunizm zulmidan qochib, o'zga yurtlardan panoh izlagan Turkiston muhojirlari uchun Saudiya Arabistoni eng xavfsiz qo'rg'on bo'la olgan. Bundan tashqari bu yerda ikki Sharif shahar borki, Islom dini vujudga kelgan vaqtdan beri Musulmonlarni o'ziga chorlab turadi. Makka va Madina, musulmonlar uchun muqaddas shaharlar, Islom dinining muhim arkonlaridan biri bo'lgan haj ziyorati uchun har yili millionlab musulmonlarni o'ziga jalb qiladi.

Saudiya Arabistoni hududida joylashgan bu shaharlar har yili taxminan 3 million musulmonni qabul qiladi va mamlakat iqtisodiga 8-10 milliard AQSH dollari miqdorida daromad keltiradi. Tarixiy

ma'lumotlarga ko'ra, chorizm mustamlakasi davrida ham Turkiston o'lkasi musulmonlari haj ziyoratiga borib turgan. 1880-1900-yillarda har yili 3-5 ming turkistonlik haj ziyoratiga borar edi. Ba'zi ziyoratchilar tijorat yoki boshqa sabablarga ko'ra Arabistonda doimiy yashab qolishgan.

Sovet davrida, ayniqsa 20-30-yillarda, minglab o'zbeklar va boshqa turkistonliklar Sovet Ittifoqidagi siyosiy qatag'onlardan qochib, Arabistonga ko'chib o'tishga majbur bo'lganlar. Arxiv hujjatlariga ko'ra, 1960-yillarda Saudiya Arabistoni va Misrda 37 ming turkistonlik yashagan. Ular orasida o'zbek, tojik, turkman, qirg'iz va qozoqlar bor edi. Ushbu diasporaning shakllanishi Sovet Ittifoqidagi qiyinchiliklar va Arabistondagi qulay sharoitlar bilan bog'liq. Saudiya Arabistonidagi o'zbeklar soni haqida turli ma'lumotlar mavjud. Ba'zi manbalarda 400 ming, boshqalarida esa 350 mingdan 700 minggaacha o'zbek va boshqa turkistonliklar yashashi aytiladi. Ularning aksariyati tijorat bilan shug'ullanadi va Madina, Makka, Toif, Ar-Riyod kabi markaziy shaharlarda yashaydi. Saudiya Arabistonida buyuk ajdodimiz Imom Buxoriyning nomi ulug'lanadi. Turkistondan muhojir bo'lib borgan vatandoshlarimizning aksariyati o'z ismlariga Turkistoni, Buxoriy nisbalarini qo'shib aytadilar.

ASOSIY QISM

Ma'lumki Turkiston muhojirlari asosan ikki yo'l orqali vatanni tark etishgan. Ushbu yo'llarning biri Amudaryo orqali Afg'onistonga olib chiquvchi yo'l bolsa, ikkinchisi esa Ergashtom orqali Qoshg'arga olib boruvchi yo'l edi. Amudaryo orqali Afg'onistonga o'tish jarayonlari masalasi yuqorida qisman bo'lsa-da ko'rib o'tildi. Ergashtom dovoni orqali asosan Farg'ona vodiysi xalqi muhojirlikka chiqib ketgan. Muhojirlikka oid xotiralar bilan tanishish jarayonida shunga amin bo'ldimki, Ergashtom yo'li ancha xavfli bo'lgan. Mo'minjon Ismoiljon o'g'li Andijoniyning xotirlashicha Andijondan O'shga, undan Chig'irchiq dovonini oshib, G'ulja orqali So'fiqo'rg'onga o'tib, bir oy yo'l bosib Ergashtomga yetib kelganlar. Ushbu safar davomida siyosiy va tabiiy ob-havo sharoitlari bilan bog'liq xavf-xatarli kunlarni boshlaridan

o'tkazganliklarini alohida ta'kidlab, sovuq havo, oziq-ovqat tanqisligi va har kuni ayg'oqchilar xavfi mavjud bo'lgan bu davrda qo'lga tushganlar beayov otib tashlanganligini ham xotiralarida qayt etib o'tgan. Yo'llardagi qiyinchiliklar, xususan, So'fiqo'rg'ondan Ergashtomgacha bo'lgan tog' yo'llari azobi va GPU ayg'oqchilaridan yashirinib o'tkazilgan kunlar va tunlar Mulla Qurbonalining Saudiya Arabistonida yashayotgan va hozirda qarib qolgan nabiralari Muminjon va Olimjon hamda Abdullojon o'g'li Komiljonlar tomonidan hanuzgacha hayajon bilan eslanadi. Ular bu xotiralarni hayotlarining eng mudhish va tashvishli kunlaridan biri sifatida umrbod unutmaganlar. Ergashtom dovonidan o'tayotgan muhojirlar yo'lda yuklarini eshaklarga ortib, o'zlari piyoda yurishgan. Odamlar 8-10 kishilik guruhlariga bo'linib, tunlarda yo'lga chiqishgan va Qoshg'ar yo'lidan adashmaslik uchun mahalliy qirg'izlardan "yo'l boshchi-qorovul" yollashgan [2, 896 b.].

Ot va eshaklarning yurishidan shovqin chiqmasligi uchun ularning tuyoqlarini kigiz parchalari bilan o'rab bog'lashgan. Saharga yetganda guruh-guruh bo'lib to'xtab, qalin daraxtzor yoki yo'ldan chetdagi tog' etagida kun bo'yi yashirinib o'tirishgan, tun yarim bo'lganda esa yana yo'lga chiqishgan. Ular uchun Ko'ksuv postidan o'tib olish tahlikali jarayon edi, chunki Ko'ksuv katta daryo bo'lib, ko'prikdan o'tish xavfli va barcha yo'lovchilar u yerda sinchkovlik bilan tekshiruvdan o'tkazilgan [3, 30 b.]. Yo'ldagi mashaqqatlarni yengib hayotlarini davom ettirish uchun kelgan muhojirlarga oson bo'lmagan albatta. Ularni borgan joylarida avvalo tirikchilikni qanday o'tkazish masalasi kutib turardi va bu masalada ko'plab muhojirlar qiyinchiliklarga duch kelganlar. Xususan, Saudiya Arabistoniga muhojir bo'lib ketgan Turkistonliklar ham bu borada qator qiyinchiliklarni boshlaridan kechirganlar. Bu haqida Sayyid Mubashshir Kosoniy o'z xotiralarida qayt etib o'tgan. U 1953-yilda Onasi bilan haj safariga boradi. O'sha vaqtlarda Makkada elektr energiyasi va suv ta'minoti yetishmovchiligi, shuningdek, tirikchilikning og'irligi haqida aytib o'tgan. Muallif arab tilini bilishi tufayli kichik bir do'konda ishlash imkoniyatiga ega bo'lgan. Do'kon egasi

bilan kelishuvga ko‘ra, foydaning yarmi muallifga tegishli bo‘lishi kerak edi. Muallif Makka shahrida yashash uchun ruxsatnoma olishga harakat qiladi, ammo unga mamlakatdan chiqib ketish buyrug‘i beriladi. Bu vaziyatda Makkada tashkil etilgan Namangan takyasidan vatandoshi Zokirjon hoji unga yordam berishga harakat qiladi va muallifning mamlakatda qolishi uchun kafil bo‘ladi. Zokirjon hoji Shokir Ziyo ismli shaxs bilan uchrashib, muallifga ruxsatnoma olish uchun yordam so‘raydi. Shokir Ziyo, agar biror Saudiya fuqarosi kafolat bersa, muallifga ruxsatnoma berilishi mumkinligini aytadi. Muallif do‘kon egasi Mahdum aka bilan bo‘lgan kelishuviga ishonib, ishini davom ettiradi. Ammo, Mahdum aka muallifga yordam berishdan bosh tortadi va do‘konda ishlashni faqat savob uchun berganini aytadi. Bu vaziyatda muallif do‘kon ishidan butunlay vos kechib, Zokirjon hoji bilan chiqib ketadi. Muallifning xotiralari bilan tanishish jarayonida Muhojirlarning orasida qiyinchilikda qolgan vatandoshlarining ahvoriga befarq qaramaydigan insonlar ham ko‘pchilikni tashkil etganligiga guvoh bo‘lamiz. Bu haqida Muallif mamnuniyat bilan yozgan.

O‘sha davrda Saudiya Arabistonda yashayotgan Turkistonliklarning aksariyati tijorat ishlari bilan shug‘ullanar edi. Muallif ana shunday do‘kondorlardan biri Muhammadamin ismli shaxsdan vaziyatni aytib yordam so‘ragan. O‘z navbatida ushbu inson Muallifni. Muzxonada bosh muhandis bo‘lib ishlovchi Umar Afandi ismli inson bilan tanishtiradi va Muallifga yashash ruxsatnomasini olish va ishga joylashishi uchun yordam berishini iltimos qilgan. Umar Afandining yordami bilan Muallif yashash ruxsatnomasiga ega bo‘lgan va yuk mashinasi haydovchisi bo‘lib ishga joylashgan [4, 70 b.].

Tarix fanlari doktori, professor Rustambek Shamsutdinovning 1993-yilda nashr etilgan “Boburni izlab” nomli kitobida Saudiya Arabistonda safarda bo‘lgan vaqtida vatanni tark etishga majbur bo‘lib, muhojirlik yillarining aksar qismini Afg‘onistonda o‘tkazib, keyinchalik Saudiya Arabistonga kelib joylashgan Abdumalik ota bilan suhbatda bo‘lgan va kitobda mazkur suhbatdan parchalar keltirgan. Abdumalik ota

30-yillarning dahshatlari haqida shunday hikoya qigan: “Ha, biz yosh edik, Stalin badbaxt odamlarni qirib yuborgan. Oq g‘orni tepasida Latta Zovud degan joy bor edi. O‘sha yerga odamlarni olib borib, o‘zlariga chuqur kovlatib, odamlarni osardi, otardi. Kim boy bo‘lsa, kim olim bo‘lsa, eshon bo‘lsa, namoz o‘qisa, undaylarni o‘sha joyga olib borib otaverishgan. Xotinlar hammasi paranjida edi.

Leninning haykali bor edi, o‘sha joyga xotinlarni olib borishib, paranjilarini kuydirishib, hammasining yuzini ochib yuborishardi. Avval kolxoz yo‘q edi, hamma erkin savdo-sotiq qilardi. Sho‘rolar bularni taqiqladi. Afg‘oniston musulmon hukumati edi. Shu bois ne azoblar bilan Andijonni tark etib, hijratni farz aylashga to‘g‘ri keldi. Avval Tojikistonga keldik. Xonobod, Bog‘lon degan joylarda bo‘ldik. Afg‘onistonda tijorat qildik, do‘kon qildik, xotin oldik, hayot yaxshi bo‘ldi. Ammo bu yerga ham “Sho‘rolar” yetib keldi, “Savr inqilobi” deb nomlangan mudhish voqealar boshlanib ketdi. Darbadar bo‘ldim. Kommunistlarga qarshi urushdim. Afg‘onistondan Madinaga kelganimga salkam 2 yil bo‘ldi” [6, 43 b.].

Shu kabi jonli xotiralar bugungi avlodga ajdodlarimiz qanchalar og‘ir sinovlarni boshlaridan kechirganliklarini chuqurroq anglagan holda, bugungi tinch ozod vatanimizni qadriga yetib, uni kelajak avlodlarga ham ozod va tinch holda yetkazish zarur ekanligini ta’kidlaydi. Muhojirlikda yashayotgan o‘zbeklar eng avvalo o‘z ona tillari o‘zbek tilini saqlab qolish, o‘zbek milliy urf-odat, an‘analariga sodiq qolishga harakat qilganlar.

1930-yillar boshida Saudiya Arabistonga ketgan Mo‘minjon Andijoniy o‘z maktublarining birida: “Olti farzandim bor. Ularga tarbiya berish va o‘qitishda asosiy maqsad qilib o‘zbek tilini o‘rganishni qo‘ydim. Farzandlarim o‘zbek tilini juda sof gapiradilar, gapirganda xuddi O‘zbekistondan kelgan kishilarni eslatadilar. Hijozga (Saudiya Arabistoni) ko‘chib kelganimizda ko‘p vatandoshlar o‘z farzandlariga o‘zbek tilini yetarli o‘rgatmaganliklarini sezib, biz ularni tanqid qildik. Hozir bolalarimizning orasida o‘zbek tilini bilmaydigani yo‘q” [2, 26 b.], deb yozgan edi.

O'z farzandlariga o'zbek tilini o'rgatish yo'lida u yoki bu mamlakatlardagi o'zbek vatandoshlar maxsus jamoalarga birlashib, mablag' to'plab, xususiy va o'zbek jamoa maktablarini qurganlar, oralaridan savodxon ziyolilarni iqtisodiy jihatdan ta'minlab, mudarrislik, muallimlik qilishga sharoit yaratganlar.

Sovet davri Turkiston muhojirlari tarixini o'rganish davomida ushbu mavzuning muhim bir jihati bilan qiziqdim. Bu jihat xorij davlatlarining Turkiston muhojirlariga qanday munosabatda bo'lganligidir. Xususan Saudiya Arabistonida mazkur masalaga qanday qaralgan? 1994-yilda Saudiya Arabistonida ilmiy safarda bo'lgan Boburshunos olim Sayfiddin Jalilov Makka, Madina, Jidda, poytaxt Riyoz, shuningdek, Toif va Robigda yashovchi vatandoshlarimiz bilan suhbatda bo'lgan va keyinchalik 2006-yilda Saudiya Arabistonida yashayotgan vatandoshlarimiz haqida "Buxoriylar qissasi" nomli monografik tadqiqotini e'lon qilgan. Unda keltirilgan ma'lumotlarga ko'ra Saudiya Arabistoni davlati dastlabki yillardan boshlab buxoriylarga o'z hayotlarini tartibga solib olishlari va musofirlikdan aziyat chekmasliklari uchun yaxshi sharoitlar yaratib bergan va yordam ko'rsatgan. Bu haqda ba'zi vatandoshlarimizning quyidagi so'zlaridan bilsa bo'ladi: "Hukumat bironta buxoriyning burnini qonatmagan" (Safohon Jalolxon Marg'iloniy). "Kimki halol mehnat qilib, biron kasb bilan shug'ullansa, unga ko'mak berdi" (Abdulhamid Ahmadali Maxdum); "Hukumat hech kimdan soliq olmadi" (Ahmadali To'lqin); "Davlat uy-joy qurib olishimiz uchun bizga yerlar ajratib berdi" (Qori Abduhakim); "Uy-joy qurishga davlatdan qarz olsa-yu, kimki uni muddatida to'lab tursa, oxirida qarzining ma'lum foizini kechib yubordi" (Habibullo Nazirjon) va hokazo.

Shuningdek, ayrim shaharlar mahalliy hokimiyat vakillarining so'zlariga qaraganda butun Arabistonning keyingi 70 yillik tarixida buxoriylardan bironta o'g'ri, kazzob, tovlamachi, qotil, fohishaboz, nashavand yoki xufya ichuvchi ("piyanista") chiqmagan, shuningdek, bironta vatandoshimiz xizmat jarayonida davlatga xiyonat qilib, ishdan ham haydalmagan, qamalmagan. Bu hayotiy haqiqat ham Arabiston hukumatining

buxoriylarga bo'lgan munosabatida muhim omil bo'lib, ular hayotiga ijobiy ta'sir ko'rsatib kelgan [3, 69 b.].

Saudiya Arabistonida yashagan Turkiston muhojirlari haqida so'z borar ekan, Turkistonning yetuk olimi Mahmud ibn sayid Nazir at-Taroziy ya'ni Oltimxon To'ra haqida, garchan uning hayot yo'li va qoldirgan ilmiy merosi alohida tadqiqotmi talab qilsa-da, mazkur tadqiqotimda qisqacha ma'lumot berib o'tishni lozim deb topdim. Oltinxon To'ra, to'liq ismi Mahmud ibn Sayyid Nazir at-Taroziy bo'lib, taxminan 1894-yilda Avliyo ota (hozirgi Taroz shahri)da tug'ilgan va 1991-yil 26-iyunda Makkada vafot etgan. U taniqli ulamo, adib va tarjimon bo'lgan. U dastlabki ta'limni otasidan olgan, keyinchalik shayx ibn Kamol Nosirxon To'ra Kosoniy va davrining boshqa yetuk olimlaridan ta'lim olgan. Xo'jand, Toshkent va Buxoro madrasalarida tahsil olgan. Arab, fors va turk tillarining barcha lahjalarini mukammal egallab, mudarris bo'lib yetishgan. Sho'ro tuzumining ziyolilarga va ilm ahllariga nisbatan o'tkazgan nohaq zug'umi sababli, Oltinxon To'ra mamlakatdan chiqib ketishga majbur bo'lgan. 1932-yildan boshlab Kobul shahrida yashay boshlagan va bir muddat Afg'oniston maorif vazirligida maslahatchi lavozimida faoliyat yuritgan. Keyinchalik Hindistonning Bombay shahridagi masjidda imom xatib bo'lib xizmat qilgan.

Ikkinchi jahon urushi boshlangandan keyin Saudiya Arabistoniga ko'chib borib, umrining oxirigacha Makka va Madina shaharlarida yashab ijod etgan. Oltinxon To'ra Makkadagi Harami sharif va Madinadagi Masjid an-nabaviyda mudarrislik qilib, Qur'on va hadislardan saboq bergan. Oltinxon To'ra hazratlari o'z vatani Turkistonda ilm olish imkoniyatlari cheklanganligi sababli chet elga chiqib, ilmini boyitgan va turkiy xalqlarga tarqatishga harakat qilgan. U Afg'oniston, Hindiston va Saudiya Arabistonida yashab, ilmiy faoliyatini davom ettirgan. Muhojirlik hayoti unga ilmiy bilimlarini yanada boyitish va turkiy millat vakillariga taqdim etish imkonini bergan. Oltinxon To'ra islomiy va odob-axloqqa oid manbalarni arabcha savodi bo'lmagan turkiy xalqlarga

yetkazishga harakat qilgan. U mashhur asarlarni o'zbek tiliga tarjima qilib, ularni vatanga yuborish yo'llarini izlagan.

Uning ba'zi asarlari O'zbekistonga yetib kelgan va o'z navbatida dinsizlik hukmi ostida yashayotgan Turkistonliklar, ma'naviyatini to'ldirishga hissa qo'shgan. U asarlarni muhim izohlar va zarur sharhlar bilan to'ldirgan. Oltinxon To'raning muhim asarlaridan biri "Riyoziy us-solihin" kitobi bo'lib, bu asar sharhlar bilan tarjima qilingan. Shuningdek, uning Qur'oni karimning izohlar bilan qilgan tarjimasi o'zbek tiliga qilingan birinchi tarjima hisoblanadi. Bu tarjima Hindiston, Pokiston va Saudiya Arabistonida nashr qilingan.

"Nur ul-basar" asari ham muhim tadqiqotlardan biri bo'lib, Payg'ambarimiz hayotiga bag'ishlangan. Oltinxon To'ra jami 20 ga yaqin asar yozgan. Uning asarlari orasida "Qur'oni karimning tarjimasi va tafsiri", "Riyoziy us-solihin"ning sharhlari va tarjimasi, "Aqid ul-islom", "Hizb ul-a'zam" duolar to'plami, "al-Fiqh ul-Akbar"ning sharhli tarjimasi, "Aqidai Tahoviy" asariga sharh, "Devoni qasoidi Mahmudiya", "Shamoili Muhammadiya" kabi asarlari mashhurdir. Shuningdek, Oltinxon To'raning boshqa muhim asarlari qatoriga "Kitob al-haj", "Yosin" surasining tarjimasi va sharhi, "Musaddasoti Mahmudiya", va "Nuru ul-basar" kiradi. "Nuru ul-basar" kitobi Payg'ambarimizning hayotiga bag'ishlangan bo'lib, u eski turkiy yozuvda yozilgan. Bu kitobda Payg'ambarimizning tug'ilishidan to'vafot etgunlariga qadar bo'lgan hayoti qisqacha yoritilgan. Oltinxon To'ra nafaqat diniy olim, balki mohir shoir va adib sifatida ham tanilgan. Uning she'riy to'plamlari ona vatani haqida so'z yuritadi. U vatandan olisda yashaganligi sababli, she'rlarida vatanga bo'lgan sevgi va sog'inchi tuyg'ulari aks etgan. Shoir Turkistonning taqdiri haqida qayg'urib, uning ozodligini Allohdan so'ragan. Oltinxon To'raning she'rlari uning vatan ishq va ozodlik istagida yashaganini ko'rsatadi. Oltinxon To'ra hazratlarining ilmiy me'rosi – Mir Arab madrasasi [8, 1 b.].

Yaqin o'tmishda yashab o'tgan va aksariyati bugungi kunda hayotdan ko'z yumgan ana shunday millatdoshlarimizning bosib o'tgan hayot yo'llari bilan tanishib, to'g'ri xulosa chiqargan holda vatan qadrini chuqurroq anglashimiz zarurdir.

Turkistonlik muhojirlar uchun tili, dini, va madaniyati jihatidan yaqin va birmuncha qulayroq bo'lgan yana bir davlat bu Turkiya bo'lib, aksar aholisi musulmon va madaniy yaqinligi tufayli, o'zbek muhojirlari uchun birmuncha ishonchli manzil bo'la olgan. Turkiyada yashovchi o'zbek diasporasi soni taxminan 70 mingni tashkil etadi. Ular mamlakatning deyarli barcha viloyatlari va yirik shaharlarida istiqomat qiladilar. Turkiyada "o'zbek" deb nomlangan to'qqizta qishloq mavjud bo'lib, ular Chanoqqal'a, Chankiri, Diyarbakir, Erzurum, Izmir, Qahramanmarash, Sakarya va Shirnak viloyatlarida joylashgan. O'zbeklar Turkiyaga turli davrlarda kelib joylashganlar. Ularni shartli ravishda quyidagicha tasniflash mumkin:

1. O'rta asrlarda Movarounnahr hududidan kelgan o'zbeklar, ya'ni ularning ajdodlari;
2. Birinchi Jahon urushi davrida Usmonli imperiyasi qulaganidan keyin Saudiya Arabistoni hududidan kelgan o'zbeklar;
3. Ikkinchi Jahon urushi paytida nemislar tomonidan asirga olingan va Turkiston legionida xizmat qilgan o'zbeklar. Urushdan so'ng, ba'zilar Turkiyada yashaganlar;
4. 1952-yilda Afg'onistondan ko'chib o'tgan o'zbeklar;
5. Sovet qo'shinlari bosqinidan so'ng Afg'onistonni tark etishga majbur bo'lgan va qo'shni mamlakatlarda vaqtincha boshpana topgan o'zbeklar. 1982 yilda ushbu odamlarning bir necha ming nafari Turkiya Respublikasiga ko'chirish dasturi asosida keltirilgan;
6. O'zbekiston mustaqillikka erishgandan keyin turli sabablar bilan Turkiyaga kelgan o'zbeklar. Ushbu tarixiy jarayonlar Turkiyada o'zbek diasporasining shakllanishiga olib kelgan [10, 1 b.].

Shuningdek, Turkiya hukumati ham o'zbek muhojirlarini qabul qilib boshpana bergan. Bu haqida umrining ko'pgina qismi muhojirlikda kechgan Sayyid Mubashshir Kosoniy o'zining xotiralarida shunday yozadi. "Yana o'z xotiralarimni davom etay. Shunday ko'rgiliklarga qaramay bizlar har qanday avvalgi muhojir ahliga nisbatan "baxtli" ekanmiz. Chunki, shu paytda

yuqorida aytganim cho‘lu biyobonlarga haydaliş to‘xtatilgan. Bilishimcha bunga bir sabab bor ekan. Turkiya Jumhuriyati Raisi Mustafo Kamol Otaturk Anqara shahrida afg‘on elchisi Fayz Muhammadxonni huzuriga chorlab, afg‘onlarning Turkiston muhojirlariga g‘ayriinsoniy munosabatda bo‘layotganidan g‘azablanib, norozilik bayonoti bergan, o‘tkazilayotgan zolimlik siyosatini qoralab: “Agar mamlakatingizda Turkiston musulmon muhojirlari uchun joy bo‘lmasa, bizga topshiring!” degan. Bu gapni men Sayyid Muhiddinxon to‘raning xizmatlarida bo‘lgan chog‘imda eshitgan edim. Shu masala haqiqat bo‘lsa kerak, deb o‘ylayman. Chunki afg‘on hukmdorlari yangi kelgan Turkiston muhojirlarini Dahana-i G‘urriy degan mintaqaga (Xonoboddan 110 kilometr uzoqlikdagi joy) surgun qilishga qaror qilgan ekan” Gaziantep universiteti ijtimoiy fanlar jurnali 2023-yil maxsus sonida Erjiyes universiteti Adabiyot fakulteti tarix bo‘limi o‘qituvchisi, Erhan Yoska “Turk dunyosidan Turkiyaga ko‘chishlar: 1931-1982-yillar davriga sharh” nomli maqolasida bu haqida quyidagicha ma‘lumotlar keltirgan: “Imperiyaning tugashidan to Turkiya Respublikasi tashkil etilgan dastlabki yillarigacha bo‘lgan davrda uzoq davom etgan urushlar tufayli aholi soni qisqardi. Bu jarayon Turkiyaga iqtisodiy, ijtimoiy va harbiy mudofaa nuqtai nazaridan salbiy ta‘sir ko‘rsatdi. Turkiya Respublikasining ilk yillarida yangi davlat va yangi tuzumning milliy o‘zligini mustahkamlash, malakali kadrlarga ega bo‘lish va turk xalqini yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan xavf-xatarlardan qutqarish uchun turk millatiga mansub, madaniy jihatdan bir xil aholiga muhtoj edi.

Keyinchalik Mustafo Kamol Posho bu ehtiyojni qondirdi. “Darhaqiqat, mamlakat aholisining soni afsuslanarli darajada, chegaralarimizdan tashqarida yashayotgan bir xil millat va madaniyatga mansub odamlarni olib kelib, ularni tinch holatda turmush kechirishiga yordam berish orqali aholi sonini ko‘paytirish kerak. Rossiyadan olib kelish imkoni bo‘lsa, u yerdan ham olib kelamiz”. Mustafo Kamol Posho tomonidan bu so‘zlar bilan ilgari surilgan aholi siyosatiga muvofiq, turk ziyolilari va turkiy madaniyatli muhojirlarni ko‘chirish va joylashtirish maqsad qilingan. Shu maqsadda

Turkiya Respublikasining turar-joy siyosatining bosh asosini tashkil etuvchi 2510-sonli qaror qonuni kuchga kirdi. Ushbu qonun milliy tuzilmani himoya qilishga, aholining sifat va sonini yaxshilashga qaratilgan. Shu maqsadda ushbu qonun muhojirlarni Turkiyaga qabul qilish shartlarini belgilab berdi”. Yuqorida keltirilgan ma‘lumotlar Sayyid Mubashshir Kosoniyning so‘zlari haqiqat ekanliginida kidlab turibdi. Darhaqiqat o‘sha davrda O‘zbek, Qozoq, Qirg‘iz, Turkman, Tojik millatiga mansub Turkistonning ko‘plab musulmon aholisi shuningdek Sharqiy Turkistonlik Uyg‘urlardan ko‘pchiligi Turkiyaga kelib joylashdilar. Shu o‘rinda bir savol, tug‘iladi.

Muhojirlarning Turkiyaga kelishi va joylashish jarayonlari qanday kechgan edi? Masalaning bu jihatini kengroq yoritish uchun ushbu mavzu doirasida yurtimizda va Turkiyada olib borilgan tadqiqotlarga murojaat qilamiz. Albatta, bu jarayon qiyinchilik bilan amalga oshirilgan. Ikkinchi jahon urushi oldidan bolsheviklar boshqaruvining sovetlashtirish siyosati qarshisida turk xalqi va jamoalari fursat bo‘lganda Turkiyadan boshpana so‘rashga harakat qildilar.

Shu nuqtai nazardan, arxiv hujjatlarida aks ettirilgan ommaviy ko‘chish harakatlaridan biri 1931-yilda Qizilchakchak hududida sodir bo‘lgan Turkiyadan boshpana olmoqchi bo‘lgan turk ziyoli muhojirlari guruhini qo‘lga olishga urinayotgan Qizil Armiya askarlari Turkiya chegarasini 3 marta kesib o‘tib, turk askarlari bilan to‘qnashdilar. Yana, 05.11.1931-yilda Rossiya tarkibidagi Kamarli, va boshqa bir nechta qishloqlardan Aras daryosidan o‘tishga uringan 124 nafar muhojirlarga qarata o‘t ochilgan va kurashdan keyin atigi 38 kishi Turkiyadan boshpana so‘rashga muvaffaq bo‘lgan bolsheviklar tomonidan turk ziyolilariga nisbatan tazyiq kuchaygani sari Turkiyaga boshpana so‘raganlar soni ham ortdi.

1933-yili Kars gubernatorligi turk millatiga mansub 1745 qochqinning sovetlardan qochib Turkiyadan boshpana topgani haqida xabar berdi. Sovet ma‘muriyati Turkiya tomon migratsiya harakatlarini to‘xtatmoqchi bo‘lib, 1933-yilda Turkiya bilan chegara buzilishlarini hal qilish uchun qo‘shma komissiya tuzishga qaror qildi. Chegarada

qizil armiya askarlari nazorati kuchaytirildi. Qayd etilgan chora-tadbirlarga qaramay, Sovet Ittifoqidan Turkiyaga migratsiyaning oldini olish mumkin emas edi.

Ikkinchi Jahon urushidan oldin migratsiya yo'li bilan boshpana izlab Turkiyaga kelgan, ammo arxiv hujjatlarida aniq millati ko'rsatilmagan 12477 nafar qochoqning arizalari 1938-yil 18-martdan 1939-yil 14-martgacha bo'lgan davrda Vazirlar Kengashi tomonidan muhokama qilindi va qabul qilindi. Muhokama qilingan qochqinlardan tashqari, 1938-yil 1-aprelda 51 nafar Sovet ittifoqi turklarining va 1938-yil 18-mayda 38 nafar shaxsning arizalari 1312-sonli Qonunning 5-moddasiga ko'ra Vazirlar Kengashi tomonidan qabul qilindi. Mavjud qiyinchiliklarga qaramay, Turkistonlik muhojirlar Turkiyaning turli xududlariga joylashdilar va u yerlarda hayotlarini davom ettirishga harakat qildilar. Bu borada Turkistonning yetakchi shaxslari masofadan turib harakat qilganlar. Ana shunday shaxslardan biri Shermuhammadbek qo'rboshi hisoblanadi. Vatanimiz tarixida 1917-yildan keyin istiqlolchilik harakatlari Turkiston o'lkasi bo'ylab keng tarqaldi. Ammo bu harakatlar hech qanday natija bermadi. sovet hokimiyatiga qarshi kurashgan ajdodlarimizning ko'plari shahid bo'ldi, ayrimlari esa hayotlarining qolgan qismini o'zga yurtlarda muhojirlikda o'tkazishga majbur bo'ldilar.

Turkistonda Sovet hokimiyatiga qarshi kurashgan taniqli namoyandalardan biri marg'ilonlik Shermuhammadbek qo'rboshi (1893-1970) sanaladi. U 1918-1922-yillarda Farg'ona vodiysidagi milliy ozodlik harakatining yetakchi rahbarlaridan biri edi. Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek Turkiston ozodligi uchun olib borilgan barcha harakatlar besamar ketdi. Bu yo'lda ayovsiz kurash olib borgan Shermuhammadbek qo'rboshi ham hech qanday natijaga erisha olmagach ilojsizlik natijasida 1927-yilda ukasi Nurmuhammadbek qo'rboshi bilan birga Afg'onistonga ketishga majbur bo'lgan.

Shermuhammadbek qo'rboshining Farg'onadagi istiqlolchilik harakatlari, shuningdek uning muhojirlik hayoti haqida ma'lumot beruvchi Qahramon Rajabovning "Shermuhammadbek

qo'rboshi" nomli risolasidan ko'plab ma'lumotlar olishimiz mumkin. Quyida ushbu risoladan Shermuhammadbek qo'rboshining boshidan kechirgan muhojirlik hayotidan qisqacha ma'lumot keltirib o'tamiz:

"Aka-uka Shermuhammadbek va Nurmuhammadbekning Afg'onistonda muhojirlikda o'tgan hayotlari ancha mashaqqatli bo'lgan. Kobulning rasmiy hukumati Sovet Rossiyasi tazyiqi bilan ularga noxush munosabatda bo'lgan. Shermuhammadbek keyinchalik ma'lum muddat Hindistonda, 1951-1955-yillarda Pokistonning Peshovar shahrida yashadi. Tarixchi olim R.Shamsutdinovning yozishicha, 1951-yili Afg'onistonda yashagan turkistonlik muhojirlar Turkiyadan siyosiy boshpana olishdi. Aka-uka Shermuhammadbek va Nurmuhammadbeklar bu ishga bosh-qosh bo'ldilar. Shermuhammadbek vaqtincha Peshovarda, Nurmuhammadbek esa Karochida yashab, 1111 kishini Turkiyaga jo'natishdi. Nihoyat, 1955-yili Shermuhammadbek o'z oilasi bilan Turkiyaga keldi va to umrining oxirigacha Turkiyaning Adana shahrida hayot kechirdi. 1970-yil 10-martda Shermuhammadbek, 1984-yil 10-yanvarda Nurmuhammadbek Adana shahrida vafot etishdi. Shermuhammadbekning o'limi turkistonlik muhojirlar uchun katta yo'qotish bo'ldi. O'sha kunlari Adanada motam e'lon qilindi. Uning dafn marosimiga minglab kishilar yig'ildi" [1, 25 b.].

O'tgan asrning 20-yillarida Turkiston taraqqiyparvarlarining sayi-harakatlari bilan bir guruh yoshlar Germaniyaga o'qishga yuborilgan. Ammo Sovet hokimiyatining shavqatsiz siyosati ushbu yoshlarni ham chetlab o'tmagan va natijada mazkur talabalarning aksar qismi o'qishni tamomlab o'z vatanlariga qayta olmaganlar va ularning ma'lum bir qismi ikkinchi jahon urushi oldidan Turkiyaga kelib joylashganlar. Toxir Chig'atoy, Ibrohim Yorqin, Ahmadjon Ibrohimov, Abduvahob Ishoq va Saida Sherahmedovalar shular jumlasidandir. Ularning har biri Germaniyada egallagan bilim va tajribalarini o'z vatanlarida amalga tadbiiq etish nasib qilmagan bo'lsa-da Turkiya jamiyatida o'z o'rinlarini topishda muhim omil bo'lib xizmat qildi. Xususan, Ahmadjon

Ibrohimov madanshunoslik sohasida, Ibrohim Yorqin zootexnik, Abduvahob Ishoq tibbiyot sohasida, Saida Sherahmedova pedagogika sohasida va Toxir Chig'atoy Anqara universitetida sotsiologiya sohasida faoliyat yuritganlar.

Ularning hayot yo'llari va o'z sohalarida erishgan samarali natijalari haqida taniqli adabiyotshunos olim Sh. Turdiyevning "Ular Germaniyada o'qigan edilar" nomli kitobida batavsil ma'lumot berilgan. Sh. Turdiev o'z tadqiqoti so'ngida 20-yillarda Germaniyaga o'qishga borgan talabalar ushbu kitobda tilga olingan kishilardangina iborat emasligi, o'z vatanlaridagi siyosiy ta'qibdan qochib, xorijda qolib ketgan sobiq talabalar orasida Saidali Usmoniy, Ahmad Shukriy, Ahmad Naim, Afzal Abdusamad, Abdulmajid Ibrohim, Sobir Turkistonli, Temurbek Kazbekov, Olimjon Qodirov, Muhammad Xo'jayev, B. Eminjonov kabilar ham bo'lsalar-da, ular haqidagi arxiv ma'lumotlari, ko'p emasligini afsus bilan ta'kidlagan. Shuningdek muallifning qayt etishicha, o'tgan asrning boshlarida o'rtaosiyolik talabalar Germaniyadan tashqari, Turkiya, Fransiya, Angliya, hatto Yaponiyaga ham o'qishga borganlar.

"Farg'ona" gazetasining 1923-yil 26-aprel sonida Rafiq nomli muallifning yozishicha, o'sha davrda Yevropada o'qigan talabalar soni 500 dan kam bo'lmagan. Ushbu ma'lumotlar bugungi kun tarixchilarini g'oyat muxim va dolzarb izlanishlar olib borishda davom etishga undaydi [9, 155 b.]. Yoshlik jurnalining 1989-yil 9-sonida shoir To'ra Mirzoning Turkiyaga qilgan safar ta'surotlari haqida bergan intervyusida Turkiyada yashayotgan Turkistonliklar xususida to'xtalib o'tgan. Turkiyada yashayotgan Turkistonliklar o'zbeklar, qozoqlar, qirg'izlar, turkmanlar ba'zi sovet yozuvchilari tasvirlaganlaridek, gadoychilik, tilanchilik qilishmayotganini, ular faqat ona-yurt diydorining tilanchilari, ekanligini ta'kidlab shunday degan edi: "Buni she'r o'qiganimda Chig'atoy lahjasida siz u mendan toza gaplashadigan, soqollari ko'ksilarini qoplagan chollar yig'lashganida o'z ko'zim bilan ko'rib, ishondim.

Vatandoshlarimiz bilan suhbatlashar ekanman, ularning tantiligi, zukkolidan g'ururlandim. "Turkiston" jamiyatining boqoni Ahad Andijonning

siyosiy bilimiga tan berdim. Jahonning o'nlab tillarida gapira oladigan bu yigitning Orol fojiasi va Afg'onistonda halok bo'lgan o'zbeklar haqidagi maqolalarini o'qib, g'oyat mutaassir bo'ldim.

Turkiya televideniesi orqali tez-tez chiqishlar qilayotgan, asli Afg'onistonda tug'ilgan o'zbek hofizi Sobir Qorgarning mung to'la qo'shiqlari yuragi tosh odamni ham yig'latmasdan qo'ymaydi. Men ko'rgan, suhbatlashgan kishilardan fabrika egasi, tijoratchi Shavkat Oynuralning (otasi qo'qonlik) ko'zlarida Vatan sog'inchi charaqlardi, otaxon yozuvchi Yassaviy (Turkiston shahridan) ning yuzidagi ajin izlari Turkiya va Turkiston yo'llari kabi chalkash edi. Ular faqat Vatanni qo'msashadi, Vatan nafasini olib kelgan kishilarni izzat-ikrom qilishadi, ulardan o'z ona tillarida bir og'iz shirin so'z kutishadi. Obid Oynural va Shavkat Oynuralning aytishlaricha, Istambulga kelgan qaysidir bir ansamblni, "Bahor"mi yoki "Lazgi"mi, ko'rgani borishibdi. Ko'rgulikni qarangki, o'zbek shevasini eshitishga mushtoq aka-ukalarga raqqosa qizlar rus tilida javob berishibdi." Bundan tashqari Shoirning xotiralari bilan tanishish jarayonida yana bir jihat e'tiborimni tortdi.

Shoir Turkiyaga kelgan ilk kunidayoq Turkiyada muhojirlikda yashayotgan Turkistonliklarning bir-birlariga befarq emasligini his qilgan holda shunday hikoya qilgan: "Menga qattiq ta'sir qilgan, xotiramda muhrlanib qolgan bir voqeaga ham to'xtalib o'tmasam bo'lmaydi. Turkiya tuprog'idagi ilk kunimiz musofirxonadagi xonam derazasidan tikilib, mahobatli jome'ga ko'zim tushdi. Qiziqib bordim. Tepako'cha jome'i ichkarisiga qadam qo'ydim-u, ko'zlarimga yosh qalqdi. Yo'q, bu ko'z yoshining sababi binoning hayratomuz san'atkorlik bilan qurilgani emas, balki qulog'imga chalingan duolar edi: — Yo, olloh! Turkistonlik orqadoshlarimizni ham o'z panohingda asragaysan. Ularni balolardan, ofatdan, muhtojlikdan, haqoratdan, zulmdan darig' tutgaysan [7, 1 b.].

XULOSA

Turkiston milliy-ozodlik harakati mintaqaning tarixiy taqdirida muhim o'rin tutgan bo'lib, uning

ishtirokchilari mustaqillik va milliy o'zlikni saqlash yo'lida murosasiz kurash olib borganlar. Ushbu harakat faqat siyosiy erkinlikni emas, balki madaniy va ijtimoiy yangilanishni ham o'z ichiga olgan. Harakatning natijalari mustamlakachilik tizimiga qarshi xalq harakati sifatida nafaqat Turkiston, balki butun Markaziy Osiyo xalqlari uchun muhim tajriba bo'lib xizmat qilgan. Bugungi kunda ushbu tarixiy voqealarni chuqur o'rganish va xolis baholash milliy taraqqiyot va o'zlikni anglash jarayonida muhim ahamiyat kasb etadi.

Sovet davrida yuqorida keltirilgan sabablarga ko'ra dunyoning turli davlatlariga muhojir bo'lib ketishga majbur bo'lgan turkistonliklar turli hududlarga joylashib ijtimoiy hayotda faol bo'lishga harakat qilganlar. Ular orasida turli xil sohalarda faoliyat yuritib ijobiy natijalarga erishganlari ham ko'pchilikni tashkil etadi. Ular yangi muhitga moslashish, o'z madaniyatlarini saqlab qolish va yangi avlodlarga o'z an'alarini yetkazish uchun kurashdilar. Bu harakatlarni amalga oshirishda o'sha davrda yurtimiz va xorijda muhojirlar tomonidan tashkil etilgan va nashr etilgan gozeta va jurnallar va tashkilotlar va uyushmalarning o'rni beqiyosdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Ganiyev, A.O., Nishonova, Z. R. Turkistondan Turkiyaga Muhojirlik Yo'llari (1917-1924 Yillar) // Islom Tafakkuri. – Toshkent, 2024. № 3.
2. Hayitov Sh.A. N.S. Sobirov, A.S. Legay. Xorijdagi o'zbeklar. Toshkent. "Fan" nashriyoti. 1992
3. Jalilov S. Buxoriylar Qissasi (muhojirat tarixidan lavhalar). – Toshkent: "Toshkent islom universiteti" nashriyot-matbaa birlashmasi, 2006.
4. Kosoniy S.M. Bir umrdir darbadar mulki jahon kezmoqdaman: xotiralarim kitobidan parchalar. – Toshkent: Hilol-Nashr, 2021. – B. 62-73.
5. Mamarajabov B.N. Saudiya Arabistondagi o'zbek (turkistonlik)larga doir tarixiy jarayonlar // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – T. 1. – №. 11.
6. Shamsutdinov R. Boburni izlab. – Andijon, 1993.
7. Turkiya va Turkiston yo'llarida (Shoir To'ra Mirzo bilan suhbat) (1989) <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/suhbatlar/to-ra-mirzo-turkiya-va-turkiston-yo-llarida>.
8. Tojiddinov A. Oltinxon To'ra hazratlarining ilmiy me'rosi. <https://mirarabmadrassa.uz/oz/news/130>
9. Turdiyev Sh. Ular Germaniyada o'qigan edilar. – Toshkent, 2006.
10. <https://www.vestiturkey.com/turciya-vtoraya-rodina-uzbekov-231h.htm>

XATAMOV Toxir Abdumutalovich
O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi
Islom tarixi va manbashunosligi IRCICA
kafedrası dotsenti, tarix fanlari nomzodi

KUBROVIYLIK TA'LIMOTINING YURTIMIZDA O'RGANILISHI

ИЗУЧЕНИЕ УЧЕНИЯ КУБРАВИЯ В НАШЕЙ СТРАНЕ

THE STUDY OF THE KUBRAWIYYA DOCTRINE IN OUR COUNTRY

Annotatsiya: Maqolada Shayh Najmiddin Kubro hayoti va faoliyati davomida asos solgan Kubroviylik ta'limotining mustaqillik yillarida yurtimizda o'rganilish holati muxtasar shakl tahlil etilgan. Jumladan, ilmiy jamoatchilik tomonidan e'tirof etilgan ilmiy tadqiqot ishlari tahliliga asosiy urg'u berilib, maqolaning manbaviy asosi ishonchligi muhim e'tibor qaratildi.

Kalit so'zlar: Shayh Najmiddin Kubro. Tasavvuf, Valiytarosh, Kubroviylik, ustoz-shogird, tafsir, islomshunoslik, tarixshunoslik, ilmiy tadqiqot.

Аннотация: В статье представлен обзор и анализ научной литературы, посвященной тарикату Кубравия и его основателю Наджмуддину Кубро, опубликованной в Узбекистане в период независимости. Особое внимание уделяется методологии этих исследований, в частности, достоверности и критическому анализу используемых в них первоисточников.

Ключевые слова: Шейх Наджмуддин Кубро, суфизм, духовный наставник, Кубравия, учитель-ученик, тафсир, исламоведение, историография, научное исследование.

Abstract: The article briefly analyzes the state of study in our country during the years of independence of the Kubrawiah doctrine, founded by Sheikh Najmiddin Kubro during his life and scholarly activity. In particular, the main emphasis is placed on the analysis of scientific research works recognized by the scientific community, and significant attention is paid to the reliability of the source base of the article.

Keywords: Sheikh Najmiddin Kubro. Sufism, Valiytarosh, Kubrawiah, teacher-student, tafseer, Islamic studies, historiography, scientific research.

KIRISH

Xorazm zaminidan yetishib chiqqan eng mashhur tasavvuf allomalaridan biri hisoblangan

Shayx Najmiddin Kubro yetuk alloma, Shayx, ustoz sifatida ko'p asrlardan buyon e'tirof etib kelinmoqda. Alloma 1145-yilda Xiva yaqinida tug'ilgan bo'lib, 1221-yilda Xorazmshohlar poytaxti Urganchga mo'g'ullarning hujumi vaqtida yurt himoyasi yo'lida shahid bo'lgan [10: 125-126. b.].

Shayx Najmiddin Kubroning to'liq ismi – Ahmad ibn Umar ibn Muhammad Abuljannob Najmiddin al-Kubro al-Xivaqiy al-Xorazmiy bo'lib, xalq tomonidan, "Najmiddin", "Tommatul-kubro", "Valiytarosh" – ya'ni, Valiylarni tarbiyalovchi ustoz, murshidi komil nomlari bilan ham ehtirom qilingan. Shayx Najmiddin Kubro tasavvuf ta'limotida "Kubroviya" tariqati asoschisi bo'lib, bu tariqat o'z davrida islom olamida umum e'tirof etilgan tariqatlardan biri sifatida faoliyat olib bordi. Kubroviylikning mashhur vakillari sifatida Shayx Majididdin Bag'dodiy, Sa'diddin Humaviy, Najmiddin Doya, Shayx Sayfiddin Boxarziy, Shayx Jaloliddin Geyliy, Raziddin Ali Lolo, Abulvafo Xorazmiy, Kamoliddin Husayn Xorazmiy kabi mashhur so'fiylarni aytib o'tish mumkin.

ASOSIY QISM

Mustabid tuzum davrida tasavvuf ta'limotiga juda salbiy yondashilib, ta'limot haqida noilmiy xulosalar berildi. O'zbekiston mustaqillikka erishganidan so'ng, ajdodlar nomi va merosini qayta tiklash, ularning qoldirgan boy ilmiy-ma'rifiy merosini xalqimizga yetkazish borasida qator ishlar amalga oshirildi. Jumladan, 1995-yil Shayx Najmiddin Kubro tavalludining 850 yillik yubileyi keng miqyosda nishonlandi, alloma merosiga doir bir qancha ilmiy-ommabop asarlar, risola va maqolalar chop etildi.

Alloma nomining qayta tiklanishi bu yo'lda qilingan ishlarning dastlabki qadamlaridan biri bo'lib, bugungi kunda Shayx Najmiddin Kubro hayoti va tasavvufiy faoliyatini hamda Kubroviylik tariqatini o'rganish bo'yicha ko'plab yangi tadqiqot ishlari yo'lga qo'yilmoqda. Ilmiy tadqiqotlar asosan ijtimoiy-gumanitar yo'nalishlarda olib borilib tarix, falsafa, filologiya, islomshunoslik, dinshunoslik, pedagogika kabi fan sohalarida amalga oshirilmoqda.

Shayx Najmiddin Kubro hayoti va faoliyati, shogirdlari, kubroviylik tariqatining keyingi avlod vakillari haqida, keng tarixiy ma'lumotlarni beruvchi mashhur manbalardan biri Alisher

Navoiyning “Nasoyim ul-muhabbat” tazkirasi hisoblanadi. Boshqa manoqib va tazkiralardagi Shayx Najmiddin Kubro va kubroviylik tariqatigi oid ma’lumotlar ham e’tiborga loyiq bo’lib, ushbu ma’lumotlarni o’rganish, tahlil etish, ilmiy iste’molga kiritish, jamoatchilikka ishonchi manbalar asosida yangi tadqiqot xulosalarini taqdim etish mas’uliyatli ish hisoblanadi. Ushbu mas’uliyat yuki bugungi kunda kubroviylik tariqatini o’rganayotgan ziyolilar va ilmiy izlanuvchilarga ham o’z tadqiqotlarida yanada daqiqlik bilan izlanishlar olib borish vazifasini yuklaydi.

Alloma faoliyatini o’rganishda muhim ahamiyat kasb etuvchi shunday ilmiy tadqiqot ishlariga “Tariqat, ma’rifat va she’riyat mushtarakligi (Shayx Najmiddin Kubro hayoti va ijodi misolida)” mavzusida [3: 5-24-b.] tadqiqot olib borgan A.R.Bektashevaning ilmiy tadqiqot natijalarini aytib o’tish mumkin. Tadqiqotchi tomonidan alloma faoliyatiga oid bir qator yangiliklar ilmiy iste’molga kiritildi, jumladan, “Manoqibi Shayx Najmiddin Kubro” manoqibini o’rganuvchilarning tadqiqotlarida, manoqibning manbai va obrazlari haqida yakuniy xulosalar mavjud bo’lmaganligi sababli, A.R.Bektasheva tomonidan ushbu manoqibning manbai, tarixiylik darajasi, undagi obrazlarning prototiplariga aniqlik kiritildi.

Shayx Najmiddin Kubro hayoti va faoliyatiga doir ma’lumotlarni o’rganishda, keyingi davr asarlarida turli, rivoyat, naqlar qorishmasi ko’pligi sababli, A.R.Bektasheva o’z tadqiqotida Shayx Najmiddin Kubro asarlarining o’ziga asosiy e’tibor qaratadi. O’z tadqiqotlari xulosasida Xorazm mintaqasida tasavvuf ta’limotining keng yoyilishida aynan Shayx Najmiddin Kubro faoliyati bilan bog’liq deb hisoblagani holda, alloma ilmiy-adabiy merosi bo’yicha biror yakuniy xulosa chiqarishga erta ekanligini alohida ta’kidlaydi.

Pedagogika fanlari bo’yicha ilmiy izlanishlar olib borgan S.U.Xodjaniyazov [6: 5-34-b.] tadqiqotlarida Shayx Najmiddin Kubro ma’rifiy qarashlari asosida barkamol avlod uchun muhim hisoblangan mushohada, tafakkur qilish ko’nikmalarini shakllantirish jarayonini uzluksiz ta’lim tizimida qo’llash, milliy yuksalishga xizmat qiladi deya ta’kidlab, ushbu xulosalarini ajdodlar merosini o’rganmasdan, yoshlarda hayotga adekvat refleksif va kreativ tafakkurni shakllantirish mumkin emas deya asoslaydi.

Shuningdek, S.U.Xodjaniyazov o’z tadqiqot ishida Xorazm mintaqasi tasavvuf allomalari merosini umumlashtirib Shayx Najmiddin Kubroning ma’naviy-axloqiy va didaktik qarashlarini Sulaymon Boqirg’oniy va Pahlavon Mahmud qarashlari tadqiqi bilan uyg’un ravishda ham olib borib, tadqiqot natijalari bo’yicha o’z xulosalarini beradi.

S.U.Xodjaniyazov kabi Xorazm tasavvuf vakillariga Kubroviylik tariqatining ta’sirini tadqiq etilishini U.K.Ametova [2:5-20-b.] izlanishlarida ham ta’kidlab o’tilgan. Jumladan, Shayx Najmiddin Kubro asarlaridan ilhomlanish, Kubroviylik tariqatiga ergashish kabi jihatlar o’rganilib, futuvvat va javonmardlikning Xorazmdagi yorqin vakillaridan hisoblanuvchi Pahlavon Mahmud (1247-1326) ijodidagi til, janr va tasavvufiy timsollardagi mushtaraklik, an’anaviylik mezonini sifatida baholangani bilan bog’lash mumkin, deya, o’z xulosalarini beradi.

Shuningdek, U.K.Ametova izlanishlarida Muhammadniyoz Nishotiy ijodiy faoliyatiga Shayx Najmiddin Kubro ma’rifiy merosining ta’siri ham o’rganilgan bo’lib, bunda, “*husn*”, “*fuod(qalb)*”, “*aq*”, “*hayrat*” singari jihatlarning Nishotiy “Husn va Dil” dostonida lirik personajlarga aylantirilib, jonli badiiy manzara paydo bo’lishi aniqlangan. Shu bilan birgalikda, Abulvafo Xorazmiy kubroviylik tariqati izdoshlaridan biri sifatida tadqiq etilib, tarixiy manbalarda [1:335-337-b.] kelgan ma’lumotlarni aniqlashtirib, umumlashtirilib ilmiy xulosalar berilgani bilan U.K.Ametova tadqiqotlari qimmatlidir.

Tasavvufda falsafiy fikrlash jarayoni juda ham murakkab bo’lib, shu sababli murid yoki Shayxda sodir bo’layotgan hissiyotlarni anglash va sharhlab berish katta bilim va tajribani talab qiladi. Kubroviylik tariqati va Shayx Najmiddin Kubro shaxsiyati haqida bir qator yangi mulohazalarni ilmiy muhokamalarga olib kirgan S.S.Evatov tadqiqotlarida [7: 5-24-b.]. Kubroviylik tariqati o’zining vujudga kelishi va silsilasi bilan boshqa tariqatlardan farq qilishini ta’kidlaydi.

Jumladan, Shayx Najmiddin Kubroning tasavvufdagi ustozlari Ro’zbehon Misriy, Ammor Yosir, Ismoil Qasriylar bo’lishgan [4:11-15-b.]. Shayx Najmiddin Kubroning ustozlari esa Abu Najib Suhrevardiyning muridlari hisoblangan. Abu Najib Suhrevardiy o’z silsilasini birinchi xalifa Abu Bakr Siddiqqa bog’lagan. S.S.Evatov

yuqoridagi keltirilgan ma'lumotlariga tayangan holda, Kubraviylik tariqatining silsilasi va tariqatining shakllanishida bir qator murakkabliklar borligini ta'kidlaydi, bu murakkablikka doir Dj.Trimingemning quyidagi fikrlarini ham keltiradi: "Tariqatlarni tarixiy tasniflash uchun, shuningdek, ularning obro'-tayanchi va sanadi, zikr ijrosi uchun muhim bo'lgan mistik geneologik zanjiri yoki tariqat oqimlarining ko'p xalqalari Najmiddin Kubrodan boshlanadi" [5: 262-b.].

G'arblik islomshunos, tasavvufshunoslar fikriga qo'shimcha ravishda S.S.Evatov o'z ilmiy xulosalarini ham ilgari surib, Shayx Najmiddin Kubro bir qator mutasavviflar dunyoqarashida ustunlik qilgan "ilohiy haqiqatni, inson faqat behudlik, mastlik, sarxushlik holatida, behush devona bo'lgan paytdagina bilishga qodir" – deya asoslangan, Boyazid Bistomiyning "sukr" (sarxushlik)ni konsepsiyasini ma'qullamagan hamda unga qarshi chiqib, o'z tariqatining rivojini Junayd Bag'dodiy tomonidan asoslangan "sahv" (hushyorlik) yo'li bilan bog'lagan deya, ta'kidlaydi. Bu mulohazalar Shayx Najmiddin Kubro asos solgan kubroviya tariqati tarbiya usullarida hamda amaliy ishlarida ham o'z tasdig'ini topadi [9: 2-15-b.].

Abdulloh ibn Muborak yashagan davr ilm-fani to'g'risida gapirar ekanmiz, u ilmiy bahs-munozara va tortishuvlar asri bo'lganligini ham eslab o'tishimiz shart. Bu davr ahli sunna bilan shialar, xavorijlar, qadariyalar, mo'tazilalar kabi turli ahli havolar o'rtasida bo'lib o'tgan qizg'in bahs va munozaralar asri sifatida ham esda qoldi.

Shuningdek, bu davrda islom shariatiga tamomila zid bo'lgan, uni asosidan boshlab buzib talqin etadigan va ko'proq forslarning qadimgi e'tiqodlariga da'vat etadigan turli dinsiz zindiqlar ham xuruj qildi [10:213].

XULOSA

Xalqning hozirgi kuni va mehr-oqibat va birodarlikning xushbo'y hidlaridan bahra olish, o'z sarmoyasi va savdosini xalqqa ilm-fanni jonlantirish uchun ishlatgan, olimlar ularning tirikchiligi uchun o'zlarini ilm-fanga va uni tarqatishga bag'ishlashlari ilmiy natijalari va meroslarini saqlab qolish uchun sabab bo'lib, ularga yordam berishda va ularning ehtiyojlarini qondirishda zahmat chekishgan. Imom Abdulloh ibn al-Muborak ham musulmonlarning axloqiy chegaralarida turar edi, olimlar va talabalarining ehtiyojlarini qondirish uchun ko'p sa'y-harakatlar qildilar va ularning ilim olish va tarqatish yulida uz mol-mulklarini sarfladilar.

Ibn Muborakning ilmiy asarlarini tahlil qilar ekanmiz, uni ilmning sof va asl manbalariga intilganini ko'ramiz. Bu olim (r.h.) aytar edilarki:

«Sanad dindandir, mobodo sanad bo'lmaganda xohlagan inson xohlaganini gapiraverar edi».

Ibn Muborak kishilardan hadis olishda, avvalo uning hadislariga bo'lgan munosabatiga e'tibor qaratar edilar. Kishi solih va ko'plab ibodat qiluvchi bo'lgani bilan hadislarini uchragan odamdan rivoyat qilishi – bu uning hadis ilmida nuqsoni hisoblanadi. Ibn Muborakni biror kishida ushbu nuqson borligi u haqida to'g'ri so'zni aytmaslikdan to'smas edi, garchi u yaxshiliklarga intiluvchan, ko'p ibodat qiluvchi va taqvodor bo'lsa ham.

Abbod ibn Kasir Saqafiy al-Basriy ko'p ibodat qiluvchi solihlardan edi. U kishi haqida so'z yuritilsa ibn Muborak: “Abbod ibn Kasirdan ortiq yaxshiliklarga intiluvchan ibodatli kishini bilmayman” - der edi. Lekin undan hadislarini rivoyat qilish haqida so'z yuritilsa, “U hadis ilmida hech kim”- der edi.

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR:

1. Ahmad Ali Sobit Xatib Bag'dodiy. Sharaf as'hobul-hadis. – Anqara: Kuliyatu-l-ilohiya, 1969.
2. Az-Zahabiy. Siyar a'lom an-nubalo. – Bayrut: Dor al-fikr. 1997.
3. Bu Tohir Silafiy. Al-Arbain al-buldoniya. – Dimashq: Dor al-Bayrutiy, 1992.
4. Ziyod Abdulvahhob. Al-Arbainot al-hadisiya. Majalla Jome' Dimashq lil-ulum al-iqtisodiya val qonuniya, 2011. № 27.
5. Muhammad Kattoniy. Ar-Risola al-mustatrafa. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 2011.
6. Muhammad Muhammad Abu Zahv. Al-Hadis va al-muhaddisun. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1984.
7. Muhammad Ijoj al-Xatib. As-Sunna qabla at-tadvin. Dor al-fikr, 1993.
8. Jaloliddin as-Suyutiy. Tadrib ar-roviy fi sharh taqrib an-Navaviy. 2 jildli. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1989.
9. Murodov D. Hadisshunoslik atama va iboralari (qisqacha izohli lug'at). – T.: Fan, 2009. – 96 b.
10. Nuriddin Atr. Manhaj an-naqd fi ulum al-hadis. – Damashq: Dor al-fikr, 1988. – 539 b.

TOXTIYEV Shuxrat Rustamovich,
O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi
Islom tarixi va manbashunosligi
IRCICA kafedrasi dotsenti, PhD
E-mail: shuhrat55567@mail.ru

ISHQ KUYNCHISI HOFIZ SHEROZIYNING G'AZALLARIDA MAVZULAR SILSILASI VA BADIY MAHORAT MASALASI

ТЕМАТИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА И ХУДОЖЕСТВЕННОЕ МАСТЕРСТВО В ГАЗЕЛЯХ ХАФИЗА ШИРАЗИ

THEMATIC STRUCTURE AND ARTISTRY IN THE GHAZALS OF HAFIZ SHIRAZI

Annotatsiya. Mazkur ishda fors-tojik adabiyotining yirik namoyandalardan biri bo'lgan Hofiz Sheroziyning g'azallarida uchraydigan mavzular silsilasi hamda shoirning badiiy mahorati yoritiladi. G'azallarda muhabbat, ilohiy ishq, tasavvufiy g'oyalar, hayot va umr o'tkinchiligi singari mavzular keng qamrab olingan. Tadqiqotda Hofizning obrazlar yaratishdagi san'atkoronaligi, so'z o'yini, tashbeh va kinoyalardan foydalanish uslubi tahlil qilinadi. Shuningdek, g'azal janri doirasida shoirning o'ziga xos uslubi va mumtoz she'riyatdagi o'rni ko'rsatiladi.

Kalit so'zlar: G'azal janri xususiyatlari, Hofiz Sheroziy she'riyati, Ishaq va ma'naviyat uyg'unligi, Badiiy mahorat va san'atkorlik uslubi, Tasavvufiy obrazlar va ramziy ma'nola, G'azal mavzularining silsilasi, So'z ohangi va musiqiylik, She'rda metafora va istiora, Hofiz g'azallarining mazmuniy boyligi, Sharq adabiyotida Hofiz o'rni.

Аннотация. Статья посвящена анализу тематического многообразия и поэтического мастерства в газелях Хафиза Ширази, выдающегося представителя персидско-таджикской литературы. В работе исследуется широкий спектр тем его лирики — от земной любви до божественной страсти, суфийских мотивов и философских размышлений о бытии. Особое внимание уделяется художественным приемам поэта: виртуозному созданию образов, искусной словесной игре, а также богатству метафор, аллегорий и сравнений. Комплексный анализ этих аспектов позволяет раскрыть уникальность стиля

Хафиза и определить его фундаментальный вклад в развитие жанра газели и классической поэзии в целом.

Ключевые слова: Особенности жанра газели, Поэзия Хафиза Ширази, Единство любви и духовности, Художественное мастерство и стиль, Суфийские образы и символика, Тематическая последовательность газелей, Мелодичность и звучание стиха, Метафора и аллегория в поэзии, Смысловое богатство газелей Хафиза, Роль Хафиза в восточной литературе.

Annotation. This work explores the thematic range and artistic mastery of Hafez Shirazi, one of the prominent figures of Persian-Tajik literature. His ghazals encompass themes such as love, divine passion, Sufi philosophy, and the transience of life. The study analyzes Hafez's poetic skill in crafting vivid imagery, his use of wordplay, metaphors, similes, and allegory. Furthermore, it highlights his unique stylistic approach within the ghazal genre and his significant role in classical poetry.

Keywords: Characteristics of the ghazal genre, Poetry of Hafez of Shiraz, Harmony of love and spirituality, Artistic mastery and stylistic expression, Sufi imagery and symbolic meaning, Thematic sequence of the ghazals, Musicality and lyrical flow, Use of metaphor and allegory, The rich content of Hafez's ghazals, Hafez's place in Eastern literature.

KIRISH

Sharq adabiyotida romantik xususiyatlar taraqqiyotida lirik janrlar katta rol o'ynagan. Bunda birinchi navbatda g'azal janrini ko'rsatish kerak. Garchi g'azal birinchi marotaba arab adabiyotida vujudga kelgan bo'lsa ham, ammo bu janr taraqqiyotiga forsiy shoirlar katta hissa qo'shdilar. G'azal hozirgi va to'la ma'noda fors-tojik adabiyotida shakllandi [3:28].

G'azalning ilk ta'rifini Qays ar-Roziy beradi. U yozadi: "G'azalning lug'aviy ma'nosi ayollar haqida gapirish, ularga nisbatan bizning vujudimizda paydo bo'lgan xushyorlikni va sevgini so'ylab berishdir... G'azal xotin-qizlarga bo'lgan muhabbat va qalbning o'tli intilishi tasviridir" [9:306].

ASOSIY QISM

Abdurahmon Jomiyning "Bahoriston" asarida ham shunga o'xshash fikr bayon etiladi. Alisher Navoiy avvalo g'azaliyotning g'oyaviy-tematik tomonlariga ko'proq e'tibor beradi. Shoir fikricha,

gʻazalning yetakchi mavzui “dard ila soʻz” (ishq va ishq otashi)dir. “Navoiyning minglab gʻazallarini koʻzdan kechirilganidan soʻng ular uchun eng xarakterli kayfiyat ishqiy hissiyot ekani anglashildi. Hamma sheʼrlarida ishqiy bir uzilish, intizorlik hissi tarannum etiladi. Shoirning yagona ilhom manbai ishqdir” [4:3].

Navoiy garchi gʻazalning mavzui “dard ila soʻz” desa-da, u hayotning hamma masalalari toʻgʻrisida goʻzal gʻazallar bitdi. Uning fikricha, har bir shoir novator boʻlmogʻi, sheʼrning bepoyon bahridan “oliy qadr durlari»ni topmogʻi lozim.

Hindistonda yashagan olim Qabul Muhammad “Haft qulzum” kitobida gʻazal toʻgʻrisida quyidagilarni yozadi: “...Gʻazal lugʻatda xotin-qizlarga muhabbat demakdir, adabiy islohotda esa yagona vazn, qofiyada birlashgan bir necha baytdan iborat sheʼrdir. Bu baytlardan birinchisini musarriʼ bayt deyiladi. Uning misralari oʻzaro qofiyalangan boʻlib, uni matlaʼ va mabdaʼ deyiladi. Agar ikkinchi baytning ham har ikki misrasi qofiyador boʻlsa, zebmatlaʼ va husni matlaʼ deb ataladi. Oxirgi baytni esa maqtaʼ va xotima deb ataydilar. Shart shuki, gʻazalning chegarasi 11 baytdir, baʼzilar 12 bayt, baʼzilar 19 baytgacha boʻladi debdirlar. Ammo baʼzi soʻnggi davr shoirlari 21 baytgacha gʻazal yozganlar, 27 baytli bir gʻazalni ham uchratdik, Lekin gʻazalning chegarasi 19 baytdir. Agar undan ziyoda boʻlsa, uni qasida deb nomlaydilar. Gʻazalda aksar vaqt mahbuba jamoli zikri, sevgili husnining sifatleri hamda ishq kechinmalari beriladi, pand-nasihat sheʼriyatning boshqa turlarida beriladi” [8:44-45].

Qabul Muhammad gʻazal haqida oʻzidan oldingi barcha olimlar aytgan mulohazalarni hisobga olgan, toʻldirgan. Biroq shuni taʼkidlash kerakki, fors-tojik va oʻzbek gʻazaliyotiga diqqat qilsak, gʻazal faqat ishqiy mazmunga ega boʻladi, deb aytilgan gap haqiqatga uncha mos kelmasligi ayon boʻladi.

Gʻazal lirik sheʼriyatda sevgi-muhabbat motivlarini kuylovchi janr sifatida paydo boʻldi. Uning yetakchi mavzui insonning insonga boʻlgan dunyoviy muhabbati, real dunyo goʻzaliga boʻlgan ishq edi. Fors-tojik shoirlari Xusrav Dehlaviy, Salmon Sovajiy va boshqalarning gʻazallari uchun asosiy mavzu muhabbat boʻldi va bu hol koʻp asrlar mobaynida davom etdi. Shu bilan birga gʻazalga asta-sekin ijtimoiy hayot voqealari va unga boʻlgan munosabat elementlari kirib kela boshladi.

Natijada Saʼdiy va Hofiz gʻazaliyotlarida yangi mavzu, yangi gʻoya va obrazlar paydo boʻldi. Alisher Navoiy oʻzining “Muhokamat ul-lugʻatayn” asarida bu janrning haqiqiy ixtirochisi (“Gʻazal tavri muxtaridur”) deb Saʼdiy Sheroziyni hisoblagan va, umuman fors-tojik gʻazalnavislaridan, ayniqsa, Hofiz, Xusrav Dehlaviy va Jomiyga, oʻzbek shoirlaridan Lutfiyga yuqori baho beradi” [1:200].

Hofiz adabiy merosining asosiy qismini gʻazallar tashkil qiladi, Fors sheʼriyati tarixida gʻazal shakli X-XI asrlarda maʼlum edi. Ammo bu shakl fors adabiyotida faqat Muslihuddin Saʼdiy ijodida ravnaq topib, mustaqil janr darajasiga yetkazildi.

“Hofiz ijodida gʻazal shakli yana ham toʻlaroq kamol topib, shunday yuksaklikka koʻtarildiki, unga na Hofizdan ilgari va na undan keyin oʻtgan shoirlarning birontasi erisha olmadi desak mubolagʻa boʻlmaydi” [5:11]. Hofiz oʻz gʻazallariga hayot va unga muhabbat, may va shodlik, tabiatning goʻzal tasviri, pand-nasihat, adolatsiz qurilgan hayot va undan shikoyat, baxt va baxtli zamon singari mutariqqiy gʻoya va mavzularni, faylasuf, rind, zolim shoh, riyokor shayx, voiz kabi yangi obrazlarni olib kirdi. Ulugʻ sanʼatkor oʻzining joʻshqin fikrlarini ifodalash uchun gʻazal shaklidan, uning ayrim xususiyatlaridan nihoyat ustalik bilan foydalandi.

Oʻrta asr Sharq adabiyotida ishq mavzusining juda katta, hatto markaziy oʻrin tutganligi gʻoyat xarakterlidir. Hofiz ham ishq mavzui orqali butun hayot karitinasini, butun olam falsafasini aks ettirishga intilgan va bu narsa uning lirik gʻazallarida yaqqol koʻzga tashlanadi. U oʻz davri sheʼriyatida shunday bir dunyo yaratdiki, u obʼyektiv dunyodan ancha farq qiladi. Bu shoirning hayolidagi dunyo. Bunda asosan oshiq va maʼshuqlargina mavjud boʻlib, ular koʻp vaqt oʻz intim tuygʻulari bilan, ishqiy kechinmalari bilangina yashaydilar. Bu xayoliy olam bilan real dunyo oʻrtasidagi oʻxshashlik shundaki, bunda ham insof va adolat yoʻq. Oshiq chin koʻngildan sevadi, maʼshuqa esa oʻziga butunlay nomunosib odamlar bilan birga. Natijada oshiq doim rashk oʻtida yonib, azob-uqubatda. U oʻzini devor va toshlarga uradi, daryo-daryo koʻz yoshlar toʻkadi, tinimsiz afgʻon chekadi, taʼna toshlarini otadi, zorlanadi, norozilik bildiradi, lekin hech qayerdan najot yoʻq. Ana shunday tasvirlar tufayli bunday

lirik she'rlar ijtimoiy mazmun kasb etadi. Chunki bu ijtimoiy norozilikning lirik ifodasidir.

Oshiqning ichki kechinmalari tasvirida Hofiz so'z san'atini juda yuqori ko'taradi, g'oyat emosional lirik kartinalar yaratadi, badiiy tasavvurning chegaralar naqadar kengligini namoyish etadi. Shu bilan birga, avvalo xuddi ana shu oshiq obrazi ideal xarakterga ega ekanligi, real hayotda bunday kishilarning ko'plarining uchramasligi, bu obrazda sub'yektiv tomonlarning kuchliligi, uning ichki his-tuyg'ulari, kechinmalarini chuqurligi hamda yuksakligi va hakazolar tufayli Hofiz lirikasi romantik xarakterga ega desak bo'ladi.

Buyuk san'atkor Hofiz ijodida u ilgari surgan haqiqiy sevgi, vafo, do'stlik g'oyalari an'anaviy xarakterga ega, qo'llanilgan obraz va iboralar an'anaviy xususiyatlarni to'la xarakterlab bera oladi. Masalan, Hofiz bir g'azalining matlaida yozadi:

Maro chashmast xun afshon zi chashmi on
kamon obro',

Jahon pur fitna mebinam az on chashmu az on
obro' [10:456].

Bunda sevgilini kamon qosh deb ta'riflash, uning ko'zining chiroyli bo'lishi tufayli oshiq ko'zining qonga to'lishi ham, uning qoshi va ko'zi tufayli jahonni fitna bosishi ham an'anaviy tasvirdir.

Hofizning mashhur baytlaridan biri:

Agar on turki sherozi ba dast orad dili maro,

Ba holi hinduyash baxsham Samarqandu
Buxororo [10:33]

da shoirning lirik qahramoni qalb tuyg'ularidan kelib chiqib, eng yuksak narsa – Sheroz jononining javoban sevgisini orzu qiladi. U sevgini ochiq ko'ngil bilan, hamma narsadan voz kechgan holda izhor etmoqda. U sevgilisini bir dona qora xoli uchun o'sha davrning eng go'zal shaharlari – Samarqand va Buxoroni berib yuborishga tayyor. Lekin uning sevgisi yetishib bo'lmaydigan sevgi, ideal sevgi. Shuning uchun tasvirdagi an'anaviy belgilar bilan bir qatorda lirik qahramonning maqsad va intilishlari, his-tuyg'ulari va iztiroblari ham an'anaviy romantik xarakterga ega.

Hofizning ishqiy g'azallarida realistik misra va detallarni ham uchratish mumkin. Masalan, u ishqiy g'azallarining birida she'r o'rtaida yorga yoki soqiyga emas, shayxga murojaat etib bir baytda deydi:

Biyo, ey shayx, dar xumxonai mo,

Sharobe xo'r, ki dar kavsar naboshad [10:173].

Mazmuni:

Ey shayx, bizning xumxonamizga kelgin-da,
Sharob ichki, u jannatda bo'lmaydi.

She'r orasidagi stilistik jihatdan tasodifiy bu bayt ishqiy romantik misralar orasidagi realistik – satirik xarakterdagi bayt bo'lib, shayxni va uning diniy qarashlarini bildirishga qaratilgan. Boshqa bir g'azalini ham Hofiz quyidagi bayt bilan boshlaydi:

Voizon ke-in jilva mehrobu minbar mekunand,

Chun ba xilvat meravand, on kori digar
mekunand [10:261].

Mazmuni:

Masjidning mehrob va minbarida jilva
qilayotgan voizlar

Xilvatga borganlarida boshqa ishlarni
qilishadilar.

Bunday baytlar real mazmunga ega bo'lib, hayotda ularning aniq shaxslarga qaratilganligini bilamiz. Bu xil baytlarni Hofiz g'azallaridan juda ko'plab keltirish mumkin. I.S.Braginskiy o'zining “Sharq adabiyotlaridagi realistik an'analar haqida mulohazalar” nomli maqolasida ba'zi olimlarning go'yo Sharqning o'ziga xos qalbi bo'lib, unga real voqelik yotligi, unga mistik hissiyotlar xosligi haqidagi fikrlarini rad etadi va Sharq xalqlari adabiyotidagi realistik an'analarni ko'rsatishga, ulardagi hayotiy haqqoniylikni isbotlashga xarakterli misollarni keltiradi [7:7-10]. Shu jumladan u Hofiz lirikasi ham faqat “gulu bulbul”, “sham'u parvona” haqida emasligini, Hofiz o'z lirikasida “insonning jonli his-tuyg'ularini, lirik qahramonning hayotiy obrazini chuqur va haqqoniy” aks ettira bilganligini, lekin ularning she'rlari “G'arb realistik she'rlari” tipida emasligini alohida ta'kidlaydi [2:54].

Hofizning olamshumul ulug'ligi shundaki, u o'zining ishqiy g'azallarida faqat an'anaviy tarzda o'z hissiyotlari, mahbubaning ideal go'zalligini kuylash bilan zamonaning adolatsizligini qarama-qarshi qo'ygan. U o'z g'azal olamiga chekinganda ham real voqelikni unutmagan, real voqelik bilan ham doimiy aloqada bo'lib, uning ko'rinishlarini, shu voqelikda tug'ilgan ilg'or fikrlarni o'ziga xos shartli usullar, imo-ishoralar va o'ziga xos belgilar bilan aks ettira bilgan. Shuning uchun ham uning lirikasida shartli ravishda ishq mavzusiga asosiy o'rin bergan bo'lsa ham, lekin uning she'rlarida hayot nafasi esadi, real insonga xos ehtiroslar kuylanadi, olijanob tuyg'u va g'oyalar o'z zomonasidagi voqelikning yaramas tomonlariga qarama-qarshi qilib qo'yiladi. Ishq olamidagi

oshiqlarga bo'lgan zulm va nohaq munosabatlar, kamsitish va hakoza real hayotdagi ijtimoiy munosabatlarni eslatadi. Shuning uchun ham Hofiz real olamda bo'lgandan ko'ra g'azal olami yaxshiroqligini shunday yozadi:

Dar in zamona rafeqi, ki xoli az xalal ast,
Suroxiyi mayi nobu safina'i g'azal ast [10:90].

Mazmuni:

Bu zamonda g'arazdan xoli bo'lgan o'rtoq
Toza may idishi va g'azal devonidir, xalos.

Hofizning ishqiy g'azallarida insonparvarlik g'oyalari rang-barang shakllarda qalamga olinadi. Haqiqiy insonga xos xususiyatlar kuylanadi:

Zi podshohu gado farig'am bihamdullah;

Gadoi xoki dari do'st podshohi mann ast
[10:66].

Mazmuni:

Podshoh va gadolardan forig'man, xudoga
shukur:

Do'st eshigidagi tuproqqa gadolik mening
podshohligimdir.

Bu, haqiqatdan ham ulug' kamtarlik, insonparvarlik, unga muhabbat bo'lib, inson qadri toptalayotgan bir zamonda g'oyat buyuk ahamiyatga ega edi.

O'rta asr sharoitida so'fiyona g'oyalar majoziy vositalar bilan lirika shaklida ham juda keng kuylangan. Ya.Ripka bu haqida quyidagilarni yozgan edi: "Fors she'riyatida yozilgan narsalarning mazmuni o'sha yozilib qo'ygan ma'noga hech to'g'ri kelmaydi, asosiy fikr pardalangan bo'ladi. G'azalning yoki unga o'xshash turdagi she'rlarning yozilish sabablari, juda kam hollardan qat'iy nazar, noaniq bo'lgani, unga mazmuniga qarab ham buni bilish mumkin emasligi tufayli ishq va may qay vaqtlarda real yoki ko'chma ma'noda metafora va majoz qo'llaganini aniqlash, mashhur va juda ochiq, yorqin uslubda yozuvchi mistiklarni hisobga olmaganda, qiyin va aksar hollarda mumkin emas" [6:85].

Shartlilik bazasida romantik she'riyat so'fiyona she'riyat bilan yondoshib ketgan. Xususan ishqiy mavzudagi g'azallarning real ma'shuqa haqida yozilgani bilan xudo haqida yozilganini hamma o'rinda ham darhol farq qilish qiyin. Ayni vaqtda shartlilik shu darajaga borib yetadiki, yor deganda xudo yoki mahbuba emas, biron do'st, og'ayni ko'zda tutilgan bo'lishi, uning obrazi ma'shuqa obrazi vositasi bilan gavdalanitirilgan bo'lishi ham mumkin.

Ya.Ripkaning Hofizni "eng buyuk fors simvolistlaridan biri" deb xarakterlashi ham bejiz emas. Hofizni majoz va ramziy uslublardan foydalanishiga ko'p vaqt tarixiy sharoit, feodal dispotizm majbur qilar edi, deydi Ripka "Eron adabiyoti tarixi" kitobining "Despotiya va feodalizm ta'siri" degan bobida.

Hofiz, albatta o'zi yashagan davrda Sharqda juda keng tarqalgan tasavvufiy g'oyalardan chetda qolmadi. U vaqtda kishilar orasida ozgina tanilgan, har bir ko'zga ko'ringan odam pirga qo'l berib, murid bo'lishi shart edi. Tasavvuf ta'siri Hofizning bir qator g'azallarida va ayniqsa soqiynomalarida juda kuchlidir.

"Ammo, - deydi Sh.Shomuhamedov, - biz Hofizning turli davrlarda yozilgan besh-o'nta she'riga asoslanib, uni tasavvufga mukkasidan ketgan mistik shoir deb atay olmaymiz" [5:12].

Darhaqiqat, Hofiz g'azallarida "Dayri mug'on", "Xarobat", "Shayx", "So'fiy", "Mayxona", "Piri mug'on" kabi tasavvufiy atamalarni ko'plab uchratamiz. "Hofiz bu so'zlardan va umuman tasavvufiy g'oyalardan o'z dunyoqarashini berkitib ko'rsatish, zamon haqida ochiq-oydin aytish mumkin bo'lmagan fikrlarini misralar orasiga yashirib ketish uchun ham foydalanadi" [5:12-13].

Hofiz g'azallarida tasavvuf ta'siri bo'lishi bilan bir qatorda, ularda g'ayri so'fiylik, shayxlar va ruhoniylarning tekinxo'rlik va riyokorliklarini, johillik va nodonliklarni, tama'girlik va firibgarlikni nihoyatda zo'r ehtiros bilan fosh etgan misralar ham juda ko'p. Masalan, u so'fiylarga qarab:

Haq bandalar ni yo'ldan ozdirmoq uchun

Bu makru riyo xirqasini kiygaysan, -

deydi-da, umuman ulardan yuz o'girishga da'vat etib:

Rindlikda bizni gap-so'z qilishdi,

Eshon va shayxlar – johil va gumroh.

Zohid so'zidan yuz tavba qildik,

Obid ishidan astag'firulloh!

deydi. Shu bilan birga o't yurakli shoir ruhoniylarni ham Hofiz asarlaridan qo'rqish, olov bilan o'ynashmaslikka chaqirib, shunday ogohlantiradi:

Hayiq Hofizdagi o'tli yurakdan,

Qozondek ko'ksi qaynar, ko'nglida g'am!

May mavzusi ham Hofiz uchun, bir tarafdan, zamonga qarshi norozilikni bildirish uchun xizmat qilsa, ikkinchi tomondan, qiyin-qistovli zamonda o'zini bir oz unitish, ko'ngliga orom berish uchun lozim edi. Shuning uchun ham shoir ijodida:

Xirqamni garov qo'ygum, bir kosa sharob avlo,

Bema'ni nasihatdan menga mayi nob avlo.
kabi misralarni ko'plab uchratamiz.

Hamma musulmon ulamolari dunyoning sirini ilohiy kuchdan topgan bir vaqtda, Hofiz bunga ishonib bo'lmaydi deb ochiq aytolmasada, bu aqidaga shak keltirib:

Gapir cholg'uchidan, maydan, jahon sirini kam izla,

Yecholmas hech kishi hikmatla bu og'ir muammoni, -

deydi.

Ammo shoir mayxonaga kirib, sharob kayfiga g'arq bo'lib, o'z atrofidagi qonli voqealarga, xalqning og'ir hayotiga, uning fojiali qismatiga befarq qoldi, deb aytolmaymiz. Bu voqealarning hammasi shoirning nozik qalbini ezar, u qattiq qayg'urar, kuchli iztirob chekar edi.

Madoring ketmish, e dil, g'am yukki ostida qolmishsan,

Borib bir kosa may ich, balki bo'lgay dardingga darmon.

Insonparvar shoir mayni xalqning dard-alamini unutish, undan chetlashish uchun ichmaydi. U bir g'azalida so'fiylarni xalq qayg'u-alamidan bexabarlikda ayblab, o'zi xalq tarafida turib:

Qorong'udir kecha, qo'rqinchli mavj, dahshatlidir girdob,

Na bilgay holimizni chetda turgan yukki yengillar.

Kel endi gul sohib haryon, qadah qo'lda o'turgaymiz,

Buzib charx eski tomin, yangi bir tarh ila qurgaymiz.

deydi. Bu baytlardan ochiq-oydin ko'rinib turibdiki, xalq g'azabini tarqoqligi Hofiz ongida o'ziga xos in'ikosini topgan. Hofiz o'zining isyonkor so'zlarini lirik misralar orasiga jo qilgan. Hofiz ijodining leytmotivi joriy tartiblarga qarshi isyon ekanligi, yoki tomoman o'zgacha hayot istagi ekanligi yuqorida keltirilgan misollardan yaqqol ko'rinib turibdi.

XULOSA

Shunday qilib, ishq kuychisi, isyonkor shoir charx kajraftorning qilmishlariga bo'yin egmaydi. Ammo uning ijobiy qahramoni elni o'z orqasidan ergashtirishga qodir bo'lgan tashkilotchi kuch ham emas, albatta, Hofiz o'z zamonasi chegarasidan

uzoq chiqib ketolmaganligi, ishq-muhabbat, may va tasavvufiy mavzularidagi g'azallari bilan haqsizlik va zulmga qarshi alohida kurash yo'lini tutdi. Bu kurashda g'alaba qozonish uchun u qo'lida qurol qilib g'azallarini tutdi. Uning g'azallarini o'qir ekanmiz shoirning mahoratiga qoyil qolishdan boshqa ilojimiz yo'q. Uning ajoyib o'xshatishlar, nodir istoralar, majozlari o'zining yangiligi bilan hayron qoldirsa, xalq qo'shiqlaridagidek tabiiy bir xillik kishining o'z qalbidan chiqayotgandek tuyuladi. Uning she'rlari goh tinch, goh teran va javohirlarga boy daryodek shuuringizga quyilib kelsa, goh o'ynoqi tog' shalolasidek butun fikringizni, butun vujudingizni maftun etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Alisher Navoiy. Tanlangan asarlar. – T.: O'zdamnashr. 1948.
2. Braginskiy I.S. O vozniknovenii gazeli, Jurnal "Sovetskoye vostokovedeniye". 1958.
3. Mirzoyev A.M. Rudaki i razvitiye gazeli v X-XV. – Dushanbe. Tadjikgosizdat. 1958.
4. Oybek. Navoiy g'azaliyoti. "O'zbek tili va adabiyoti masalalari" jurnali, 1961, №2.
5. Shomuhamedov Sh. So'z boshi. Hofiz, G'azallar. – T., 1958.
6. Rypka J. Iranische Literaturgeschichte. – Leipzig, 1959.
7. "Sovremenniy Vostok" jurnali, 1958, №9.
8. Qabul Muhammad. Haft qulzum. – Lakhnay, 1230 h., UP qism.
9. Qays ar-Roziy. Al-Mo'jam fi maoiri ash'or ul-Ajam. – Tehron, 1314 h.
10. Hofizi Sherozi. Muntaxabi devon. – Dushanbe. Nashriyoti Davlatii Tojikiston. 1957.

SHAMSEMATOVA Barno,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Uzbek and foreign languages department,
dosent, PhD
bshamsematova76@gmail.com

THE IMPORTANCE OF THE HUMAN FACTOR IN ANTHROCENTRIC LINGUISTICS AND LANGUAGE TEACHING

ANTROPOTSENTRIK TILSHUNOSLIK VA TIL O'RGATISHDA INSON OMILINING AHAMIYATI

АНТРОПОЦЕНТРИЗМ И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ ФАКТОР В ОБУЧЕНИИ ЯЗЫКАМ

Annotatsiya. Ushbu maqola antropotsentrik tilshunoslikda inson omilining ahamiyati va uning til o'qitishdagi ta'sirini o'rganadi. Antropotsentrik tilshunoslik tilning rivojlanishi va uni o'rganish jarayonida inson tafakkuri, madaniyati va ijtimoiy o'zaro ta'sirini markaziy o'rinda qo'yadi. Maqola nazariy yondashuvlar, pedagogik uslublar hamda individual til o'rganuvchilar, ijtimoiy muhit va madaniy ta'sirlarning til o'zlashtirishdagi rolini yorituvchi empirik tadqiqot natijalarini tahlil qiladi. Tadqiqot sifat metodologiyasidan foydalanib, mavjud adabiyot va amaliy misollarni tahlil qiladi hamda lingvistik kompetensiyada inson omilining muhimligini ko'rsatadi. Natijalar shuni ko'rsatadiki, til o'qitish metodologiyalari o'quvchilarning kognitiv, emosional va ijtimoiy ehtiyojlariga mos ravishda moslashtirilishi lozim, bu esa til o'zlashtirish jarayonini samaraliroq tashkil etishga xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: antroposentrizm, tilshunoslik, til o'rgatish, inson omili, kognitiv tilshunoslik, pragmatika, lingvomadaniyatshunoslik

Annotation. This paper explores the significance of the human factor in anthropocentric linguistics and its implications for language teaching. Anthropocentric linguistics emphasizes the centrality of human cognition, culture, and interaction in language development and learning. The study investigates theoretical perspectives, pedagogical approaches, and empirical research findings that highlight the role of individual learners,

social context, and cultural influences in language acquisition. The research employs a qualitative methodology, analyzing existing literature and case studies to illustrate the essential role of the human factor in linguistic competence. The findings suggest that language teaching methodologies should be adapted to the cognitive, emotional, and social needs of learners to enhance language acquisition.

Keywords: anthropocentrism, linguistics, language teaching, human factor, cognitive linguistics, pragmatics, linguistic and cultural studies.

Аннотация. В статье анализируется роль человеческого фактора в рамках антропоцентрической лингвистики, рассматривающей язык через призму человеческого познания, культуры и социального взаимодействия. На основе качественного анализа литературы и тематических исследований рассматриваются теоретические и педагогические подходы, подчеркивающие влияние индивидуальных, социальных и культурных аспектов на формирование языковой компетенции. Ключевой вывод исследования заключается в том, что эффективность преподавания языков напрямую зависит от адаптации методик к когнитивным, эмоциональным и социальным потребностям обучающихся.

Ключевые слова: антропоцентризм, лингвистика, обучение языкам, человеческий фактор, когнитивная лингвистика, прагматика, лингвокультурология.

INTRODUCTION

The principles of anthropocentric linguistics have been developed by numerous linguists. Founders of this field include V. von Humboldt, E. Sapir, B. Whorf, and other scholars. Their works illustrate the connection between language, human thought, and culture. In recent years, anthropocentric linguistics has been enriched by the inclusion of cognitive linguistics, pragmatics, and linguistic culture. Anthropocentric linguistics posits that language is deeply rooted in human cognition, experience, and social interaction (Langacker, 1991). Unlike structuralist approaches that treat language as an autonomous system, anthropocentric linguistics views language as a tool shaped by human perception, conceptualization, and cultural environment (Evans & Green, 2006). Language teaching, therefore, should prioritize the learner's cognitive and affective characteristics, as well as their social and cultural background.

This paper aims to analyze the role of the human factor in anthropocentric linguistics and how it affects language pedagogy. The study also examines how linguistic competence is influenced by psychological, social, and emotional factors, emphasizing the need for human-centered teaching approaches.

MAIN PART

This study employs a qualitative research design, focusing on literature review and case study analysis. A systematic review of peer-reviewed articles, books, and empirical studies related to anthropocentric linguistics and language teaching was conducted. Case studies from different cultural and linguistic backgrounds were analyzed to assess the impact of human factors on language learning. Data were collected from academic databases such as JSTOR, Google Scholar, and ResearchGate, with a focus on studies published in the last two decades.

The findings indicate that human cognition plays a crucial role in language processing and comprehension. Cognitive linguists argue that language learning involves conceptual structures and embodied experiences that shape linguistic meaning (Lakoff & Johnson, 1980). Social interactions also significantly influence language acquisition, as Vygotsky's (1978) sociocultural theory suggests that learning occurs through communication with more knowledgeable peers. Emotional factors, such as motivation and anxiety, also impact language acquisition. Studies have shown that students with high motivation and low anxiety levels achieve greater linguistic competence (Dörnyei, 2009).

In practical language teaching, the integration of human factors can be observed in communicative language teaching (CLT) and task-based language learning (TBLT). These approaches emphasize interaction, real-life communication, and learner-centered instruction, aligning with anthropocentric linguistic principles. Moreover, cultural aspects play a pivotal role in shaping language use and meaning. Learners acquire not only linguistic forms but also socio-cultural norms that govern communication.

The results highlight the necessity of incorporating human factors in language pedagogy. Traditional grammar-translation methods, which focus solely on linguistic forms, fail to address the

cognitive, social, and emotional needs of learners. By contrast, anthropocentric approaches advocate for contextualized language use, emphasizing meaning-making and personal engagement in communication.

One of the key pedagogical implications is the need for individualized instruction. Learners come from diverse cultural and linguistic backgrounds, and their learning experiences are shaped by personal cognitive and emotional factors. Teachers should adopt adaptive teaching strategies that cater to individual needs, using multimodal resources such as visual aids, storytelling, and interactive activities to enhance language comprehension and retention.

Additionally, digital technology offers new opportunities for implementing anthropocentric language teaching. Online learning platforms, virtual reality simulations, and AI-driven language learning tools can provide personalized learning experiences that align with the cognitive and social characteristics of learners. However, these technologies should complement rather than replace human interaction, as peer collaboration and teacher guidance remain crucial elements of effective language learning.

CONCLUSION

The study concludes that the human factor is integral to both anthropocentric linguistics and language teaching. Effective language acquisition requires attention to cognitive, social, emotional, and cultural aspects of learners. Future research should explore the application of AI and digital tools in human-centered language education, ensuring that technology enhances rather than diminishes the role of human interaction in language learning.

REFERENCES

1. Dörnyei, Z. (2009). *The psychology of second language acquisition*. Oxford University Press.
2. Evans, V., & Green, M. (2006). *Cognitive linguistics: An introduction*. Lawrence Erlbaum.
3. Lakoff, G., & Johnson, M. (1980). *Metaphors we live by*. University of Chicago Press.
4. Langacker, R. W. (1991). *Concept, image, and symbol: The cognitive basis of grammar*. Mouton de Gruyter.
5. Vygotsky, L. S. (1978). *Mind in society: The development of higher psychological processes*. Harvard University Press.

BO'RIYEV Jaloliddin Aliqulovich

O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi

Arab tili va adabiyoti al-Azhar

kafedrası dotsenti v.b. PhD

E-mail: jburiyev1977@mail.ru

TILSHUNOSLIKDA “TIL MADANIYATI” VA “NUTQ MADANIYATI” TERMINLARINING TAVSIFI VA TALQINI

ОПИСАНИЕ И ТОЛКОВАНИЕ ТЕРМИНОВ «ЯЗЫКОВАЯ КУЛЬТУРА» И «РЕЧЕВАЯ КУЛЬТУРА» В ЛИНГВИСТИКЕ

DESCRIPTION AND INTERPRETATION OF THE TERMS “LANGUAGE CULTURE” AND “SPEECH CULTURE” IN LINGUISTICS

Annotatsiya: O'zbek nutq madaniyatining tarixiy ildizlarini, uning shakllanishiga doir jihatlarni o'rganish qadimdan shakllanib kelgan o'zbek tili sohiblarining nutqi va muloqotining o'ziga xos xususiyatlarini aniqlashga xizmat qiladi. Shu nuqtai nazardan qaraganda, hozirgi globallashuv davrida nutq madaniyati va odobini tarixiy asarlar tili asosida o'rganish ma'lum nazariy va amaliy ahamiyat kasb etadi. Bu esa mazkur mavzuning dolzarbligini belgilaydi.

Kalit so'zlar: til madaniyati, nutq madaniyati, ma'naviy boylik, тюркский ёдгорлик, tilshunoslik, yozma va og'zaki nutq.

Аннотация: Исследование исторических истоков и особенностей узбекской речевой культуры имеет важное значение для понимания национального коммуникативного этикета. В эпоху глобализации обращение к языку исторических произведений становится особенно актуальным, поскольку позволяет выявить уникальные черты общения народа, складывавшиеся веками, и определить их роль в современной языковой практике.

Ключевые слова: языковая культура, речевая культура, духовное богатство, тюркское наследие, языкознание, письменная и устная речь.

Abstract: The study of the historical roots of the Uzbek speech culture and aspects of its formation

serves to identify the specific features of speech and communication of Uzbek speakers, which have been formed since ancient times. From this point of view, in the modern era of globalization, the study of the culture of speech and etiquette in the language of historical works has a certain theoretical and practical significance. This determines the relevance of this topic.

Keywords: language culture, speech culture, spiritual wealth, Turkic heritage, linguistics, written and oral speech.

KIRISH

Jahon tilshunosligi o'zining necha ming yillik tarixiga ega bo'lib, lisoniy tizim dunyo olimlari tomonidan inson faoliyatining o'ziga xos ko'rinishi sifatida alohida ilmiy yondashuvlar asosida tadqiq etib kelinmoqda. Muayyan tilning uslubiy va estetik jihatlari, mahoratli adiblarning idiolekti masalasi mazkur soha tadqiqotchilarining e'tiborida bo'lib keldi. Bunday ilmiy tadqiqotlar orasida nutq madaniyati va odobi muammosi ham muhim o'rin egallaydi.

Dunyo tilshunosligi milliy til va adabiy tilning o'ziga xos hodisalarini teran tadqiq qilishga o'zining keyingi davr rivojida alohida e'tibor qaratmoqda. Jamiyatdagi ijtimoiy taraqqiyot, barcha fanlarda bo'lgani kabi, tilshunoslik oldiga ham yangi talablarni qo'ydi. Global masalalar markazida milliy tillar va ularning individualligi hodisasi asosiy o'rinni egallaydi. Qadimgi ajdodlarimizdan qolgan yodgorliklar – toshbitiklardagi matnlar, yozma obidalar, lahja va shevalar; xalq og'zaki ijodiga mansub asarlar – maqollar, matallar, latifalar, ertaklar, dostonlar; turli shakllarda saqlanib qolgan mifologik asarlar; “Ibratli hikoyalar”, “Hikmatlar” nomi bilan bizgacha yetib kelgan yozma asarlar tili madaniy meros sifatida milliy mentalitetimizni bor bo'yi bilan ko'rsatib turganligi bois ushbu sohaga e'tibor kuchayib bormoqda. Nutq madaniyati va odobini, adabiy til va uning meyorlarini chuqur va har tomonlama ilmiy tadqiq qilish, ularning ochilmagan qirralarini o'rganish, shu asosda dunyoning lisoniy manzarasida milliy mentalitetning o'ziga xosligini ko'rsatib beruvchi zamonaviy tadqiqotlarni yaratish bugungi o'zbek tilshunosligining dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi.

Muhtaram Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, “Dunyodagi qadimiy va boy tillardan biri bo'lgan o'zbek tili xalqimiz uchun milliy o'zligimiz va mustaqil davlatchiligimiz timsoli, bebaho

ma'naviy boylik, buyuk qadriyatdir. Kimda-kim o'zbek tilining boy latofatini, jozibasi va ta'sir kuchini, cheksiz imkoniyatlarini his qilmoqchi bo'lsa, munis onalarimizning allalarini, ming yillik dostonlarimizni, o'lmas maqomlarimizni eshitsin, baxshi va hofizlarimizning sehrli qo'shiqlariga quloq tutsin. Turkiy tillarning katta oilasiga mansub bo'lgan o'zbek tilining tarixi xalqimizning ko'p asrlik kechmishi, uning orzu-intilishlari, dardu armonlari, zafarlari va g'alabalari bilan chambarchas bog'liqdir" [15:1].

ASOSIY QISM

Tilshunoslikda XX asrning 20-yillaridan boshlab til madaniyati va nutq madaniyati terminlari faol qo'llanila boshlandi. Nutq madaniyati sohasida bu ikki terminning bir-biridan farqlanishiga mashhur shveysariyalik olim F.de Sossyurning til va nutq dixotomiyasi haqidagi qarashlari turtki bergan deyish mumkin.

Ma'lumki, tilshunoslikda til madaniyati termini turlicha talqin etiladi. Ammo asosiy hollarda bu termin til tizimining madaniylik darajasi, ya'ni til birliklarining meyorga solinganligi, tartibga tushirilganligi, grammatik qonun-qoidalarning mukammal tarzda ishlab chiqilganligi holatiga nisbatan ishlatilmoqda.

Tilshunoslikda til madaniyati terminiga turlicha tavsif berilganligi kuzatiladi. Jumladan, T.Bushuy va Sh.Safarov "Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi" kitobida til madaniyati tushunchasiga ta'rif berishar ekan, "til madaniyati, avvalo, ilmiy xulosalar va ijtimoiy amaliyot natijalari asosida o'rnatilgan, lisoniy fikrlashning aniqligini ta'minlaydigan til normalari, uning lug'at boyligi, frazeologik zaxirasi" ekanligini bayon qilishdi [4:55]. Ular "til madaniyati hodisasini uning taraqqiyoti nuqtai nazaridan o'rganishda quyidagi tadqiq yo'nalishlariga murojaat qilish lozim"ligini ko'rsatishdi:

"1) orfografiya (zamonaviy tizimni arxaik xususiyatlardan tozalash maqsadida orfografiyani ilmiy asoslarda isloh qilish borasidagi tadqiqotlar);

2) nutqning tovush (ohang) tomonini o'rganishga oid tadqiqotlar (bu tadqiqotlar faqat orfoepiyagagina doir emas, balki talaffuzning muloqotni amalga oshirishdagi vazifasini ham qamrab oladi);

3) morfologiya. Til madaniyati muammosi grammatikaga ham daxldordir, biroq grammatik

tizimda til madaniyati boshqacha yo'nalish oladi. Zero, til madaniyati nazariyasi mustaqil ravishda morfologik norma yaratishga qodir emas. Norma til tizimining o'zida vujudga keladi, til madaniyatining unga ta'siri bilvositadir;

4) sintaksis. Bu sohani til madaniyati doirasida o'rganishda og'zaki va yozma nutq sintaksisi o'rtasidagi farqlarga alohida e'tibor berish talab qilinadi;

5) til madaniyatini stilistik farqlar nuqtai nazaridan o'rganish;

6) til madaniyatini semantik nuqtai nazardan o'rganish lug'at tarkibini meyorlashtirish va atamalar tizimini taraqqiy ettirish imkoniyatlarini aniqlash bilan bog'liq" [4:56].

E.Begmatov ham til madaniyati terminiga tavsif bergan. Uning fikricha, "Til madaniyati tushunchasi nutq madaniyati sohasida til sistemasining o'zini, masalan, o'zbek adabiy tilining vosita va imkoniyatlarini, "madaniylashtirishni" ko'zda tutadi. Demak, til madaniyati termini bilan ataluvchi tushuncha til sistemasining madaniylik darajasini, ya'ni uning qanchalik ishlanganligi, normallanganligini ko'rsatadi" [3:58].

Anglashiladiki, til madaniyati tushunchasi muayyan tilning fonetik-fonologik, leksik, morfologik, sintaktik sath birliklari meyorlashtirilganligi, grammatik qoidalarning ishlab chiqilganligi; orfoepik, orfografik, punktuatsion meyorlarning tartibga solinganligi, shuningdek, til birliklarining semantik, stilistik, funksional aspektlariga aloqador jihatlarning ham ishlanganligini qamrab oladi.

Ba'zi ishlarda til madaniyati terminining "til vositalaridan o'rinli foydalanish"ga nisbatan qo'llanganligi kuzatiladi. Jumladan, L.K.Turabayeva boshchiligidagi yozilgan maqolada "til madaniyati kommunikativ aloqa jarayonida nutq sharoiti va muloqot muhitidan kelib chiqqan holda til vositalarining o'rinli foydalanishi" sifatida tavsiflangan [14:26].

Mashhur tilshunos T.V.Jerebilo til madaniyati terminiga izoh berar ekan, bu terminning "nutq madaniyati" tushunchasini ham anglatishini qayd etgan. U terminning quyidagi ikki ma'nosini ko'rsatgan: "1. Yozma ёдгорликлардаги namunali matnlar xususiyatlari hamda til tizimining ifodalilik va mazmuniy imkoniyatlari. 2. Aynan nutq madaniyati"[6:169].

Ko'rinadiki, ushbu izohning ikkinchi ma'nosida til madaniyati va nutq madaniyati

terminlari aynan bir tushunchani anglatishi e'tirof etilgan.

Xuddi shunday, rus tilida nashrdan chiqqan sotsiolingvistik terminlar lug'ati, sotsiolingvistika terminlarining lug'at-ma'lumotnomasida ham til madaniyati va nutq madaniyati terminlari bir-biridan farqlanmagan. Ushbu lug'atda T.V.Jerebilo tomonidan til madaniyati terminiga berilgan yuqoridagi ta'rif qisman to'ldirishlar bilan berilgan: 1. Yozma yodgorliklardagi namunali matnlar xususiyatlari hamda til tizimining ifodalilik va mazmuniy imkoniyatlari. Til madaniyati bu ma'nosida og'zaki va yozma muloqot vaziyatida til xususiyatlari va imkoniyatlarining voqelanishi sifatida tushuniluvchi nutq madaniyatiga qarama-qarshi qo'yiladi. 2. Aynan nutq madaniyati.

Ushbu tavsifda ham go'yoki til madaniyati va nutq madaniyati terminlari farqlangandek tuyuladi. Ammo terminning ikkinchi ma'nosi izohida ushbu farq kuzatilmaydi.

Tilshunoslikda til madaniyati tushunchasi adabiy tilning muayyan davrdagi madaniy til sifatidagi kamoloti darajasini ifodalashda ham qo'llangan. Bu jihatdan til madaniyati tushunchasi adabiy tilning madaniylik darajasi, ya'ni mukammal holatda meyorlashtirilgan holatini o'zida namoyon etadi.

Anglashiladiki, tilshunoslikda til madaniyati termini keng va tor ma'nolarda qo'llanib kelinmoqda.

"Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari" kitobi mualliflari tilshunoslikda nutq madaniyati tushunchasining ham tor va keng ma'noda qo'llanib kelinayotganligini qayd etishadi. Ularning fikricha, "nutq madaniyati, agar masalaga lisoniy nuqtai nazardan qaraladigan bo'lsa, bu eng avvalo, nutqning to'g'riligi demakdir. Ikkinchidan esa, u uslubiy jihatdan silliq bo'lishi kerak, ya'ni yaxshi nutq noaniqlikka, uzundan-uzoq jumalarga qarshi bo'lishi, qisqalik, aniqlik va soddalik uning o'lchovi bo'lishi lozim. Keng ma'noda esa nutq madaniyati nutqiy ta'sirchanlikni, ijodiy yorqinlikni, o'tkirlik va ifodalilikni bildiradi" [16:9].

Nutq madaniyati termini ham qator lug'atlarda izohlangan. Jumladan, O.S.Axmanovanning "Slovar lingvisteshteskix terminov" lug'atida til madaniyati termini berilmagan bo'lsa-da, ammo nutq madaniyati terminining mohiyati to'g'ri va aniq ochib berilgan. Lug'atda bu terminga quyidagicha tavsif berilgan: "Nutq madaniyati. Aynan madaniy

nutq. Madaniy nutq (nutq madaniyati) inglizcha culture of speech, speech culture. Tilning orfoepiya, so'z qo'llash va boshqa meyorlarga muvofiqlik darajasi; insonning o'z individual nutqida eng maqbul namunalarga rioya qilish qobiliyatidir" [2:374].

Rus tilshunosligidagi lingvistik terminlar va tushunchalar izohi berilgan ensiklopedik lug'at-ma'lumotnomada ham til madaniyati termini uchramaydi. Nutq madaniyati terminining madaniy nutq termini bilan bir tushunchani anglatishi qayd etilgan holda unga quyidagicha izoh berilgan: "Nutq madaniyati. 1. Nutqiy muloqotning muayyan vaziyatida ifoda maqsadini inobatga olgan holda tinglovchi (o'quvchi)ga yaxshiroq, yoqimliroq ta'sir ko'rsatadigan hamda orfoepiya, so'z qo'llash va til funksionallashuvining ushbu tarixiy davridagi boshqa meyorlariga muvofiq keladigan til vositalari va ularga xos sifatlar majmuidir. Nutq madaniyati nutqning boyligi, rang-barangligi, ifodaliligi, tushunariligi, hammaga imkoniyatliligi, aniqligi va to'g'riligi bilan ajralib turadi. 2. O'z nutqida eng maqbul namunalarga rioya qilish qobiliyati.

Ko'rinadiki, nutq madaniyati terminiga berilgan ushbu izoh O.S.Axmanovanning lug'atida berilgan izoh bilan hamohang.

N.Mahmudov ham til madaniyati va nutq madaniyati terminlarining ba'zan farqlanmayotganligi masalasiga munosabat bildirar ekan, ularning turli tushunchalarni anglatishi xususida quyidagicha mulohaza bildiradi: "... til madaniyati tilning "madaniylashganlik", adabiylashganlik, normalashganlik darajasini, lug'at tarkibi, grammatik, semantik, stilistik jihatlardan rivojlanganlik, boylik darajasini, potensial ifoda imkoniyatlarining ko'lamdorligini ifoda etadi." [10:21]. Olimning fikricha, "Nutq madaniyati esa tildan bemalol, maqsadga o'ta muvofiq va ta'sirchan bir tarzda foydalana olishni ta'minlaydigan ko'nikma, malaka va bilimlarning jami demakdir. Boshqacha aytganda, nutq madaniyati tilda potensial mavjud bo'lgan xilma-xil ifoda shakllaridan fikr uchun eng uyg'unlarini tanlay bilish va shu asosda paco nutq tuza olish mahoratidir." [10:21].

O'zbek tilshunosligida til madaniyati va nutq madaniyati tushunchalarini bir-biridan farqlashga intilish boshqa ishlarda ham kuzatiladi. Jumladan, Y.Tojiyev, M.Mallaboyev tomonidan yozilgan "O'zbek nutqi madaniyati va uslubiyat asoslari" kitobida bu ikki termin til va nutq dixotomiyasi

asosida bir-biridan farqlangan [13:46]. Biz ham bu ikki terminning qo'llanishidagi farqli jihatlarni inobatga olgan holda ayta olamizki, til madaniyati tilning madaniylik aspektini qamrab olsa, nutq madaniyati muloqot jarayonida madaniy tildan to'g'ri, maqsadga muvofiq, o'rinli holda foydalanish masalasi bilan shug'ullanuvchi nutq aspektiga aloqadordir.

Ayrim lug'at va ensiklopediyalarda nutq madaniyati terminining tilshunoslikning muayyan sohasi, bo'limiga nisbatan qo'llanilishi masalasiga ham etibor qaratilgan. Jumladan, D.E.Rozental boshchiligidagi mualliflar tomonidan tuzilgan lingvistik terminlar izohli lug'atida nutq madaniyati termini "muayyan davrdagi jamiyatning nutqiy hayotini o'rganuvchi va insonlar fikrini shakllantiruvchi va ifoda etuvchi qurol hamda asosiy muloqot vositasi sifatida tildan foydalanish qoidalarini ilmiy asosda belgilovchi filologiya fani bo'limi" hamda "nutqning meyoriyligi, uning ma'lum bir tarixiy davrda til jamoasi tomonidan tilga qo'yiladigan talablarga muvofiqligi, talaffuz meyorlariga, urg'u, so'z qo'llash, shakl yasalishi, so'z birikmalari va gap qurilishi meyorlariga rioya qilinishi" tushunchasini anglatishi qayd etiladi [12:41].

"Russkiy yozik. Ensiklopediya" kitobida ham nutq madaniyati termini tilshunoslikning alohida sohasiga nisbatan qo'llanilishi qayd etilgan. Ushbu ensiklopediyada yozilishicha, nutq madaniyati uch tarkibiy komponentlarni qamrab oladi: normativ, etik va kommunikativ [11:204]. Til madaniyati va nutq madaniyati terminlariga berilgan ta'riflardan ma'lum bo'ladiki, ushbu terminlar mazmun mohiyatiga ko'ra bir-biridan farqlanadi.

Shuni xarakterliki, til madaniyati termini o'tgan asrning o'rtalarida "til va yozuvni takomillashtirish, tilning soffligi uchun kurashish"ga nisbatan ham qo'llanildi. Jumladan, jadidlarning o'zbek tilining imlo qoidalar va alifbosini takomillashtirish, tilning soffligi, unga xorij so'zlarining o'zlashtirilishi masalasi yo'lidagi xatti-harakatlari – til madaniyati uchun kurashdan iboratdir. Bunda til madaniyati jamiyatning tilga bo'lgan munosabati sifatida baholanib, tegishli mezonlar bilan belgilanadi.

Aniqroq aytganda, bu o'rinda til madaniyati tushunchasi u yoki bu tilda so'zlashuvchi xalqning o'z tiliga munosabati, ya'ni tilini hurmat qilishi, tiliga muhabbati kabi holatlar bilan belgilanadi. Tilning takomillashuvi esa

adabiy tilning sofflik mezonlari asosida to'g'ri va mukammal belgilanishida namoyon bo'ladi. Til madaniyatining rivojlanishi xalq madaniylik darajasining yuksalishiga ta'sir ko'rsatadi. Demak, jamiyatda til madaniyati taraqqiy etmagan bo'lsa, nutq madaniyati ham shakllanmaydi.

Tilning madaniylik darajasi nutq jarayonida ochiq ko'rinadi. Nutqda, uning og'zaki yoki yozma shakllarida muloqot uchun yaroqli bo'lgan til yanada madaniylashadi, sayqal topadi. Bu holat til madaniyati va nutq madaniyati tushunchalarining aslida bir-birini taqozo etuvchi hodisalarni anglatishini ko'rsatadi.

O'zbek tilshunosligida nutq madaniyati masalalari tahliliga bag'ishlangan ayrim ishlarda til madaniyati termini o'rinda madaniy til terminining qo'llanilishi kuzatiladi. Muloqot qiluvchilarning tildan foydalanishdagi ehtiyojlarini qondiruvchi, nutq tuzish uchun tayyor holatda turgan; xalq qiziqishlari, madaniy qarashlariga to'la javob bera oluvchi har qanday til shu jamoa uchun madaniy tildir. Tilni takomillashtirish tarixidagi kurashlar zahirida madaniy tilni yaratish masalasi yotganligi bois til madaniyati, madaniy til terminlari ekvivalent sifatida ishlatilayotganligi ma'lum. Variantdorlik muloqot odobi, muomala odobi, so'zlashish odobi, suhbatlashish odobi kabi terminlarga ham xos.

Bizningcha, madaniy til termini "ishlov berilgan til" ma'no qirrasini bilan til madaniyati tushunchasini anglatadi. Madaniy nutq esa har jihatdan hammaga ibrat bo'la oladigan namunali nutqdir. Bunday nutq egalarini namunali nutq sohiblari deb atash mumkin. Ular muloqot odobi – nutq madaniyati talablariga amal qilgan holda gapiruvchi shaxslardir. Madaniy nutqqa xos to'g'rilik, aniqlik, mantiqiylik, tushunarlilik, jo'yalilik, ixchamlik, ta'sirchanlik kabi xususiyatlar muloqot madaniyati doirasiga kiruvchi sifatlardir.

Tahlillardan ma'lum bo'ladiki, nutq madaniyati sohasida turli ilmiy tortishuvlariga sabab bo'layotgan masalalardan biri til madaniyati, nutq madaniyati, muloqot odobi terminlarining turlicha talqin etilishi va tizimli tarzda izohlanmaganligidir.

Dunyo tilshunosligida til va nutq madaniyati masalalariga doimo dolzarb muammo sifatida yondashib kelingan. V.V.Veselitskiy qayd etganidek, "hozirda nutq madaniyati bo'yicha tadqiqot olib borishning zarurligini isbotlab o'tirish ortiqchadir" [5:69].

قدمت قدوما خيرا – I have given a warm welcome.

In the second case, the omission of the verb is mandatory. This also comes in two forms. In the first form, there is no rule that necessitates the omission of the verb. For example:

سقاك الله سقيا – originally سقيا – May Allah bless you with abundance.

Indeed, it is not common in Arabic speech to pronounce the verb along with its verbal noun in such contexts.

In the second form, where the omission of the verb is obligatory, the verb is dropped in accordance with a rule, and this omission occurs for various reasons. One such reason is when the mutlaq masdar expresses the meaning of the preceding sentence. For example:

فشدوا الوثاق فإما منا بعد وإما فداء – “So bind them tightly, either after which you will show favour, or ransom will be accepted.”

In this case, فشدوا الوثاق “bind them tightly” serves to explain or clarify فإما منا بعد وإما فداء, meaning “you will either show favour or accept ransom.” The original form of this sentence would be:

إما تمنون منا بعد الشد وإما تفدون فداء

In this context, it can be said that N.I. Ibrahimov and M.Yusupov in their textbook “Arabic Grammar” refer to the absolute object (المصدر المطلق) as “absolute infinitive” (مفعول مطلق) as “absolute infinitive”, and they suggest that in certain cases, words like “أشدُّ” (most intense) and “كُلُّ” (all) may appear in the accusative case before the absolute infinitive. The absolute infinitive then acts as its muzaf ilayh (the second part of an “addition”). They state that this construction serves to intensify the meaning of the verb and its action.

For example:

“The mother loved her children very much.” – حبّت الأم أولادها كل الحب

V.E. Shagal mentions that words like “very” or “strong” can be added in such cases to reflect this intensification. For example:

“He hit him with all his strength.” – ضربه أشد الضرب

Arabic linguists have a broader discussion on such cases.

It is also mentioned that mufa’ul mutlaq can be replaced with certain expressions that denote the same idea. For example, words like كل (all) and بعض (some) can act as a substitute for the absolute infinitive.

For example:

“I respect him very much.” – أحترمه كل الإحترام
Here, the word كل is used as an intensifier of the absolute infinitive.

“I show some hesitation towards him.” – أتردد عليه بعض التردد
In this case, بعض is the replacement for the absolute infinitive.

Moreover, the absolute infinitive can also be replaced with its synonym, as demonstrated by:

“I urged him.” – دفعتُه حفراً
The word حفراً is a synonym for the infinitive دفعاً.

It’s possible to omit the infinitive and simply convey its quality, such as in:

“Life develops quickly.” – تتطور الحياة سريعاً
“Life develops with a rapid evolution.” – تتطور الحياة تطوراً سريعاً

In the first sentence, the absolute infinitive تطوراً is omitted, and the quality سريعاً (quickly) is used instead. This still refers to the accusative form of the infinitive.

It is also possible to use demonstrative pronouns before the infinitive, as in:

“I honoured him with that honour.” – أكرّمته ذلك الإكرام

Additionally, words indicating the number of times an action has occurred can replace the absolute infinitive, as seen in:

“I met him several times.” – قابلته عدة مرات
عدة substitutes the absolute infinitive.

“Maf’ul bihi” (Maf’ul bihi) refers to the object of the action in Arabic grammar. It indicates the recipient of the action.

For example:

“I hit Zayd.” – ضربت زيداً
Here, the action of hitting is performed on Zayd, making him the object of the verb.

If the verb is in the passive voice, the object becomes the subject (or agent) in the sentence. In Arabic grammar, this is called the “na’ib

fa’il” (substitute subject), which is studied in the nominative case.

The object (maful bihi) also has certain characteristics. For instance, it can come before the verb in some cases. For example:

“I worship God.” – الله أعبد
Here, the object (الله) comes before the verb (أعبد), as the verb is powerful enough to bring the noun in the accusative case before it.

Another characteristic is that the object can sometimes be omitted, as in questions:

Who did you see? – The answer might simply be: زيدا (“Zayd”). This is an example of the object being omitted after the verb, which is a unique feature in Arabic grammar. The object here is understood without being explicitly mentioned.

In Arabic grammar, special terms have been coined to explain such phenomena. For example, “munada” (vocative) refers to a situation where an object is omitted but a specific form is used instead, such as with the verb “أدعو” (I call). These types of constructions involve certain pronouns like يا (O), أي (Oh), هيا (Come), and أي (Come).

According to Sibawayh, in sentences like يا زيدا, the full form would be أدعوا زيدا, where زيدا is the object, but it is omitted and replaced by the vocative pronoun.

The verb’s action can sometimes be left out, with the object being implied. This is especially seen in situations like warnings (تحذير). For example:

“Beware of the lion.” – إياك والأسد
The full form would be بَعْدَ نَفْسِكَ مِنَ الْأَسَدِ – “Keep yourself away from the lion.”

This contraction happens because there is limited time or space to issue the warning, requiring a more concise expression.

Maf’ul fihi (Maf’ul fihi) refers to the place and time where an action occurs. It can indicate the place or time and answer the question of where or when the action took place.

In both Uzbek and Russian, this concept corresponds to expressing the location and time of an action.

For example:

هذه هي الزيارة الرابعة التي يقوم بها شارون إلى واشنطن
– “This is Sharon’s fourth visit to Washington.”
In this example, إلى واشنطن refers to the place where the action (the visit) took place.

Similarly, it can refer to time:

– ذهبت أمس مع صديقي إلى المسرح
“I went to the theatre with my friend yesterday.” Here, أمس refers to the time the action occurred, answering the question “When?”

Ibn Hojib's "Kafiye" book emphasizes that the object of a verb (maf'ul fi) can have two forms. In the first case, a preposition is used, and the object is in the nominative case. In the second case, the preposition is implied, and the object is in the accusative case. This view contradicts the opinions of Arab grammar scholars, who assert that only objects in the accusative case are considered true objects.

While explaining Ibn Hojib's views, Mulla Jami says: "Although Ibn Hojib's opinion is contrary to the views of grammar scholars, he divided maf'ul fi into two: those in the nominative and those in the accusative. He set several conditions for the accusative form of maf'ul fi" [13:369].

Ibn Hojib also divides adverbs into two categories: spatial and temporal. According to him, temporal adverbs can always be in the accusative case. For example, "صمت دهرًا" (I was silent for an age), "أفطرت اليوم" (I broke my fast today). Spatial adverbs, however, can only be in the accusative when used in an indefinite form. These include words like back, front, top, bottom, right, and left. For example, "أمام زيد" (in front of Zaid). Specific spatial names, however, are not used in the accusative case but in the nominative. For example, "جلست في المسجد" (I sat in the mosque).

Maf'ul Lahu (المفعول له): This object expresses the reason or purpose of the action. It can be translated into Uzbek as "cause" or "purpose." The action that creates the maf'ul lahu occurs because of it or for its existence. For instance:

"ضربته تأديبا" (I hit him for discipline) – here, maf'ul lahu expresses the purpose.

"قعدت عن الحرب جبا" (I stayed away from the war due to fear) – here, maf'ul lahu expresses the reason.

Arab grammarians name this type of object in the accusative in two different ways: al-maf'ul lahu and al-maf'ul li-ajli. The expression of reason and purpose holds a unique place in Arabic grammar. There are specific conditions for using this phrase in a sentence, notably that it must be a word denoting action, such as the infinitive (masdar). Understanding the role of masdar in a sentence is crucial for correctly identifying and translating the phrase.

Maf'ul Ma'ahu (المفعول معه): This object refers to the companion of the subject in performing the action. It follows the conjunction "waw" (و) in Arabic and can be translated as "companion modifier" in Uzbek. For example:

"كفاك وزيدا درهم" (You are sufficient with Zaid and a dirham).

"سرت وزيدا" (I travelled with Zaid).

The companion object indicates simultaneous or joint action, meaning the subject performs the action at the same time or in the same location as the companion.

Analysis of Accusative Objects: These five types of accusative objects are fundamental in Arabic syntax. In Uzbek, they are classified as "complementary modifiers" because they elaborate, specify, and intensify the meaning of the verb. Other objects, similar in function but governed by different grammatical factors or auxiliary verbs, are also considered complementary.

When translating into Uzbek, it is crucial to pay attention to the specific characteristics of these objects. It is important to note that not all types of maf'ul (objects) have a direct equivalent in Uzbek, which requires careful consideration during translation.

In conclusion, the accusative case plays a vital role in Arabic grammar, and understanding the nuances of accusative objects, their types, and their functions is essential for accurate translation and syntactic analysis.

REFERENCES

1. Abdijabbarov A. Arabic Language. – T.: Tashkent Islamic University, 2007. – 307 p.
2. Ibrahimov N., Yusupov M. Arabic Grammar. Vol. I-II. – Namangan: Ibrat, 2009. – 584 p.
3. Talabov E. Arabic Language. – T.: Uzbekistan, 1992. – 406 p.
4. Grande B.M. A Course in Arabic Grammar in Comparative-Historical Perspective. – Moscow: "Oriental Literature" RAN, 1998. – 592 p.
5. Kovalev A.A., Sharbatov G.Sh. Textbook of the Arabic Language. – Moscow: East Literature, RAN, 1998. – 752 p.
6. Kuzmin S.A. Textbook of the Arabic Language. – Moscow: Oriental Literature, 2003. – 385 p.
7. Shagal V.E. Textbook of the Arabic Language. – Moscow: Politizdat, 1981. – 786 p.
8. Yushmanov N.V. Grammar of Literary Arabic. – Moscow: Nauka, 1985. – 172 p.
9. Yushmanov N.V. Works on General Phonetics, Semiology, and Classical Arabic Morphology. – Moscow: East Literature, RAN, 1998. – 271 p.
10. أنطوان الدحدح. معجم قواعد العربية العالمية. لبنان، 1992. ص. 249.
11. الشيخ مصطفى الغلاييني، جامع الدروس العربية، بيروت، 1993.
12. فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. القاهرة. نهضة مصر. 1973. ص. 214.
13. نور الدين عبد الرحمن جمي. فوائد الزية وهو شهر الجامي لكافية ابن حاجب. بيروت، دور الكتب العلمية، 2014.

DAMINOV Baxromjon Zakirdjanovich

*A.Avloniy nomidagi milliy-tadqiqot instituti
mustaqil tadqiqotchisi,*

*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi
arab tili va adabiyoti al-Azhar
kafedrasi katta o'qituvchisi
dbaha167@gmail.com*

ARAB TILINI O'RGATISHDA TINGLAB TUSHUNISH KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING INNOVATSION YONDASHUVLARI

INNOVATIVE APPROACHES TO DEVELOPING LISTENING COMPREHENSION COMPETENCE IN TEACHING ARABIC

ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К РАЗВИТИЮ КОМПЕТЕНЦИИ АУДИРОВАНИЯ В ОБУЧЕНИИ АРАБСКОМУ ЯЗЫКУ

Annotatsiya. Ushbu maqolada arab tilini o'rganishda tinglab tushunish kompetensiyasini shakllantirishga oid zamonaviy yondashuvlar yoritilgan. Tinglab tushunish jarayoniga ta'sir qiluvchi kognitiv va psixologik omillar, xususan, idrok qilish, eshitish xotirasi, ichda gapirish, solishtirish, oldindan fahmlash (antitsipatsiya) va mantiqan tushunish jarayonlari tahlil qilingan. shuningdek, audio-ma'lumotni samarali qabul qilishni ta'minlovchi metodik yondashuvlar tahlil qilingan. Muallif tomonidan ishlab chiqilgan bosqichma-bosqich mashq modeli va interaktiv o'quv texnologiyalarining ahamiyati asoslab berilgan.

Kalit so'zlar: pedagogika, inson kapitali, innovatsiya, ta'lim tizimi, rivojlanish, ijodkorlik.

Annotation. This article presents modern approaches to the development of listening competence in the context of Arabic language education. It analyzes cognitive and psychological factors influencing the process of auditory comprehension, including perception, auditory memory, inner speech, comparison, anticipation, and logical reasoning. The paper also reviews methodological strategies that ensure effective reception of audio materials. The significance of the author's step-by-step model of exercises and the role of interactive learning technologies are substantiated.

Keywords: pedagogy, human capital, innovation, education system, development, creativity.

Аннотация. В данной статье освещаются современные подходы к формированию компетенции аудирования при изучении арабского языка. Проанализированы когнитивные и психологические факторы, влияющие на процесс восприятия на слух, в частности: восприятие, слуховая память, внутренняя речь, сопоставление, предвосхищение (антиципация) и логическое понимание. Также рассмотрены методические подходы, обеспечивающие эффективное восприятие аудиоинформации. Обосновано значение предложенной автором пошаговой модели упражнений и роли интерактивных образовательных технологий.

Ключевые слова: педагогика, человеческий капитал, инновации, система образования, развитие, креативность

KIRISH

Tinglab tushunish — nutq faoliyatining reseptiv shakli sifatida, chet tilini o'rganish jarayonining ajralmas va asosiy bo'g'ini sanaladi. Arab tilini o'rganuvchi talabalar uchun bu ko'nikma nafaqat til bilimlarini o'zlashtirishda, balki muloqotga tayyorlikda ham muhim ahamiyatga ega.

Har qanday bilish faoliyati esa emotsional va mantiqiy jihatlarni o'z ichiga oladi. Bu ikki jihat tinglab tushunishda uyg'unlikda namoyon bo'ladi. Ilmiy adabiyotlarda tinglab tushunishning turli mexanizmlari keng o'rganilgan.

Ruhshunoslarning ta'kidlashicha, birinchi mexanizm — bu nutqni idrok etishdir. Bu jarayonda insonda sezgi a'zolari orqali muayyan reaksiya yuzaga keladi. Masalan, begona tilni bilmaydigan shaxs bu tilni nafaqat tushunmaydi, balki uni eshitib anglash qobiliyatiga ham ega bo'lmaydi.

Shu bilan birga, eshitish xotirasi ham muhim rol o'ynaydi. Chunki biror nutqiy parcha idrok qilinayotganda uni yodda ushlab qolish, uning mazmunini anglash imkonini beradi.

Ichki nutq orqali takrorlash ham tinglab tushunishda asosiy mexanizmlardan biridir. Audiomatn eshitalayotganda inson miyasi nutq-harakat analizatori orqali uni ichida qayta takrorlaydi. Eshitalayotgan nutq ichki nutqda takrorlanganida, uni anglash darajasi oshadi. Tanish bo'lmagan yoki murakkab bo'lgan joylar odatda ichki nutq orqali qayta takrorlanadi. Agar o'rgatilayotgan til materiali yaxshi o'zlashtirilgan bo'lsa, ichki takrorlashga ehtiyoj kamayadi.

ASOSIY QISM

Ma'lumki, gapirish bilan tinglab tushunishni birgalikda o'rgatish samarali deb hisoblanadi. Eshitish sezgisiga kelayotgan signallarni xotirada qoliplangan andozada solishtirish mexanizmi. Solishtirish shaxsning avvalgi tajribasiga, uning sezgi va hissiyotiga qarab to'g'ri-noto'g'ri bo'lishi mumkin. Ta'lim oluvchi tajribasi deganda, eshitish va nutq harakat sezgilari miyada hosil qilgan narsalar tushuniladi. Solishtirish natijasida tanib olishga muvaffaq bo'linadi. Eshituvdan qolgan iz mustahkam bo'lsa, tanib olish mexanizmi (solishtirish va bilib olish mexanizmi deyilgani afzalroq) faolroq amal qiladi. Ta'kidlash joizki, eshitilayotgan hodisaning to'liq aksi miyada saqlanmaydi yoki tiklanmaydi, uning izi tushadi, xolos.

Navbatdagi mexanizmning nomi oldindan fahmlash (antitsipatsiya) deb ataladi. Sodaroq qilib, oldindan fahmlash deyish ma'qul. Bu mexanizm ishga tushganda, audiomatnning tuzilishi (jumlar yoki so'zlar shakli)ni yoki uning mazmunini oldindan bilib olish imkoniyati yaratiladi. Yana bir mexanizm audiomatnni mantiqan tushunish deyiladi. Miya faoliyatining analitik-sintetik amali asosida va boshqa imkoniyatlar doirasida anglash, ya'ni mantiqan tushunish ro'y beradi.

Mazkur mexanizmlarni shakl toptirish oqibatida o'quvchilarning tinglab tushunish malakasi hosil qilinadi. Tinglab tushunish malakasi arab tilida zaruriy mashqlarni bajarish tufayligina shakllanadi va rivojlanadi.

Ta'rif-tavsif etilgan tinglab tushunishning psixofiziologik va kognitiv mexanizmlari tahlil uchungina ayrim nomlar bilan ataladi. Nutq faoliyatida esa ular yaxlitlikda namoyon bo'ladi.

Yuqorida qayd etilganidek, tinglab tushunishni o'rgatishga maxsus vaqt ajratiladi va muayyan mashqlar bajariladi. Chet tilini o'rgatishning birinchi soatidan boshlab, to o'quvchi o'quv yurti tugatgunga qadar tinglab tushunishni o'rgatishga e'tibor qaratiladi.

O'quv dasturining og'zaki nutq qismidan joy olgan umumiy talablardan tashqari faqat tinglab tushunish uchungina mo'ljallangan jumlar ro'yxati ham keltiriladi. Bular o'quvchilar faqat o'qituvchini tinglaganda bilib olishga beriladigan jumlar ekanligini eslatib o'tish joizdir. Gapirish va o'qishda o'zlashtiriladigan leksik va grammatik materialni tinglab tushunishga ham oidligi muallimlarga ayon.

Ta'lim oluvchilarga tinglash uchun namuna bo'lmish muallim nutqi katta ahamiyatga molik. Darsni chet tilda olib borishning metodik qoidalariga rioya qilish zarurdir. Gapirish va o'qish materialini tinglab tushunish yordamida mustahkamlash hamda takrorlash ushbu nutq faoliyati turini ta'lim vositasi maqomiga kiritadi [6, 9].

Tinglab tushunishga oid mashqlar, ayniqsa darsning boshlanishida, sun'iy chet til muhiti yaratishga qaratilgan bo'lib, ko'p qismi tinglab tushunish bo'yicha bajariladi. Darsning asosiy qismi va yakunida ham tinglab tushunish mashqlari muhim ahamiyat kasb qiladi.

Boshqa nutq faoliyati turlaridan farqli o'laroq, tinglab tushunish chet tili o'rgatish davomida ta'lim maqsadi va vositasi tarzida o'rganiladi. Maqsad sifatida uning amaliy o'rganilishi chet tilida axborot olishni bildiradi. Barcha og'zaki nutq va o'qish mavzulari qamrovidagi mazmun tinglab tushunish orqali o'zlashtiriladi. Gapiriladigan va o'qiladigan paytda o'zlashtirilgan axborot tinglab tushunish uchun ham taalluqli.

Ta'lim vositasi sifatida esa, tinglab tushunishning til materiali (leksika, grammatika, talaffuz birliklari) ni o'rganishda qo'llash nazarda tutiladi. Yangi tinglab tushunish uch bosqichli jarayon bo'lib, umumiy eshituv idroki (akustik appersepsiya), so'zlarning tovush tomonini (fonematik) farqlash va mohiyatini anglash orqasida nutqdagi mazmun idrok etiladi, bilib olinadi va tushuniladi.

Mazkur mexanizmlarni shakl toptirish oqibatida o'rganuvchilarning til o'rganish jarayonida tinglab tushunish malakasi hosil qilinadi. Tinglab tushunish malakasi arab tilida zaruriy mashqlarni bajarish sababli shakllanadi va rivojlanadi. Tinglab tushunish muvaffaqiyatli amalga oshishi uchun quyidagi uch omil nazarda tutiladi. Tinglovchining o'ziga bog'liqlik (xususan, eshitish malakasining rivojlanganligi, xotirasi, diqqati kabi xususiyatlari), tinglash shart-sharoiti (nutq tezligi, til materialining hajmi hamda shakli) va shu bilan birgalikda qo'llangan materialining lingvistik jihatlari hisobga olinadi.

O'qituvchi talabaning idrok qila olish qobiliyatini bilishi zarur. Psixologlarning ta'biricha, materialni, nutqni idrok qilish, tushunish xotirada puxta saqlanishning garovidir. O'qituvchi o'rgatayotgan materialini, nutqini doim o'quvchi, talaba ongli tushunsin, anglasin. Buning uchun

esa doim o'qituvchi izlanishda bo'lishi, vositalar topa bilishi, ularni qo'llay olish, idrok qilgan, qilaolmaganlarini tekshirib turishi zarur. Idrok qilinmagan nutq, material o'quvchining yodida, esida puxta saqlanmaydi. R.A.Zaripovanning fikricha, "Idrok sezgi organlariga ta'sir ko'rsatib turgan narsa va hodisalarning inson ongida aks ettirilishlaridir" [7]. Chet tillarni o'rgatishda biz sodda va murakkab idroklarga duch kelamiz. Sodda idrokka til materialini idrok etishni, murakkab idrokka esa tovushli yoki yozuvda ifodalangan matnlarni idrok etishni kiritish lozim.

Shuni ta'kidlash joizki, tinglovchi hech bo'lmaganda ma'ruzachi singari shu jarayonda ishtirok etishi, suhbatni tinglashi va uni idrok etishi kerak. To'liq ishtirok etishning ushbu jarayonini tavsiflash uchun "faol tinglash" iborasi ishlatiladi.

Idrokning asosiy xususiyatlari shuki, ular o'tmish tajribaga bog'langan bo'lib, faol va tanlab oluvchanlik xarakteriga egadir. Mana shu xususiyatlar chet tillarni o'qitishga taalluqlidir.

Ta'limda onglilik va faollik tamoyili o'qitish, ta'lim berish, tarbiyalash maqsadlari va vazifalaridan, talabalar tarbiyalanayotgan hamda til o'rganayotgan bilim yurtida materialga ongli va ijodiy yondashishdan, hamda o'quv jarayonining o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqadi. Bu tamoyil o'rganilayotgan hodisalarni maqsadga yo'nalgan holda idrok qilishda, ularni tushunishda, ijodiy ravishda qayta ishlab chiqish va qo'llashda o'z ifodasini topadi.

Onglilik didaktikaning muhim tamoyili sifatida til va nutq hodisalarning mohiyatini aniqlashda, ularning sabab aloqalarini ochishda til birligi, shakllari, mazmuni, ularning borliqqa bo'lgan munosabatlarini tushunib yetishni talab qiladi. Onglilik tamoyilining tatbiqi o'quvchilarning aqliy faoliyatiga suyanishga, ular tomonidan analiz va sintez qilishdan, qiyoslash va qarama-qarshi qo'yishdan foydalanishga to'g'ri xulosalar qilish va bilimlarni amaliyotda qo'llash ko'nikmalariga ega bo'lishga asoslanadi. Til hodisalarning vazifasini tushunish til va nutq mexanizmlarini tezroq shakllanishiga yordam beradi.

Arab tilini o'qitishdagi faollik talabalarda arab tilida nutq harakatlarini amalga oshirish uchun zarur bo'lgan diqqat, tafakkur, xotira va irodani rivojlantirish degan ma'noni bildiradi. Faollikning asosiy manbalari maqsadlar, sabablar, xohishlar va qiziqishlar hisoblanadi.

Talaba, o'quvchilar faolligini boshqarish nutq faoliyatining retseptiv, reproduktiv va produktiv

turlariga, talaba va o'qituvchi nutqiga, talabalarni javob berishga tayyor bo'lishlarida, Talabalarning matn mazmunini oldindan aniqlash uchun so'zlar, so'z birikmalari ma'nolarini fahmlab olishdagi ko'nikmalarni tarkib toptirishda, vaqtni to'g'ri taqsimlashda namoyon bo'ladi. Ko'rgazmalilik tamoyili ma'lum materialni o'rganishda, xotirada jonlantirishda, tashqi dunyoni bilishda ko'rgazmadan foydalanishga asoslanadi.

Tinglash qobiliyatlarini o'rgatishning samarali, zamonaviy usullari bilan bir qatorda interaktiv mashqlar hamda multimedia va raqamli platformalardan, masalan, mobil ilovalar va onlayn audio resurslardan foydalanish mumkin. Tinglash qobiliyatlari yakuniy mahsulotga emas, balki ko'proq o'quv jarayoniga yo'naltirilgan oddiy, qiziqarli mashg'ulotlar orqali samarali o'rganiladi.

Til o'qitish jarayonida tinglash qobiliyatlarini kuchaytirishning samarali usullaridan biri bu o'zaro intervyular tashkil etishdir. O'rganuvchilar ikki yoki uch kishilik kichik guruhlariga tayinlangan holda ma'lum bir tinglash jarayonini tashkil etishi mumkin. O'zaro aloqa qilish orqali tinglash qobiliyatini rivojlantirishga imkoniyat beradi. Bundan tashqari kattaroq guruh faoliyati ham tinglovchilarga tinglash qobiliyatlarini o'rgatish uchun foydali usul bo'lib xizmat qiladi.

Talabalar hamma narsaga ahamiyat bermaydilar; ular vazifaning maqsadiga muvofiq tanlab tinglaydilar. Bu o'z navbatida, talab qilinadigan tinglash turini va tinglovchilarning vazifaga qanday yaqinlashishini aniqlaydi.

Hozirgacha mashqlar tizimi uning tarkibiy qismlari, mashqlar tizimining tasnifi borasida bir qancha lingvistik, psixolingvistik, didaktik va pedagogik tadqiqot ishlari olib borilgan: (1) chet til o'qitish metodikasida barcha mashqlarni lingvistik nuqtai nazardan til va nutq mashqlari nomi bilan yuritib kelinadi [1]; (2) psixolingvistik nuqtai nazardan mashqlar: a) informatsion – bilim o'rgatadigan; b) operatsion – til materialini o'rgatish orqali ko'nikmani shakllantiradigan; v) motivatsion – nutqiy malaka hosil qilish uchun bajariladigan guruhlariga ajratiladi; (3) shakllantiruvchi, rivojlantiruvchi va takomillashtiruvchi mashqlar [2] (4) fonetik-orfografik, grammatik bilan ishlash ko'nikma va malakalarni takomillashtirishga qaratilgan mashqlar [4].

Ba'zi metodist olimlar fikriga ko'ra «mashq ta'lim oluvchilarga mexanik jarayon sifatida emas, aksincha, muammoli vaziyat sifatida taqdim etilishi lozim» [3]. Mashqlar tizimli ravishda osondan qiyinga, oddiydan murakkabga, bilimdan malakani

shakllantiruvchi vaziyatda taqdim etilsa, o'quv fani oldiga qo'yilgan maqsadga erishish mumkin. Sababi, bugungi kun talabi o'quvchilar egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini real vaziyatda qo'llay olishi kerak.

Bizningcha, yuqoridagi olimlarning bergan mashqlar tizimiga asoslangan holda tadqiqot ishimiz doirasida o'zimizning tizimimizni taqdim etishni lozim topdik (1-jadvalga qarang).

Audiovizual matn bilan ishlashning quyidagi to'rt bosqichlari tavsiya etiladi: (1) eshituvdan oldi tayyorlov mashqlarida; (2) matnni tinglash, agar zarurat bo'lsa, takroriy tinglash yoki ko'rish; (3) so'zlarning tovush tomonini fonematik farqlash va mohiyatini anglash orqasida nutqdagi mazmun idrok etiladi; (4) matnni eshitishdan keyingi bosqich: (5) tayyorlanmagan nutqni rivojlantirish - bilib olinadi va nihoyat tushuniladi.

Arab tili mutaxassisligi bo'yicha ta'lim olayotgan filolog talabalarning nutq faoliyatining barcha turlarini mukammal egallashlari ularning kasbiy kompetentligi uchun juda muhim. Shu bois filologik oliy ta'lim muassasalarda til mashg'ulotlari shunday tashkil etilishi kerakki, dars jarayonida har bir talaba asiyatda berilgan matnlarni tinglab tushunsin. Filolog-talabalar malakali mutaxassis bo'lib yetishishlari uchun arab tili darslarida audivizual vositalardan foydalanib metakognitiv strategiyalarga asoslangan tinglab tushunish ko'nikmasini rivojlantirish tizimining kiritilishi maqsadga muvofiq.

1-jadval

Audiovizual vositalar asosida tinglab tushunish ko'nikmasini rivojlantirish tizimi

Bosqich	Mashq va topshiriqlar mazmuni	Metodikalar / Yondashuvlar
1. Exploration (Tinglashdan oldingi bosqich)	- Audiovizual material mavzusi bilan tanishtirish- Qisqa savol-javob- Yangi so'z va iboralarini aniqlash- Tematik guruhlash	- Blits-so'rov- Aqliy hujum- Informativ mashqlar (eshituv idroki)
2. Elaboration (Tinglash / Ko'rish bosqichi)	- Harakat va imo-ishoralardan foydalanib fikr bildirish- Videoni tahlil qilish- Tovush-fonematik farqlash asosida mazmunni tushunish	- "Video-topishmoq" strategiyasi- Reproaktiv mashqlar

Bosqich	Mashq va topshiriqlar mazmuni	Metodikalar / Yondashuvlar
3. Conformation / Reflection (Tinglashdan keyingi bosqich)	- Muhokama, bahs-munozara- Savol-javob va juftlik/ guruh bilan ishlash- O'yinlar orqali kommunikativ vaziyat yaratish	- Munozara, debat, suhbat- Produktiv mashqlar (bilib olinadi va tushuniladi)

Xulosa

Arab tili mutaxassisligi bo'yicha ta'lim olayotgan filolog talabalarning nutq faoliyatining barcha turlarini mukammal egallashlari ularning kasbiy kompetentligi uchun juda muhim. Shu bois filologik oliy ta'lim muassasalarda til mashg'ulotlari shunday tashkil etilishi kerakki, dars jarayonida har bir talaba asiyatda berilgan matnlarni tinglab tushunsin. Filolog-talabalar malakali mutaxassis bo'lib yetishishlari uchun arab tili darslarida audivizual vositalardan foydalanib metakognitiv strategiyalarga asoslangan tinglab tushunish ko'nikmasini rivojlantirish tizimining kiritilishi maqsadga muvofiq.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Миролюбов А.А. Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишнинг умумий методикаси. – Тошкент, 2004.
2. Jalolov J. Chet til o'qitish metodikasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2012.
3. Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. – Москва: Просвещение, 2009.
4. Щукин Н. История методов обучения иностранным языкам в схемах и таблицах. – Москва, 2021.
5. Daminov B. Listening and understanding the speech in learning a foreign language. Academia Science Repository, 2023. № 4.
6. Леонтьев Б.И. Методика обучения иностранным языкам как наука и теория школьного учебника. – Москва. 2007.
7. Зарипова Р.А. Ўзбек ўрта мактабларида чет тилини ўқитиш методикасининг асосий йўналишлари. – Тошкент. 2006.
8. Даминов Б.З. Особенности использования педагогических технологий в обучении арабскому языку. Педагогика и психология в современном мире, 2023. – № 2.
9. Бим И.Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и теория школьного учебника. – М.: Русский язык, 2007. – 288 с.

ШУКУРОВА Ойша,

Тошкент давлат шарқишунослик
университети таянч докторанти
aisha.shukurova.22@gmail.com

“ИНТИБОХ” ВА “ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНЛАРИДА ЭКСПРЕССИВ ВОСИТАЛАР

ЭКСПРЕССИВНЫЕ СРЕДСТВА В РОМАНАХ “ИНТИБАХ” И “МИНУВШИЕ ДНИ”

EXPRESSIVE DEVICES IN THE NOVELS “INTIBOH” AND “BYGONE DAYS”

Аннотация. Мақолада турк ва ўзбек адабиётининг дастлабки романлари бўлган “Интибоҳ” ҳамда “Ўткан кунлар” асарларида учрайдиган тасвирий, хусусан, экспрессивликни таъминловчи воситаларни қиёслаб тадқиқ этиши мақсад қилиб олинган. Қаҳрамонларнинг ҳиссий олами уларнинг юз ифодаси, ранги, гавда ҳолати ва хатти-ҳаракатларида қай даражада акс эттирилгани мисоллар ёрдамида кўриб чиқилади. Шунингдек, мақолада тасвирий воситаларнинг ҳар иккала асар мақсадини очиб беришидаги аҳамияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Номик Камол, Абдулла Қодирий, роман, тасвирий восита, экспрессия, бадиий тасвир, руҳий таъсирчанлик.

Аннотация. Целью статьи является сравнительный анализ изобразительных, в частности, экспрессивных средств в романах «Интибах» и «Минувшие дни», являющихся первыми романами в турецкой и узбекской литературе. На примерах рассматривается, в какой степени эмоциональный мир героев отражается в их мимике, цвете лица, позе и действиях. Также в статье раскрывается значение изобразительных средств для передачи идейного замысла обоих произведений.

Ключевые слова: Намык Кемаль, Абдулла Кадыри, роман, изобразительное средство, экспрессивность, художественное изображение, эмоциональное воздействие.

Absrtact. The article aims to comparatively analyze the descriptive devices, particularly those that ensure expressiveness, in « Intiboh» and «Bygone Days», the

first novels in Turkish and Uzbek literature, respectively. Using examples, the article examines the extent to which the characters' emotional world is reflected in their facial expressions, complexion, posture, and actions. Furthermore, the article discusses the significance of these descriptive devices in revealing the main purpose of both works.

Keywords: Namik Kemal, Abdullah Kadiri, novel, pictorial means, expression, artistic image, emotional impact.

КИРИШ

М.Хайдеггерга кўра, инсоннинг ички моҳиятини очишга ёрдам берувчи асосий воситалар тасвирий санъат ва мусиқадири. Айнан шу соҳаларда инсон табиатида яшириниб ётган ижодкорлик кучлари юзага чиқади [8:261]. Аммо бадиий адабиёт деган бир куч борки, ҳеч қандай мусикий нота ёки рангдор бўёқларни қўлламай туриб ҳам инсоннинг ички оламини очиш имконини беради. Ҳар бир муаллиф ўзига хос усулни қўллаб, бадиий сўз воситасида қаҳрамонларининг кечинма ва ҳиссиётларини тасвирлайди. Л.Толстой бундай санъатни “оддий сўз билан баён қилиб бўлмайдиган ҳақиқатни айтмоқ” дея таърифлайди [12:310]. Бундай улкан вазифани бажаришда Номик Камол ва Қодирий сўз санъатига дахлдор жуда кўп усул ва воситалардан ижодий фойдаланишади. Қаҳрамонлар ташқи қиёфаси, юриш-туриши, ҳаракатлари ва нутқ оҳангининг экспрессивлигига диққат қаратиш шундай усуллардан бўлиб, “Интибоҳ” ҳамда “Ўткан кунлар” романлари бу жиҳатдан юксак маҳорат намунаси бўла олади.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Интибоҳ” аввалида кўпроқ пейзаж тасвири берилса-да, воқеалар ривожига қаҳрамонларнинг ички кечинмаларига хитоб этувчи ифодаларга ўрин берилади. Чамлижа сайрларидан бирида Али бей аравадаги қизга қўл ҳаракати билан белги беради ва бундан ўзи хижолат чекади: “... yeni öğrendiği biçimde işaret etti...bir namus sahibinin arabasına sataşmış olmak endişesiyle utanmasına yol açtı ve kanında oluşan sıcaklık bedenini eritecek sandı” [4:13] (яқинда ўрганган ишорасини кўрсатди... қайсидир ибодли қизнинг аравадига осилган бўлиши эҳтимолини ўйлаб, уялиб кетди ва

қонидаги ҳарорат баданини этириб юборгудек бўлди); ортидан ўзига ҳам сирли ишора келиши йигитни янада довдиратиб қўяди, муаллиф Али бейнинг руҳий ҳолатини беришда, ундаги ўзгаришларга, хатти-ҳаракатларга батафсил тўхталади: “...görünüşte herkesle birlikte eğlenir gibi görünür; fakat zihninde bilinen işareti anlamak için – Mısır’ın eski yazılarını elde sözlüğü yokken okumaya çalışan bilginler gibi – her şekilden nice anlam, her durumdan birçok konu çıkarmaya çalışırdı. Fakat düşüncesini zorladıkça çözme yi istediği bilmece zorluğa düşer, bilmecesi zorluğa düştükçe zihnindeki yorgunluk artar, hayali ise bu kısır döngü içinde hayran hayran dolaşır dururdu” [4:14] (ташқаридан ҳамма билан вақтичоғлик қилаётгандек кўринар; аммо хаёлан ўша белгини тушуниш учун – қадимги Миср ёзувларини луғатсиз ўқимоқчи бўлган олим сингари – шаклдан маъно, ҳолатдан мазмун кидирарди. Бошини қотиргани сари жумбоқ янада қийинлашар, жумбоқ қийинлашгани сари мияси чарчарди. Хаёллари эса шу доира ичида тинимсиз айланарди). Бундай поэтик руҳий ҳолат тасвири орқали қаҳрамонининг ички дунёсини ёрқин очиб берар экан, адиб усталик билан экспрессия турларидан бири ранг ўзгаришидан фойдаланади – ички ўзгариш юзга уриб, йигитнинг ранги сарғайиб кетади: “...yüzü üzerinde bulunan güneş gibi hem ateşler içinde kalmış hem de sararmıştı” [4:17] (юзи қуёшдек ловуллаб, сарғайиб кетганди). Бу усулдан Номик Камол роман давомида бир неча бор фойдаланади: “Mahpeyker... Ali bey’i...hüzünlü şaşkınlıktan kurtarmaya çalıştı. Böylece çocuğun yüzünde tozpembe yaşmaklar kadar hafif bir kırmızı renk yayılmaya başladı” [4:26] (Моҳпайкар... Али бейни... бу маҳзун ҳайрат ҳолатидан чиқариб олишга уринди. Шундай қилиб, йигитнинг юзига оч пушти ҳарир ниқобга ўхшаш енгил кизиллик югура бошлади); “bedenindeki kan, kızgınlık ve utanmayla ateş kesilerek yüzündeki kırmızılık yeni tutuşmuş bir aleve benzedi” (вужудидаги қон алам ва уятдан алангаланиб, юзи оловдек ловуллаб кетди). Шундай ҳолатни Моҳпайкарда ҳам кузатамиз. Али бейдан келган рад мактубини олгач, унинг ҳолати яна рангининг ўзгариши билан очиқланади: “yüzü müthiş bir biçimde sarardı” [4:90] (юзи аянчли тусда сарғайиб кетди); ёки кайфияти тушиб кетган ҳолат учун “yüzündeki tazelik yerini

karaltıya benzer hafif bir üzüntü rengine bıraktı” [4:31] (юзидаги софлик ўрнини қорайгансимон хафагарчилик ранги эгаллади).

Юз рангининг ўзгариши билан кечадиган экспрессив ҳолат “Ўткан кунлар”да ҳам бир неча бор тасвирланади. Руҳий ҳолатнинг инжа чизгилари ҳақиқатдан ҳам юзда акс этади, буни адиб ғоят аниқлик билан ифодалайди. Отабек қўнғлида авайлаб юрган сири – севиб қолганидан Ҳасанали хабар топгач, қаттиқ хижолат тортади: “Отабек қип-қизил қизариб гуноҳкорлардек ерга қараган эди” [14:30], “Отабек ўзининг қип-қизил ёлғонлашидан виждони олдида қизаринди” [14:189] ёки Қумуш ҳам тўй кечаси уятдан “қизаринади” [14:64]; Қушбегининг тўхматидан қаттиқ асабийлашган “Отабек азбаройи бўғилиб кетканидан кўкимтил товлан”ади [14:76]; Ҳомиднинг қилмишларидан хабар топганида “ичда қайнаган ҳиссиёт ўз шарпасини унинг юзига очик ташлаб турмоқда, кўзи ўт каби ёнар ва юзи юз хил туска кирар”ди [14:232]; сири фош бўлган Аввалига “ранги ўчкан” Зайнабнинг аҳволи эса янада аниқроқ: “Туси мурдадек оқарган...” [14:373].

Номик Камол гавда ҳолати ва хатти-ҳаракатлари орқали ҳам қаҳрамонининг ички дард, ҳаяжон ва изтиробларини ёки аксинча, хурсандчилик онларини тасвирлайди. Гарчи Али бей ўзидаги ўзгаришларни ташқарига сездирмасликка ҳаракат қилса-да, жисми ўзига бўйсунмайди: гоҳ кўзидан шашқатор ёшлар оқади, гоҳ ҳушидан кетиб қолгудек ҳолсизланади; дарғазаб ҳолатида безгак тутиб, табиатига зид бўлган ишларни қилади. Али бейга чиндан ошиқ бўлиб қолган Дилошубнинг ҳолати эса янада экспрессив бўёқларда тасвирланади. Али бей аввалига онасининг таклифини кескин рад этиб, Дилошубга уйланишни истамаган бўлса, орадан бир кун ўтиб-ўтмай, фикри ўзгариб уйга қайтганидан сўнг, қиз аралаш ҳислар ичида қолиб кетади: “Hatta odadan çıkmaya bile gücü yetmeyerek şiddetli bir baygınlıkla bulunduğu yere yığılıp kaldı” [4:84] (хатто хонадан чиқишга ҳам мажоли етмай, ҳушидан кетиб, турган жойида йиқилди). Асар давомида Дилошуб бир неча бор ҳушидан кетади. Бу аслида унинг ички кечинмаларининг жисмидаги акси бўлиб, мазкур ҳолатни адабиётшунос Иброҳим Ғафуров қуйидагича таърифлайди: “Ҳушдан кетиш фавқулотда

рухий ҳолат. У фақат қаттиқ кечинмаларга берилгандагина, одам дилида мубталоликнинг ўчмас олови бўлгандагина рўй берса керак” [15:300]. Дарҳақиқат, Дилошубнинг ёрига бўлган муҳаббати “мубталолик” даражасида берилганки, ҳар қандай сабаб, ҳар қандай хорлик унинг севги отабини сўндириб қўймайди; ҳатто севгилиси томонидан бериладиган ситам унга ҳузур бағишлайди. Али қизни дўппослаб, ўлар ҳолга олиб келганда ҳам унга нисбатан ҳислари заррача ўзгармайди: “bulunduğu kanla dolu yer içinde sürünerek istekle beyinin ayaklarına yüz sürmeye çalışır ve kalbinin tam teslimiyeti ise şehresinde oluşan hüznü gülümsemelerden anlaşılırdı” [4:100] (қонга булғанган жойида судралиб, жон-жаҳди билан ёрининг оёқларига юз суришга интилар, қалбидаги таслимиёт эса чеҳрасидаги маънос табассумдан сезилиб турарди).

Ҳушдан кетиш билан боғлиқ экспрессия “Ўткан кунлар”да ҳам айнан Кумуш билан содир бўлади: Отабек номидан ёзилган сохта мактубни олган Кумуш “жонсўз бир товуш ила “уятсиз!” деб қичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди” [14:171]. Кўнгли истамаса-да, бўлаётган ишларга розилик бериши, ўзининг зарарига кўниб бўлса-да севганига ён босиши унинг юқорида келтирилган таърифдагидек, ишққа енгилганидан дарак беради; кундош хабарини эшитган Кумуш “Фузулий таъбирича себи занаҳдони негадир қизариб, новаки мижғони кўзёшлари билан жуфтлан”са ҳам, [4:153] бунга розилик беради.

“Интибоҳ”ни ёзишда адиб рухий таъсирчанликнинг романда фойдаланган ташқи усулларида – оҳ тортиш, титраш, уйқусизлик, кўздан ёш оқиши, сочларини юлиш ва шу кабилар воситасида бадий лавҳалар яратади. Масалан, асабийлик/ғазабни ифодалаш учун баъзан “sanki her damarı bir telegraf teliydi, beynine dokunan tarafından yıldırımlar saçılırdı” [4:20] (гўё томирлари телеграф симига айланиб, миясига уланган жойидан чакмоқ чақаётгандек бўларди) ёки “sanki gözleri açıkken uyur: uyanıklık aleminde rüya görürdü” [4:20] (гўё кўзларини очиб ухлар, ухламай туриб туш кўрарди) каби ички белгиларни қўлласа, баъзи ўринларда уни ташқи усуллар билан ифодалайди: “Sözün öteki yarısı ağzından çıkarken sesi titremeye, gözlerinden ufak ufak birkaç damla yaş koparak

kirpiklerinde dolaşmaya başladı” (гапининг қолган ярмини айтаркан, кўзларидан бир нечта майда томчилар сизиб чиқиб, киприкларида айлана бошлади) [4:30], “mezar toprağından yaratılmış kadar korkunç, mazlum kanıyla boyanmıştan iğrenç kızgın bir surat gösterdi” (турқи қабр тупроғидан яратилгандек даҳшатли, мазлум қонига бўялгандан ҳам жирканчроқ, ғазабнок эди), “hışım ile elinden tutarak ve gözlerini kan dökücü bir şekilde belerterek...” (жаҳл билан кўлидан тутиб, кўзларини қонаб кетгудек олайтириб...) [4:121] каби. Ғам-алам ифодасида ҳам шундай, экспрессиянинг ташқи ва ички усуллари кўришимиз мумкин: “zindana atılmış gibi eziyet çekti. İşi gücü odanın bir köşesine çekilerek yetimler gibi ah etmek, hüznü göz yaşı dökmektir” (зиндонга ташланган одамдек азият чекарди. Ишининг оти хона бурчагига тикилиб, етимлар каби оҳ тортиб, кўз ёш тўкиш бўлиб қолганди) [4:10], “iki elini başına atarak ve o güzel saçlarının birazını yolarak...” [4:128] (икки кўлини бошига олиб бориб, гўзал сочларидан бир қанчасини юлиб...), Yüzü rahat döşeginin üzerine doğrultulmuş ölü gibi soluk, davranışları Allah'ın gazahını görmüş günahkar gibi korkunçtu. Birkaç saniye kadar şaşkın şaşkın çevresine bakındıktan sonra, dudaktan bembeyaz kesilerek titremeye, gözleri bayılmak alameti göstermeye başladı (юзи мангу роҳат тўшагига ётқизилган мурдадек сўлғин, ҳаракатлари Аллоҳнинг ғазабини кўрган гуноҳкор сингари кўрқинчли эди. Бир неча сония ҳайрат билан атрофига қараб олгач, лаблари оқариб титрай бошлади, кўзларида ҳушдан кетиш аломатлари бор эди) [4:83].

Айни шундай ҳолатларни яна Қодирийда кузатамиз. Бадий тасвир орқали қаҳрамонларнинг рухий ҳолати “Ўткан кунлар”да бағоят ишонарли, диққат тортадиган жиҳати эса, турк романи қаҳрамонлари билан ўхшаш тарзда берилади: Отабек ғазабланганда “нечоғлиқ босиб ушлаб келган бўлса ҳам, лекин энди ичидан қайнаб тошиб кеткан ҳиссиётини босолмади — «виждонсиз, тўнғуз!» деди-да, ихтиёрсиз ўрнидан туриб кетди” [14:231]. Ишқ дардига мубтало бўлганида тамоман бошқа ҳол олади: “...ўрин ёзилганидан гўё хабарсиз каби устунга суялганча қотиб турар эди” [14:25], “...кўзини бир нуқтага тикиб қолди... шу ҳолда қанчағадир ўлтурди, ниҳоят уйқудан

уйғонган кишидек сўчиб ўзини кузаткучига қаради”[14:26]; қайғули дамларда “Кўзёшлари юзи орқалиқ эгарининг қошига ва отининг ёлига тома бошлайдир” [14:141], “Жонсўз бу хабарни эшиткан Отабекнинг ҳуши бошидан учкан каби бўлди-да, адим узган жойида михлангандек қотиб қолди. Гўё устидан бир челақ қайнаган сувни ағдарган эдилар-да, бутун териси оёғига сидирилиб тушкан эди...”[14:221]. Кумушнинг қайғули ҳолати эса ўзига хос нозик чизгилар билан берилади: “Кумушбибининг қора кўзлари жик ёшга тўлиб, кипраклари ёш билан беландилар”[14:52], “Кумушнинг тишининг оқини кўриш жуда қийин, унинг ҳамма иши фақат мунггайиб хаёлланишқина” [14:60]. Шунингдек, Кумушнинг асар мобайнида тушган турли ҳолатлари: хавотир “Кумушбиби ялт этиб бувисига қараб қўйди” [14:33], қувонч “ўзининг отидек бир нарсанинг товиши каби қилиб қулиб юборди” [14:63-64], қувонч аралаш қайғу “бу дақиқадаги ҳолини қалам билан чизиб кўрсатиш албатта мумкин эмас эди. Ул титрар эди, кўқарар эди, тўлғанар эди... Ҳозирги энг кучлик ҳиссиётини ҳиссиётнинг аъло ифодачиси бўлган ёш билан тўқар эди” [14:261] сингари оригинал бадий ифодадар билан берилади. Бундай ифодадар персонажларнинг ҳиссий ҳолатларини билдиради, воқеа-ҳодисаларга ҳамдардликнинг турли кўринишларини ифодалайди. Қодирий руҳий белгиларнинг аниқ моҳиятини усталик билан очиб беради, уларни шууримиз билан ҳис қиламиз, мантиқ тилига таржима қилишнинг, ҳожати бўлмайди

Қаҳрамонлар ҳайратланган сахналарни эса ҳар икки муаллиф ўзига хос тарзда тасвирлайди. Мисол учун, Номик Камол Али бейнинг Моҳпайкардан севги изҳорини эшитгандаги ҳайрат ҳолатини таърифлашни ножоиз деб билади, вазиятни тасаввур этишни китобхоннинг ўзига ҳавола қилади. қоғозга тушириш на қалам соҳиблари, на рассомларга насиб этмас даражада [4:30] мислсиз эканини таъкидлаш билан чекланса, “Ўткан кунлар”да машҳур чимилдиқ сахнасидаги Кумушнинг ҳайратланиши қуйидагича тасвирланади:

“Мажбурият остида, ёв қараши билан секингина душманига қаради... Шу қарашда бир мунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:

— Сиз ўшами?” [14:63]

Тасвирига сўзлар ожизлик қиладиган сахна Қодирийда ҳам йўқ эмас. Сохта талоқ хатидан кейин қайнотасининг ўзига қилган муомаласини кўрган қаҳрамоннинг ҳайратини Қодирий “Бундай муомала олдида Отабекнинг қандай ҳолда қолиши изоҳқа унча муҳтож бўлмаса керак” [14:185] тарзида беради.

Бундай тасвирлардан муаллифнинг асосий мақсади ботиний изтироблар, ҳаяжон, ғам ва қайғуларни кўзга кўринарли, сезиларли қилиб кўрсатишдир. Шу мақсадда Номик Камол нафақат Али бей ва Дилошубнинг, балки бошқа персонажларнинг ҳам руҳий ҳолатини беришда, экспрессиянинг шу усулларида фойдаланади. Фотима хоним уйга келмаган ўғлидан ташвишланиб, ўзини кўярга жой тополмайди: “yavrusunu arayan ceylan gibi bir adım atar, sonra döner çevresine bakardı [4:17] (боласини излаётган кийикдек бир қадам ташлар, кейин ўгирилиб, атрофига қарарди), тарбияли ўғлининг бир фоҳишага илакишиб қолганидан изтироб чекади: “Sinirlerinin acısıyla azasının her biri ayrı ayrı titrerdi” [4:70] (асабийлашганидан ҳар бир аъзоси алоҳида титрарди), ўғли бу йўлдан қайтгач, хурсандлигидан яратганга шукур саждасини бажо келтиради: “büyük bir sevinçle ... secdeye kapandı” [4:86], Али бейнинг бетобланганидан чуқур қайғуга тушади: “ciğerparesinin böyle hayat ve ölümü bilinmez bir duruma düştüğünü görünce saçlarını yolarak ağlamaya, feryat etmeye başladı” [4:100] (жигарпорасининг бундай на ўлик, на тирик эканини билиб бўлмайдиган аҳволини кўриб, сочларини юлиб, йиғлашга, фарёд қилишга тушди).

“Интибоҳ”да экспрессия усуллари асосан бош қаҳрамонлар ва Фотима хонимга нисбатан қўлланилган бўлса, “Ўткан кунлар”да бундай персонажлар камрови кенгрок кўзга ташланади. Қодирий деярли ҳар бир қаҳрамон устида батафсил тўхталиб, у ҳақида чуқурроқ тасаввур ҳосил қилишга уринади. “Бошқалардан қолишмас учун” ўринсиз гапириб, “улуғ бир нарса кашф этгандек мағрур, мажлиска қараб чиқ”қан Ҳомидни “ерга қаратиб, лом дейишга мажол бермай”диган аҳволга солиб қўйган Ҳасанали [14:24], “ўнг-у терс ош чайнаб”, хаҳолаб қулувчи [14:36], “уйчасини титратиб хуррак отувчи” [14:47] ҳовлиқма Тўйбека, “ич-этини еб, ютган луқмасининг ҳам

мазасини билмас”, салга “гуриллаб кетадиган” Ўзбек оиймга берилган сифатлар уларнинг характерини очиб кўрсатади. Булардан ташқари, яна турли рухий ҳолатлар ифодасини иккинчи даражали қаҳрамонлар тасвирида кузатамиз. Масалан, Шокирбекнинг асли Отабек эканини билган “Уста Алим бир оз ўзини кейинга ташлади ва кўзига жиқ ёш чиқарди” [14:254], сохта талоқ мактубидан кейин “қайин отаси билан кўришмак учун югирган куяви олдида намозини ҳам унуткан даг-даг титраб тўхтаган” [14:185] қутидор ҳақиқатдан хабар топгач “Ўқуб битиргач, ул даҳшат ва таажжуб ичида тошдек қотиб қолган эди” [14:259]. Кумушнинг вафотидан уч кун ўтиб етиб келган ота-онасининг аҳволини тасвирлашни муаллиф имконсиз деб топади: “Уларнинг ҳозирги ҳолини тасвир этиш мумкинми?!” [14:374]

Асар сўнгида қаҳрамонларнинг охириги ҳолати муаллиф бутун роман давомида уларга юклаган мазмунни ҳамда ўзи назарда тутган моҳиятни бор бўйича тасвирлайди: “Dilaşub’un ölüm acıları arasında Bey’in paltosundan sıyrılmış dağınık saçları, soluk yüzü pencereden vuran ay ışığında bir garip güzellik bağlamış, mazlumluk gibi hüznü bir halde ışıklar içinde yatıyor. Mahpeyker ise zorbalık gibi dökmek istediği kan içinde boğulmuş, alçaklık toprağında yuvarlanıyor. Ali Bey de pişmanlık gibi yüzündeki üzüntü çizgisi, ellerindeki intikam kanıyla Mahpeyker’in ayağı ucunda diz çökmüş ağlıyor” [4:135] (Дилошубнинг ўлим азоби пайтида бейнинг палтосидан сирғалиб чиққан таркоқ сочлари, сўлгин юзи деразадан тушиб турган ой нурида ажиб гўзаллик касб этган, мазлумлик сингари маҳзун ҳолда нур ичида ётар; Моҳпайкар эса золимлик сингари ўзи тўкмоқчи бўлган қонга булғаниб, хорлик тупроғида юмалаб ётарди. Али бей бўлса, пушаймонлик мисоли, юзларида ғам, қўлларида интиқом қони қотиб қолган, Моҳпайкарнинг оёқ учида тиз чўкиб йиғларди). Келтирилганидек, Номик Камолга кўра Дилошуб – мазлумлик, Моҳпайкар – золимлик, Али бей эса – романнинг биринчи номи бўлган – сўнгги пушаймонликнинг тимсоли, шу тушунчаларнинг асардаги инъикоси. Балки муаллиф асарнинг айнан якунида ўқувчида охириги тасаввурни янада аниқроқ ҳосил қилиш мақсадида юқоридаги тасвирларни айнан асар сўнгида келтиргандир.

“Ўткан кунлар” якунидаги қаҳрамонлар ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, унда ҳам воқеалар асносида қаҳрамонларга сингдирилмоқчи бўлган мазмун айнан асар охирида теранроқ очиб берилади: ифбат ва муҳаббат рамзи Кумуш: “Эрининг юзини юзига қўйди, уялғансимон кўзини юмди...” [14:374]; чорасизлик ва надомат ичидаги Отабек: “Қабр ёнига тиз чўккан йигитнинг кўз ёшлари ҳам қуръон оятларига қўшилишиб оқар эди” [14:376]; жавобсиз муҳаббат ва ақлсизлик қурбони Зайнаб: “ялинғансумол унга яқин юриб келди... орқасига қарай-қарай Отабекдан узоқлашди” [14:377]. Қолаверса, “хатми Қуръон қилиб юртқа ош берган”, диёнат ва халқчиллик ифодаси Юсуфбек ҳожи ҳамда “қора кийиб, таъзия очган” Ўзбек оийм [14:377]... Ҳар бирининг ҳаракати, сўнгги ҳолати романда кўзда тутилган моҳиятнинг асл манзарасини очиб беради.

Шу ўринда Кумуш ва Дилошубнинг ўлим сахналаридаги ўхшашлик эътиборни тортмай қолмайди. “Ah! Gidiyorum... Gidiyorum... Beyim! Beyim! ” diyerek ve her defasında daha zayıf bir sedayla seslenişini yineledi. Kolları Bey'in boynundan çözüldü. Kucağına yığıldı, öldü” (Ох! Кетяпман... Кетяпман... Бейим! Бейим! – ҳар сафар бу сўзни айтганида овози заифлашиб борарди. Қўллари йигитнинг бўйнидан ечилиб кетди, унинг қучоғига ўзини ташлаб, ўлди) [4:132]. Дилошуб Алига бўлган муҳаббатини умрининг охириги дақиқасигача пок тутди, унга зарра гард юктирмай, сўнгги нафасида ҳам ёрини ёд этиб, вафот топди. Унинг ўлимига қаллиғини севган бошқа бир аёлнинг рашки сабаб бўлди. Худди шу таърифнинг бир сўзини ҳам ўзгартирмай, Кумуш учун ҳам қўллаш мумкин: “Қусуб ётгач, кўзи ярқиллаб очилиб кетди ва теварагига бетоқат қаранди:

— Ойи... дада... — сўнгга, — бегим, — деб ингранди... Эрининг юзини юзига қўйди, уялғансумон кўзини юмди...” [14:376].

ХУЛОСА

Келтирилган мисоллардаги тана ҳаракатлари персонажларнинг хиссий ҳолатини билдиради, воқеа-ҳодисаларга реакциясининг турли кўринишларини ифодалайди. Номик Камол рухий белгиларнинг моҳиятини аниқлик билан очиб беради, уларни китобхон

онги билан ҳис қилади. Хатти-ҳаракатлар, гавда ҳолати, ўзини йўқотиш кабиларни қўллаш негизида янгича бир жисм тили, белгилар тили яратилади, метафизика ғояси кашф қилиниб, кўз илғамас ришталар орқали бевосита шууримизга қўйилади. Шуниси эътиборга сазоворки, киши руҳиятининг бу каби кўргазмалари тасвири тафаккурнинг машаққатли йўлларида насрнинг сирли оламига бошлайди. Номик Камол романининг мазкур жанрнинг илк намуналаридан бири эканлигини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, бадиий жиҳатдан киррадор бўлишида адиб қўллаган таъсирчанликнинг турли усуллари хизмати катта.

Абдулла Қодирий ҳам “Ўткан кунлар”да таъсирчанлик усулларида унумли ва ўз ўрнида фойдаланган. Романда турфа характердаги ўнлаб образларни ҳар хил ҳаётий шароитлар доирасида учратамиз. Ҳар бирининг муайян вақтдаги ҳолати, хатти-ҳаракатига шоҳид бўламиз, ички кечинмаларини бевосита ҳис этамиз – шу тарзда маънавияти, ахлоқи ҳамда эътиқоди доирасига ҳам кириб борамиз. Улар муаллиф томонидан олға сурилган ғояни тушунишга, характерларга хос индивидуал хусусиятларни очишга, романнинг ўзига хослигини, мафтункорлигини оширишга хизмат қилади. Қаҳрамонлар бир пайтнинг ўзида фазилат ва нуқсонларини намоён этиб, мураккаб ва зиддиятли образлар сифатида гавдаланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Akyüz K. Modern Türk Edebiyatının Ana Çizgileri. İnkılâp. İstanbul, 1995.
2. İlhan N. Yeninin içinde eski: Tanzimat dönemi romanlarına divan şiirinin yansıması./ Turkish Studies. “ 7/4. Ankara, 2012.
3. Kemal N. İntibah: Sergüzeşt-i Ali Bey. Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları. İstanbul, 2018.
4. Okay O. Tanzimat Edebiyatı/ Yeni Türk Edebiyatı Ders Notları. Atatürk Üniversitesi Fen-Edebiyat Fakültesi Yayınları. Erzurum, 1990.
5. Göçgün Ö. Edebiyat ve Fikir Dünyamızda Namık Kemal. Atatürk Kültür Merkezi Yayınları. Ankara, 2009.
6. Yetiş K. Nâmk Kemal'in Türk Dili ve Edebiyatı Üzerine Görüşleri ve Yazıları. Alfa Yayınları. İstanbul, 1996.
7. Йўлдошев М., Усмонов Р. ва бошқ. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. – Т.: Шарқ, 2002.
8. Карим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Т., “Академнашр”, 2014.
9. Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
10. Собиров О. Сарчашма адиб ижодида. – Т.: Фан, 1975.
11. Лев Толстой. О литературе. – М.: Наука, 1955.
12. Абдулла Қодирий. “Ўткан кунлар” ва “Ўткан кунлар” танкиди устида баъзи мулоҳазалар // А.Қодирий. Кичик асарлар. – Т.: Ўздавнашр, 1964.
13. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.: “Шарқ”, 1995.
14. Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.

SIDIKOVA Gulchexra Xayrullayevna
Imom Buxoriy nomidagi Toshkent islom instituti
O'quv kurslari bo'limi o'qituvchisi va magistranti
gulchekhra.sidikova@gmail.com

IMOM ABU HANIFANI MUHADDIS SIFATIDA TAN OLMAYDIGANLARGA RADDIYALAR

К ВОПРОСУ О СТАТУСЕ ИМАМА АБУ ХАНИФЫ КАК МУХАДДИСА

A DEFENSE OF IMAM ABU HANIFA'S STATUS AS A MUHADDITH

Annotatsiya: Ushbu maqola fiqh ilmining yirik namoyondalaridan biri va muhaddis olim Imom A'zam Abu Hanifa (r.h.)ning hadis ilmidagi o'rni va ta'sirini o'rganishga qaratilgan. Abu Hanifa (r.h.) dunyoga eng ko'p tarqalgan mazhab asoschisi bo'lib, uning ilmiy faoliyati, ayniqsa hadislarni sharhlash, ulardan fiqhiy hukmlar chiqarishda qo'llangan usullar haqida chuqur tahlil qilinadi. Maqola hadislarni to'plash, ularni to'g'ri tushunish va qo'llash, shuningdek, Imom A'zamning hadis ilmi bo'yicha ishlab chiqqan metodlari haqida ham batafsil ma'lumot beradi. Ushbu maqolada, Abu Hanifa (r.h.)ning hadis ilmini rivojlantirishdagi xizmatlari, uning hadislar haqidagi ehtiyotkorlik va tanqidiy yondoshuvi tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: hadis ilmi, fiqh, ra'y, sahoba, tobein, faqih, muhaddis, mujtahid, roviy, imom.

Аннотация: В настоящей статье исследуется вклад имама Абу Ханифы (р.х.) — основателя крупнейшего в исламском мире правового мазхаба — в развитие хадисоведения (науки о хадисах). Основное внимание уделяется его уникальной методологии, которая охватывала строгие критерии сбора преданий, их глубокий критический анализ, а также принципы толкования для выведения на их основе норм фикха. Анализируется знаменитый осторожный и системный подход Имама Аъзама к работе с хадисами, который заложил основы одного из важнейших направлений в исламской юриспруденции.

Ключевые слова: наука о хадисах, фикх, ра'й, сахоба, табеин, факих, мухаддис, муджтахид, рови, имам.

Abstract: This article is devoted to studying the role and influence of one of the prominent figures in Islamic jurisprudence and hadith scholarship — Imam Abu Hanifa (may Allah have mercy on him) — in the science of hadith. Abu Hanifa (r.h.) is the founder of the

most widely followed school of thought in the Muslim world. The article provides an in-depth analysis of his scholarly contributions, especially his methods of interpreting hadiths and deriving legal rulings from them. It also offers detailed insights into the collection, proper understanding, and application of hadiths, as well as the methodology developed by Imam al-A'zam in the field of hadith science. The article analyzes Abu Hanifa's (r.h.) contributions to the development of hadith studies and his cautious and critical approach to hadiths.

Keywords: hadith science, fiqh, ra'y, sahaba, tabiin, faqih, muhaddis, mujtahid, narrator, imam.

KIRISH

Abu Hanifa (r.h.) Islom dunyosining eng buyuk faqihlaridan biri bo'lib, uning ilmiy merosi fiqh, hadis, aqida va boshqa sohalarida katta ahamiyatga ega. Abu Hanifa, asosan, fiqh ilmini rivojlantirishda, xususan, hadislarni talqin qilishda o'ziga xos metodologiyasi bilan ajralib turadi. U hadis ilmini chuqur o'rgangan va uning asoslanuvchi manbalaridan biri sifatida fiqhiy qoidalariga asos solishda hadislarni muhim ahamiyatga ega deb bilgan. Shuningdek, Imom A'zam hadislarning sahihligini aniqlashda ehtiyotkorlik bilan yondoshgan va ularning fiqhiy masalalarga ta'sirini o'rganishda o'zining noyob uslublarini ishlab chiqqan.

ASOSIY QISM

Abu Hanifa (r.h.) davrida kitob yozish, risolalar bitish hali keng tus olmagan va ommalashmagandi. Shuning uchun u zot umrlarini shogirdlarga ta'lim berish va fiqh o'rgatishga sarflaganlar. U zotning aqida – kalom ilmiga bag'ishlangan risolasi "Fiqhul-akbar", ba'zi shogirdlariga qilgan nasihatlar, Usmon al-Battiy (r.h.)ga yozgan maktublari saqlanib qolgan. U zot fiqh borasida bironta asar yozmagan bo'lsada, lekin fiqh ilmini shakllantirgan, uni bob va mavzularga ajratgan ilk faqih sifatida tarixda qolgan [8:109].

Abu Hanifa (r.h.)ning hadis ilmini bilishi borasida turli mulohazalar bor va ko'plab odamlar Abu Hanifa (r.h.)ni hadis olimi emas, balki faqat ra'y ilmi bilan shug'ullanganini ta'kidlaydilar. Ammo bularning barchasi noto'g'ri. Agar ular ra'y (ya'ni qiyos) faqat Kitob (Qur'on) yoki Sunnat asosida bo'lishini bilishganida edi, bunday demagan bo'lardilar. Chunki Abu Hanifa mazhabining asosiy qoidasi qiyos, ya'ni asl manbaning hukmidir. Asl manbaning hukmi esa doim qiyos qilinayotgan Qur'on, sunnat yoki ummatning ijmosi kabi

manbalardan olinishi kerakligini bildiradi. Abu Hanifa mazhabida, *“Matn (Qur’on va sunnat) bor joyda qiyos qilinmaydi”*, bu esa asosiy usuliy qoidadir [3:97].

Qanday bo‘lmasin, Abu Hanifa (r.h.) yoshligida hadis izlash bilan shug‘ullangan. Ammo u asosan hadis olimi bo‘lgan faqihlardan hadis o‘rgangan. Abu Hanifa (r.h.) yoshligida hadis ilmiga kirishganiga dalil – Abu Dovud Toyalisiyning rivoyatidir. U Abu Hanifa (r.h.)dan rivoyat qiladi: *“Men 80-yilda tug‘ilganman. Rasululloh (s.a.v) ning sahobasi Abdulloh ibn Anas 94-yilda keldi va men uni ko‘rdim, undan hadis eshitdim. Men bu paytda 14 yoshda edim. U shunday dedi: Men Rasululloh (s.a.v)ni shunday deganlarini eshitdim: “Bir narsani sevsang, u seni ko‘r va kar qiladi” [2:23].*

Yana Abu Yusuf Qoziy Abu Hanifa (r.h.)dan rivoyat qiladi: *“Men 80-yilda tug‘ildim va 96-yilda otam bilan haj qilganimda, men 16 yoshda edim. Biz Masjidul Haramga kirganimizda katta bir halqani ko‘rdim va otamdan so‘radim: “Bu kimlarning xalqasi?” U: “Bu Rosululloh (s.a.v)ning sahobasi Abdulloh ibn Horis ibn Jazziy az-Zabiydiyning xalqasi,” – dedi. Men oldinga borib, uning shunday deganini eshitdim: “Men Rasulullohni shunday deganlarini eshitdim: “Kimki Allohning dinini o‘rgansa, Alloh uni tashvishlaridan xalos qiladi va unga kutmagan joydan rizq beradi” [2:24].*

Bu hadis Abu Hanifa (r.h.) ning yoshligidan hadisni o‘rganganligiga dalildir. Bunga qo‘shimcha sifatida, u hadisni katta muhaddis va olim tobeinlardan o‘rgangan. Qanday qilib biz unda fiqh eng yuqori darajaga yetganini aytamiz-u, so‘ngra hadisni bilmaydi deb aytamiz? Aksincha, biz u yuzlab ulkan hadis olimlaridan hadis olgan, ulardan ko‘plab rivoyatlar keltirgan va ularni majlislarida qatnashganligini ko‘ramiz. Hatto, uning Musnadlari, uning fiqh boblarida tartiblangan birinchi hadis to‘plamlar ekaniga dalolat qiladi. Jumladan Abu Hanifa hadislarini Imom Molikning Muvatto asari va boshqa muhaddislarning hadis to‘plamlaridan avval fiqh boblariga ajratganini ko‘rsatadi [3:98].

“Sihohi sitta” (oltita sahihlar to‘plami)da Imomi A‘zam Abu Hanifa (r.h.)ning rivoyatlari uchramaydi. Shuning uchun ba‘zilar Abu Hanifa (r.h.)ning hadis ilmida kuchsiz edi, deyidilar. Ularning bu gaplariga asos yo‘q. Voqe‘lik shuki, *“Sihohi sitta”*da faqat Abu Hanifa (r.h.)ning emas, balki Imom Shofeiyy (r.h.)ning ham birorta hadisi yo‘q, u zotdan ham rivoyat qilinmagan. Yana Imom Ahmad (r.h.) Imom Buxoriy (r.h.)ning xos ustozlari edi, uning hadislarini ham Buxoriyda

faqat uchta yoki to‘rtta o‘rindagina kelgan. Bu degani bu imomlar hadis ilmida sust degani emas. Buning sababi, avvalo, bu zotlar faqih edilar. Ularning asl mashg‘uloti ahkom masalalarini aytish bo‘lardi. Ikkinchi sabab, bu olimlar mujtahidlar edi. Ularning yuzlab shogirdlari, ergashuvchilari bo‘lgan. Shuning uchun *“Sihohi sitta”* mualliflari ularning ilmlari shogirdlari vositasida saqlanib qolishini bilganlar. Ular bu olimlarning ilmlari zoye bo‘lishidan qo‘rqmasdilar. Shuning uchun ularni keltirishmagan, olishmagan [5:260].

Aslida, Imomi A‘zam Abu Hanifa (r.h.)ning hadis ilmi borasida sha‘ni ulug‘ligiga barcha taslim bo‘lgan va inkor etib bo‘lmaydigan haqiqatdir. Chunki hamma ulamolar Abu Hanifa (r.h.) mujtahid ekaniga ittifoq qilishgan. Mujtahidlik shartlaridan biri hadis ilmidan to‘liq basirat hosil bo‘lishi hisoblanadi. Agar shu e‘tibordan Abu Hanifa (r.h.)da biron sustlik va kamquvvatlik bo‘lganda edi, u asrlar davomida mujtahid deb qanday qabul qilinardi?! Zotan, hadis ilmining juda yirik ulamolari u kishining baland maqomini, martabasini to‘liq e‘tirof etishgan. Agar ularning gaplarini bu o‘rinda naql qilinsa, katta bir kitob tayyor bo‘ladi. Abu Hanifa (r.h.) haqlarida bitilgan manoqib va tarjimai hol kitoblarida bu gaplarni ko‘rish mumkin. Bu o‘rinda bir nechtasini zikr qilish lozim.

Makkiy ibn Ibrohim (r.h.) Abu Hanifa (r.h.)ning shogirdlaridan bo‘ladi. Uning o‘zi esa Imom Buxoriy (r.h.)ning ustozlaridan biri bo‘lib, Imom Buxoriy (r.h.) aksar *“sulosiyyot”*larini ushbu zot orqali rivoyat qilganlar. Manbalarda Makkiy ibn Ibrohim (r.h.)ning Abu Hanifa (r.h.) borasidagi *“O‘z zamonasining eng olimi edi!”* – degan gaplari keltirilgan. Bir kuni u zot Abu Hanifa (r.h.) rivoyatidagi hadisni aytib, *“Bizga Abu Hanifa hadis aytdilar”*, degan ekan, bir kishi: *“Bizga Ibn Jurayjning hadislarini ayting, Abu Hanifadan rivoyat qilmang!”* – deb qolibdi. Shunda u zot juda qattiq g‘azablanib: *“Biz nodonlarga hadis aytmaymiz. Mendan hadis yozib olishingni senga harom qildim! Mening huzurimdan tur, yo‘qol!”* – debdilar. O‘sha kishi turib ketmaguncha indamay o‘tiraveribdilar. Turib ketganidan keyingina: *“Bizga Abu Hanifa hadis aytdilar”*, – deb darsni davom ettirganlar [6:204].

U zamonlarda ilm atamasi ko‘proq hadis ilmiga nisbatan ishlatilardi. Makkiy ibn Ibrohim (r.h.) *“eng olimi”* deganda hadis ilmida olimrog‘ini nazarda tutgan edi. Bu gapdan Abu Hanifa (r.h.) o‘z zamonasida hadis ilmining ham katta olimi ekanligi ma‘lum bo‘ladi.

Abu Hanifa (r.h.)ning hadis ilmidagi o'rni u zotning shayxlari va shogirdlariga nazar tashlashdan ma'lum bo'ladi. "Tahziyb al-kamol"da Abu Hanifa (r.h.)ning yetmish to'rt nafar shayxlari sanab o'tilgan. Hofiz as-Suyuti (r.h.) esa u zotning manoblariga bag'ishlangan "Tabiyat as-sahiyfa" asarida shayxlari nomlarining uzun ro'yxatini zikr qilganlar. Hofiz Mizziy (r.h.) biron-bir ro'yiyning barcha shayxlarini to'liq bayon etmaganlar, balki faqat bir nechalarini namuna sifatida keltirganlar. Shu sababli manbalarda Abu Hanifa (r.h.)ning shayxlari adadi to'rt ming nafar deyilgan. Bu shayxlarning ko'pchiligidan keyingi davrdagi kuchli muhaddislar bevosita ilm hosil qila olishmagan. Chunki Abu Hanifa (r.h.)ning shayxlari sahobalar yoki tobeinlar va katta taba'a tobeinlar bo'lishgan [5:263].

Shuningdek, hadisni o'rganishdagi e'tibori va bu yo'lda safar qilishi hamda uni o'rganishda duch kelgan qiyinchiliklari haqida ko'plab hadis ilmi olimlari va mashhur muhaddislar guvohlik berishgan:

Hofiz az-Zahabiy o'zining "Siyar A'lam an-Nubala" asarida Abu Hanifaning tarjimai holi haqida shunday degan: "U hadis izlashga alohida e'tibor qaratdi va bu yo'lda safar qildi" [1:16].

Shuningdek, u yana shunday degan: "Imom Abu Hanifa hadisilmini o'rgandi, 100-hijriy yildan keyin hadis ilmini o'rganishga e'tiborini kuchaytirdi".

Yana u Abu Hanifa (r.h.)ning fazilatlariga haqida yozgan asarida, shayxlari borasida shunday degan: "U Makkada Ato ibn Abu Rabohdan hadis eshitgan va u ustoziga haqida: "Men Atodan yaxshiroq kishi ko'rmaganman", – degan".

Hofiz az-Zahabiy deydi: Ato ham o'z shogirdlariga nisbatan Abu Hanifani afzal deb bilgan, chunki Abu Hanifa hadis eshitish majlisiga kelganida, unga keng joy berar va yaqiniga taklif qilar edi [1:17].

U "Duval al-Islom" asarida ham shunday degan: "Abu Hanifaning eng katta shayxi Ato ibn Abu Raboh bo'lgan, uning fiqhida shayxi esa Hammod ibn Abu Sulaymon edi" [7:79].

Hofiz Abu Bakr Xatib Bag'dodiy "Tarix Bag'dod" asarida shunday degan: "Bizga Abu Nu'aym Hofiz xabar berdi, u Abu Bakr Abdulloh ibn Yahyo at-Talhiydan, u Usmon ibn Ubaydulloh al-Talhiydan, u Ismoil ibn Muhammad al-Talhiydan, u Said ibn Salim al-Basriydan xabar berib aytadi: Abu Hanifani shunday deganini eshitdim: "Men Atoni Makkada uchratdim va undan bir narsani so'radim, u menga dedi: "Qayerdansen?". Men dedim: "Men Kufa ahlidanman". U esa dedi:

"Sen o'sha dinidan ajralib, shia bo'lganlarning qishlog'idanmisan?". Men dedim: "Ha!". U dedi: "Sen qaysi guruhdansen?". Men javob berdim: "Men salafni haqorat qilmaydigan, qadarning mavjudligiga ishonadigan va hech kimni gunohi uchun kofir deb hisoblamaydiganlardanman". Ato menga dedi: "Buni bilding, unga rioya qil" [1:17].

Imom Abu Hanifa hadisni o'rganishda o'z davrining barcha mashoyixlaridan ustun kelgan. Hofiz az-Zahabi "Manoqib Abu Hanifa" asarida shunday yozgan: "Men Abu Hanifa bilan hadis o'rgandim, u bizdan o'zib ketdi, biz zuhd bo'yicha ilm oldik, u bizdan o'zib ketdi va yana fiqhni ham o'rgandik, keyin ko'rib turganingizdek u bizga fiqhdan ilm berdi" [1:20].

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytish lozimki, Imom A'zam hadis ilmini, faqat shakli jihatidan emas, balki uning mohiyati, ma'nosi va amaliy jihatlari bilan ham chuqur o'rganib chiqqan. U hadislarini qo'llashda ijtihod qilishda muhim ahamiyatga ega bo'lib, xalq orasida hukmlar chiqarishda adolatni ta'minlashga intilgan. Shu bilan birga, hadis ilmiga bo'lgan hurmatini saqlagan va hadislarini faqat ishonchli isnodlarga asoslanib, qabul qilgan.

Shu tarzda, Imom A'zam Abu Hanifa hadis ilmiga ulkan hissa qo'shgan, uning yondashuvi va metodologiyasi bugungi kunda ham musulmon olamida o'rganiladi va qadrlanadi.

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Abdulfattoh Abu G'udda. Maknatul imam Abu Hanifa fil hadis. Halab: Maktabul matbuat al-islamiyya, 1995.
2. Abul Muayyad Muhammad ibn Mahmud. Jami'u masaniyd Abu Hanifa lil-Xorazmiy. – Bayrut.
3. Doktor Muhammad Qosim al-Horisiy. Maknatul Imam Abu Hanifa. – Misr: Matbaatul Xayriya, 1992.
4. Imom Saymariy Husayn ibn Ali. Axbar Abu Hanifa va as'habihi. – Haydarobod, 1983.
5. Ismoilov M. Sunani Termiziy sharhi. J.1. – Toshkent: Irfonnashr, 2021.
6. Muvaffaq ibn Ahmad al-Makkiy. Manoqib al-Imom al-A'zam Abu Hanifa. 1-jild. – Haydarobod: Majlis doiraat al-maorif an-nizomiya, 1904.
7. Shamsiddin Abu Abdulloh Muhammad ibn Ahmad ibn Usmon az-Zahabiy. Duval al-Islam. Haydarobod, 1337-h. (1918).
8. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Fiqhiy yo'nalishlar va kitoblar. – T: Sharq, 2011.

АХМАДЖАНОВ Абдулбосит,
Международная академия исламоведения
Узбекистана
студент 4-курса

Научный руководитель: **РАХИМДЖАНОВ Дурбек**
Международная академия исламоведения
Узбекистана
доцент кафедры Исламоведение и изучение
исламской цивилизации ICESCO,
кандидат исторических наук

ОПРОВЕРЖЕНИЯ ВОЗРАЖЕНИЯМ АБУ ХАНИФЕ СО СТОРОНЫ АХЛУ-Л-ХАДИС

АХЛУЛ-ХАДИС ТОМОНИДАН АБУ ХАНИФАГА БИЛДИРИЛГАН ЭЪТИРОЗЛАРГА РАДДИЯЛАР

REFUTATIONS OF THE OBJECTIONS TO ABU HANIFA FROM AHLUL-HADITH

Аннотация. Данная статья опровергает обвинения, выдвинутые против имама Абу Ханифы, основателя ханафитского мазхаба. Его авторитет неоспорим, но он подвергался критике со стороны различных еретических течений. Статья анализирует необоснованные обвинения Абу Ханифы в ереси, исходящие от джахмитов, мурджиитов, мутазилитов, шиитов и других, и приводит их научное опровержение, опираясь на его труды по акиде, такие как «Фикху-л-акбар» и «Фикху-л-абсат».

Ключевые слова: Абу Ханифа, ахлу-л-хадис, Имам ал-Бухари, безмазхабники, ахлу-р-ра'й, наука хадис, Имам ад-Даракутни, Хатиб ал-Багдади, 'Абдуллах ибн Ахмад, мурджиизм, шиизм, хариджизм.

Аннотация: Ушбу мақолада ҳанафий мазҳаби асосчиси Имом Абу Ҳанифага қарши билдирилган айбловлар рад этилади. Унинг обрўси беқиёс бўлсада, турли адашган оқимлар томонидан танқидга учраган. Мақолада жаҳмийлар, муржиъийлар, муътазиллийлар, шиалар ва бошқалар томонидан Абу Ҳанифага нисбатан асоссиз билдирилган бидъат айбловлари таҳлил қилиниб, унинг «Фикҳул-акбар» ва «Фикҳул-абсат» каби ақидага оид асарларига таяниб, илмий раддия келтирилади.

Калим сўзлар: Абу Ханифа, ахлул-хадис, имом Бухорий, безмазхаблар, ахлул-ра'й, хадис илми, имом Дорақутний, Хатиб ал-Бағдодий, Абдуллоҳ ибн Аҳмад, муржиъалик, шиалик, хаворижлик.

Annotation: This article refutes the accusations leveled against Imam Abu Hanifa, the founder of the Hanafi school of jurisprudence. Despite his undisputed authority, he faced criticism from various heterodox groups. The article analyzes unfounded accusations of heresy against Abu Hanifa, originating from Jahmites, Murji'ites, Mu'tazilites, Shi'ites, and others, and provides a scholarly refutation based on his works on 'aqidah (Islamic creed), such as "al-Fiqh al-Akbar" and "al-Fiqh al-Absat."

Keywords: Abu Hanifa, Ahl al-Hadith, Imam Bukhari, Non-Madhhabis, Ahl al-Ra'y, Hadith Sciences, Imam Daraqutni, Khatib al-Baghdadi, 'Abdullah ibn Ahmad, Murji'ism, Shi'ism, Kharijism.

ВВЕДЕНИЕ

Критика в адрес Абу Ханифы актуальна с давних времен, начиная с периода его жизни. Она была многосторонней, а не однобокой. То, что Абу Ханифа придавал большое значение связям с народом и общиной, социальной адаптации, а также стремился согласовать религиозные вопросы с требованиями времени, иногда становилось предметом критики. Однако именно разработанные Абу Ханифой правовые нормы фикха решают современные социальные проблемы, и эти нормы широко используются представителями других мазхабов. В частности, то, что Абу Ханифа нашел решения для вопросов, не актуальных в его время, является ответом на насущные вопросы современности.

Широкое использование Абу Ханифой кийас (аналогия) и истихсан (предпочтение) также усилило враждебность ахлу-л-хадис по отношению к нему. Следует отметить, что широкое применение кийаса в большинстве современных вопросов помогает находить решения для сложных проблем. Например, при возникновении новых социальных и технологических ситуаций, для принятия правильных решений необходимо применять такие методы.

Несправедливые высказывания представителей различных религиозных

течений в социальных сетях об Абу Ханифе негативно влияют на сознание молодежи, не обладающей достаточными религиозными знаниями, и способствуют распространению ложной информации о ханафитском мазхабе и личности Абу Ханифы. Неправильное понимание вероучения Абу Ханифы представителями ахлу-л-хадис до сих пор приводит к раздорам. Современные хариджиты, то есть безмазхабники, цепляются за критику вероубеждения Абу Ханифы со стороны ахлу-л-хадис, обвиняя его в мурджиизме, джахмизме и даже в неверии. В нынешний сложный политический и социальный период необходимо опровергать такие неверные и научно-необоснованные утверждения. Растущий религиозный интерес молодежи в наше время, с одной стороны радует, с другой – вызывает беспокойство. Потому что основной целью противников в первую очередь является молодежь, не имеющая полного религиозного образования. Сбить их с истинного пути легко. Удержание их в чистой вере и воспитание – главная задача религиозных деятелей.

ОСНОВНАЯ ЧАСТЬ

Критика в адрес Абу Ханифы в науке хадиса: Большинство представителей ахлу-л-хадис выдвигали ложное утверждение: «Абу Ханифа был слаб в хадисах». Внешне это может показаться так, но истина далека от этого. Известно, что осторожность Абу Ханифы при принятии хадисов и его условия для того, чтобы хадис считался достоверным, были очень строгими. Его условия были даже более строгими и сложными, чем у Имама ал-Бухари. Даже его ученик Ваки' ибн ал-Джаррах, намекая на это, сказал: «У Абу Ханифы была такая набожность в отношении хадисов, которой не было у других» [1:191].

Имам ал-Бухари в своём труде «ат-Тарих ал-кабир» о личности Абу Ханифы говорит следующее:

«Ну'ман ибн Сабит, Абу Ханифа ал-Куфи: Он был мавла (вольноотпущенником) Бану Таймуллах ибн Са'лаба. От него передавали хадисы: 'Аббад ибн ал-'Аввам, Ибн Мубарак, Хушайм, Ваки', Муслим ибн Халид, Абу

Му'авия, ал-Мукри'. Он был мурджиитом; относительно его личности, его мнения (ра'й) и его хадисов учёные воздержались от суждений. По словам Абу Ну'айма, Абу Ханифа скончался в сто пятидесятом году» [2:386]. Вышеупомянутые слова Имама ал-Бухари абсолютно неприемлемы. Здесь присутствует явная клевета в отношении Абу Ханифы. В словах Имама ал-Бухари об Абу Ханифе содержится опровержение ему самому. Согласно утверждению Имама ал-Бухари, учёные воздержались от принятия хадисов от Абу Ханифы, однако, в то же время, он сам подчёркивает, что от Абу Ханифы передавали хадисы такие выдающиеся мухаддисы, как 'Абдуллах ибн Мубарак, Ваки' ибн ал-Джаррах, Муслим ибн Халид. От упомянутых мухаддисов, в свою очередь, передавали хадисы учителя Имама ал-Бухари. В критике Имама ал-Бухари в адрес Абу Ханифы роль его учителей была очень велика. Не секрет среди обладателей знания, что большинство учителей, которых Имам ал-Бухари считал близкими себе, были враждебно настроены к Абу Ханифе. Как подчёркивает учёный Зафар Ахмад ал-'Усмани, враждебность ал-Бухари к Абу Ханифе проистекала из его частых бесед со своим учителем Ну'аймом ибн Хаммадом [3:380].

Имам аз-Захаби говорит о Ну'айме ибн Хаммаде следующее: «Ну'айм ибн Хаммад рассказывал вымышленные хадисы с целью усиления сунны, а все его сообщения, приведённые о Абу Ханифе, являются ложью» [4:44]. А Имам Насаи назвал Ну'айма слабым в хадисах. Даже сам Имам ал-Бухари передавал мало хадисов от своего учителя, поскольку учёные много порицали его.

Не удивительно, что человек, который лгал о Пророке, будет лгать и о других. Пророк (с.а.в.) сказал: «Если не стыдишься, делай что хочешь». Удивительно то, что Имам ал-Бухари принял это от человека, слабого в хадисах, без анализа.

Имам ал-Бухари оклеветал Абу Ханифу, находясь под влиянием не только Ну'айма ибн Хаммада, но и многих других своих шейхов. Среди них: 'Абдуллах ибн аз-Зубайр ал-

Хумайди, Мухаммад ибн А'ра'ра, Хаммад ибн Салама ал-Басри, Исхак ибн Рахавайх.

‘Али ибн Мадини сказал об Абу Ханифе следующее: «От Абу Ханифы передавали хадисы ас-Саури и ибн Мубарак. Он надёжный передатчик (рави), и с ним нет никаких проблем» [5:323]. Это высказывание ‘Али ибн Мадини указывает на надёжность Абу Ханифы в науке хадиса.

Чтобы понять ценность доверия, выраженного ‘Али ибн Мадини к Абу Ханифе, необходимо кратко узнать о нём самом. ‘Али ибн Мадини считается одним из учителей Имама ал-Бухари первого уровня (табака). Имам ал-Бухари сказал о своём учителе: «Я вырос в присутствии ‘Али ибн Мадини, он был самым знающим человеком своего времени». А Имам Насаи оценил его, сказав: «Как будто Всевышний Аллах сотворил его для науки хадиса» [6:324].

Необходимо также учитывать, что ‘Али ибн Мадини был строг в вопросах риджаля (науки о передатчиках хадисов). Многие учёные упоминали это в своих трудах, в том числе ибн Хаджар ал-‘Аскалани признал это в своих трудах «Хадйу-с-сари» и «Тахзиб ат-Тахзиб».

Положительное мнение ‘Али ибн Мадини об Абу Ханифе обусловлено не его предвзятостью, а истиной. Если бы ‘Али ибн Мадини принимал чью-либо сторону, то, безусловно, он принял бы сторону своего собственного отца, которого он называл слабым в хадисах.

Оценка ‘Али ибн Мадини ослабляет силу критики, высказанной его учеником Имамом ал-Бухари в адрес Абу Ханифы. Как сказал ибн ‘Абдулбарр: «Те, кто передавал хадисы от Абу Ханифы и считал его надёжным, многочисленнее тех, кто считал его ненадёжным».

Ещё один представитель ахлу-л-хадис, критиковавший Абу Ханифу, — это Имам ад-Даракутни. Фанатизм Имама ад-Даракутни по отношению к Абу Ханифе известен среди учёных. Его критику в адрес Абу Ханифы можно увидеть в его книге «Сунан ад-Даракутни», где он называет Абу Ханифу ненадёжным и слабым. Учёный ‘Абдулхай Лакнави в своей книге «ар-Раф’у ва-т-такмил» пишет:

«Тот, кто даёт характеристику человеку (с точки зрения надёжности), должен быть справедливым, хорошо знающим причины «джарх ва та’дил» и дающим искренние советы. Он не должен быть фанатиком, слова фанатика не принимаются, как, например, критика Имама ад-Даракутни в адрес Имама Абу Ханифы, которого он называл слабым в хадисах. Есть ли что-то более отвратительное, чем это?! Ведь он был благочестивым, богобоязненным человеком, известным своими чудесами. Как можно приписывать ему слабость?» [7:69-70].

Салах Абу-л-Хадж в своей книге «Ту’уну-л-мухаддисин фи Аби Ханифа» приводит слова Имама Бадридина ал-‘Айни:

«Откуда ад-Даракутни взял, что Абу Ханифа ненадёжный? Он (ад-Даракутни) сам ненадёжный. В своем «Муснаде» он приводит слабые, несостоятельные, отвергаемые и вымышленные хадисы» [8:56].

Учёный ‘Абдуррашид ан-Ну’мани в своих комментариях к книге ‘Абдуллатифа ас-Синди «Заббу зубабатид-дирасат» приводит слова Бадридина ал-‘Айни из его комментария к «Сахих ал-Бухари»:

«Если бы ад-Даракутни был воспитанным и разумным, он бы не говорил таких слов об Абу Ханифе. Ведь его (Абу Ханифы) знания применяются на Востоке и Западе. Яхья ибн Ма’ин сказал о нём: “Он надёжный”. Он также сказал: “Абу Ханифа был надёжным, приверженцем прекрасной религии, но ошибался. Он был благополучен в религии Аллаха, но ошибался в хадисах”. Его хвалили такие великие Имамы, как ‘Абдуллах ибн ал-Мубарак и его ученики, Суфьян ибн ‘Уяйна, Суфьян ас-Саури, Абдурраззак и Хаммад ибн Зейд, а также Ваки’ ибн ал-Джаррах, который выносил фетвы на основе слов Абу Ханифы и был учителем аш-Шафи’и. Три Имама — Малик, аш-Шафи’и, Ахмад — и другие учёные также хвалили его. Из этого тебе становится ясно, какой порочный фанатизм и зависть испытывал ад-Даракутни по отношению к Абу Ханифе. Раз он говорит такие неуместные слова об Имаме, который стоит выше этих учёных, которые хвалили его, то он сам ничего не стоит перед ними. Что касается его слов о том, что

Абу Ханифа слаб, то он сам слаб. В своем «Сунан» он приводит слабые, несостоятельные, отвергаемые и вымышленные хадисы» [9:286].

Учёные утверждают, что ад-Даракутни, как и Хатиб ал-Багдади, был фанатично предан мазхабу Имама аш-Шафи'и. Имам аш-Шафи'и, в свою очередь, сказал такие слова: «Да будет проклятие нашего Господа на того, кто отвергает слова Абу Ханифы» [9:289].

Критика в адрес Абу Ханифы в вопросах вероубеждения: Имам ал-Бухари и многие представители ахлу-л-хадис обвиняли Абу Ханифу в мурджиизме. Имам ал-Бухари, будучи представителем ахлу-л-хадис, считал, что у веры есть три условия: подтверждение сердцем, произнесение языком и действие. Это мнение было не только у Имама ал-Бухари, но и у большинства представителей ахлу-л-хадис. Абу Ханифа же не считал действие условием веры. Саяфы были единодушны в том, что подтверждение сердцем и произнесение языком являются условиями веры, но расходились во мнениях относительно того, является ли действие условием веры или нет. В этом вопросе люди разделились на четыре группы. Хариджиты и мутазилиты считали действие частью веры, и обе группы считали, что оставивший действие выходит из веры. Однако и между ними были разногласия: хариджиты считали оставившего действие неверным, а мутазилиты не считали его неверным, а считали находящимся «между двумя положениями» (المنزلة بين المنزلتين). Третья группа — мурджииты. Они говорили: «Нет необходимости в действии, основа спасения — в подтверждении сердцем». Хариджиты и мутазилиты полностью противопоставляли себя мурджиитам.

Четвёртая группа — ахлу-с-сунна ва-л-джама'а. Это самая умеренная группа. Они говорили, что действие обязательно, но оставивший его становится грешником, а не неверным. Они не были ни чрезмерными, как хариджиты и мутазилиты, ни слишком снисходительными, как мурджииты. Затем ахлу-с-сунна разделились на две группы. Большинство мухаддисов считали, что вера включает в себя также и действие. Абу Ханифа и большинство факихов и мутакаллимов считали,

что действие не входит в веру. Однако обе группы ахлу-с-сунна считали неверным того, кто отрицает подтверждение сердцем, и грешником того, кто отрицает действие. Следовательно, разногласие было незначительным, разница была в формулировке. Что же стало причиной претензий ахлу-л-хадис?

В предыдущих темах мы говорили о том, что в Ираке были собраны знания и там появилось много сект. В то время название «ахлу-с-сунна» ещё не было известно как термин. Термин «ахлу-с-сунна» появился позже. Жители Ирака, желая выделить себя среди других групп и сект, называли себя «ахлу-л-ирджа'» («люди откладывания»). Когда они приходили к Иمامу Хаммаду и просили: «Обучите нас», он говорил: «Будьте нашими предводителями в ирджа'». Следовательно, они сами дали себе это название.

Учёный 'Абдулхай Лакнави в своей книге «ар-Раф'у ва-т-такмил фи-л-джарх ва-т-та'дил» упоминает, что мурджиитов было восемь групп. Мурджиизм, о котором мы сейчас говорим, тот, к которому относили себя жители Ирака, — это ахлу-с-сунна. Они считали, что решение о человеке, совершившем большой грех, предоставляется Аллаху. Если Аллах пожелает, Он простит его, а если пожелает — накажет. Есть другая группа мурджиитов, которая говорила: «Нет вреда от послушания, совершённого с верой», то есть, если ты произнесёшь «Ла илаха ил-л-Аллах, Мухаммадур расулуллах», то тебе не будет вреда ни от какого греха. Они являются неверными.

Именно из-за этого ирджа' или мурджиизма возникли ложные обвинения в адрес ханафитского мазхаба. Теперь следует кратко рассказать о том, откуда взялись эти обвинения. Эти обвинения возникли из-за разногласий в определении веры. Вера — это произнесение языком и действие, или только произнесение языком? Произнесение языком, конечно же, является подтверждением. Учёные ханафитского мазхаба, в частности, Абу Ханифа, говорили: «Вера — это произнесение языком». Имам ал-Матуриди в этом вопросе следовал за Абу Ханифой. Имам ал-Аш'ари же говорил: «Вера — это произнесение языком и действие».

Если учёных ахлу-с-сунна, которые говорят: «произнесение языком и действие», спросить: «Является ли грехом оставление действия?», они ответят отрицательно. Если их спросить: «Тогда почему вы упоминаете действие в определении веры?», они ответят, что это дополнительный столп, упомянутый для привлечения внимания к его важности.

Здесь следует отметить, что человек, который без уважительной причины оставляет молитву или пост и не совершает их постоянно, называется грешником. Но тот, кто говорит, что молитва или пост не являются обязательными, является неверным.

На самом деле, в этом вопросе все учёные единодушны. Разногласие здесь только в форме, в словах. Одна группа учёных дала одно определение веры, а другая группа — другое.

Абу Ханифа в своей книге «ал-Васия» говорит: «Мы признаём, что вера не является действием, и действие не является верой. Доказательством этому служит то, что часто действие отнимается от верующего, но при этом нельзя сказать, что от него отнята вера. Аллах отнял от женщины в состоянии менструации или послеродового кровотечения действия молитвы и поста, но нельзя сказать, что Аллах отнял от неё веру или приказал ей оставить веру. Шариат говорит женщине: «Оставь свой пост, а затем возмести его», но не говорит: «Оставь свою веру, а затем возмести её». Можно сказать бедняку: «Закят тебе не обязателен», но нельзя сказать: «Вера тебе не обязательна» [10:33-34].

Также из этого определения возникает другой вопрос. Какой это вопрос? Вопрос о том, увеличивается ли и уменьшается ли вера, или нет. Согласно словам Абу Ханифы, тот, кто не полностью произносит слова «Ла илаха ил-л-Аллах, Мухаммадур расулуллах», то есть допускает ошибку в произнесении слов свидетельства, является неверным. Поэтому Абу Ханифа говорил: «Вера не увеличивается и не уменьшается». То есть вера того, кто полностью произнёс слова свидетельства, не увеличивается и не уменьшается, потому что его вера становится совершенной с полным произнесением этих слов. Абу Ханифа здесь обратил внимание на тонкий смысл. Это шахада,

то есть слова принятия Ислама. Вера не может быть неполной. Абу Ханифа в своей книге «ал-Васия» также говорит: «Вера не увеличивается и не уменьшается, потому что уменьшение веры можно представить только с увеличением неверия, а увеличение веры можно представить только с уменьшением неверия. Как может человек быть одновременно и верующим, и неверным?» [10:29-30].

Итак, оставил ли Абу Ханифа действия? Нет, потому что все его знания были направлены на действие. Он очень сильно призывал к совершению действий. Сообщения о том, насколько он был твёрд в поклонении, достигли степени мутаваतिра, и это подтверждает также Имам аз-Захаби.

Абу Ханифа призывал к совершению действий, но не включал их в состав веры. Увеличение и уменьшение веры происходит согласно вышеупомянутому определению. Если рассматривать частное определение веры, то вера не увеличивается и не уменьшается. Если рассматривать общее определение веры, то вера увеличивается и уменьшается.

Вопрос об ирджа' (мурджиизме) также основан на этом. Некоторые люди пришли к такому выводу, потому что ханафиты не включали действие в условия веры. Они связывают этот вопрос с данной темой. Учёным-исследователям более позднего времени было совершенно ясно, что разногласия, о которых мы говорили выше, являются лишь словесными разногласиями. Для ахлу-с-сунна в этом нет никакой пользы. Одна группа учёных дала одно определение, а другая — другое. В то время это разногласие между ними очень усилилось. Из-за этого разногласия между ними произошло большое разделение, потому что они не понимали, что имели в виду друг друга. Более поздние учёные, читая книги обеих групп, увидели, что от этого разногласия нет никакого результата.

В то время понятие «ирджа'» было понятием суннитов. Жители Ирака, будучи более многочисленными, чем другие группы, выбрали себе это название, чтобы отличаться от других. Понятие «ирджа'» в этом смысле было у всех учёных ахлу-с-сунна, и оно сильно

отличается от понятия «ирджа'», которое относится к заблудшим и неверным, то есть от понятия «мурджиизм». Они выглядят по-разному. Разногласия учёных ахлу-с-сунна в этом вопросе являются лишь словесными разногласиями. Все они единодушны в смысле.

Основная цель нашего упоминания об этом заключается в том, что большинство споров в интернете сводится к тому, чтобы причислить ханафитов к мурджиитам. Если спросить у того, кто оскорбляет кого-то, называя его мурджиитом: «Что такое мурджиизм?», он не сможет объяснить значение этого слова. Но всё, что он делает с утра до вечера, — это обвиняет других в мурджиизме.

Мухаддисы называли Абу Ханифу мурджиитом за то, что он не включал действие в состав веры. В таком случае ханафиты тоже имеют право обвинять мухаддисов в мутазилизме и хариджизме. Ведь мухаддисы, как и мутазилиты и хариджиты, считают действие условием веры. Однако ханафиты не пошли по этому пути, а признали, что мухаддисы также принадлежат к мазхабу ахлу-с-сунна.

Выше мы упоминали, что мухаддисы считали действие условием веры для того, чтобы вера была совершенной, и чтобы обратить внимание на важность действия. Однако их чрезмерность по отношению к ханафитам в этом вопросе указывает на то, что они действительно считают действие условием веры.

Учёный Мухаммад Захид ал-Каусари говорит: «Удивительно, что некоторые господа из числа знатоков хадисов говорят: «Я не принимаю рассказ того, кто не говорит в своей книге, что вера — это слова и дела, и что она увеличивается и уменьшается», хотя сами они передают в своих книгах хадисы от хариджитов, впавших в крайность».

Мухаммад Захид ал-Каусари этими словами намекает на Имама ал-Бухари.

У Имама ал-Бухари есть рассказы от сторонников нововведений, но некоторые люди находят оправдание, говоря, что нововведения этих передатчиков не являются неверием. Мы зададим им вопрос: «Даже если Абу Ханифа,

по вашему мнению, был мурджиитом, ведёт ли это к неверию?».

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В заключение следует сказать, что необходимо опровергать негативные высказывания оппонентов об учёных ахлу-с-сунна. В центральноазиатском регионе это касается, в основном, Абу Ханифы. До обретения независимости Узбекистана у народа были искоренены религиозные ценности, десятилетиями господствовал атеизм. Религиозные вопросы преподносились как пережиток прошлого, потому что вера опаснее силы: вера управляет разумом, а сила — телом. Поэтому людям со знанием религии говорили: «Он знаком со старыми обычаями». Конечно, такие слова были недостойны народа, воспитавшего великих учёных.

Однако после обретения Узбекистаном независимости по инициативе первого Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова была поставлена задача изучения богатого научного наследия учёных, вышедших из этой благословенной земли. Было открыто множество мечетей, а нуждающиеся в ремонте были отреставрированы. В 12 областях медресе вновь открыли свои двери для студентов. После обретения независимости узбекский народ очень нуждался в религиозно-просветительской пище. В это время в нашей стране начали появляться учёные, такие как Мухаммад Садык Мухаммад Юсуф, 'Алауддин Мансур, 'Абдулазиз Мансур, Анвар-кори, которые самоотверженно работали над тем, чтобы вновь представить народу религиозные ценности. Религиозная грамотность народа постепенно начала расти.

В новом Узбекистане с инициативой Президента Республики была поднята на новый уровень изучения наследия наших предков, а именно по направлению толерантности.

К сожалению, религиозно-экстремистские группировки, воспользовавшись недостаточным уровнем религиозных знаний народа, попытались внедрить в его сознание

свои ложные убеждения. Они выступили с заявлением, что ханафитско-матуридитский мазхаб ошибочен и представляет собой неправильный путь. Это было явным нападением на многовековую веру нашего народа. Народ узнал об Имаме ал-Матуриди и Абу Ханифе именно после обретения независимости. До этого местные мусульмане даже не знали, что могила Имама ал-Матуриди находится в Самарканде. Религиозно-экстремистские группировки обвинили учёных мазхаба. К сожалению, некоторые представители местного населения, в частности молодежь попали под влияние таких чуждых идеологий.

Такие действия продолжают и сегодня. Нынешняя ситуация ещё более опасна, чем предыдущая, и это вызывает беспокойство у знающих людей. Причина в том, что в нынешнюю эпоху глобализации интернет сильно развит. Почти вся молодёжь пользуется интернетом. Противники, находящиеся за границей, открывают свои каналы в интернете и призывают к своим ложным убеждениям. В каждом своём выступлении они утверждают, что Абу Ханифа и аш‘ариты-матуридиты заблуждаются. Появление таких представителей неправильных течений, безусловно, опасно во времена, когда интерес народа к религии растёт. Опасные последствия уже начали проявляться. Молодёжь с несовершенными религиозными знаниями обвиняет друг друга в «неверии» и «тагуте» в интернете. Если человек исповедует по мазхабу ханафизма, то высшую степень фанатизма проявляют противники. Сейчас необходимо показать правильный путь тем, кто следует за ними, и объяснить, насколько опасным для общества является влияние таких людей.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Абу Ханифа. Васияту Имам Абу Ханифа. – Бейрут: Дару ибн Хазм, 1996. – 75 с.
2. ‘Абдуллатиф ас-Синди. Заббу зубабатид-дирасат. 2-том. – Карачи: Ихяу-л-адаб, 1961. – 1036 с.
3. ‘Абдулмаджид ат-Туркмани. Ал-Мадхал ила усули-л-хадиси ‘ала манхадж ал ханафия. – Бейрут: Дарур-р-Ройяхин, 2021. – 344 с.
4. ‘Абдулфаттах абу Гудда. Ас-Сунна ан-Набавий ва баяну мадлулиха аш-шар‘ий. – Каир: Дару-с-салам, 2020. год издания не указан. – 49 с.
5. ‘Абдулхай Лакнави. Ар-Раф‘у ва-т-такмил фи-л-джарх ва-т-та‘дил. – Дару-с-салам, 2000. – 572 с.
6. Зафар Ахмад ал-‘Усмани ат-Таханаби. Кова‘иду фи ‘улуми-л-хадис. – Бейрут: Дару-л-башаири-л-исламия, 2018. – 557 с.
7. Мухаммад ибн Исма‘ил ал-Бухари. Ат-Тарих ал-кабир. 7-том. – Бейрут: Дару-л-кутуби-л-‘илмия, 2001. – 416 с.
8. Салах Абу-л-Хадж. Ту‘унул-мухаддисин фи Аби Ханифа. – Амман: Анварул ‘улама ли-д-дирасат, 2020. – 90 с.
9. Шамсуддин аз-Захаби. Мизан ал-и‘итидал. 7-том. – Бейрут: Дару-л-кутуби-л-‘илмия, 1995. – 520 с.

РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович,
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди, доцент

НУРМАТОВ Жаҳонгир
Қозоқ-Турк университети Теология факультети
доценти, PhD

АБУ ҲАФС НАСАФИЙНИНГ “КИТОБУ-Л-ҚАНД” АСАРИ ҲАДИС ИЛМИ БЎЙИЧА МУҲИМ МАНБА

ПРОИЗВЕДЕНИЕ АБУ ХАФСА НАСАФИ «КИТАБ АЛЬ-КАНД» — ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ПО ХАДИСОВЕДЕНИЮ

THE «KITAB AL-QAND» OF ABU HAFS AL-NASAFI: AN IMPORTANT SOURCE FOR HADITH STUDIES

Аннотация. Ушбу мақолада Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари ҳақида сўз боради. Бу асар XII асрга оид ҳадис илми бўйича бошқа манбалардан кўра кўпроқ маълумотларни ўзида мужассам қилган. Бу манба XX аср бошларига қадар йўқолган асарлар қаторида саналиб келар эди. Унинг кашф этилиши, умуман, Ватанимиз тарихини, хусусан, Самарқанд ҳадис илми тарихини ёритишда катта янгилик бўлди.

Калим сўзлар: Абу Ҳафс Насафий, Китоб ал-қанд, ҳадис илми, жарҳ ва таъдил, Самарқанд, қўлёзма.

Аннотация. Статья посвящена анализу труда «Китаб аль-Канд» Абу Хафса Насафи — уникального источника XII века по хадисоведению, который до начала XX века считался утерянным. Обнаружение этой рукописи стало значительной вехой в изучении как истории Центральной Азии, так и, в особенности, самаркандской школы хадиса, предоставив науке бесценные сведения.

Ключевые слова: Абу Ҳафс Насафи, Китаб ал-қанд, наука хадис, жарх и тадил, Самарқанд, рукопись.

Annotation. This article examines Abu Hafs Nasafi's Kitab al-Kand, which contains more information about the science of hadith than any other source dating

back to the 12th century. This source was considered one of the lost works until the beginning of the 20th century. Its discovery was a great innovation in the coverage of the history of our homeland in general and the history of Samarkand hadith studies in particular.

Keywords: Abu Hafs Nasafi, Kitab al-qand, science of hadith, jarkh and tadil, Samarkand, manuscript.

КИРИШ

XIX аср охирида рус шарқшуноси академик В.В.Бартольд бошқа манбалар орқали номи маълум бўлган мазкур асарнинг Мовароуннахр сиёсий тарихи учун аҳамиятини юқори баҳолади ва «...кўринишидан, бу асарнинг бизгача фақат Абу Ҳафснинг шогирди Муҳаммад ибн Абдулжалил томонидан қилинган сайланманинг форс тилидаги таржимаси етиб келган», деган янглиш фикрни билдирди [3:59-61]. Бу тадқиқотчи томонидан билдирилган тахмин узоқ вақт кўп сонли тадқиқотчиларни жалғитиб келди. Демак, аниқроқ қилиб айтсак, форс тилидаги мустақил асар «Қандия-йи хурд» Абул Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандийнинг сайланмаси — «Мунтахаб»нинг таржимаси [3:61]. Кейинчалик бу тахмин бошқа рус тилида ижод қилган тадқиқотчилар томонидан ривожлантирилиб, исботи талаб қилинмайдиган аксиома сифатида қабул қилина бошлади [5:23].

АСОСИЙ ҚИСМ

«Китоб ал-қанд» асари ҳақида ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам ўз фикрларини билдирдилар. Улар ҳам мазкур асарнинг шу давргача фақат Абу Ҳафс Насафийнинг шогирди Муҳаммад ибн Абдулжалил томонидан қискартириб олинган форсий таржимаси «Қанд», «Қандия» ёки «Қандия-и хурд» («Кичик қандия») номи билан маълум эканлигини таъкидладилар [6:62-65].

«Китоб ал-қанд»нинг кашф этилиши узоқ тарихга эга. Тадқиқотчиларнинг эътибори аввалига Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандийнинг «Мунтахаб Китоб ал-қанд» асарига тушди. 1907 йилда Париждаги Франция Миллий кутубхонаси бир қўлёзма сотиб олиб, унга «Arabe 6284» рақамини берди. 1925 йилда Э.Блоше томонидан нашр этилган кутубхона каталогида бу қўлёзма шундай тавсиф қилинади: «Боши ва охири йўқ бўлган Мовароуннахр

ҳадисчилари биографик қомусининг нотўлиқ бир бўлаги; доимо Насаф, Самарқанд, Бухоро, Исфажоб зикр қилинади. 1^а-варақда берилган 1127-28 санаси асар матнининг нақадар қадимийлигини билдиради. Хати – насх, XIV аср, 75 варақ; ўлчамлари – 28,5x17 см» [7:227].

1950-йилларда бу қўлёзма бўйича изланишлар олиб борган тадқиқотчилар Ҳ.Риттер ва А.З.В.Тўғон у ҳақда баъзи фикрларни билдирдилар. Ҳ.Риттернинг мулоҳазасича, ушбу қўлёзма нусхаси – ҳижрий 438 ва 444 (милодий 1046 ва 1053) йиллар орасида Абдулмалик ибн ал-Ҳусайн ибн Али ан-Насафий томонидан ёзилган Насаф ва Исфажоб ҳанафий олимлари тарихининг бир бўлаги [10:51]. Профессор Тўғон бу асарни Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи та'рих Самарқанд» асарига Абул Фадл Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий томонидан ёзилган «Зайл» (давом) деб ҳисоблади [12:207]. Билдирилган биринчи фикр хато бўлиб, иккинчиси ҳақиқатга бир мунча яқин эди.

Мазкур қўлёзмага Р. Фрай 1953 йили ўз махсус мақоласини бағишлади. Унинг тўғри хулосаларидан бири шу эдики, бу қўлёзма соф тарихий эмас, балки биографик асарнинг нусхасидир. Р. Фрай шунинг учун бу қўлёзма Мовароуннаҳр сиёсий тарихи билан шуғулланувчиларга бефойда асар деб қатъий ҳукм чиқарди. Тадқиқотчининг фикрича, Париж қўлёзмаси бизгача етиб келмаган ҳар хил шаҳар хроникаларидан кўчирилган, маълум тартибга эга бўлмаган сайланмадир, холос [8:166-168].

Р.Фрайнинг мақоласи К. Каэн томонидан қаттиқ танқидга учради. К. Каэн унинг бир қатор хато фикрларини кўрсатиб, матнни янада чуқурроқ ўрганиш лозимлигини таъкидлади. Тадқиқотчи қўлёзмани уч қисмга бўлади: унинг биринчи қисми хусусида А.З.В. Тўғоннинг фикрини қўллаб, унинг муаллифи Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий деб тасдиқлайди, қолган икки қисми эса бошқа номаълум муаллифларга тегишли бўлса керак, деган фикрни билдирди. Шундан сўнг бу нодир қўлёзма то 1980-йилларгача тадқиқотчилар эътиборидан четга чиқди.

Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарининг нодир қўлёзмаси 1967 йилда Истанбулнинг «Süleymaniye Kütüphanesi»да кашф этилди. «Turhan Valde» фондида 70-рақам остида сақланаётган бу қўлёзмани

аввалига Фуод Сезгин Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад Мустафийнинг (в. 1041 й.) «Та'рих Самарқанд» номли биографик қомусига Абу Ҳафс Насафий томонидан «Зайл» (давом, қўшимча) тарзида ёзилган «ал-Қанд фи та'рих 'уламо' Самарқанд» («Самарқанд уламолари тарихи ҳақида ширинлик китоби») номли асарининг нусхаси, деб тахмин қилди [11:353]. Унинг муаллиф ҳақида билдирган биринчи фикри тўғри бўлиб, иккинчиси – мазкур асар Мустафий асарининг зайли, деб билдирган фикри асоссиз эди. Бунга тўртки бўлган сабаб шу эдики, «Китоб ал-қанд» асарининг бу нусхасида 169 ерда Мустафийдан маълумот келтирилади. Бундан маълум бўладики, аксинча, Абу Ҳафс Насафий ўз асарини Мустафийга зайл тарзида ёзмаган, балки унинг асаридан манба сифатида фойдаланган.

Бу қўлёзма нусхаларнинг тақдирида 1986 йилда чиққан Дж. Уайнбергернинг мақоласи кескин бурилиш ясади. Принстон университети кутубхонасидаги шарқ қўлёзмалари бўлими назоратчиси Дж. Уайнбергер Париж ва Истанбул нусхаларини солиштириб чиқиб, ўзининг «XII аср Трансоксаниага тегишли икки биографик лўғатнинг авторлиги» мақоласини эълон қилди. Тадқиқотчи Истанбул қўлёзмасини ўрганиб чиқиб, муаллиф манба сифатида нафақат Мустафийдан (169 марта), балки Абу Саъд Идрисийдан (421 марта) ва бошқа биографик қомуслардан фойдаланганлигини аниқлади. Бу ўз навбатида Дж. Уайнбергерга мазкур қўлёзма бирор асарнинг давоми эмас, балки илк ислом давридан то XII асргача Самарқандда яшаб ижод этган ва умуман шу шаҳар билан номлари боғлиқ бўлган муҳаддис олимлар таржимаи ҳолларини ўзида жам этган бошқа бир асарнинг нотўлиқ нусхаси эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос берди. Бу эса Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» асаридир.

Энди, асарнинг ягона қўлёзма нусхасида (бошида 6 боб, сўнггида 6 боб) етишмовчилик бўлганлиги сабабли унинг ҳақиқий номини аниқлашда қийинчилик пайдо бўлди. Чунки, ан-Насафий асарининг номини бошқа манбалар турлича беради: 1) «Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» (Абу Саъд Самъоний); 2) «Китоб ал-қанд мин 'уламо' Самарқанд» (Ибн Ҳажар ал-'Асқалоний); 3) «Китоб ал-қанд фи зикр 'уламо' Самарқанд» (аз-Заҳабий); 4) «ал-

Канд фи та'рих Самарқанд» (Котиб Чалабий ёки Ҳожжи Халифа); 5) «ал-Қанд фи та'рих 'уламо' Самарқанд» (тадқиқотчи Ф. Сезгин). Дж. Уайнбергер Абу Саъд Самъоний Абу Ҳафс Насафийга замондош бўлганлиги сабабли унинг фикрига ён бериб, асарнинг энг тўғри ва тўлиқ номи «Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» деб ҳисоблади.

Дж. Уайнбергер Истамбул ва Париж қўлёзмаларини ўзаро солиштириб, улардан иккинчисида баъзи таржимаи ҳоллар тушириб қолдирилган, баъзиларида муҳаддиснинг номигина сақланган, баъзилари қисқартирилганлиги, баъзилари эса тўлиқ келтирилганлигини аниқлади. Шунингдек, Котиб Чалабийнинг «Кашф аз-зунун» асаридаги Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарида унинг шогирди Абул Фазл Самарқандий «Мунтахаб» («Сайланма») қилганлиги тўғрисидаги хабарига асосланиб, Дж. Уайнбергер Париж қўлёзмасини айнан «Мунтахаб Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» («Самарқанд уламоларини билиш бўйича ширинлик китобидан сайланма») эканлиги ҳақида хулоса чиқарди. Истамбул ва Париж қўлёзмаларининг муаллифларини аниқлаш кўп йиллар мобайнида мумкин бўлмаганлигини Дж. Уайнбергер Котиб Чалабийнинг асар номига та'рих сўзини қўшиб ёзганлигида деб ҳисоблайди.

Дж. Уайнбергернинг аниқ мисоллар билан исботлашича, усмоний-турк олимнинг китобга берган ушбу номи «Китоб ал-қанд»нинг арабча матнини кўрмаган академик В.В. Бартольд ва В.Л. Вяткинларни чалкаштирди. Жумладан, В.В. Бартольд «Китоб ал-қанд»нинг икки номи – «Қанд» ва «Қандия» ҳақидаги янглиш фикрни олға сурди. Ваҳоланки, иккинчи ном «Самарқанд» сўзидан ясалган нисбий сифат бўлиб, «Китоб ал-қанд» асарига мутлақо алоқаси йўқ (проф. Ю. Паул ҳам шу фикрни қўллаб-қувватлайди); иккинчидан, «Китоб ал-қанд» ал-Идрисийнинг «Китоб ал-камол»ининг давоми (зайл) ҳам эмаслиги юқорида кўрсатилди; учинчидан, «Қандия-йи хурд» «Мунтахаб Китоб ал-қанд»нинг форс тилига таржимаси эмас, балки Самарқанд шаҳри тарихига бағишланган кўп сонли мустақил асарлардан биридир [3:89-93]. Бу хилдаги асарлар кўпроқ «халқ китоблари» жанрига яқин бўлиб, авлиёлар, муқаддас жойлар, афсоналар йиғиндисидан иборатдир. Шулар асосида

тадқиқотчи Истамбул қўлёзмаси Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» асари, Париж қўлёзмаси эса ан-Насафийнинг шогирди Абул Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий томонидан қисқартирилган «Мунтахаб Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» номли асар нусхасидир, деган хулосага келади.

Дж. Уайнбергернинг мақоласи бу соҳадаги мукаммал, охирига етказилган тадқиқот дейиш қийин. Чунки, масалан, у Ҳ. Риттерни танқид қилаётиб, Париж қўлёзмасидаги энг сўнгги сана 1141-42 йил деб кўрсатади. Матнда эса аксинча, 1142-43 йил ҳам учрайди. Тадқиқотчи маълумотида кўра, Истамбул қўлёзмасида 1010 муҳаддис таржимаи ҳоли берилган. Бизнинг ҳисобимизча, уларнинг сони – 1027 та. Лекин ҳозирги давр тадқиқотлари учун унинг илмий хулосаси муҳим аҳамиятга эга. Асарнинг бошқа бир тўлиқ нусхаси ёки ан-Насафийнинг ўзи эътироф этган ном топилмагунича Дж. Уайнбергер тахмини ҳақиқатга энг яқин гипотеза кучига эгадир.

Тожикистонлик тадқиқотчи Лола Додхудоева 1991 йили Дж. Уайнбергернинг мақоласидан беҳабар ҳолда янги бир мақола эълон қилди. Унинг ҳисобича, Париж қўлёзмаси бир неча бўлақлардан иборат: 1) Идрисийнинг (в. 1015 й.) «Китоб ал-камол фи ма'рифат ар-рижол би-Самарқанд» асарида олинган бўлақ; 2) Абу Ҳафс Насафий қўшимчаси. Мақола муаллифининг фикрича, қўлёзма юқорида номи зикр этилган икки асарни XII асрда Абул Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий томонидан қайта ишлаб чиқилган ва унга «Қандия» номини берган. Кейинги асрларда ушбу қисқартириб олинган «Кичик Қандия» турли муаллифлар томонидан яна қайта-қайта ишланган ва бунинг натижасида аввалги арабча матнни тиклаш мумкин бўлмай қолган [4:35]. Мазкур мақолада ҳам форс тилидаги «Қандия-йи хурд» («Кичик қандия») ва арабча «Мунтахаб Китоб ал-қанд» («Китоб ал-қанддан сайланма») асарлари аралаштириб юборилган.

Париж ва Туркия қўлёзмаларини Дж. Уайнбергернинг мақоласидан беҳабар ҳолда солиштирган профессор Ю. Паул 1993 йилда ўзининг «Самарқанд тарихлари» мақоласини эълон қилди. У ҳам ўз мақоласида Истамбул қўлёзмаси Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» номли оригинал асарининг бир

қисми, Париж қўлёзмаси эса Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий томонидан қисқартирилган (баъзи жойларда – ҳатто кенгайтирилган) баёни бўлиши мумкин, деган фикрни олға суради. Форсча «Қандия» масаласида мақола муаллифи баъзи қимматли фикрларни илгари суриб, «Китоб ал-қанд» (нима учундир, ушбу мақолада у «Арабча Қандия» номини олган) тўлиқ нусхаси топилгунича, унинг муқаддимаси форсча таржимага асос бўлган, деган эҳтимол ўз кучида қолади, деб ҳисоблайди. Ю.Паул ўз мақоласида «Китоб ал-қанд»ни Марказий Осиё сиёсий тарихи, исломлашув жараёни ва ундаги ғозиларнинг роли, уламоларнинг сиёсатчилар билан бўлган муносабатларини ёритишда манба сифатида фойдаланиш услубларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади [9:69-92].

Туркия қўлёзмаси ҳақида хабар топган ношир Назар Муҳаммад ал-Форёбий 1991 йили, бу соҳадаги барча илмий тадқиқотларни ҳисобга олмаган ҳолда, уни зудлик билан чоп этди. Бу билан у кенг китобхонлар оммасини мазкур асар билан яқиндан танишиш имкониятини яратди. Лекин ушбу нашр жиддий камчиликларга эга. Улардан асосийси Истамбул нусхаси Париж қўлёзмаси билан мутлақо қиёсланган эмас. Натижада қўлёзмадаги Париж қўлёзмаси асосида ўқилиши мумкин бўлган ноаниқ, нотўлиқ сўзлар, жумлалар ушбу нашрда нотўғри босилган. Масалан, «воли» ўрнига «ва ило», «молик» ўрнига «ҳолик», «ла-яхирранна» ўрнига «ла-яхиззанна» ва бошқалар. Бундан ташқари қўлёзманинг 70^б- ва 71^а-варақларидаги маълумотлар, жумладан олтига уламо:

- 1) Абдуллоҳ ибн Али ал-Жавбақий ан-Насафий;
- 2) Абдуллоҳ ибн Али ибн Исо ан-Насафий;
- 3) Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ал-Бахтарий;
- 4) Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Аби Солиҳ ан-Нисобурий;
- 5) Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ас-Самарқандий;
- 6) Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аби Наср ат-Тарозий номларига берилган таржимаи ҳоллар нашрда умуман тушиб қолган бўлиб, китоб кўрсаткичида (ал-фихрист) эса – нима учундир ўз аксини топган. Натижада, матнда ношир томонидан таржимаи ҳолларга қўйилган рақамлар билан нашр кўрсаткичидаги тартиб

рақамлари орасида 365-таржимаи ҳолдан бошлаб номутаносиблик пайдо бўлган. Орада бетларнинг тушириб қолдирилиши натижасида 70^а-варақ охиридаги матнни 71^б-варақ бошидаги матнга улаб, яъни Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аби Бакр ал-Жавбақий ан-Насафий таржимаи ҳоли ва иснодига Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аби Наср ат-Тарозий исноди ва ривоят қилган ҳадисини улаб, қўпол хатога йўл қўйилган. Худди ана шундай хато алоҳида биографияси берилган Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан номини тушириб қолдириб, унинг иснодини аввалги биография – Абул Ҳасан Али ибн Митт номига қўшиб юбориш билан такрорланган. Бундан ташқари, Форёбий Марказий Осиё учун хос бўлган атамалар, исмлар, терминларга нотўғри диакритик белгилар (ҳаракот) қўйиб, уларни хато ўқийди. Мисол учун, «дихқон» ўрнига «дахқон», «Хушном» ўрнига «Хавашном», «ал-Марғиноний» ўрнига «ал-Марғайноний» ва бошқалар.

Ушбу нашрдаги жиддий нуқсон ва камчиликлар келажакда «Китоб ал-қанд»нинг илмий-танқидий матнини ҳозирлашни долзарб масала этиб қўйди. Чунки, Париж қўлёзмасида мавжуд («айн» боби) таржимаи ҳолларни қиёслаб, Истамбул қўлёзмасидаги бир қатор хатоларни тўғрилаб, танқидий матнга киритиш мумкин эди. Дарҳақиқат, «Китоб ал-қанд»нинг Туркия қўлёзма нусхасида кўчирувчи (носих) томонидан бир қатор жиддий хатоларга йўл қўйилган.

1999 йилда ливанлик тадқиқотчи Юсуф ал-Ҳодий «Китоб ал-қанд» асарининг танқидий матнини яратишга қўл урди. Ношир бу ишни амалга оширишда икки қўлёзма – Истамбул ва Париж нусхаларидан фойдаланди. Лекин у Дж. Уайнбергер ва Ю. Паулнинг Париж қўлёзмаси Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандийнинг «Мунтахаб китоб ал-қанд» китобининг ягона нусхаси эканлиги ҳақидаги илмий асосланган ҳулосаларидан хабардор бўлмаган ҳолда, уларни инкор қилди. У китобнинг янги наشري охирида исмлар, жой номлари, тарихий воқеалар ва бошқа рўйхатларни кўрсаткич (фихрист) сифатида бериб, асарни фойдаланиш учун қулай ҳолатда чоп эттирди. Аммо бу нашрнинг ҳам ўзига яраша жиддий камчилик томонлари мавжуд.

Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, мазкур танқидий нашрда икки мустақил асар

– «ал-Қанд» ва «Мунтахаб» бир қилиб қўшиб юборилган ва уларга Ғарбда ўтказилган илмий тадқиқотларни ҳисобга олмаган ҳолда «Китоб ал-қанд фи зикр ‘уламо’ Самарқанд» номи берилган. Ваҳоланки, бу икки китоб алоҳида-алоҳида мустақил асар бўлиб, Туркия қўлёзмаси «Китоб ал-қанд»нинг асл нусхаси, Париж қўлёзмаси эса – «Мунтахаб»нинг ягона нусхасидир.

Булардан ташқари, Париж қўлёзмасида мавжуд биографиялардан баъзилари Техрон нашрида ўз аксини топмади:

1) Абу Аҳмад Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ан-Насафий (в. 1009 й.) [2:73^б-74^а];

2) Абу Наср Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ал-Куфий ан-Насафий (в. 1013 й.) ларнинг таржимаи ҳоллари тўлиғича;

3) Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Бақр ар-Роҳибий ан-Насафий (в. 1035 й.) қисман;

4) Абу Наср Аҳмад ибн Али ибн Тоҳир ал-Жавбакий ан-Насафий (в. 951-52 й.) таржимаи ҳолининг бир қисми тушиб қолган.

Юсуф ал-Ҳодий қўлёзманинг 73^б- ва 74^а-варақларини йўқолган, деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, мазкур икки варақнинг орқа тарафлари йўқолиши мумкин эмас. Кўринишидан, ношир қўлёзманинг ўзидан эмас, балки ундан олинган нусхадан фойдаланган ва ундаги нусханинг баъзи варақлари йўқолган бўлиши мумкин.

Икки нусхани тўлиқ солиштирилмаганлиги натижасида «Айн» бобида Туркия қўлёзмасида йўқ бўлган, Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Жалил томонидан киритилган икки қўшимча – 1) Абу Аҳмад Абдулмуъмин ибн Абдулкарим ас-Самарқандий ал-Ҳоким ва 2) Абу Аҳмад Абдурраҳмон ас-Самарқандий ал-Ҳоким номлари ҳам нашрда мутлақо йўқ. Бундан ташқари баъзи жузъий камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, ас-Саййид ал-Имом Абулмузаффар Қосим ибн Аби Шужога берилган таржимаи ҳолда бу олимнинг номи ал-Имом Музаффар ибн Қосим тарзида нашр этилган. Ваҳоланки, бу ном қўлёзмада тўғри шаклда берилган [1:195^б].

2001 йилда «Китоб ал-қанд» Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли томонидан ўзбек тилига қисқартирган ҳолда таржима қилиниб, оммабоп тарзда нашр этилди. Натижада, фақат ўзбек тилида ўқий оладиган кенг китобхонлар оммаси бу китоб

билан қисман бўлсада танишиш имкониятига эга бўлдилар. Аммо бу таржима «Китоб ал-қанд» Туркия қўлёзмасининг Назар Муҳаммад Форёбий томонидан амалга оширилган нашридан қилинган бўлиб, мазкур нашрда йўл қўйилган хатолар унда ҳам такрорланади. Боз устига таржимада илм учун ғоят зарур ҳадис иснодлари ташлаб кетилган. Бу қабилдаги қисқартириш ўзбекча нашрнинг илмий аҳамиятини пасайтиради. Нашрда яна баъзи жузъий камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, Аҳмад ибн Наср ал-Атакийнинг нисбаси «ал-Аткий» шаклида берилган. Худди шу ерда Абу Муоз Холид ибн Сулаймон ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилган маъносидаги «раво ‘анху Аҳмад...» ибораси «Аҳмад...нинг (Абу Муоз ҳақида) ривоят қилишича,...» тарзида таржима қилинган. Кириш қисмининг охиридаги «Мазкур қўлёзма 11-асрга мансуб бўлиб, 98 варақдан иборат» жумласида иккита катта хатога йўл қўйилган: Абу Ҳафс Насафий умрининг аксар қисмини XII асрда яшаб ўтган бўлиб, у номини зикр этган кўпгина уламолар ҳам шу асрда яшаганлар ва шунга кўра, қўлёзма XI асрга тегишли бўлиши мумкин эмас; иккинчидан асарнинг Туркиядаги нусхаси 98 эмас, балки 198 варақдан иборат [1:198^б]. Бу таржима ҳақида хулоса қилиб айтиш мумкинки, у оммабоп бўлиб, ундан илмий мақсадлар кўзда тутилмаган.

«Китоб ал-қанд»нинг барча қўлёзма ва нашрлари бўйича таҳлиллар асосида қуйидагиларни хулоса қилиб айтиш мумкин:

1) Истанбулнинг «Süleymaniye Kütüphanesi»да «Turhan Valde» фондида 70 рақам остида сақланаётган қўлёзма Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма’рифат ‘уламо’ Самарқанд» асарининг нотўлиқ нусхаси;

2) Парижнинг «Bibliothèque Nationale» кутубхонасида араб тилидаги қўлёзмалар фондида 6284 рақами остида сақланаётган нусха Абу Ҳафс Насафийнинг шогирди Муҳаммад ибн Абдулжалил томонидан «Китоб ал-қанд» асаридан қисқартириб, баъзан қўшимчалар киритиб, биографияларни ўзига хос янги тартибда ўзгартирган ҳолда жойлаштириб, қилинган «Мунтахаб» («Сайланма»);

3) 1991 йилда Назар Муҳаммад ал-Форёбий томонидан амалга оширилган нашр баъзи хато ва камчиликларга эга бўлса-да, умумий йўналишини тўғри деб қабул қилиш

мумкин. Чунки унда бир асар бошқаларга аралаштирмай алоҳида нашр этилган;

4) Юсуф Ҳодий томонидан қилинган нашрда аввалги нашрдаги баъзи хатоларни тўғрилланган бўлсада, икки бошқа-бошқа асар бирлаштириб юборилди ва бу икки асарга умумий бир ном берилиб, хатога йўл қўйилган.

Мазкур хулосадан келиб чиқиб, икки қўлёзмани алоҳида-алоҳида тарзда танқидий нашрини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадқиқотда, юқорида зикр этилган камчиликларни эътиборга олган ҳолда, баъзан Форёбий (Саудия) нашридан, баъзан Ҳодий (Техрон) нашридан фойдаланилди. Нашрларда хатоларга йўл қўйилган ҳолларда эса тўғридан-тўғри қўлёзмаларга мурожаат этишга тўғри келди.

Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» ва «Мунтахаб» асарлари 1232 та мовароуннахрлик уламнинг таржимаи ҳолини беради. Улар VIII-XII асрларда маънавиятнинг турли соҳаларида фаолият олиб боришган. Китобга, асосан, Самарқанд шаҳри билан боғлиқ бўлган – бу шаҳарда туғилган, яшаган, фаолият олиб борган, вафот этган ёки қайсидир жиҳатдан шаҳар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатган уламоларнинг номлари киритилган. Аммо асарда Самарқанд шаҳридан ташқари Дабусия, Кушония, Кеш ҳамда Насаф каби шаҳар ва қишлоқлар билан боғлиқ уламоларнинг таржимаи ҳоллари ҳам кўплаб учрайди. Чунки юқорида қайд этилганидек, муаллиф ўз олдига нафақат Самарқанд шаҳри, балки Сўғди Самарқанд вилояти муҳаддислари биографик луғатини тузиш вазифасини қўйган.

Мазкур асарда келтирилган 950 дан ортиқ ҳадис Самарқанд маънавий ҳаёти турли жабҳаларидаги муҳитни – илоҳиёт, ахлоқ, сиёсат, қонунчилик, кадриятлар соҳаларини акс эттиради.

«Китоб ал-қанд» асари VIII-XII асрлардаги Мовароуннахр, хусусан, Самарқанд маънавий муҳитини, жумладан, ҳадис илми тараққиётини ўзида акс эттирган муҳим ва қимматбаҳо манбадир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари Мовароуннахрдан чиққан уламоларнинг

таржимаи ҳолларини ўзида мужассам қилган биобиблиографик комусдир. Шунингдек, ушбу асарда келган ҳадислар маҳаллий халқларнинг маънавий ҳаётини ўзида акс эттирган ҳадис тўплами ҳамдир. Шу билан бирга ушбу асар минтақа маънавияти тарихини ўрганиш бўйича ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. ал-Қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд. – Истанбул. – Сулаймонийа кутубхонаси. – «Turhan Valide Sultan» фонди. – Қўлёзма № 70. – 198 в.
2. Абу-л-Фадл Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Жалил ас-Самарқандий. Мунтахаб Китоб ал-қанд. – Париж. – Франция миллий кутубхонаси. – Араб қўлёзмалари фонди. – Қўлёзма № 6284. – 75 в.
3. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 760 б.
4. Додхудоева Л. Малоизвестная рукопись XIV в. по истории городов Мавераннахра // Известия Академии наук Таджикской ССР. Серия: Востоковедение, история, филология. – № 3 (23). – 1991. – Б. 31-36.
5. Кандия Малая. 1906 / Перевод краткой редакции на персидском языке арабского труда Абу Хафса Наджмеддина Умара б. Мухаммед ан-Насафи ас-Самарқанди. Предисловие и примечания переводчика В.Л. Вяткина // Справочная книжка Самарқандской области. – Вып. 8. – Самарқанд. – 1906. – Б. 236-290.
6. Уватов У. Самарқанд уламолари // Донолардан сабоқлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 62-65.
7. Blochet E. Catalogue des manuscrits arabes des nouvelles acquisitions. – Paris, 1925. – Б. 227.
8. Frye R.N. City Chronicles of Central Asia and Khurasan: A History of Nasaf? // Mélanges Fuad Köprülü. – Истанбул. – 1953. – Б. 166-168.
9. Paul J. The Histories of Samarqand // Studia Iranica. – 1993. – № 22. – Б. 69-92.
10. Ritter H. Arabische Handschriften in Anatolien und Istanbul // Oriens. – Т. III. – 1950 (бундан кейин: Риттер. 1950). – Б. 51.
11. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Т. I. – Leiden: Brill, 1967. – 935 б.
12. Toğan A.Z.V. Tarihde Usul. – Истанбул. – 1950. – Б. 207.

САГДИЕВ Ҳабибулло

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти PhD
E-mail: eagle75@mail.ru

КАРИМОВ Муҳаммадбилло

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
4-курс талабаси
G-mail: karimovmuhammadbilol@gmail.com

АБУ НУАЙМ АСБАҲОНИЙ ВА ТАСАВВУФ ИЛМИЙ АНЪАНАЛАРИНИНГ РИВОЖИ

АБУ НУАЙМ АСБАХАНИ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЙ ТРАДИЦИИ СУФИЗМА

ABU NUAIM ASBAHANI AND THE DEVELOPMENT OF SCHOLARLY TRADITION OF SUFISM

Аннотация: Мазкур мақола Абу Нуайм Асбаҳонийнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган. Абу Нуайм ал-Асбаҳонийнинг фаолияти ислом илми ўрганувчиларини илҳомлантиришида катта аҳамиятга эга бўлган муҳим шахс бўлиб қолмоқда. Мақолада, нафақат Абу Нуайм Асбаҳонийнинг ислом илмлари тараққиётига қўшган ҳиссаси ва унинг маънавий ва интеллектуал анъаналарни шакллантиришига бўлган катта таъсири ҳақида маълумотлар берилган, балки унинг тасаввуф назарияси ва тарихини ривожлантиришидаги ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Абу Нуайм ал-Асбаҳоний, тасаввуф, ҳадис илми, “Ҳиятул-авлия ва табақотул-асфия”, “тасаввуф” этимологияси, тасаввуф асослари.

Аннотация: Данная статья посвящена жизни и научному наследию Абу Ну'айма ал-Асбахани. Деятельность Абу Ну'айма ал-Асбахани продолжает оставаться важной фигурой, вдохновляющей исследователей исламских наук. В статье представлены не только его вклад в развитие исламских знаний и его огромное влияние на формирование духовных и интеллектуальных традиций, но и акцент на его роль в развитии теории и истории суфизма.

Ключевые слова: Абу Ну'айм ал-Асбахани, суфизм, наука о хадисах, “Хияту-л-авлия ва

табақотул-асфия”, этимология “тасаввуфа”, принципы суфизма.

Abstract: This article is dedicated to the life and scholarly legacy of Abu Nuaym al-Asbahani. Abu Nuaym al-Asbahani's work remains an important figure that continues to inspire researchers in Islamic sciences. The article provides information not only about his contribution to the development of Islamic knowledge and his profound influence on the formation of spiritual and intellectual traditions, but also highlights his role in the development of advancing the theory and history of Sufism.

Keywords: Abu Nuaym al-Asbahani, sufism, science of hadith, “Hilyat ul-awliya va tabaqat ul-asfiya”, etymology of “tasavvuf”, principles of Sufism.

КИРИШ

Тасаввуфга асос солган тасаввуфий кайфиятлар ислом дини билан деярли бир вақтда пайдо бўлади. Бироқ исломдаги ушбу таълимот тахминан VIII асрнинг ўрталари – IX асрнинг бошларида шакллана бошланган дейиш тўғридир. Одатда, бу таълимотга ҳадисларни тўпловчи (муҳаддислар) орасидан чиққанлар, сайёр бахшилар ва насиҳатгўй воизлар (куссос), қорилар, тақводор ҳунармандлар ва савдогарлар қўшилган.

Исломда зоҳидлик анъаналари пайдо бўлиши ривожланишининг сабаблари орасида мусулмон жамоаси яшай бошлаган дастлабки икки асрдаги ижтимоий-сиёсий ихтилофлар, чуқур ғоявий-маънавий изланишлар билан давом этган диний ҳаётнинг умумий мураккаблашувини кўрсатиш мумкин. Илк сўфийлик, аниқроғи зоҳидлар тарки дунё қилганларнинг ўзига хос хусусияти Куръон матни мазмуни устида мушоҳада қилиш, кундалик ҳаётда илоҳий китоб ва пайғамбар ҳадислари кўрсатмаларига қатъий риоя этиш, кўп марта қўшимча намоз ўқиш, бедорлик ва рўза тутиш, ҳар қандай дунёвий нарсалардан юз ўгириш, кундалик ҳаётда тақволи бўлиш, хусусан, рухсат этилган нарсалар билан манъ қилинган нарсаларни қатъий ажратиш, ўзини тақдири илоҳийга топшириш (таваккул) кабилар бўлган. Шунингдек, фақирликни улуғлаш, охиратни ўйлаш ва тавба қилиш кайфияти, берганига шукр қилиш, азоб-уқубатларга сабр-тоқатликдан эди. Сўфийлик таълимоти инсон қалбидаги энг нозик ўзгаришларни чуқур

мулоҳаза билан ўрганиш, одамлардаги ботиний туйғуларга ҳамдард бўлишга ўргатади.

АСОСИЙ ҚИСМ

IX-аср давомида тасаввуф назарияси ва амалиётида кўплаб ишлар олиб борилди. Бир қанча сўфийлик мактаблари пайдо бўлди, улар орасида Басра, Бағдод, Хуросон мактаблари бир мунча таъсирга эга эди. Уларнинг вакиллари инсон ва унинг Яратганга муносабати қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги таълимотни яратдилар, асарлар битдилар [10].

Аммо афсуски, ўрта асрлар таржимаи ҳоли луғатлари ва сўфийлар қўлланмаларида, одатда, тегишли сиймолар ҳақида кўп маълумотлар топилиши кутилса-да, тасаввуф ва ҳадис илми намояндаларидан бири бўлган Абу Нуайм ал-Исфажонийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кам гапирилади. Юқорида таърифланган муҳитда яшаб, ушбу таълимотнинг ривожига ўзининг ташқи томондан фақатгина ҳадислар тўпламидек кўринган, аслида эса, тасаввуф назариясининг ривожига муҳим омиллардан бири сифатида хизмат қилишига ҳисса қўшган асарлари ҳанузгача ўз қадрини йўқотгани йўқ.

Шу сабабли, хабар қилинган кичик тарқок маълумотлар тўпланган ва бирлаштирилгандан кейин катта аҳамиятга эга бўлди, чунки бу кейинчалик унинг ҳаётини чуқурроқ тушуниш имконини берди.

Абу Нуайм Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Мусо ибн Меҳрон ал-Исфажоний (ал-Асбаҳоний) – ислом олимлари орасида тасаввуф таълимоти, ҳадис илми, тарих фанлари ривожига ўзининг илмий меросга бой асарлари ила қўшган улкан ҳиссаси сабабли ўз замонасининг етук намояндаси сифатида тилга олинади. X-аср, милодий 947-йил, ҳижрий 336-йилда Исфажон шаҳрида таваллуд топган олим ёшликданок илм-маърифат билан шуғулланишни бошлаган. Абу Нуаймнинг отаси ўғлининг олти ёшиданок таълим олишида катта рол ўйнаган. Унинг отаси ҳам, бобоси ҳам илмда етук шахслар сифатида танилган. Фикҳ илми намояндаларидан бири ҳисобланган Тожиддин ас-Субкийнинг келтиришича, Абу Нуаймнинг бобоси, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Банно, тасаввуф шайхларидан бири ҳисобланган. Абу Нуаймнинг отаси Абдуллоҳ ибн Аҳмад ҳақида XX-аср мисрлик тадқиқодчи Абдулҳафиз

ал-Қараний шундай деган: “Исфажоннинг фазилатли олимлари ва кўп ҳадис ривоят қилганларидан эди” [1:49]. Ислом тарихига оид манбалар муаллифлари, хусусан ас-Субкий ҳам, ал-Исфажонийни “الحافظ” ва “الإمام” деб эътироф этишган [5:4-Ж:18].

Дастлабки илм кўникмаларини, юқорида айтилганидек, отасидан олган Абу Нуайм, 967-мил./356-ҳиж. йилдан бошлаб Басра, Бағдод, Куфа, Найсабур (Нушапур), Макка шаҳарларига сафар қилиб, уларни янада ривожлантирди.

Она шаҳри – Исфажонда 956-мил./344-ҳиж. йилдан қуйидаги олимлардан аввалги таълимотларни олади:

- Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Аҳмад ибн Форис (ваф. 345/957);
- Қози Абу Аҳмад ибн Аҳмад ал-Ассал (Муҳаммад, вафоти 349/960);
- ат-Табароний (Сулаймон ибн Аҳмад, ваф. 360 ҳижрий/971 милодий);
- Абуш-Шайх (Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаъфар, ваф. 369 ҳижрий/979 милодий) ва бошқалар.

Табароний ва Абуш-Шайх “ал-Ҳиля” учун иккита асосий манба, Аҳмад ибн Маъбад эса иккинчи даражали манба бўлиб, баъзан тобеинлар сўзларини келтиради [3:1-Ж:186].

Исфажондан Бағдод сари 967-мил./356-ҳиж. йилда илм талабида йўл олган ал-Асбаҳоний, қуйидаги қайд этилган шахслардан таълимни давом эттирган:

- Абу Али ас-Совваф (одатда Ибн ас-Совваф, Муҳаммад ибн Аҳмад, ваф. 359/970);
- Абу Бакр ибн ал-Ҳайсам ал-Анбарий (Муҳаммад ибн Жаъфар, ваф. 360/970);
- Ибн Ҳаллод ан-Насибий (Аҳмад ибн Юсуф, ваф. 359/969);
- Ҳабиб ал-Қаззоз (Ибн ал-Ҳасан вафот этган. 359/970) ва бошқалар.

Куфа шаҳрида ҳам илмий изланишларини тўхтатмай, зикр этилган олимларнинг илмий суҳбатларида қатнашган:

- Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Абул-Азаим (ваф. 360/970-1 ёки ундан олдин);
- Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Яҳё ат-Толҳий (ваф. 360/970-1).

Маккадаги устозларидан:

- Абу Бакр ал-Ажуррий (Муҳаммад ибн Ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ, ҳижрий 359/милодий 970 йилда вафот этган);

- Аҳмад ибн Иброҳим ал-Киндий (ваф. 360/970-1).

Басрада қуйидагиларга шогирд тушган:

- Фарук ибн Абдулкабир ал-Хаттобий (ваф. 361/971-2?);
- Муҳаммад ибн Али ибн Муслим ал-Умайрий (ваф. 360/970-1 ва ундан олдинги);
- Ибн Ҳамдон ас-Сақотий (Ал-Қатий 368/979) ва бошқалар.

Нишопурда булардан ҳадис эшитган:

- Абу Аҳмад ал-Ҳаким (Муҳаммад б. Абдуллоҳ, вафоти 405/1014);
- Ҳусайнак ат-Тамимий (ал-Ҳасан б. «Али б. Муҳаммад, вафот. 375/ 985) [12:145-159];

Абу Нуайм жуда кўп шогирдлар етиштирди. Улар қаторидан энг кўзга кўринганлари шулар деб айтиш мумкин:

- Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ, Абу Саад ал-Молиний (ваф. 412/1022).

- Муҳаммад ибн Абу Али Аҳмад ибн Абдул Раҳмон ибн Муҳаммад ал-Исфahоний, Абу Бакр аз-Заквоний (ваф. 419/1029).

- Аҳмад ибн Али ибн Собит ибн Аҳмад ибн Собит, Абу Бакр ал-Хатиб ал-Бағдодий (ваф. 463/1073) ва бошқалар [15:31].

Шундай қилиб, Абу Нуайм ҳадис, ривоятларни айтиб бериш учун ноёб имкониятга эга бўлди, бу эса унинг кейинги асарлари, айниқса тасаввуфий адабиётларнинг асосини ташкил этди.

Абу Нуаймнинг катта шон-шухрат ва мавқега эришишига ёрдам берган ва уни ҳадис илмида машҳур шахсга айлантирган бир қанча омиллар мавжуд. Унга “буюк имом”, “хофиз” ва “муҳаддис” унвонларини берган биринчи ва энг муҳим омил бу унинг отаси билан олти ёшида бошланиб, тўксон тўрт ёшида тўхтаган узоқ ва шиддатли илм йўлидир.

У нуфузли алломалар қўлида таҳсил олди, илм излаб кўп саёҳат қилди, барча шогирдларининг ишонч ва ҳурматиға сазовор бўлди. Кўриб чиқилган манбаларда у билан боғлиқ жами 46 хил устоз ва 70 талаба эсга олинади. Қолаверса, Абу Нуаймнинг турли соҳаларда, яъни ҳадис, сўфийлик, тарих ва фикр илми бўйича кенг билимга эга бўлиши уни моҳирлик даражасига кўтарган.

Абу Нуайм 430-ҳиж./1038-мил. Муҳаррам ойининг 21-душанба куни Исфahонда вафот этди.

Абу Нуайм томонидан ёзилган кўплаб муҳим китоблар унга “сохибут-тасниф” (кўплаб асарлар муаллифи, “полимаат”) шон-шухратини берди ва бу, албатта, унинг муваффақиятида яна бир ҳал қилувчи омил бўлди. Кўриб чиқилган манбаларда жами 75 та турли асарлари қайд этилган, улардан баъзилари сақланиб қолган, бошқалари бизга фақат йўқолган асарлар номлари сифатида маълум. Аслида Абу Нуайм асарларини уч тоифага бўлиш мумкин: (1) нашр этилганлар, (2) фақат қўлёзма шаклида мавжуд бўлганлар ва (3) йўқолганлари [13:183].

Унинг ислом илмининг маълум бир йўналишларида шаклланган кўплаб асарлари бугунги кунгача етиб келган. Абу Нуайм ал-Асбаҳонийнинг бугунги кунда мавжуд бўлган энг машҳур рисоалари ва асарлари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- “Ҳиятул-авлия ва табакотул-асфия”

- “Маърифату-с-саҳоба”

- “Сифатул-жаннат”

- “Зикри ахбор Асбаҳон”

- “Далоилу-н-нубувва”

- “Ал-Муснад ал-Мустаҳраж ала Саҳиҳи Муслим”

- “Сифату-н-нифоқ ва наъту-л-мунафиқин”

- “Фадаъилу-л-хулафои-л-арбаъа ва ғойриҳим” ва ҳоказолар [6:17-Ж:455-456].

Биобиблиографик асарларга кўра, Абу Нуайм ал-Асбаҳоний ислом маданиятидаги тасаввуф назариясининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Гарчи унинг асарлари тўғридан-тўғри тасаввуфга алоҳида фан сифатида оид бўлмаса-да, унинг ҳадисшунослик, биобиблиографияга қўшган ҳиссаси тасаввуфнинг асосий анъаналарини шакллантиришда муҳим рол ўйнаган, айниқса унинг асарларида тасвирланган ахлоқий ва руҳий амалиётлари алоҳида ўрин тутган.

Унинг энг йирик ва машҳур бўлган, тасаввуф таълимотининг ривожига муҳим ўрин тутган ва рамзий манбаларидан бири ҳисобланадиган асари – “Ҳиятул-авлия ва табакотул-асфия” номли кўп жилдли биографик энциклопедиясидир. Абу Нуайм ушбу асарини XI-асрда ёзган бўлиб, ўша даврда тасаввуф исломдаги алоҳида йўналиш сифатида мистик амалиётларга бўлган қизиқишнинг ортиши

ва Аллоҳ билан чуқур шахсий алоқани излаш контекстида ривожланаётган эди. Шу даврда сўфийликнинг диний ҳаётдаги роли ортиб, Абу Нуайм, ўзи ҳам сўфийлик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда, ўз асарида Аллоҳга яқинлик ва мистик йўлни ифодаловчи шахсларнинг биографияларини тўплаган. Абу Нуаймнинг китоби сўфийликдаги Аллоҳга яқин инсонлар (валийлар) тасвирини шакллантиришда катта рол ўйнаган, уларнинг ҳаётини эса ўрнатқич сифатида кўрсатган. Ушбу китобга тасаввуф назарияси илгари сурган амалиётлар, яъни тақводорлик, зоҳидлик ва илм, шунингдек, юқори ахлоқий ҳуқ-атвор, исломий қадриятларга содиқликни ўз ҳаётида мисол қилиб бера олган 689 та машҳур буюк ислом сиймоларининг таржимаи ҳоли киритилган.

Ушбу китобни шакллантиришда ал-Асбахоний ўзига хос услуб билан ёндашган. Сир эмаски, Пайғамбар (сав) ва у кишига эргашиш шахслар, яъни саҳобалар, сўнгра тобеинлар, табаа тобеинлар тасаввуф таълимотининг асосий намояндалари ҳисобланади. Ушбу таърифга асосланган ҳолда, муаллиф асарни аввал жаннат ваъда қилинган ўн кишининг (ал-ашарай мубашшаро), сўнгра қолган саҳобаларнинг таржимаи ҳоллари билан бошлади. Сўнг Суффа аҳли ҳақида сўз юритди ва уларни ҳижоий ҳарфлар (араб алифбоси) бўйича икки марта зикр қилди ва ўздан олдингилар, яъни Абу Абдуллаҳмон ас-Суллабий ва Абу Саид ал-Аъробийнинг асарларидан фойдаланиб, ўз асарига улар зикр қилмаган исмларни қўшиб қўйди. Саҳобаларга бағишланган бўлимни аёл саҳобияларни зикр қилиш билан якунлади.

Шундан сўнг илк даврдаги (биринчи табақа) тобеинларнинг таржимаи ҳолларини зикр қилишда уларни ўлкаларига кўра тартиблади, яъни аввал Басра, кейин Мадина, кейин эса Куфа тобеинларини тақдим этиш билан бошлади. Шундан сўнг аниқ бир тартиб-қоидага амал қилмай, бир неча ўринда бу вазиятни кўрсатиб ўтди: “Яманлик зоҳидлар ва обидларни зикр қилишда илк куфий табақасидан баъзиларни зикр қилдик ва бир гуруҳ куфий обидларни зикр қилишга қайтдик” [2:4-Ж:100]. Бир неча таржимаи ҳоллардан сўнг шундай деди: “Биз Абдуллоҳ ибн Масъуднинг бир қанча ҳамроҳларини зикр қилдик, улардан ҳали бир

қанчаси борки, биз уларни тилга олмадик” [2:4-Ж:169].

Кейинги шахсларни номаълум тартибда зикр қилди ва китобнинг охиригача шу услубни қўллади.

“Ал-Ҳиля” китоби муаллифининг ҳаётлигида ҳам, ундан кейин ҳам шу қадар шуҳрат қозондики, у ҳақида шундай дейилган эди:

Ас-Субкий ўзининг “Табақоту-ш-Шофеъия ал-Кубро” асарида ушбу мактовларни келтиради: “У “ал-Ҳиля” китобини ёзгач, ҳаётлигида уни Нишопурга олиб кетди ва уни тўрт юз динорга сотиб олишди”. Абу Тоҳир ас-Салафий айтди: “Унинг “ал-Ҳилятул-авлия” китобига ўхшаган китоб ёзилмаган”. Унинг асарлари орасида энг яхши китоблардан бири бўлган “Ҳилят ул-авлия” ҳам борки, у шайх, имом, отам уни кўп мактаб, ўқишни яхши кўрганлар” [5:4-Ж:21-22].

Ҳожи Халифа қуйидагича таърифлади: “Яхши ва эътиборга сазовор китобдир” [8:3-Ж:431].

Абу Нуайм ўз китобининг бошида унинг ёзилиш мақсадларини аниқлаб бериб, уларни қуйидагича баён қилади:

Биринчи мақсад: Тасаввуф таълимотининг тадқиқ этилган аниқ ва машҳур сиймоларининг сўзлари ва таржима ҳоли тўпланган китоб тузиш ҳақида бир шогирдининг илтимосини қондириш. Асарнинг муқаддимасида муаллиф шу ҳақида қуйидаги сўзларни келтиради: “Мен Аллоҳ таолодан ёрдам сўрадим ва сизнинг энг кўзга кўринган ва тасдиқланган сўфийлар ва имомларининг ҳадислари ва сўзларидан, зоҳидлар тоифалари ва уларнинг йўлларида, саҳобалар асридан бошлаб, тобеинлар, табаа тобеинлар ва улардан кейинги эргашувчиларнинг номларини ўз ичига тартиб билан олган бир китоб тузиш ҳақидаги илтимосингизга жавоб бердим...”.

Иккинчи мақсад: Сўфийликда ҳақиқий билимга эга бўлганлар билан бошқа ёлғончи даъво қилувчилар (сохта сўфийлар)ни ажратиш. У шундай дейди: “Мен ортиқча чуқур кирганлардан, даъво қилувчилардан ва кийим, сўзда уларга ўхшаш бўлган, аммо эътиқод ва амалларда уларга зид бўлганлардан воз кечдим”.

Таъкидлаш лозимки, муаллиф асар муқаддимасида “мутаҳаққиқ” деган сўздан фойдаланиб, айнан тасаввуфнинг ҳақиқий вакилларига ишора қилган. “Мутаъаммик” деб

чуқур кетганлар, “мутанаттиъ”, “аҳлуд даъави”, “каззоб” деб ғулувга кетган сохта мутасаввиф (тасаввуф вакили)ларни номлади.

Учинчи мақсад: Ёлғончиларни фош қилиш ва улардан холос бўлиш. У шундай дейди: “... Балки, ёлғончилардан халос бўлишни намоён қилиш ва хиёнаткорларга қарши туриш ростгўйлар учун ажойиблик ва ҳақиқий намояндалар учун улкан обрў бўлади. Агар биз бутунлай ёлғончиларнинг махфийликлари ва уларнинг ёмонликларини дин нуқтаи назаридан фош қилмасак, унда уларни очиб кўрсатиш ва тарқатиш бизга ҳимоя ва сақлаш мақсадида мажбур бўлади...” [11:917-918].

Айтиб ўтилган мақсадлар шуни кўрсатадики, муаллиф тасаввуф вакиллари икки тоифага ажратган. Улар қуйидагича:

1. *Ҳақиқий тасаввуф аҳли ва имомлари (йўлбошчилари).* Муаллиф “Ҳиля”да шундай дейди: «Илм ва амал билан аҳли сунна вал жамоа йўлига амал қилмаган сўфий ҳақиқий сўфий, яъни Пайғамбар (сав)га эргашган, ҳисобланмайди». Кейин у: «Қандай қилиб Аллоҳнинг авлиёларига нисбатан камситишни қабул қилишимиз мумкин? Уларга озор бериш, бу Аллоҳга қарши жанг қилишга чақиришдир» деди. Кейин қудсий ҳадисни келтиради [2:1-Ж:4].

2. *Ғулувга кетган сохта мутасаввиф (тасаввуф вакили)лар.* Ушбу тоифа ҳақида муаллиф алоҳида тўхталиб ўтмаган, аммо уларни уч қисмга ажратган ва хуш кўрмаслигини баён этган.

Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Абу Нуайм ушбу асарида “тасаввуф” сўзининг этимологияси (асл келиб чиқиши)га оид бир неча хил фикрларга алоҳида тўхталиб, қуйидагича шарҳлайди:

- “Сўфийнинг ҳарфи учта бўлиб, ҳар бир ҳарф учта маънога эга: Соф (ص) — бу унинг садоқати, сабри ва поклиги; Вов (و) — унинг муҳаббати, (Раббиси ҳузурига) келиши ва вафоси; Фа (ف) — унинг фақирлиги (Яратганга мухтожлиги), йўқолиши ва йўқликка айланиши; Йо (ي) — бу нисбат бериш учун қўшилган” [2:10-Ж:385].

- Унинг таърифида “الصفاء” ва “الوفاء” сўзларидан келиб чиқади, бу аҳли ишарот¹-

нинг тушунчасига боғлиқдир. Ушбу маъно одамларнинг ташқи ва ички софлиги, қалбларининг поклиги ва нафсларининг ахлоқсизликлардан тозаллигига боғлиқдир;

- Ёки у “صوفة”дан олинган: бу, қадимда Каъба ва ҳожилар (ҳаж амалларини адо этиш учун келганлар)га хизмат қилиш билан машхур бўлган қабиланинг номи. Агар шу сўздан олинган бўлса, демак, тасаввуф вакили ўз ҳолатини қаноат билан қабул қилади, молидан зарур бўлгани билан қониқади ва келажаги учун ҳақли бўлган нарсаларни садақа сифатида беради;

- Айрим фикрларга кўра, бу ном “الصوفانة” деган сахро ўсимлигига бориб тақалиши ҳам келтирилган бўлиб, аксар олимлар бу фикрга қўшилмаганлар;

- Ёки у “صوفة” сўзидан олинган бўлиб, бу бошнинг орқа томони (қофа)даги сочларга ишора қилади;

- Ёки у “صوف” сўзидан олинган бўлиб, бу кўйларнинг юнги, жунини англатади. Агар шу сўздан олинган бўлса, демак, жундан тўқилган кийимни танлаганлари учундир, чунки уни тайёрлаш учун одамларга катта машаққат ва харажат керак эмас. Шунингдек, жун кийим орқали нафснинг ўзини камситишга, фахр ва манманлик (такаббур)ни камайтиришга ёрдам беради. Бу орқали улар итоаткорликка, камбағалликка, қаноат ва эҳтиёжга ўрганадилар. Сўнгра муаллиф: “Биз жун кийиш ҳақидаги далилларни «Лабс ас-Суф» китобимизда келтирганмиз”, деб айтди.

Юқорида таъкидланганидек, тасаввуфнинг маъноси ҳақида Абу Н. кўплаб қарашлар келтирди ва уларнинг охирида шундай деди: “Биз бундан бошқа китобда (тасаввуф) шайхларининг тасаввуфга оид кўплаб жавобларини ва уларнинг иборалари ўртасидаги фарқларни келтирдик. Ва ҳар бир киши ўз ҳолатидан (келиб чиққан ҳолда) айтиб берди”.

Абу Нуайм тасаввуфнинг моҳияти ҳақидаги фикрларни келтириб, унинг асосий принциплари ҳақида қуйидагиларни таъкидлаган: “Тасаввуфнинг асл моҳияти тўрт асосдан иборат: Аллоҳ таоло, Унинг исмлари, сифатлари ва феъллари ҳақидаги маърифат, нафс ёмонликлари, унинг хоҳишлари ва

кўплиги, унинг хис-туйғулари ва руҳий ҳолатларига асосланган, ва улар ифода этилишдан кўра ички ҳолатни англатади.

¹ Тасаввуфда ишора — бу билим, ҳислар, кўриш ва тажрибаларни бўшоқ тарзда, аниқ айтмасдан ишлатишдир. Бу ишоралар муриднинг зикри ва фикр юритишининг

иллатлари ҳақидаги маърифат, душман (шайтон назарда тутилган)нинг васвасалари, тузоқлари ва адаштиришларини билиш, дунёнинг ва унинг алдамчи хислатларини билиш...”.

Мутасаввифларнинг гаплари учта турда бўлади: “Биринчиси — уларнинг тавҳид (Яккахудолик)га ишора қилишлари, иккинчиси — уларнинг мақсад (мурод) ва унга боғлиқ даражалар ҳақидаги сўзлари, учинчиси — мурид ва унинг ҳолатлари ҳақидаги сўзлари. Кейин ҳар бир турда кўплаб масалалар ва бўлимлар мавжуд бўлиб, уларнинг сони жуда кўп” [2:1-Ж:17-24].

Умумий қилиб айтганда, тасаввуфдаги бундай принциплар ва гаплар турлари — бу тасаввуф вакиллари ва уларга мухолифларнинг ҳар томонлама кузатиш ва таҳлил қилиш орқали шакллантирган тақсимооти бўлиб, бу масалада ҳеч қандай муаммо йўқ.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу Нуайм исломнинг илмий ва тасаввуфий соҳаларида катта таъсирга эга бўлиб, ўзининг асарлари орқали ислом маданиятига катта ҳисса қўшди. Унинг «Ҳилятул-авлия ва табақотул-асфия» асари, тасаввуф таълимоти ва унга боғлиқ ахлокий ва руҳий амалиётларнинг кенг тарқалишида муҳим ўрин тутди.

Шу билан бирга, унга қаратилган таърифлар ва фойдаланилган манбалар унинг нафақат тасаввуф, балки ҳадис, фикр ва тарих каби соҳалардаги ёрқин илмий фаолиятини ҳам эътироф этди. Унинг илмий йўли, атрофидаги устозлардан олинган билим ва турли шаҳарларда олинган таълимлар, унинг олий таълимга бўлган ёндошуви ва кенг қўламдаги тадқиқотларининг муваффақиятга эришишида муҳим омил бўлди.

Абу Нуаймнинг «Ҳилятул-авлия» асари, фақат тасаввуфий фикр ва таълимотлар билан чегараланмай, балки унинг узоқ йиллик илмий саёҳатлари ва илмга бўлган чуқур муҳаббати орқали, ўз замонидаги ва кейинги даврлардаги мусулмонлар учун катта таълим манбаига айланган. Унинг асарлари ҳадис илми ва биобиблиография каби соҳаларда ҳам муҳим манбага айланган, бу эса унинг ижтимоий-руҳий ва диний ҳаётга қандай таъсир кўрсатганини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдулҳафиз ал-Қараний. ал-Ҳафиз Абу Нуайм ал-Исфажоний: ал-Фақиҳ ал-Мухаддис ас-Суфий ал-Муаррих. – Қоҳира: Ал-ҳайъатул мисриййа ал-омма лил куттаб, 1987. – 218 б.
2. Абу Нуайм ал-Асбаҳоний. Ҳилятул-авлия ва табақотул-асфия. – Қоҳира: Матбаа ас-Саодат, 1974.
3. Абу Нуайм ал-Асбаҳоний. Зикри ахбори Асбаҳон. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1990.
4. Мухсин ал-Амин. Аъён уш-шиа. – Байрут: Дарут-таъаруф лил-матбуот, 1983.
5. Тожиддин ас-Субкий. Табақоту-ш-Шофеъия ал-Кубро. – Қоҳира: Дорул ихя ал-кутубил-арабия, 1918.
6. Шамсиддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. – Байрут: Муассатур рисола, 1996.
7. Шамсиддин аз-Заҳабий. Тарих ул-ислом. – Байрут: Дорул кутубил аробия, 1989.
8. Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун аън асами вал фунун. – Лондон: Муассатул фурқон лит-туросил исламий, 2021.
9. Асир бинт Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Аскар. Muhammad bin Abi Yahya al-Aslami in the book ‘Tarikh Asbahan’ by Hafiz Abu Nuaim Ahmad bin Abdullah al Asbahani (d. 430 AH) // مجلة الدراسات العربية, 2023, 6-сон, 3227-3254-б.
10. Робия Зиёдова. Тасаввуф илмининг шаклланиши. <https://www.bukhari.uz/?p=11649>. 18.04.2025.
11. Холид ибн Сулаймон ал-Хотиб. The History of Sufism between Abu Nueim Al-Asfahani (430 H) and Ibn Al-Juzi (597 H) (the Problem of Historical Narration) // 29- ,2021, مجلة وادي النيل, 5-сон, 911-938-б.
12. Christopher Melchert. Abū Nu‘aym’s Sources for *Hilyat alawliya*, Sufi and Traditionist // Gobillot, Geneviève, and Jean-Jacques Thibon, eds. Les maîtres soufis et leurs disciples des IIIe-Ve siècles de l’hégire (IXe-XIes.). – Beyrouth: Presses de l’Ifpo, 2012. p. 145-159.
13. Meis al-Kaisi. Abu Nu‘Aym al-Iṣfahānī (d. 430/1038): Conflicting Opinions // Teosofia: Indonesian Journal of Islamic Mysticism, Vol. 10, No. 2, 2021, pp. 177-192.

ИСАКДЖАНОВ Рамзиддин

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси доценти,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

МУСУЛМОН ФАЛСАФАСИ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

ANALYSIS OF METHODOLOGICAL BASIS OF MUSLIM PHILOSOPHY

АНАЛИЗ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ МУСУЛЬМАНСКОЙ ФИЛОСОФИИ

Аннотация. Мазкур мақолада мусулмон мутафаккирлари томонидан яратилган асарлар Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан ўрганилиши тадқиқ этилган. Мусулмон фалсафаси кўп тармоқли бўлиб, Ғарб ва Шарқ тадқиқотчиларнинг ёндашувлари ҳам турличадир. Рационал қараш кўпроқ ғарб олимлари томонидан ўрганилгани, умуман, фалсафий таҳлил ғарбга хос эканлиги сир эмас. Мусулмон дунёсида ҳам ғарб методологияси асосида тадқиқ қилувчи изланувчилар ҳам талайгина бўлиб, қайсидир даражада бир томонлама ёндашув мавжудлигига ишора қилади. Бу ерда мураккаб масалалардан бири теологик қарашларни рационал таҳлил қилишдир. Бу борада Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва Имом Ғазолий феноменлари беқийсдир. Мусулмон фалсафасидаги асосий масалалар мазкур алломалар асарларида акс этиб туради. Шу кунгача мусулмон фалсафасига оид ғарб тадқиқотлари салмоқли бўлсада, Эрон, Туркия, Миср ва Ҳиндистон олимларининг ишлари ҳам таҳсинга сазовордир. Шарқ мусулмон фалсафасини тадқиқ этишда янги ёндашувлар Ватанимизда динишунослик, исломишунослик, дин фалсафаси фанларини мукаммаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб қолади.

Калим сўзлар. Эманация, Вожиб ал вужуд, мумкин ал вужуд, тажаллий, Ишорот ва танбехот, антик давр космологик дунёқараши

Abstract. This article examines the study of works created by Muslim thinkers by Western and Eastern scholars. Muslim philosophy is multidisciplinary, and the approaches of Western and Eastern researchers are also different. It is no secret that the rational view

has been studied more by Western scholars, and that philosophical analysis in general is characteristic of the West. Even in the Muslim world, there are many researchers who study based on Western methodology, which indicates a somewhat one-sided approach. One of the complex issues here is the rational analysis of theological views. In this regard, the phenomena of Farabi, Ibn Sina, Ibn Rushd and Imam Ghazali are incomparable. The main issues in Muslim philosophy are reflected in the works of these scholars. Although Western studies of Muslim philosophy are still significant, the works of Iranian, Turkish, Egyptian, and Indian scholars are also commendable. New approaches to the study of Eastern Muslim philosophy will make a worthy contribution to the improvement of the disciplines of religious studies, Islamic studies, and philosophy of religion in our homeland.

Ключевые слова. Эманация, Ваджиб аль-вуджуд, мумкин аль-вуджуд, таджалли, Ишарат ва танбихат, древнегреческое космологическое воззрение.

Аннотация. Изучение наследия мусульманских мыслителей характеризуется методологическим дуализмом, отражающим различия между западной и восточной исследовательскими традициями. Междисциплинарный характер мусульманской философии лишь подчёркивает эту дихотомию. Так, для западной науки характерен акцент на рационально-философском анализе, в то время как в самом мусульманском мире данный подход применяется реже, что создает определенную асимметрию в исследованиях. Ключевые проблемы мусульманской философии, включая сложный вопрос рационального анализа теологических доктрин, нашли отражение в трудах таких выдающихся мыслителей, как аль-Фараби, Ибн Сина, Ибн Рушд и аль-Газали. Наряду с классическими западными исследованиями, которые сохраняют свою актуальность, всё больший научный интерес представляют работы учёных из Ирана, Турции, Египта и Индии. Интеграция новых подходов к изучению восточной мусульманской философии способна внести весомый вклад в совершенствование таких дисциплин, как религиоведение, исламоведение и философия религии в нашей стране.

Keywords. Emanation, Wajib al-wujud, mumkin al-wujud, tajalli, Isharat wa tanbihat, ancient Greek cosmological view.

КИРИШ

Дунёда дин ва фалсафа уйғунлиги борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мавжуд бўлиб,

уларда Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий таълимотлари мазкур минтақа маънавий меросининг муҳим қисми сифатида тадқиқ этилган. Марказий Осиёдаги мантикий-гносеологик ғоялар тарихини ўрганиш нафақат ўтмиш маданияти ва фалсафасини, балки ҳозирги даврга хос ғоявий жараёнларни тўғри тушунишга ҳам имкон беради. Ибн Синонинг илоҳиётга доир мероси Ғарб мамлакатлари, россиялик, туркиялик, эронлик, тожикистонлик бир қатор олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, унинг диний-рационал қарашлари тизимли таҳлил қилинмаган. Олиб борилган тадқиқотларда асосан, Ибн Синонинг нафс, Рух, материянинг абадийлигига оид қарашлари тадқиқ этилган. Лекин олимнинг ислом дини манбалари, хусусан, Қуръони карим сураларига тафсири аксар тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Натижада, айрим тадқиқотларда алломани материалист қилиб кўрсатишга, уни юнон фалсафаси давомчиси сифатида талкин этишга ҳаракатларни кузатиш мумкин. Шу сабабли Ибн Сино тафсирини ўрганиш динийлик ва дунёвийлик уйғунлигини, шунингдек мўътадил ислом тамойилларини рационал йўл билан очиб беришда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда дин соҳасига, хусусан миллий ва диний қадриятларимизни қайта тиклаш ҳамда тўлақонли тадқиқ этиш, ҳалқимизга соф қадриятларимизни етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, "... ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар ҳам бугун ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас"[1:82]. Шу маънода Абу Али ибн Сино илмий меросида фалсафага тегишли асарлар алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фалсафий қарашлари шаклланишида Арасту ва Форобийнинг таъсири катта бўлган. Лекин, Ибн Сино фалсафада бу икки файласуфлар қаторида алоҳида ўринга эга бўлиб, ўзига хос мактаб яратган мутафаккир экани эътироф этилган. Исломи таълимотига асосланган Ибн Сино фалсафаси мероси нафақат ислом, балки яхудий ва насроний дини олимлари фалсафий

тафаккурига ҳам таъсир ўтказиб, алломанинг диний-фалсафий қарашларини ўрганиш биланбир қаторда жамиятдаги мажуд диний масалаларни рационал тушунишга зарурат туғилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Исломи фалсафаси, хусусан, Ибн Синонинг метафизикага оид қарашлари бўйича олимлар томонидан муайян илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу тадқиқотларда Марказий Осиёда яшаб ижод этган баъзи олим ва файласуфларнинг илм-фан равнақида қўшган ҳиссаси, Шарқ фалсафасининг Европа олимларига таъсири, ислом ва тасаввуфнинг тарқалиши тўғрисида, калом илми ҳақидаги фикрлар баён қилинган. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари IX-X аср хусусиятларидан келиб чиққан бўлса-да, бугунги ислом фалсафасининг гносеологик ва эпистемологик масалалари таҳлилида муҳим роль ўйнайди.

Шарқ давлатларида ислом фалсафасини ўрганиш, уни тадқиқ қилишда катта ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Масалан, Миср Араб Республикаси Қоҳира университетининг Исломи фалсафаси факультетида ҳар йили ислом фалсафасининг турли долзарб муаммоларига бағишлаб халқаро анжуманлар ўтказилади ва анжуман материаллари тўплам ҳолида чоп этиб борилади. Анжуманларда мисрлик файласуфлардан Муҳаммад Шарқовий, Аҳмад Арафот ал-Қози ислом гносеологиясига оид маърузалари билан қатнашиб келадилар [2:27]. Муҳаммад Лутфий Жумъа ислом файласуфлари қарашларини таҳлилий тарзда тадқиқ этган [3:320]. Эрон ислом файласуфлари томонидан ҳам муҳим тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, ислом фалсафасига оид тадқиқот ишларидан бири ҳисобланган М.Фахрийнинг «Исломи фалсафаси тарихи» асари 1983 йили Насрулло Пур Жаводий таржимасида Техронда форс тилида нашр этилди. Туркия Республикасида ҳам ислом фалсафасига доир илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Улар орасида проф. И.Абдулҳамид, проф. М.Байракдарнинг монографиялари[4:3] алоҳида ўрин тутди.

Ғарб ва америкалик ислом файласуфлари: С.Наср, Г.Грюнебаум, П.Ландау, И.Фаруки, Ж.Вилиамс, В.Монтгомери, М.Шариф, О.Лийман, Ф.Роузентал, У.Рудолфларнинг ислом фалсафасига оид асарларида ислом фалсафасининг шаклланиши, унга таъсир кўрсатган омиллар, мусулмон файласуфларининг турли фалсафий қарашлари очиб берилган.

Собиқ совет даврида ҳам ислом фалсафасига доир илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Улар орасидан С.Григорян, А.Игнатенко, М.Степанянц, Н.Кирабаев, А.Мохаммедходжаев, В.Чалоян, Е.Фролова, Г.Шаймухамбетова, Т.Ибрагим, А.Сагадеев, С.Прозоровларнинг тадқиқотларида ислом фалсафасининг долзарб муаммолари, унинг муҳим йўналишлари бўлган тасаввуф фалсафаси, калом фалсафаси, улардаги асосий йўналишлар, қарашлар ўрганилган ҳамда ислом фалсафасининг Шарқ фалсафасида ва дунё маданиятида тутган ўрнини очиб беришга эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ислом файласуфлари ва мутафаккирларнинг фалсафий қарашлари ўрганилган, тадқиқотлар вужудга келган. Жумладан, Н.Комилов, А.Мансур, М.Қодиров, Р.Носиров, А.Шарипов, У.Алимов, А.Жузжоний, М.Ҳасаний, З.Мунавваров, Ш.Сирожиiddинов, М.Имомназаров, С.Оқилов ва бошқа олимларнинг илмий ишлари диққатга сазовордир.

МДХ давлатлари орасида Ибн Сино фалсафасини тадқиқ этган диссертациялар амалга оширилди. Р.Садыков., Ё.Ниёзов, М.Рахимов, Ф.Худойдодов, М. Каримова, З.Хакимова, С.Султонов каби олимларни санаб ўтиш мумкин.

Марказий Осиё фалсафаси, хусусан, мусулмон фалсафасини ўрганишда –ғарб тадқиқотчиларининг европацентризм ғояси мавжуд эканлиги хулосалар чиқаришга таъсир этганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Араблар рационал тафаккурига катта таъсир кўрсатган юнон фалсафасининг ўзи, балки бир неча тамаддунлар дунёқарашининг йиғиндисидан ташкил топган. Эрон халқлари тафаккури, Зардуштийлик таълимоти, Ведалар ва Буддизм

дунёқарашни юнонларни қизиқтирган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Марказий Осиё фалсафа тарихига европацентристик муносабат таҳлили ўз-ўзидан Авестога бориб тақалади. Авестони қадимги юнон файласуфлари – Солон, Сократ, Фалес, Аристотель, Платон, Гераклит, Демокрит, кейинчалик Ғарб олимлари – Анкетиль дю Перон, Х. Бартоломе, М. Бойс, И. М. Стеблин-Коменский, Ж. Келенс, Ж. Дюшен-Гиемен, Х. Хумбах, Гёте, Данте, В. Б. Хеннинг тадқиқ қилишган. Шу сабабдан ҳам уларнинг фалсафий қарашларининг шаклланишига Авесто ўз таъсирини ўтказган.

Александр Македонский устози Аристотелни ўзининг барча босқинчилик юришларида олиб юрган. Шу сабабли ҳам Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний Авестони Александр Македонский ёқиб юборгач, унинг (Авестонинг) “бешдан учи йўқолиб кетди” деган маълумотидаги “Авесто”нинг йўқолган “уч қисми” Аристотелга совға-тортиқ қилинган ёки Аристотель (ёки Авестонинг бошқа тўлиқ нусхасини) эгаллаб олган. Чунки Аристотель қарашлари ва фалсафий таълимотларида ҳам, бошқа қадимги юнон файласуфларидаги сингари Авестонинг “ҳиди” келиб туради [5:52].

Дарҳақиқат, Александр Македонский ва унинг устози Аристотель Осиёнинг бу бетакрор меросидан баҳраманд бўлганлар, саҳифалар эса юнон тилига таржима қилингани ўша давр учун фойдадан ҳоли бўлмаган, албатта. Платон шундай дейди: “Биз, эллинлар, варварлардан олган ҳамма нарсани ўзимизники қилиб оламиз ва яна уни камолот чўққисига кўтарамиз”.

Лекин шундай бўлса-да, Ғарб тадқиқотчилари Шарқ файласуфлари ҳақида гап кетганда улар гўё кўприк вазифасини бажарганликларига ишора қиладилар.

АҚШлик олим Фредерик Старр Марказий Осиёнинг 9-12 асрлардаги даврини “олтин аср” деб атади: “Марказий Осиёнинг олтин аср мутафаккирлари илмий ҳақиқатга етишишнинг бир эмас, бир нечта усуллари мавжудлигини, шу жумладан, дедукция, мантикий далиллаш, интуиция, эксперимент ва кузатув усуллари” [6:48]. Шунингдек, Старр Ибн Синони илоҳиёт

соҳасида диннинг рационал асосини тадқиқ қилган, деб ёзади.

Фредерик Старр ўз асарларида Шарқ тафаккурига юқори баҳо берар экан, барча воқеа ва тафсилотларни чуқур ўрганган. Лекин, унинг услубида “ғарбча тадқиқот” етакчилиги килишини англаш мумкин. Масалан: У Берунийнинг “Осор ул-бақия” асари ҳақида фикр билдирар экан, унинг баъзи фикрлари мунозарали кўринади: Берунийни йилнинг муддатини аниқлаштириш кўпроқ қизиқтирар эди. Гўёки Берунийнинг фикрича, ҳижрий йил ҳисобида хатоликлар мавжуд бўлиб, бу борада у қадимги мисрликларнинг секундларгача ҳисобга олганликларини юқори баҳолаган.

8. OSCE/ODIHR. Руководящие принципы Толедо по преподаванию религий и убеждений в государственных школах / Подготовлены Советом консультантов по свободе религии или убеждений. – 2007 [Электронный ресурс]. <https://www.gov.kz/memleket/entities/din/activities/141?lang=kk>

ALIMKULOV Elyor

*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi
katta o'qituvchisi, tarix fanlari bo'yicha
falsafa doktori, PhD
Din ishlari bo'yicha qo'mita bosh mutaxassisi*

ME'MORIY OBIDA VA INSHOOTLARDA DINIY-MISTIK RAMZLARING IFODALANISHI

ВЫРАЖЕНИЕ РЕЛИГИОЗНО- МИСТИЧЕСКИХ СИМВОЛОВ В АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКАХ И СООРУЖЕНИЯХ

THE EXPRESSION OF RELIGIOUS AND MYSTICAL SYMBOLS IN ARCHITECTURAL MONUMENTS AND STRUCTURES

Annotatsiya: Mazkur maqolada O'zbekistonning tarixiy va zamonaviy obidalari hamda inshootlaridagi ramzlarga alohida urg'u berilgan. Islom me'morchiligidagi mashhur ramzlar – eshik, ostona, ustun, minora, qibla, mehrob, minora singari atributlar qiyoslash Metodi orqali misollar yordamida tushuntirib berilgan. Xususan, Samarqand, Buxoro, Xiva, Termiz kabi shaharlardagi tarixiy obidalarining eshiklari, gumbaz, xonqoh, peshtoqlariga bitilgan geometrik va simmetrik ganchlarning ma'lum ramzlarni anglatishi asosli hujjat-dalillar asosida yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: geometrik ramzlar, ostona, eshik, gumbaz, ustun, minora, qibla, Qutb Minor, Minorai kalon, qibla, mehrob, Sherdor madrasasi, Nodir devonbegi madrasasi, Mag'oki Attori masjidi, "Yangi O'zbekiston bog'i" va "Mustaqillik monumenti".

Аннотация: В данной статье особое внимание уделяется символам в исторических и современных памятниках и сооружениях Узбекистана. С помощью метода сопоставления на конкретных примерах разъясняется значение таких известных символов исламской архитектуры, как дверь, порог, колонна, минарет, кибла, михраб. В частности, на основе документальных свидетельств и фактов раскрывается, что геометрические и симметричные узоры из ганча, нанесенные на двери, купола, ханаки и порталы исторических памятников в таких городах, как Самарканд, Бухара, Хива и Термез, несут в себе определённые символические значения.

Ключевые слова: геометрические символы, порог, дверь, купол, колонна, минарет, кибла, Кутб-Минар, Минарай Калон, кибла, михраб, медресе Шердор, медресе Надир девонбеги, мечеть Магоки Аттори, "Новый парк Узбекистана" и "Монумент Независимости".

Annotation: This article gives special emphasis to the symbols found in the historical and modern monuments and structures of Uzbekistan. Famous symbols in Islamic architecture—such as the door, threshold, column, minaret, qibla, and mihrab—are explained through examples using a comparative method. In particular, it is highlighted on the basis of documentary evidence and facts that the geometric and symmetrical ganch patterns inscribed on the doors, domes, khanaqas, and portals of historical monuments in cities like Samarkand, Bukhara, Khiva, and Termez signify specific symbols.

Keywords: geometric symbols, threshold, door, dome, pillar, minaret, qibla, Qutb Minar, Minorai Kalon, mihrab, Sher-Dor Madrasah, Nadir Divan-Beghi Madrasah, Magoki Attori Mosque, "New Uzbekistan Park" and "Independence Monument".

KIRISH

Bugungi kunda moddiy va nomoddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Ayni paytda, O'zbekistondagi Xiva, Buxoro, Samarqand va Shahrisabz shaharlarining tarixiy markazlari UNESCO Umumjahon madaniy merosi ro'yxatiga kiritilgan. Samarqanddagi Shohi Zinda, Registon, Bibixonim, Ruhobod, Amir Temur maqbarasi, Buxorodagi Kalon masjidi va minorasi, Mir Arab madrasasi, Labi Hovuz va Bolo Hovuz majmualari hamda boshqa ko'plab qadimgi, o'rta asrlardagi me'morchilik durdonalari – xalqimizning yuksak ijodkorlik mahorati namunasidir.

ASOSIY QISM

Me'morchilikda xat san'atidan so'ng geometrik ramzlar alohida ahamiyatga ega. Me'morchilik asarlarida binolarning kirish qismiga ishlangan cheksizlikni ifodalovchi geometrik naqshli bezaklarga tubsiz koinotni ifodalaydi, – deb qaralgan [1:75].

Obidalarda bezak bilan bir qatorda, me'moriy unsur sifatida ishlatilgan sadaf namunalarining ham alohida o'rni bor. Qadimgi davrlardan beri turli e'tiqod va madaniyatlarda bezak unsuri sifatida

ishlatilgan sadaf “qayta tug‘ilish, ikkinchi hayot” hamda “yashirin va qimmatbaho xazinalar” ma’nosini ifodalagan. Bu turdagi bezak namunalari me’moriy san’at asarlari bilan bir qatorda, tosh, chinni, yog‘och, mato, buyum, kitob va rasm bilan bog‘liq san’at namunalari ham keng qo‘llanilgan [2:1].

Ushbu maqolada O‘zbekistondagi islom me’morchiligiga oid atributlar, ramz va belgilar haqidagi ma’lumotlar ham ahamiyatlidir. Xususan, bulardan biri ostona bo‘lib, ular muqaddas bo‘lgan narsani muqaddas bo‘lmagan narsadan ajratib turadigan xususiyatga ega, deb qaralgan. Ostona ko‘plab islom ta’limotlarida uyga (inson qalbiga) kiriladigan joyni anglatadi. Markaziy Osiyo musulmon xalqlari orasida ostonani bosmaslikka, xususan, tariqat yo‘nalishidagi muridlar o‘z shayxlarining uyi yoki maqbarasining ostonasini bosmaslikka alohida e’tibor berishgan.

Qadimgi Sug‘dda balo-qazolardan asrovchi va farovonlik ato etuvchi tumor sifatida ostona e’tiqodi bo‘lib, VII-VIII asrlarga mansub ibodat majmualarida unga qurbonlik keltirish Sug‘dning Afrosiyob va o‘zga obidalarida kuzatilgan. Bunda, ostona fetishizm e’tiqodi darajasiga ko‘tarilgan. Turkiy xalqlar turmush tarzida ostona ajdodlar ruhiga e’tiqod bilan bog‘liq, deb hisoblanadi. Chunki qadimdan ostona tagida yoki yonida dafn etish taomili mavjud bo‘lgan. Masalan, Buxoroning Qizilqir I va Setalak I majmualarida ostonaga kiraverishda kohinlar dafn etilgani ham shu e’tiqodga borib taqaladi. Baqtriyaning Jarqo‘ton ibodatxonasining muqaddas deb bilingan xonalaridan birining ostonasi tagida odamning kumush haykalchasi ko‘milgani bunga yaqqol misol bo‘la oladi. Siyovush qabri ham Buxoroning sharqiy darvozasi oldida bo‘lgani ta’kidlanadi. Yaqin-yaqingacha mahalliy aholi tomonidan ostona ostiga tanga, tuz, ko‘k rangli sopol parchasi yoki shunga o‘xshash buyumlar ko‘milgan. Shuningdek, Qadimdan xonadonlarning eshigi yoki ostonasiga yomon ko‘zlardan asrash maqsadida, ot taqasi qoqib qo‘yilgan. Darvozaning yuqori kasakasiga yoki yon devoriga ham ko‘k rangdagi koshin parchasi o‘rnatilgan [3:37-38].

Qadimda hind-yevropa xalqlari tasavvuriga ko‘ra, uy, ibodatxona va shahar o‘ziga xos mikro olam, ostona esa, ana shu mikro olamga tashqi dunyodan, ya’ni makro olamdan kirish joyi sifatida qadrlangan. Qolaversa, aynan bo‘zag‘a ajdodlar kulti yashaydigan joy hisoblanadi. Shu boisdan

ham, qadimda juda ko‘plab xalqlar ostonani ajdodlar ruhi yashaydigan maskan deb, unga sig‘inganlar va qurbonliklar qilish odati bo‘lgan. Bu kultga o‘xshash holat rimliklarning eshik va darvozalar ilohlari Yanus va Portun misolida ham uchraydi. Yanus rimliklar ilohlarining ilohi va Latsiumning birinchi podshosi hisoblangan [4:683].

Uy va tashqi olamning xalq tasavvurida mikro va makro olamga bo‘linishi “uy va uydin tashqari” kabi o‘zaro qarama-qarshilikni paydo qilgan. Shu bois odamlar o‘z mikro olamlarini “xavfsizlik hududi” deb hisoblab, uni tashqi tahdidlardan himoyalaganlar. Bunday shakldagi muhofazaga barcha xalqlar orasida keng tarqalgan xonadonga tashqi olamdan kiriladigan yo‘llar va tirqishlarni turli-tuman qulf-kalitlar, zanjirlar, panjaralar o‘rnatish bilan birga, turar joyni afsungarlik yo‘li bilan himoyalash, ya’ni uying eshigi, bo‘zag‘asi, derazasi va darvozasiga magik himoya vositalari sifatida turli buyum va ashyolarni osib yoki qoqib qo‘yish odati ham kirgan. Turar joylar egalari bu amallar orqali go‘yo ushbu uyni nafaqat o‘g‘ri va qaroqchilar, balki yovuz kuchlar va zarar yetkazuvchi magiya uchun ham egallash mumkin bo‘lmagan mustahkam qal‘aga aylantirganlar [5:75].

Eshik. Bu so‘z barcha Sharq xalqlari madaniyatiga xos bo‘lib, jamiyat e’tiqodlaridagi ko‘plab yuksak maqom va martabalarni bildirgan ramziy tushuncha sifatida namoyon bo‘ladi. Qadimdan eshik atamasi bilan muassasa va binolar ifodalanganda, eng avvalo, hukumdorlarning uyi va saroylari tushunilgan. Ushbu binolarning kirish qismi ataylab chiroyli holda saqlangan va eshik unsuri ham hukumdorni, ham uning maqomini anglatgan.

Eshiklar “qalb eshigi”, “hayot eshigi”, “ezgulik” yoki “yovuzlikka kirish” eshigi singari hissiy tushunchalar bilan ham bog‘liq. U yovuzlikdan asrash ramzi hisoblanadi. Insonning bu foniy dunyoda ikki eshigi bo‘lib, biridan kirib, ikkinchisidan chiqadi. Bu hayotda inson sinov dunyoda yashar ekan, faqat ezgulik yo‘lida yurishi zururligi anglaniladi.

O‘zbekiston islom me’morchiligiga oid ko‘plab binolarda “muqaddaslik” sari ochilgan eshiklar behishtning ramzi hisoblanadi. Xususan, Shohi Zinda majmuasidagi eshik tarixi XV asrga oid bo‘lib, uning shimoliy qismidagi chortoq majmuaning asosi sari yo‘l boshlaydi. Majmuaga

kirishda Muhammad (s.a.v) paygʻambarning “Qusam ibn Abbos xulqi va tashqi koʻrinishi bilan menga oʻxshaydigan shaxslardandir” degan hadislar yozilgan. Chortoqning sharq tarafida ikki tabaqali oʻymakor naqshli qayragʻoch eshik bor. Eshik Amir Temurning farmoyishiga binoan eronlik usta Said Yusuf Sheroziy tomonidan 1404-1405-yillar mobaynida ishlangan. Eshikning naqshlari takrorlanmas sanʼat namunasi sifatida ishlanib, undagi arab tilidagi yozuvlar ustida fil suyaklaridan qadama bezaklar qilingan. Ikki tabaqali eshiklardan birida: “Jannat eshiklari faqirlar uchun ochiqdir”, ikkinchi tabaqasida esa “Rahmat eshiklari rahimlilar uchun ochiqdir” jumalari bitilgan [6].

Gumbaz. Islomning asosiy tamoyili boʻlgan tavhid (yakka-yu yagona boʻlish) tushunchasi va ushbu tushunchani aks ettiruvchi ramzlar islom meʼmorchiligida tez-tez qoʻllanilgan. Masjid oʻrtasidagi yagona gumbaz – yakka Alloh gʻoyasiga toʻgʻri keladigan ramzlar namunasi sanalgan.

Gumbaz ruhning “Birlik”ka yetishishi ramzi hisoblanib, u ikki xil yoʻnalishdagi – pastga yoyilgan va yuqoriga birlashgan shaklni oʻz ichiga oladi. U haqidagi baʼzi ramziy talqinlarga koʻra, ushbu geometrik shakllardan doira shakli cheksizlikning ifodasi sifatida alohida oʻringa ega. Doira boshlanish va tugashni oʻz ichiga olgani uchun, odatda, koinotdagi birlik va butunlikning asosiy ifodasi sanalgan.

Turkiy xalqlarning koʻchmanchi hayotda yashagan davrlarida osmon va unda harakatlanayotgan Quyosh, Oy va yulduzlar ilohiy tartibning birinchi xabarchilari boʻlgan. Shuning uchun turkiy xalqlarning chodirlari “kichik koinot”ni ifodalaydi, degan ishonch qabul qilingan. Bu ishonch yuz yillar mobaynida davom etib kelayotgan “Moviy gumbaz” dizaynining ibtido nuqtasi hisoblanadi [7:302].

Buxorodagi Chorbakr majmuasi tarkibidagi xonaqoh devorlari va gumbazi ham serhasham naqsh-u nigorga ega. Fayzobod xonaqohida gumbaz ravoqlarining kesishuv konstruksiyasi oʻrnatilgan boʻlib, oraliqlari qalqonsimon ravoqlar tizimi bilan toʻldirilgan. Natijada, gumbaz yuzasi bir-biri bilan kesishgan chiziqlarni tashkil qiladi [8:18].

Buxorodagi Xoʻja Zaynuddin xonaqoh-majmuasi (XVI asr I yarmi) esa ikki koʻcha kesishgan yerda bunyod etilgan ziyoratgoh hisoblanadi. 1465-1480-yillarda Buxoro qozikaloni boʻlgan Xoʻja Zaynuddin tashabbusi bilan Imom

Buxoriy sharafiga usta Mir Doʻstimbiy tomonidan qurilgan. Xonaqoh peshtoqli-gumbazli katta zal va beshta kichik hujralar hamda unga ikki tomondan tutash ayvondan iborat, hovuz hovlining katta qismini egallagan. Xonaqohning janubiy tomonidagi ravoqlaridan biriga Xoʻja Zaynuddin qabri joylashtirilgan. Xona gumbazi murakkab qalqonsimon bagʻallar yordamida asosiga tayangan, gumbaz ichi oʻttiz ikkiga boʻlinib, ular hallangan mayda gullar bilan bezatilgan. Gumbazning quyi qismi muqarnaslar qatori bilan hoshiyalangan. Xona devorlaridagi taxmonlar hamda mehrobgga 58 yarim gumbaz shaklida muqarnaslar ishlangan. Devor izoralari sinkori parchinlardan murakkab handasiy shakllar, oʻsimliksimon naqshlar bilan bezatilgan. Gumbaz, taxmonlar, mehrob va gʻarbiy devordagi yozuvlar qatori kundal usulida bajarilgan. Devorning yuqori-asosiy qismi islomiy naqshlar (oq, qora, koʻk rang) bilan qoplangan.

Ustun. Islom meʼmorchiligidagi gumbazli binolarning koʻpchiligida sakkizburchak mavjud boʻlib, Ya.Burkhardning fikriga koʻra, u “ilohiy Arshni koʻtarib turgan sakkiz farishta”ni anglatgan [9:31].

Meʼmorchilikda ustun – juda koʻp vazifani bajaradi. U xonani kengaytirib, fazoviy bahavoligini taʼminlaydi, devor ishlatmasdan turib kengaytirishga hamda imorat tomi ostida bir qismini yon tomonlaridan ochiq qoldirib, tabiat muhiti bilan bogʻlashga qaratilgan konstruktiv unsur hisoblanadi. U katta xonalarni kalta toʻsinlar bilan yopish imkonini beradi. Ustun xonada oʻzining tuzilishi, oʻyma naqshlari bilan bezak vazifasini ham bajargan. Shuningdek, ustun imoratning konstruktiv asosini tashkil etib, binoning mustahkamligi va xavfsizligini taʼminlagan. U oʻz vazifasining masʼuliyati tufayli barcha xalqlarda eʼzozlangan va diniy, ramziy ifodalar bilan bogʻlanib, ulugʻvorlik darajasiga olib chiqilgan [10:96-98].

Antik meʼmorchilikda order tizimiga kirgan ustunning yana bir konstruktiv va dekorativ qismi “sarustun” deb nomlanadi. Sarustun ustun kompozitsiyasi yechimiga tugallangan koʻrinish bagʻishlaydi. U obidaning koʻzga koʻringan unsuri boʻlganligi sababli unga turli shakl va bezak berishgan. Ularga geometrik, oʻsimliksimon va tirik mavjudotlar ramzlari ishlangan. Jumladan, Juma jomeʼ masjidi Xivaning eng katta masjidi boʻlib, 227 ta yogʻoch ustunli yirik yopiq hovli koʻrinishiga ega. Binoning qurilish sanasi aniq

emas, lekin qayta qurilishi 1789-yili xivalik aslzoda Abdurahmon Muxtor tomonidan amalga oshirilgan. Masjiddagi ustunlar turli vaqtlarga tegishli. 24 ta ustun alohida e'tiborni jalb qiladi, zero X-XII asrlarga oid bo'lib, yog'ochga o'yma naqshlar bilan bezalgan [11].

Ustunlarning bir qismi ertaroq davrga tegishli bo'lib, ko'rinishidan qadimiy Xorazmning poytaxti to'liqinli Amudaryoning tagida qolgan shahar Kyatadan keltirilgan. Masjiddagi ertaroq o'rnatilgan ustunlardagi o'yma yozuvlarning uslubi va naqshlariga ko'ra, ularning X-XIV asrlarga tegishliligi aniqlangan. Bu uslublarning me'moriy uslubi esa, juda qiziqarli bo'lib, ularda Qadimiy Xorazm me'morchiligiga xos bo'lgan barglari osilgan, poyasi qirrali "ko'zagi" o'zakli, naqshlari alohidadan takrorlanuvchi o'simlik mavzusida ishlangan. Juma masjidining noyob ustunlari ehtiyotkorona parvarishga muhtoj. Bugungi kunda mutaxassislar tomonidan qadimiy zararkunandalarga qarshi tozalash, o'yma naqshlarni mustahkamlash va ta'mirlash ishlari olib borilmoqda.

Minora. Musulmon shaharlari baland minoralari bilan boshqalardan ajralib turgan. Minoralar musulmonlar yashaydigan hududlarda, ayniqsa, masjid va madrasa faoliyat olib borayotgan joyda qad rostlagan. Ular azonni uzoqqa yetkazish uchun balandroq joyda qurilgan bo'lsa-da, ba'zida g'alaba nishonasi sifatida, ayniqsa, yangi fath etilgan mintaqalarda islom dinining yoyilishini ko'rsatuvchi ramz sifatida barpo etilgan.

XII asrda ilk marotaba Qoraxoniylar tomonidan qurilib, G'aznaviylar tomonidan takomillashtirilgan doira shaklidagi qalin va baland minoralar, g'arbda qurilgan minolarlardan farqli o'laroq, ularda g'alaba obidasi sifatidagi ma'no yanada kuchliroq ifodalangan. Ushbu holatning ilk namunalaridan Hindistonning Dehli shahridagi "Quvvat ul-islom" masjidining g'alaba yodgorligi sifatida qurilgan minorasi "Qutb Minor", Buxoro shahridagi Mir Arab madrasasi yonida barpo etilgan "Minorai Kalon" hisoblanadi. O.Grabarning fikriga ko'ra, Buxorodagi Minorai Kalonning bezaklari islomdagi "vahdoniyat", ya'ni "Allohnin yagonaligi" tamoyilining ifodasi sifatida qurilgan [12:45-46].

Minorai Kalon (Katta Minora) me'morchilik namunasi Qoraxoniylar davlatining Movarounnahrda amiri Arslon Bug'roxon tomonidan 1124-1127-yillarda qurdirilgan.

Me'moriy obidaning qurilishida tosh, maxsus qir qotishmasidan, chorsu pishiq g'ishtidan, loy, taxta va boshqa bir qator ashyolardan foydalanilgan. Balandligi – 50 metrga yaqin, aylanma eni – 9 metr. Minoraning salla shaklidagi yuqori qismi g'isht o'ymakorligi bilan bezatilib, karniz holiga keltirilgan. O'qsimon tirgak o'rtasida Arslonxonning nomi hamda binokor ustaning ismi (usta Baqo) bitilgan. Minora ichida g'ishtin aylanma zinapoya bo'lib, mezanaga olib chiqadi. Kursisi qirrador, tanasi g'o'lasimon, tepasi gumbazli davra qafasa-ko'shk bilan bog'langan. Minora yuqoriga ingichkalashib boradi va muqarnas bilan tugaydi. Qafasasidagi 16 ravoqli darchalar orqali atrofni kuzatish mumkin. Tepaga minora ichidagi 104 aylanma zinapoya orqali chiqiladi. Masjidi Kalon tomonidan minoraga o'tiladigan ko'prikcha bo'lgan. Minorai Kalonning o'zagi ham, bezagi ham chorsu pishiq g'ishti (27x27x4x5 sm) ganchxok loyida terilgan. Bezak g'ishti o'rniga qarab turli shaklda, sirti silliq pardoqlangan. Ustma-ust joylashgan turli xil handasiy shakldagi bejirim bezakli halqalari g'ishtin dandanalar bilan hoshiyalangan. Bezaklar orasida tarixiy-diniy mazmundagi kufiy yozuvlar uchraydi. Xususan, uning belbog'ida g'ishtlarga shakl berish yo'li bilan 20 dan ortiq naqshinkor halqalar hosil qilingan. Bezaklar bir-birini aslo takrorlamaydi. Minoraning belbog'ida kufiy yozuvlar bilan "Yunus surasi"ning 107-109 oyatlari bitilgan. Muqarnas ostidagi moviy rang sirkor halqalarning har biri turli xil handasiy shaklda bezatilgan [13].

Minora o'z davrida muazzin uchun azon aytish joyi, harbiy maqsadlarda esa, kuzatuv obyekti, qadimda savdo karvonlari uchun mayoq vazifasini o'tagan. Jarqo'rg'on minorasi Surxondaryo viloyati, Jarqo'rg'on tumani Minor qishlog'ida joylashgan me'moriy yodgorlik bo'lib 1108-1109-yillarda Saljuqiylar Sulton Sanjar tomonidan qurilgan. Xuroson me'morlik maktabi an'analari asosida barpo etilgan. Yonida bir vaqtlar pishiq g'ishtdan qurilgan Jome masjidi bo'lgan (hozirda saqlanmagan). Jarqo'rg'on minorasi 8 qirrali poydevor ustiga g'ishtdan mavj shaklida terilgan 16 ta plitavor qobirg'adan iborat. 20 metr balandlikda g'ishtin panjarali ravoqlar ishlanib, uning ustida kufiy yozuvli belbog' hoshiya bor. Bu hoshiyada oxiriga yetkazilmagan Qur'onning muqaddas suralari yozilganini ko'rish mumkin. Minoraning siljigan o'qi tufayli u tugallanmagan yoki qisman vayron bo'lgan deb taxmin qilinadi.

Belbog' ustida yana qirralar davom ettirilgan, lekin minora tepasi saqlanmagan. Minoraning hozirgi balandligi 21,6 metr (dastlabki balandligi – 54 metr), asosi (diametri – 5,4 metr)ning kitobasida me'mor nomi – Ali ibn Muhammad Saraxsiy va qurilgan sanasi yozilgan Minora noodatiy dekorativ bezak bilan bezatilgan bo'lib, u Markaziy Osiyoda ilgari ishlatilmagan, bu bezakdan ko'proq Hindiston arxitekturasida foydalanilgan [14].

Qibla. "Qibla" deb lug'atda odamning yuzlangan tarafini, old tomonini atashadi. Shar'iy istilohda esa, Arabistondagi Makka shahrida joylashgan Masjidi haromning ichidagi to'rtburchak ibodatgoh – Ka'ba tushuniladi. Unga qarab, namoz o'qish musulmonlarga farz qilingan.

Qibla to'g'risida barcha Islom ulamolarining fikri quyidagicha: "Namozxon uchun qibla – Ka'batullohning ichida bo'lsa, xohlagan to'rt tomoni qibladir. Masjidi harom ichida turgan odamga esa, Ka'baning ayni o'zi qibladir. Masjidi haromdan tashqarida, lekin Makka Harami hududida turganlar uchun esa, Masjidi harom qibladir. Makkaliklar uchun Haram hududi qibladir. Makkadan tashqaridagi arab diyorida yashab turganlar uchun Makka tomoni qibladir. Arabistondan tashqaridagilar uchun esa, Arabiston tomoni qibla hisoblanadi".

Musulmon olamida qiblani aniqlashda quyosh, oy, yulduzlar, o'simliklarning o'sishiga qarab aniqlash usullaridan foydalanilgan. Qiblani topishning eng oson yo'li uni quyoshga qarab aniqlashdir. Chunki quyosh hamisha mashriqdan chiqib, mag'ribga botadi. Kun chiqar tomonni va kun botish tomonini Quyoshga qarab hamma tezda aniqlay oladi. Iroq, Xuroson va Movarounnahr ahlining qiblasi, odatda, mashriq va mag'rib ikkovining orasida bo'ladi.

Oyning turishidan ham qiblani aniqlash mumkin. Mintaqada oyning o'n beshidan keyin u hamisha mashriq tomondan chiqib keladi. Oyning yettinchi kunida kechening avvalida u mag'rib va mashriqning qoq o'rtasida ko'rinadi, yigirma birinchi kuni kechening oxirida ham xuddi shunday bo'lib, kunchiqar va kunbotarning o'rtasida balqib turadi. Ayni shu vaqtda Oyga qarab turgan kishi qiblaga yuzlangan bo'ladi.

Qiblani sezgir va e'tiborli odamlar uchun tabiatdagi ayrim alomatlar, qor-yomg'irlar, tog' va daryolarning joylashuvi, shamol va shabadalarning esishi orqali ham aniqlash imkoni bor. Masalan, tongi shabada hamisha Ka'ba tomonga qarab

esadi, tog'larning yuzi doimo Baytullohga qaragan bo'ladi, katta daryolar esa, odatda, shimol-janub bo'ylab yoki kun chiqardan kun botarga qarab oqadi. Yakka holda o'sgan daraxtning shimol tomonida butoqlari ozroq, janubida esa ko'proq o'sadi. Daraxtning tanasi arralab ko'rilganda, undagi "uzukchalar" janub tomonida bir-biridan olisroq, shimol tomonida esa, tig'izroq joylashgan bo'ladi. Daladagi katta xarsang toshning shimol tomonidagina moh o'sadi. O'rmon va daladagi chumoli uyasining janub tomoni qiyalik, shimol tomoni esa, tik bo'ladi. Qor qum barxanlarida janub tomonida tez erib ketadi, shimol tomonida esa ancha paytgacha qoladi. Daraxt shoxlariga tushgan qor ham shu tarzda eriydi [15].

Mehrob. Mehrob masjid atributlaridan biri hisoblanib, u "sajdagoh" ma'nosini anglatadi. U – masjidning Ka'ba tomonidagi devor ichiga taxmon shaklida qurilgan joy. U islom dinining dastlabki davrlaridan bugungi kunga qadar mavjud bo'lib, namoz vaqtida imom mehrobgga o'tib, qiblaga yuzlanadi va uning orqasidan jamoa bo'lib namoz o'qiladi.

Mehrob yarim aylana, ko'p qirralli, to'g'ri to'rtburchak shaklda ishlanib, tepasi ravoq yoki yarim aylana shaklida bezaladi, atrofi hoshiyalangan. Ayrim mehroblar yog'och, ganch, naqshinkor marmar va koshinlar bilan qoplangan, badiiy bezakli ustunlar va ravokli hoshiyalar bilan bezatilgan. Mehrobni qibla devorining o'rtasiga qo'yish an'anasi islom me'morchiligida ilk bor Umar ibn Abdulaziz (r.a) Madina voliysi bo'lgan davrda (707-710 yy.) Masjid un-nabaviyni qayta qurayotgan vaqtda paydo bo'lgan. Ushbu anana Payg'ambar Muhammad (s.a.v) ibodat qilgan joyga nishsimon shakldagi mehrob qo'yish orqali yuzaga kelgan [16:31].

X asrda Xorazmga kelgan arab sayyohi al-Maqdisiy Xivaning Juma masjidini birinchi marta tilga oladi. Ko'hna masjid buzilib, uning o'rniga 1788-yili xuddi o'sha reja asosida ancha kengaytirib, hozirgi masjid bino qilingan. Masjidning mehrobi xonaning janubiy devorida joylashgan. Mehrob, odatdagidek, alohida ko'rinib turishi uchun uning yonlariga baland tokchalar ishlangan bo'lib, shifti esa, balandroq qilib qurilgan. Mehrob qubbasidagi sodda ganchkorlik bezaklar va shu bezak yaqinidagi devorga ishlangan rang-barang ochilgan gulsafsar va na'matakni tasvir etuvchi naqshlar XVIII asr oxiri va XX asrlarda ishlangan. Mehrobning ikki yonidagi devorlariga o'rnatilgan marmar toshlarga

o'ymakor xatlar bilan hijriy 1203-yil (mil. 1788-1789) masjid mulki va mablag' hadya etilishi munosabati bilan tuzilgan vaqfnoma, ikkinchi marmar taxtaga hijriy 1080-yil (mil. 1666) yozilgan [17:55-59].

Minbar so'zi "nabr" o'zagidan olingan bo'lib, "ko'tarilish", "asta-sekin yuqoriga ko'tariladigan joy" ma'nosini bildiradi. Masjidlarda imom-xatiblarning juma va hayit namozlarida namozxonlarga yaxshiroq ko'rinishi, ovozi balandroq eshitalishi uchun ustiga chiqib xutba o'qiydigan pog'onali me'morchilik asariga ham minbar so'zi ishlatiladi.

Rivoyatlarga ko'ra, ilk marotaba minbardan foydalangan payg'ambar Ibrohim (a.s) bo'lgan. Payg'ambar Muhammad (s.a.v), dastlab, xurmo daraxtiga suyangani holda xutba qilganlar. Hijratning 7-8-yillari (milodiy 628-yil)da esa, u kishiga bitta minbar yasab berilgan. Abu Bakr (r.a.) xalifa bo'lganida Muhammad (s.a.v)ga hurmat tariqasida minbarning ikkinchi pog'onasida, Umar (r.a.) xalifa bo'lganida birinchi pog'onasida, so'ngra Usmon (r.a.) xalifa bo'lganida dastlabki olti yil minbarning birinchi pog'onasida, keyin esa, eng quyi pog'onasida o'tirgan [43:30-102]. Bugungi kun imom-xatiblari tarixiy an'anaga sodiq qolgan holda Payg'ambar Muhammad (s.a.v)ning sunnatlariga muvofiq minbarning yuqori zinalarini bo'sh qoldirib, pastki pog'onalarida xutba o'qiydi [18:101].

O'zbekistonda islom me'morchiligiga oid me'moriy obidalarning qurilish arxitekturasini, binolarning ichki va tashqi bezaklari hamda undagi turli ramziy timsollar san'at asari darajasida mahorat bilan ishlangan. Xususan, professor S.Bulatovning tadqiqotida Samarqanddagi Sherdord madrasasi peshtoqidagi timsol o'ta hassoslik bilan o'rganilgan. "Sherdord madrasasi peshtoqi simmetrik qilib, ramziy naqshlar bilan bezatilgan. Unda qizg'ish-zarhal sher nozik oq ohu bolasini quvib ketayotgani tasvirlangan. Bodomqovoq inson qiyofali Quyosh esa kiyik ko'zli doira shaklida ifodalangan. Uning yuzasi zarhal yog'du bilan hoshiyalangan. Ular atrofiga naqsh-u nigorlar chizilgan. Quyosh olamni bildirsa, sher kuch va qudrat ramzida ishlatilgan bo'lib, uning ramziy ifodasi "Buyuk va qudratli davlat" degan ma'noni bildirgan. Boshqa talqinda shersimon yo'lbars inson obrazida, quyosh nurlari ziyo – ilm timsolini ifodalagan. Ohu bolasi ruhiy poklik o'rnida tasvirlangan. Namoyon esa, eng yuqorida yashil va oltin rangda bezalgan [19:43].

Sherdord madrasasi peshtoqidagi ramzlarni naqqosh dunyoda bo'lishi mumkin bo'lmagan hayvon tanasi – yo'lbars, boshi sher bo'lgan jonzotni tasvirlagan. Kompozitsiyada birinchi shakl – shersimon yo'lbars, ikkinchisi – ohu bolasi, uchinchisi – quyosh, to'rtinchisi – namoyon ko'zga tashlanadi. Demak, kompozitsiyadagi qahramon bu sherdir. Asosiy qahramon – sherni naqqosh ikki o'rinda, ya'ni ko'plikda insonlarni, ikkinchi o'rinda, Yalangto'sh Bahodirni ramziy ma'noda ifodalagan. Demak, Yalangto'sh Bahodirning surati va siyratini hamda tug'ilgan yili va oy, kuni naqsh tili bilan yozilgan.

Buxorodagi me'moriy obidalaridan – Nodir devonbegi madrasasi Buxoro xoni Imomqulixonning vaziri Nodir mirzo Tog'ay ibn Sulton devonbegi tomonidan 1622, 1632-1635- yillarda qurdirilgan. Nodir devonbegi madrasasida madrasalarga xos ayvon, masjid va katta darsxona, hovli atrofi to'rt tomondan ikki qavatli kichik hujralar bilan o'ralgan. Peshtoqi o'ziga xos mahobatli va serhasham tarzda ishlangan bo'lib, undagi o'simliksimon naqshlar orasida quyoshga intilayotgan afsonaviy Humo qushi va bug'uning o'tlab yurgan tasviri koshinkori bezaklari yorqin bo'yoqlarda aks ettirilgan. Hoshiyalariga, kitobasiga arab tilida muqaddas matnlar yozilgan.

Madrasa peshtoqida inson komilligida muhim o'rin tutuvchi omillardan biri – nafs va halol luqma to'g'risidagi g'oyaning shiorga aylangan ko'rinishi ramziy holda tasvirlangani yoritilgan. Bosh kompozitsiyada eng muhim tasvir unsurlari bo'lmish – Humo qushi, to'ng'iz, go'zal qiyofadagi quyosh, o'simliksimon naqshlar keltirilgan. Undagi turli xil ranglar o'ziga xos va bir-biriga monand ravishda ishlangan.

Nodir devonbegi madrasasi peshtoqidagi ramzda Humo qushining harom luqma nafsdan g'olib kelganligi va komillik sari parvozi aks ettirilgan. Humo qushining badanidagi oq va qora doira, o'n sakkiz ming halqa shakllar koinotdagi sayyoralar ramzini o'zida ifodalagan bo'lib, uning g'oyasida o'n sakkiz ming olamga ishora yotadi. Qush dumining to'liqsimon holatda aks ettirilishi insonning hayot yo'li notekisligini, arqonsimon ikki dumi esa, insonlar hayotida ikki yo'l – halol va harom yo'l turganiga ishora qilinadi. Humoning qanotidagi oq rang – poklik ramzi, uning badanidagi yashil ranglar, islom aqidasi ko'ra, ahli jannatning kiyimi yashil rangda bo'lishi, binobarin, yashil rangli kiyim marg'ub ekaniga

ishoradir. O‘simliksimon naqshlar – tabiatning va hayotning go‘zalligini, oq gullar – ruhiy poklikni, sariq gul – nur, ziyo va ilmni, oppoq to‘ng‘iz – rangi oq bo‘lsa-da, lekin harom luqma ekanligi tavsiflangan [20:234].

Diniy-mistik ramzlarni tadqiq etishda Buxorodagi yana bir me‘moriy obida – Mag‘oki Attori masjidining o‘rni beqiyos. Mag‘oki Attori masjidi XII asrda qoraxoniylar hukmronligi davrida bunyod etilgan. Me‘moriy obidaning o‘ziga xos tomonlaridan biri, “Mag‘ok” (chuqurlik) da va “Attor” bozori yaqinida joylashganligi sababli “Mag‘oki Attori masjidi” deb atalgan. Inshootning bezaklari XII asr Buxoro me‘morchilik maktabining yuksak na‘munasi sifatida O‘zbekiston me‘morchiligi tarixida alohida o‘rin tutadi.

Ilgari masjid binosida Oy (Moh) otashparastlar ibodatxonasi bo‘lgan. Keyinchalik, arablar istilosidan so‘ng (VII asr), uning o‘rnida ilk masjidlardan biriga asos solingan. Mazkur masjid bilan bog‘liq afsonalardan birida, Buxorodagi ilk sinagoga paydo bo‘lgunga qadar ushbu masjidda musulmonlar bilan birga, binoning boshqa-boshqa taraflarida yahudiylarning ham ibodat qilgani aytiladi. Boshqa bir rivoyatga ko‘ra, yahudiylar masjidga musulmonlardan so‘ng ibodat qilib ketganligi ma‘lum qilinadi. Buxoro yahudiylari orasida bomdod namozini “Salom aleykum” (“Sizga tinchlik bo‘lsin”) so‘zlari bilan tugatish odati bilan izohlanadi [21].

Mag‘oki Attori masjidining peshtoq qismidagi bo‘rtma naqshlar XII-XIII asrlarga xos bo‘lib, bu jarayon keyinchalik Temuriylar davridan boshlab, bo‘rtma emas, balki tekis holatda qoplamasiga sirkor naqshlar berish bilan almashtirilgan. Feruza rang shaklidagi ushbu naqshlar o‘ziga xos unsurlarni mujassam etadi. Bu judaham kamsonli me‘moriy inshootlarda, jumladan, Vobkent tumanida joylashgan Chashmai Ayyub ziyoratgohining peshtoq qismida ham uchraydi. Mag‘oki Attori – tarixning eng noyob tuhfası. Yodgorlikning har bir tosh, har bir bezak va tuzilishida me‘morchilikning noan‘anaviy va betakror usullarini ko‘ramiz.

Mustaqillikning dastlabki yillaridan bugungi Yangi O‘zbekiston davrigacha me‘morchilik obidalari, shaharsozlik arxitekturasi, fan, ta‘lim va madaniyat kabi sohalarda olib borilgan ilmiy-tadqiqot ishlarida ramz va timsollar mavzusiga ham oz bo‘lsa-da urg‘u berib o‘tilgan.

2021-yil 31-avgust kuni istiqlolimizning o‘ttiz yilligiga bag‘ishlab, Toshkent shahrida “Yangi O‘zbekiston bog‘i” va “Mustaqillik monumenti” bunyod etildi.

Tarixchi olimlar, ijodkor ziyolilar, nuroniylar va yoshlar bilan maslahatlashib, “Yangi O‘zbekiston” majmuasining g‘oyaviy va me‘moriy yechimlariga alohida e‘tibor qaratilgani to‘g‘risida Muhtaram Prezidentimiz Sh.Mirziyoev quyidagilarni ta’kidladi:

“Agar yuqoridan nazar tashlansa, bog‘ning shakli ulkan daraxtning beshta shoxiga o‘xshaydi. Bu Harakatlar strategiyasining beshta ustuvor yo‘nalishini ramziy ma’noda ifoda etadi.

Tinchlik va erkinlik, ezigulik va farovonlik timsoli bo‘lgan, ko‘kda mag‘rur parvoz qilayotgan Humo qushi tasviri monumentning eng yuqori qismida – bamisoli uning gulto‘ji bo‘lib o‘rin egallagan.

XULOSA

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, mazkur maqolada O‘zbekistonning tarixiy va zamonaviy obidalari hamda inshootlaridagi ramzlarga alohida urg‘u berildi. Islom me‘morchiligidagi mashhur ramzlar – eshik, ostona, ustun, minora, qibla, mehrob, minora singari atributlar misollar yordamida tushintirildi. Xususan, Samarqand, Buxoro, Xiva, Termiz kabi shaharlardagi tarixiy obidalarining eshiklariga bitilgan geometrik va simmetrik ganchlarning ma‘lum ramzlarni anglatishi, ulardagi ustunlarning aksariyati sakkiz burchakli qilib yasalganligi zahirida ham, katta ma‘no-mazmun mujassam.

Hududlarda joylashgan Minorai Kalon, Jarqo‘rg‘on minorasi va boshqa shu kabi minoralarning bunyod etilish shakli bir tusda bo‘lganligini kuzatish mumkin. Albatta, bu borada ham hunarmand ustakor o‘z davrining davlat rahbarlari yoki podhoshlarning tavsiyasi asosida o‘zlaridan avvalgi ajdodlarining an‘ana va ramzlariga rioya qilishgan.

Ayniqsa, masjid, madrasa, xonaqohlardagi ramzlar ming yillar davomida e‘zozlanib kelingan. Ushbu inshootlarning eshiklari, bo‘zag‘asi, mehrobi, gumbazi va boshqa atributlariga ishlangan san‘at namunalarida islom me‘morchiligining yorqin ramzlari ro‘yi-rost ko‘rsatilgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Cimilli H.C. Topkapı Sarayı'nın Anıtsal Kapılarının İşlev ve Sembolizm Açısından İncelenmesi. – İstanbul: İstanbul Üniversitesi, 2007. – S. 75.
2. Turan B. Osmanlı Öncesi Anadolu Türk Mimarisinde Kullanılan İstiridye Motifi. – İstanbul: Yıldız Teknik Üniversitesi, 2013. – S. 1.
3. Соипова М.С. Ўзбекистонда ўрта асрлар меъморий безакларида рамзий ифодаларнинг ривожланиши. / Архит. фан. фал. докт. (PhD) ... диссер. – Тошкент, 2022. – Б. 37-38.
4. Штаерман Е.М. Янус. // Мифы народов мира. Т. 2. – Москва, 1992. – С. 683.
5. Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътикод ва маросимлари. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 75.
6. Шоҳи Зинда мажмуаси. https://samarkand.uz/about_region/shrines/shohi-zinda-majmuasi?fbclid=IwAR2iC0kK6POUmIxLE3zGxUTog1PZ947XRUkrGQV6ZHxEzDvEQ0atuAJgJI (мурожаат санаси: 15.12.2022).
7. Mülâym S. Kubbe. // Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi. – Ankara, 2002. – S. 302.
8. Маматқулов И.Т. Ўзбекистоннинг ўтмишдаги тасаввуф масканлари-хонақоҳлар архитектурасини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиш. Архит. фан. фал. Докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2020. – Б. 18.
9. Burckhardt T. İslam Sanatı “Dil ve Anlam”. – İstanbul: Klasik Yayınları, 2005. – S. 31.
10. Нозилов Д.А. Ўрта Осиё меъморчилигида одатлар, қоидалар ва рамзий ифодалар. – Тошкент: Санъат, 2011. – Б. 96-98.
11. Жума масжиди, минораси ва устун. <https://meros.uz/uzc/object/juma-masjidi-va-minorasi> (мурожаат санаси: 7.01.2023)
12. Grabar O. İslam Mimarlığı'nda Simgeler ve İşaretler II. // Mimarlık Dergisi. – Ankara, 1983. – S. 45-46.
13. Иброҳимов И. 2027 йилда Минораи Калоннинг 900 йиллиги нишонланадими? <https://xs.uz/uzkr/post/2027-jilda-minorai-kaloning-900-jilligini-nishonlanadimi> (мурожаат санаси: 21.01.2021)
14. Аннаев Т. Жарқўрғон минораси тарихи. Мозийга саёҳат кўрсатуви. https://www.youtube.com/watch?v=1j5Q6hy6_uk (мурожаат санаси: 9.04.2021)
15. Аминов Ҳ. Қиблани тўғри топиш усуллари. <https://ahlisunna.uz/qiblani-togri-topish-usullari/> (мурожаат санаси: 22.01.2022)
16. Erzincan T. Mihrap. // Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi. – Ankara, 2005. – S. 31.
17. Durdiyeva G. Xivadagi Juma masjid me'moriy yodgorligining texnik holati bo'yicha monitoring natijalari. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi mintaqaviy bo'limi Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi. – Xiva, 2017. № 1. – B. 55-59.
18. Bozkurt N. Minber. // Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi. – Ankara, 2005. – C. 30. – S. 101.
19. Булатов С.С., Салимов С.Н., Мухторов А. Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами. – Т.: Талқин, 2007. – Б. 43.
20. Булатов С.С., Соипова М.С. Бадий таҳлил тамойиллари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2017. – Б. 234.
21. Jo'rayev Sh. Mag'oki Attor masjidi. Buxoro muzeylari ko'rsatuvi. <https://www.youtube.com/watch?v=j8KDaGekNnU> (мурожаат санаси: 23.01.2023).

АБДУХАЛИЛОВА Хуршидабону,
Международная академия
исламоведения Узбекистана,
студентка 4-го курса

Научный руководитель: **НОСИРОВА Азиза**
Международная академия
исламоведения Узбекистана
старший преподаватель кафедры

ПАЛОМНИЧЕСТВО В ПРАВОСЛАВНОЙ ЦЕРКВИ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ

PILGRIMAGE IN THE ORTHODOX CHURCH: HISTORY AND MODERNITY

PRAVOSLAV CHERKOVIDA ZIYORAT: TARIX VA HOZIRGI ZAMON

Аннотация. Статья посвящена изучению паломничества в Православной Церкви, его историческому развитию и современным тенденциям. Паломничество имеет важное значение в жизни православных христиан, служа выражением веры, духовной практикой и связью с историческими местами, связанными с жизнью Иисуса Христа, святых и важными событиями христианской истории. В статье рассматривается эволюция паломнических традиций в Православии, начиная с ранних веков христианства, и влияние исторических изменений на паломничество в разные исторические эпохи. Особое внимание уделяется современному состоянию паломничества в православной традиции, включая новые формы паломнических путешествий и вызовы, с которыми сталкиваются современные верующие.

Ключевые слова: Паломничество, православная церковь, история, традиции, духовная практика, святые места, христианство, современность.

Annotation. The article is dedicated to the study of pilgrimage in the Orthodox Church, its historical development, and contemporary trends. Pilgrimage holds significant importance in the life of Orthodox Christians, serving as an expression of faith, a spiritual practice, and a connection to historical sites associated with the life of Jesus Christ, saints, and important events in Christian history. The article examines the evolution

of pilgrimage traditions in Orthodoxy, starting from the early centuries of Christianity, and the impact of historical changes on pilgrimage during different historical periods. Special attention is given to the current state of pilgrimage in the Orthodox tradition, including new forms of pilgrimage journeys and the challenges faced by contemporary believers.

Keywords: Pilgrimage, Orthodox Church, history, traditions, spiritual practice, holy sites, Christianity, modernity.

Annotatsiya. Maqola pravoslav cherkovida ziyoratlarning o'rganilishiga, uning tarixiy rivojlanishiga va zamonaviy tendensiyalariga bag'ishlangan. Ziyorat pravoslav xristianlari hayotida muhim ahamiyatga ega bo'lib, bu imonning ifodasi, ruhiy amaliyot va Iso Masih hamda xristianlar tarixidagi muhim voqealar bilan bog'liq bo'lgan tarixiy joylar bilan aloqadir. Maqolada pravoslavlikda ziyorat an'analarining rivojlanishi, xristianlikning dastlabki asrlaridan boshlab va tarixiy o'zgarishlarning ziyoratga turli davrlarida ta'siri ko'rib chiqiladi. Zamonaviy pravoslav an'analarida ziyoratlarning hozirgi holatiga, shu jumladan ziyorat safarlarining yangi shakllariga va zamonaviy xristianlar duch kelayotgan muammolarga qaratilgan.

Kalit so'zlar: Ziyorat, pravoslav cherkovi, tarix, an'analar, ruhiy amaliyot, muqaddas joylar, xristianlik, zamonaviylik.

ВВЕДЕНИЕ

Паломничество занимает важное место в жизни православных христиан и является неотъемлемой частью религиозной практики, духовного поиска и стремления к спасению. Это явление имеет глубокие корни в истории христианства и связано с посещением святых мест, где, как считается, особое благословение и сила Божия. В Православной церкви паломничество является выражением веры, смирения и желания приблизиться к Богу через молитву и духовные практики.

История паломничества в православной традиции охватывает многие века и включает в себя как путешествия к местам, связанным с жизнью и деяниями святых, так и посещение монастырей, храмов и других святых объектов, которые имеют важное значение для православных верующих. В разные исторические эпохи паломничество играло важную роль в духовной жизни, а также в социальном и культурном контексте православных народов.

Современное паломничество в Православной церкви продолжает развиваться, адаптируясь к изменениям в обществе и технологиях. Однако, несмотря на эти изменения, суть паломничества как духовного и религиозного переживания остается неизменной. Важным аспектом современного паломничества является его роль в духовном возрождении, а также в укреплении связи верующих с исторической и культурной наследием Православия [1].

ОСНОВНАЯ ЧАСТЬ

История религиозных путешествий в Римской и Византийской империях позволяет проследить, как складывались и развивались культура и традиции христианского паломничества. Начиная с первого столетия от Рождества Христова, с того времени, которое многие исследователи называют Апостольским веком, первые христиане стали ходить на поклонение в места, связанные земной жизнью Спасителя и Пресвятой Богородицы [2]. Однако в первые три века распространения христианства в Римской империи практически постоянно возникали гонения на последователей Иисуса Христа, поэтому паломничество носило тайный характер и было немногочисленным.

Регулярные и массовые паломничества христиан к главной святыне Иерусалима – храму Воскресения Господня, начались в конце 30-х гг. IV в. Это произошло после легализации христианства в пределах Римской империи в 313 г. и под влиянием примера святой равноапостольной императрицы Елены, совершившей на склоне своих лет великое путешествие в Палестину в 325-327 гг.. При этом надо помнить, что она выполняла также и волю своего сына, императора Константина Великого (ок. 272-337), действуя от его имени и благодаря его неограниченной материальной поддержке. Историческое паломническое путешествие святой императрицы Елены в Иерусалим привело к воздвижению Креста Господня, уточнению топографии ключевых центров евангельской истории и положило начало мемориализации святых мест, связанных с земной жизнью Спасителя и Пресвятой Богородицы. В 325 г., во время

проведения Первого Вселенского Никейского Собора, святой равноапостольный император Константин Великий издал указ о строительстве христианских храмов в святых местах: в Вифлееме на месте рождения Спасителя и в Иерусалиме над Гробом Господним. Территорию же Палестины первый христианский император объявил Святой Землей.

Ко времени путешествия императрицы Елены предание возводит также строительство двух храмов: в Хевроне, у Мамврийского дуба и на Масличной горе. Этими событиями открывается история массового христианского паломничества в Святую Землю, потому что путешествие императрицы Елены и её окружения можно и нужно рассматривать как первое организованное поклонение святым местам, связанным с жизнью, крестной смертью и Воскресением Спасителя. В результате этой деятельности уже в эпоху императора Константина Великого в Иерусалим и Вифлеем стали стекаться для поклонения главным святыням христианства тысячи богомольцев, положив тем самым начало массовому паломническому движению в Святую Землю.

Иерусалим, по улицам и площадям которого ходил сам Иисус Христос и откуда началась история Церкви, стал главной целью христианского паломничества. Иерусалим, открыв свои святыни, быстро превратился в сознании христиан всего мира в Святую Град, место поклонения Гробу Господню, и благодаря этому стал большим странноприимным домом, большой гостиницей, большой больницей, большим торгом. Местное население начало тонуть в море паломников, которые заполняли городские улицы и площади, особенно в дни христианских праздников. В последние десятилетия в России, как и в мире, наметилась тенденция обращения к традиционным ценностям, в том числе духовным. Это свидетельствует о том, что в обществе назрела острая потребность в определении духовной системы координат и выработке наиболее действенных форм ее выражения.

К явлениям, объединяющим эти культурные процессы, можно отнести феномен паломничества, которое зародилось в глубокой древности и сыграло огромную роль в становлении и развитии как локальных

цивилизаций древности, так и мировой цивилизации в целом.

Зарождение паломничества связано с формированием в мире основных религиозных течений. Паломничество в той или иной форме принято практически во всех религиях, в том числе и в христианстве.

Православное паломничество является составной частью религиозной деятельности Русской Православной Церкви. Название свое паломничество получило благодаря пальмовым ветвям, которые первые паломники (т.н. пальмовники) привозили из Палестины.

На VII Вселенском соборе в 787 году отцы Церкви сформулировали богословские принципы, обосновывающие духовный смысл православного паломничества как почитания и поклонения мощам и иконам, а также святым местам ради удостоверения подлинности, а не призрачности Боговоплощения [3].

В настоящее время православное паломничество – одно из наиболее активно развивающихся культурных явлений. В определенной мере оно соприкасается с туризмом, в свое время выросшим из паломнических странствий. Наряду с другими видами путешествий, паломничество соотносится с различными сферами экономической, социальной и культурной жизни общества. В современном паломничестве гармонично объединяются глубокие исторические традиции с культурными тенденциями сегодняшнего дня.

Оживлению православного паломничества в России способствует ряд причин, из которых основными являются следующие:

- высокий культурно-исторический потенциал страны (наличие множества православных святынь);
- относительно невысокая стоимость поездок, организуемых паломническими службами;
- стремление современного человека к духовному совершенствованию.

Паломничество сегодня трактуется различными авторами на стыке двух социально-культурных сфер — собственно паломнической практики, понимаемой как область религиозных путешествий, и туризма. В связи с этим ему предпосылаются различные

термины: «паломничество», «паломнический туризм», «религиозный туризм», «духовно-паломнический туризм» и т. п.

По мнению Русской Православной Церкви, паломничество и религиозный туризм – совершенно различные понятия. Русская Православная Церковь считает, что понятия «религиозный туризм» и «паломничество» должны быть разделены законодательно. По мнению РПЦ, паломничество в обязательном порядке «...связано с живым литургическим опытом. Его нельзя смешивать с просто туризмом» [4].

Паломнические службы при храмах, напротив, стараются сделать поездки как можно более дешевыми, доступными для пожилых и малообеспеченных верующих. Специалисты таких служб хорошо знают запросы паломников (стремление к отказу от развлечений, ограничения в питании, желание исповедаться и причаститься). Между паломническими службами не существует конкуренции. Основная цель для сотрудников – получение паломниками духовной пользы от поездки. Деятельность этих служб правильнее назвать миссионерской.

В качестве примера паломнической службы можно привести работу Епархиального паломнического отдела Тобольско-Тюменской Епархии «Сибирский паломник», к специалистам которой, особенно в летний период, регулярно обращаются и жители Салехардской и Новоуренгойской Епархии.

Учитывая вышеизложенное, возможно, правильным было бы передать вопросы организации паломнических поездок в компетенцию Русской Православной Церкви, а разработкой и продажей туров религиозно-познавательной тематики предложить заняться турфирмам. Однако паломнические службы при храмах, занимающиеся организацией православного паломничества, особенно в провинциальных епархиях, часто сталкиваются с рядом трудностей, среди которых основные – недостаток мест размещения и пунктов питания для прибывающих к объектам поклонения паломников. К тому же паломнические службы в ряде случаев организуют и поездки религиозно-познавательной направленности с целью ознакомления новоначальных с основами

православной культуры и последующего их воцерковления.

Различие целей путешествия при этом обуславливает подбор членов группы, выбор времени для поездки, маршрута, объектов показа, методов и приемов подачи информации, стиля общения с группой, использование специальной лексики. При разработке экскурсий для участников религиозно-познавательных туров основное внимание уделяется знакомству с историей, архитектурой объекта посещения и православной культурой, в паломнических же поездках больший акцент делается на сакральное значение посещаемых мест для христиан.

Возможный вариант решения проблемы организации паломничества в будущем – сотрудничество Русской Православной Церкви и предприятий туриндустрии.

Наличие определенного историко-культурного потенциала является необходимым условием для развития практически любого вида путешествий, в том числе и паломничества в рамках православной христианской конфессии.

Западная Сибирь и Урал – это регион, где на протяжении нескольких веков складывалась религиозная культура нескольких конфессий. Результатом этого явилось формирование богатейшего исторического, архитектурного и духовного наследия [5].

Так, Тюменская область по числу объектов, составляющих туристские культурные ресурсы, входит в первые 7 регионов России. На ее территории расположены 6 исторических городов (Тобольск, Тюмень и т.д.), где сосредоточена большая часть исторического и архитектурного наследия области, в т.ч. и значительное количество православных религиозных объектов [6].

Немаловажное значение для развития православного паломничества в регионе имеют также святыни, которые находятся в небольших селах Тобольско-Тюменской Епархии и прилегающих к ней епархий (сс. Суерка, Чимеево, Меркушино и т.д.). В границах малых сельских поселений наверняка существуют и еще не выявленные объекты культурного наследия.

Анализ историко-культурного потенциала Уральского ФО с точки зрения организации

православного паломничества позволяет выявить следующие его особенности:

- наличие на территории региона большого количества объектов православного паломничества, расположенных в различных районах, что обеспечивает широкую географию паломнических поездок;

- духовная насыщенность объектов паломничества;

- и, как следствие, информативная и эмоциональная насыщенность паломнических поездок;

- наличие ряда культовых объектов, нуждающихся в восстановлении и реставрации.

Думается, для того, чтобы восстановить или отреставрировать разрушенные религиозные сооружения, а также поддерживать в надлежащем состоянии сохранившиеся объекты православного паломничества, необходимы совместные усилия государства, Церкви и общественности. Решение этой задачи позволит в полной мере реализовать историко-культурный и духовный потенциал региона.

В процессе сбора и систематизации сведений об объектах православного паломничества, расположенных на территории Уральского ФО, выяснилось, что основными центрами паломничества на территории Тюменской области являются архитектурно-храмовый комплекс Тобольского Кремля, где в Покровском соборе покоятся мощи Святителю Иоанна Тобольского и священномученика Гермогена, Абалакский Свято-Знаменский мужской монастырь (здесь пребывает чудотворная Абалацкая икона Божией Матери «Знамение»), Свято-Троицкий мужской монастырь в г. Тюмени, где находятся мощи Филофея Лещинского, Далматовский Свято-Успенский мужской монастырь, где под спудом почивают святые мощи основателя обители Далмата Исетского. В Ишиме внимание паломников привлекает храм-терем, построенный без единого гвоздя. Несколько лет назад в храме произошло чудо: Нерукотворный образ Спасителя отобразился на стекле.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Паломничество в православной церкви является важнейшей частью духовной жизни верующих и представляет собой не только

религиозный акт, но и важный элемент культурной и исторической традиции. За многие столетия православное паломничество претерпело значительные изменения, адаптируясь к историческим условиям, сохраняя при этом свою духовную суть и значение для христиан.

В современном обществе паломничество продолжает развиваться, взаимодействуя с туризмом, что, с одной стороны, открывает новые возможности для верующих, а с другой — порождает ряд вызовов, связанных с сохранением духовной ценности паломнических путешествий. Несмотря на это, православные паломники продолжают искать духовное обогащение, посещая святыне места, где ощущается связь с предками и с самой историей Церкви.

Актуальность и необходимость сохранения и развития традиций православного паломничества остаются важными задачами не только для Церкви, но и для всего общества, стремящегося к духовному просветлению и сохранению своей культурной идентичности. Важно, чтобы паломничество сохраняло свою духовную значимость и не превращалось в коммерческий продукт, а служило действительно глубокому и искреннему поиску веры и духовного роста.

Будущее православного паломничества зависит от успешного сотрудничества между Церковью, государственными органами и туристической индустрией, что позволит улучшить инфраструктуру и условия для паломников, а также сохранить исторические и культурные памятники, которые являются важнейшей частью духовного наследия нашего народа.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ЛИТЕРАТУР

1. Житенёв С.Ю. История русского православного паломничества в X-XVII веках. — М.: Индрик, 2007. — 480 с.
2. Васильев А.А. История Византийской империи: Время до крестовых походов (до 1081 г.) // Вступ. ст., примеч., науч. ред., пер. с англ. яз. и имен. указ. А.Г.Грушевого. — СПб.: Алетей, 1998. — 440 с.
3. История православного паломничества // Фома. 2008. Спецвыпуск.
4. Православное паломничество: традиции и современность. // Материалы II общецерковной конференции (Москва, 28-29 ноября 2005 г.). — М.: Изд-во Московской Патриархии, 2005. — 314 с.
5. Состояние и перспективы развития туризма на базе историко-культурного наследия: справочно-методический сборник (пособие). / Авторы-составители: Е.М. Акулич, И.В. Ивачев. — Тюмень: Ред.-изд. центр Тюменской государственной академии культуры и искусств, 2007. — 108 с.
6. Ненарокова М.Р. Чудеса Востока глазами средневековых европейских путешественников // Культурологический журнал. — 2014. — № 3. — URL: http://www.crjournal.ru/rus/journals/281.html&j_id=20 (дата обращения 25.02.2025).

NIGMATOV Xikmatilla

*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi
Zamonaviy axborot-kommunikatsiya
texnologiyalari kafedrası professori*

IZOMOVA Oyista Ilxom qizi

*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi
Zamonaviy axborot-kommunikatsiya
texnologiyalari kafedrası laboranti*

KIBERHUJUMLARDAN HIMOYALASHDA SUN'IY INTELLEKTDAN FOYDALANISH VA TARMOQ XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH USULLARI

МЕТОДЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СЕТЕВОЙ БЕЗОПАСНОСТИ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА ДЛЯ ЗАЩИТЫ ОТ КИБЕРАТАК

METHODS OF ENSURING NETWORK SECURITY AND USING ARTIFICIAL INTELLIGENCE FOR PROTECTION AGAINST CYBER ATTACKS

Annotatsiya. Raqamlashtirish jarayonida barcha korxona, tashkilot va muassasalarda saqlanayotgan, uzatilayotgan va qabul qilinayotgan ma'lumotlarni kiberhujumlardan himoyalash uchun sun'iy intellektni qo'llash va tarmoq havfsizligini ta'minlash uchun bugungi kunda eng zarur bo'lgan usullar keltirilgan. Kompyuter tarmog'ida bo'ladigan tahdidlarni operativ ravishda aniqlashda va kiberhavfsizlik sohasida ilg'or texnologiyalarni joriy etishda sun'iy intellektga asoslangan dasturiy vositalarni ishlab chiqish hamda tarmoq havfsizligini ta'minlashda tashkiliy, texnikaviy, dasturiy va kriptografik vositalarni qo'llash usullari taklif etilgan.

Kalit so'zlar: kiberhavfsizlik, kiberhujum, sun'iy intellekt, tahdidlar, tarmoq havfsizligi, nazariy tadqiqotlar.

Аннотация. В процессе цифровизации приведены наиболее необходимые на сегодняшний день методы применения искусственного интеллекта для защиты информации, хранящейся,

передаваемой и принимаемой всеми предприятиями, организациями и учреждениями от кибератак, а также для обеспечения сетевой безопасности. Предложены способы разработки программных средств на основе искусственного интеллекта для оперативного выявления угроз в компьютерных сетях и внедрения передовых технологий в сфере кибербезопасности, а также применения организационных, технических, программных и криптографических средств для обеспечения сетевой безопасности.

Ключевые слова: кибербезопасность, кибератака, искусственный интеллект, угрозы, сетевая безопасность, теоретические исследования.

Annotation. In the process of digitalization, the most essential methods for applying artificial intelligence to protect data stored, transmitted, and received by all enterprises, organizations, and institutions from cyberattacks and to ensure network security are presented. The proposed approaches include the development of AI-based software tools for the rapid detection of threats in computer networks and the implementation of advanced technologies in the field of cybersecurity, as well as the use of organizational, technical, software, and cryptographic measures to ensure network protection.

Keywords: cybersecurity, cyberattack, artificial intelligence, threats, network security, theoretical research.

KIRISH

Bugungi kunda O'zbekiston xalqaro islom akademiasida ta'lim olayotgan talabalar va magistr'larga bo'lgan talab borgan sari oshib bormoqda. Akademiyaning saytlariga va har xil tashkil etilgan elektron platformalariga kirayotganlarning sonining oshib borishi natijasida saqlanayotgan ma'lumotlarning butunligini ta'minlash, o'chirilmaganligini, yoki o'zgartirilib qo'yilmaganligini ta'minlash masalalari kelib chiqmoqda [1]. Barcha muassasalarning yoki oliy yurtlarining har qanday davlat korhonalari, yoki tijorat kompaniyalarning o'ziga yarasha har xil turdagi ma'lumotlari mavjud. Bunday turlarga maxfiy, konfidentsiyal yoki ochiq ma'lumotlar bo'lishi mumkin.

Barcha tashkilotlar respublikamizda qabul qilingan raqamlashtirish jarayoni asosida barcha ichki va tashqi faoliyat bilan kompyuterlar bilan telekommunikatsiya tarmoqlari orqali ma'lumotlar ayirboshlashadi.

Hammaga ma'lum, bugungi kunda dunyo bo'yicha rivojlanayotgan davlatlarda zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari asosida faoliyat olib borilmoqda. Raqamlashtirish jarayonlari iqtisodiyotning barcha jabxalarida qo'llanishi natijasida katta moliyaviy yutuqlarga erishilmoqda.

Bugungi kunda har bir axborot o'z qiymatiga ega bo'lib, ularning bahosi olinayotgan, saqalanayotgan, uzatilayotgan yoki qabul qilinayotgan axborotlarning butunligiga, o'zgartirilmaganligiga, xatosiz berilganligiga va talab qilingan vaqtda yetkazib berilganligiga bog'liq bo'lib qolayapti. Bu shartlarning bajarilmaganligi axborotlardan foydalanuvchilarga juda katta ma'naviy, siyosiy, axloqiy va eng asosiysi iqtisodiy ya'niy moliyaviy zarar keltirishi barchaga ma'lum bo'lib qoldi [2].

Albatta hozirgi raqamlashtirish davrda barcha korxonalar, tashkilotlar, vazirliklar, muassasalar, aktsiyadorlik kompaniyalar, assosatsiyalar, mas'uliyati cheklangan jamiyat va firmalar o'zlarining faoliyati yuzasidan barcha ma'lumotlarni kompyuterlarga joylashtirib, ulardan kerak paytda foydalanib kelinmoqda, lekin ushbu ma'lumotlarni himoyalash masalalari ko'p joylarda hisobga olinmay qolayapti [1,2].

ASOSIY QISM

Axborot xavfsizligi tobora ko'proq joriy etilayotgan va foydalaniladigan kompyuter tizimlarini hisobga olgan holda zamonaviy dunyoda muhim o'rin tutadi. Har bir inson, xoh shaxs, xoh kompaniya bo'lsin, o'z ma'lumotlarini o'g'irlash, o'chirish yoki o'zgartirish xavfini kamaytirishga xarakat qiladi. Shu jumladan, avtomatlashtirilgan tizimda kiberxavfsizlik muhim rol o'ynaydi.

Bugun dunyo bo'ylab axborot xavfsizligi bilan birgalikda "kiberxavfsizlik" tushunchasi keng qo'llanilib, uning ahamiyati borgan sari to'liqroq e'tirof etilmoqda. Kiberxavfsizlik – bu kibermakonning barcha tashkil etuvchilari (ya'ni texnik qurilmalar va foydalanuvchilar)ni har qanday tahdidlar va kutilmagan ta'sirlardan himoyalanganlik holati hisoblanadi. Kiberhujumlar soni tez va barqaror o'sishda davom etmoqda, hujumlarning o'zi tobora takomillashib bormoqda va bunday kiberhujumlarning maqsadi odatda maxfiy ma'lumotlarga kirish, uni o'zgartirish yoki yo'q qilish, foydalanuvchilardan pul undirish,

biznes va moliyaviy markazlar, davlat tashkilotlari faoliyati uchun mas'ul bo'lgan hisoblash tizimlarining ishlashini buzishga qaratilgan bo'lib qolmoqda.

Kiberxavfsizlik sohasida ilg'or texnologiyalarni joriy etish hujumlarni batafsil aniqlash va ularni kiberxavfsizlik bo'yicha mutaxassislariga qaraganda tezroq hal qilish uchun sun'iy intellektdan foydalanishga to'g'ri kelmoqda [3]. Bundan tashqari, kiberhujumlarning turlarini aniqlash, ularni sinflarga bo'lish va ichki va tashqi tahdidlarni aniqlash ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishni talab etmoqda.

Sun'iy intellekt (SI) - bu tahdidlarni aniqlay oladigan va ularni bartaraf etish va oldini olish uchun avtomatik ravishda zarur choralarni ko'radigan texnologiya deb hisoblasa bo'ladi. U ma'lumotlarni qayta ishlash, anomaliyalarni aniqlash va jarayonlarni avtomatlashtirish imkoniyatlari tufayli kiberhujumlardan axborotni himoya qilish darajasini sezilarli darajada oshirishi mumkin.

Kiberxavfsizlikda sun'iy intellektdan foydalanish axborotni himoya qilish darajasini sezilarli darajada oshirishi, jarayonlarni samaraliroq qilishi va kiberhujumlar xavfini kamaytirishi mumkin [7,8]. Shuni yodda tutish kerakki, SI kiber mudofaa arsenalidagi vositalardan biri bo'lib, undan foydalanish boshqa xavfsizlik choralari bilan birlashtirilishi kerak.

Uzatilayotgan ma'lumotlarni himoya qilish uchun sun'iy intellektni qo'llashning ba'zi usullari:

1. Har xil turdagi anomaliyalarni aniqlash:

- SI odatdagi xatti-harakatlardan chetga chiqishni aniqlash uchun trafik va foydalanuvchi xatti-harakatlarini tahlil qilishi mumkin. Misol uchun, agar foydalanuvchi odatda foydalanmaydigan ma'lumotlarga kirishga urinish kabi g'ayrioddiy harakatlarni amalga oshira boshlasa, tizim avtomatik ravishda mumkin bo'lgan hujum haqida signal berishi mumkin.

2. Hujumlarni bashorat qilish:

- Mashinani o'rganish usullaridan foydalangan holda, SI tarixiy kiberhujum ma'lumotlarini tahlil qilishi va naqshlarni aniqlashi mumkin, bu esa potentsial tahdidlarni bashorat qilish va ularni oldini olish uchun o'z vaqtida choralari ko'rish imkonini beradi.

3. Hodisalarga javob berishni avtomatlashtirish:

- SI shubhali IP-manzillarni blokirovka qilish yoki buzilgan hisoblarni o'chirib qo'yish

kabi hodisalarga javob berish jarayonlarini avtomatlashtirishi mumkin, bu esa tahdidlarga tezroq javob berishga imkon beradi.

4. Tarkibni filtrlash:

- SI kiruvchi xabarlar va ma'lumotlarni tahlil qilish va filtrlash, fishing yoki zararli qo'shimchalar kabi zararli tarkibni aniqlash uchun ishlatilishi mumkin.

5. Kirishni boshqarish:

- SI foydalanuvchi huquqlarini boshqarishda yordam berishi mumkin. Tizimlar foydalanuvchilarning xatti-harakatlarini tahlil qilishi va ularning roli va faoliyatiga qarab kirish darajalarini avtomatik ravishda sozlashi mumkin.

6. Tarmoq monitoringi:

- SI DDoS hujumlari yoki xakerlik urinishlari kabi kiberhujumni ko'rsatishi mumkin bo'lgan shubhali naqshlarni aniqlash orqali tarmoq faoliyatini doimiy ravishda kuzatishi mumkin.

7. Ma'lumotlarga asoslangan trening:

- SI tizimlari katta miqdordagi kiberhujum ma'lumotlari bo'yicha o'qitilishi mumkin, bu ularga aniqlash va javob berish algoritmlarini doimiy ravishda takomillashtirishga imkon beradi.

8. Ma'lumotlar buzilishidan himoya qilish:

- SI ma'lumotlar uzatilishini kuzatish va katta hajmdagi ma'lumotlarni nusxalash yoki tashqi manbalarga uzatish kabi shubhali harakatlarni aniqlash uchun ishlatilishi mumkin.

9. Aqlli tahdidlarni boshqarish tizimlari:

- Xavfsizlik ma'lumotlari va hodisalarni boshqarish tizimlari (SIEM) xavfsizlik hodisalarini yanada samarali tahlil qilish va o'zaro bog'lash uchun sun'iy intellektni birlashtirishi mumkin.

10. Xodimlarni o'qitish:

- SI xodimlarga kiber tahdidlarni aniqlashga va axborotni himoya qilish choralari ko'rishga yordam beradigan interaktiv o'quv dasturlarini yaratish uchun ishlatilishi mumkin.

Kiber tahdidlardan himoyalangan korporativ kompyuter tarmog'ini yaratish texnik va tashkiliy choralarni o'z ichiga olgan kompleks yondashuvni talab qiladi.

Tarmoq xavfsizligini ta'minlashga yordam beradigan asosiy usullar [4-6]:

1. Xatarlarni baholash:

- Tarmoq zaifliklarini aniqlash uchun xavf tahlilini bajarish. Qaysi ma'lumotlar va tizimlar biznes uchun muhim ekanligini va ularga qanday tahdidlar ta'sir qilishi mumkinligini aniqlash.

2. Xavfsizlik siyosatini ishlab chiqish:

- Axborotni himoya qilish, kirishni boshqarish va hodisalarga javob berish qoidalari va tartiblarini o'z ichiga olgan xavfsizlik siyosatini yaratib amalga oshirish.

3. Tarmoq segmentatsiyasi:

- Muhim tizimlar va ma'lumotlarni ajratish uchun tarmoqni segmentlarga bo'linadi. Bu tahdidlar paydo bo'lganda ularning tarqalishini cheklashga yordam beradi.

4. Xavfsizlik devorlaridan foydalanish:

- Kiruvchi va chiquvchi trafikni filtrlash uchun xavfsizlik devorlarini o'rnatish. Shubhali ulanishlarni blokirovka qilish qoidalarini sozlash.

5. Kirishni aniqlash va oldini olish tizimlari (IDS / IPS):

- Tarmoq trafigin kuzatish va Real vaqtda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan hujumlarni aniqlash uchun IDS/IPS tizimlarini ishga tushurish.

6. Ma'lumotlarni shifrlash:

- Dam olish paytida ham, tarmoq orqali uzatishda ham nozik ma'lumotlarni himoya qilish uchun shifrlashdan foydalanish. Bu ma'lumotlar ushlanib qolsa, ularga kirishni oldini olishga yordam beradi.

7. Autentifikatsiya va kirishni boshqarish:

- Muhim tizimlarga kirish uchun ko'p faktorli autentifikatsiyani (KFA) amalga oshirish. Foydalanuvchilarning faqat o'z ishlarini bajarish uchun zarur bo'lgan manbalarga kirishini cheklash.

8. Dasturiy ta'minotni yangilash:

- Ma'lum zaifliklardan himoya qilish uchun operatsion tizimlar, ilovalar va antivirus dasturlarini muntazam yangilab turish.

9. Monitoring va jurnallar:

- Foydalanuvchi faoliyati va tarmoq trafigin kuzatish uchun monitoring va jurnal tizimlarini sozlash. Bu shubhali xatti-harakatlarni aniqlashga yordam beradi.

10. Xodimlarni o'qitish:

- Xodimlar uchun fishing kabi mumkin bo'lgan tahdidlardan xabardor bo'lishlari va ularga to'g'ri munosabatda bo'lishlari uchun muntazam ravishda kiberxavfsizlik bo'yicha treninglar o'tkazish.

11. Hodisalarga javob berish rejas:

- Kiberhujum yoki ma'lumotlar buzilgan taqdirda aniq harakatlar tartibini o'z ichiga olgan hodisalarga javob berish rejasini ishlab chiqish.

12. Ma'lumotlarni zaxiralash:

- Muhim ma'lumotlarni muntazam ravishda zaxiralash va xavfsiz joyda saqlash. Bu yo'qolgan

yoki buzilgan taqdirda ma'lumotni tiklashga yordam beradi.

13. Penetratsion test:

- Xavfsizlik zaifliklarini aniqlash va mavjud himoya choralarining samaradorligini tekshirish uchun muntazam ravishda penetratsiya testlarini o'tkazish.

14. Tashqi manbalar:

- Maslahat olish va xavfsizlik auditini o'tkazish uchun tashqi kiberxavfsizlik bo'yicha mutaxassislar bilan hamkorlik qilishni aniqlash.

Ushbu amallarni bajarib, yanada xavfsiz korporativ kompyuter tarmog'ini yaratish va kiber tahdid xavfini minimallashtirish mumkin bo'ladi.

Bunday boshqarish tizimi nazariy tadqiqotlar asosida quyidagi yo'nalishlardan iborat bo'lishi kerak:

1. Yuqorida keltirilgan jismoniy, texnikaviy, dasturiy, iqtisodiy, siyosiy, ma'naviy va ma'rifiy keltirilgan zararlarni aniqlab beradigan matematik formulalarini yaratish.

2. Har bir kiberxujumdan hosil bo'lishi mumkin bo'lgan zararlarning matematik modellarini ishlab chiqish.

3. Kiberxavfsizlikka taaluqli bo'lgan texnikaviy, dasturiy vositalarni va ularning turlarini aniqlab berish.

4. Kiberxujumlarning turlarini aniqlaydigan va ularga qarshi usullarini ishlab chiqish.

5. Axborotlarni xavfsizligini ta'minlash uchun tashkiliy, texnikaviy, dasturiy, kriptografik, jismoniy, xuquqiy va telekommunikatsiya tarmoqlari orqali uzatilayotgan ma'lumotlarni himoyalash vositalarini aniqlab berish.

6. Identifikatsiya va autentifikatsiya jarayonlarini takomillashtirish.

7. Kompyuter tarmoqlari orqali kirib kelayotgan viruslarga va maxsus kodlarga qarshi usullarni ishlab chiqish.

8. Himoyalangan zamonaviy ma'lumotlar omborlarini yaratish usullarini ishlab chiqish.

9. Har xil turdagi intellektual tizimlar yaratish uchun o'z-o'zini o'rgatadigan va neyrotehnologiyalarga asoslangan bilimlar bazasini yaratish hisoblanadi.

XULOSA

Xulosa qilib aytish mumkinki, barcha yuqorida keltirilgan masalalar uchun texnikaviy, dasturiy va informatsion ta'minotini yaratib berish

kerak bo'ladi. Ushbu usullarni ilmiy tahlili asosida amalga oshirilganda barcha tashkilot, korxona va muassasalarning Internet platformalarida saqlanayotgan, uzatilayotgan va qabul qilinayotgan ma'lumotlarini har xil turdagi kiberhujumlardan saqlanish ihtimolini oshirilgan bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Nigmatov X. Raqamlashtirish va intellektual tizimlarining kiberxavfsizligini ta'minlanishini boshqarish // "SCIENTIFIC foundations of raising the use of information technologies to a new level and modern problems of automation" III-international scientific conference november 20, 2024. 306-310. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14221576>.
2. Nigmatov X. Tarmoqlarda kiberhujumlardan axborotlarni himoyalashda sun'iy intellektidan foydalanish // "Amaliy matematikaning zamonaviy muammolari va istiqbollari" Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. – Qarshi, 24-25-may, 2024. 153-155 b. <https://mppam2024>.
3. Nigmatov X. Ma'lumotlar xavfsizligini ta'minlashda sun'iy intellektidan foydalanish // Problems of application of innovative and digital technologies in the education system international scientific – practical conference. 6-7 may, 2024. – Tashkent. – B. 738-747.
4. Nigmatov X. Tarmoq xavfsizligini aniqlash usullari. Monografiya. – Toshkent: «Fan va texnologiyalari» nashriyot bosmaxonasi, 2023. – 220 b.
5. Nigmatov X., Raxmonov Q.S., Obyektlarda axborot xavfsizligini boshqarish tizimini yaratish metodologiyasi. Monografiya. – Toshkent: "Zamon poligraf" ok bosmaxonasi, 2022. – 144 b.
6. Nigmatov X., Tarmoq xavfsizligini aniqlash usullari. Monografiya. – Toshkent: "Fan va texnologiyalari" nashriyot-matbaa uyi bosmaxonasi, 2024. – 222 b.
7. Nigmatov X., Xodjaeva M.S. Axborotlarni himoyalashda intellektual tizimlar: darslik. – Toshkent: "Lesson Press" nashriyoti, 2022. – 290 b.
8. Nigmatov X., Sodiqov U.X. Intellektual tizimlar: darslik. – Toshkent: "Zamon poligraf" OK bosmaxonasi, 2024. – 194 b.

XODJAYEVA Mavlyuda Sabirovna

*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi,
Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari
kafedrası dotsenti, texnika fanlari nomzodi
m.xodjayeveva@iiia.uz*

SUN'IY INTELLEKT VA CHATBOTLARNING MEHMONXONA VA TURISTIK XIZMATLARDА QO'LLANILISHI

ПРИМЕНЕНИЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА И ЧАТ- БОТОВ В ГОСТИНИЧНОМ И ТУРИСТИЧЕСКОМ СЕРВИСЕ

APPLICATION OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE AND CHATBOTS IN HOSPITALITY AND TOURISM SERVICES

Annotatsiya: Ushbu maqolada sun'iy intellekt (SI) va chatbot texnologiyalarining zamonaviy turizm va mehmonxona xizmatlari tizimida qo'llanilishi chuqur tahlil etiladi. So'nggi yillarda raqamli texnologiyalar tez sur'atlar bilan rivojlanib, turistik xizmatlar ko'rsatish jarayonlarini avtomatlashtirish, optimallashtirish va mijozlarga yo'naltirilgan yondashuvni kuchaytirishda muhim vositaga aylandi. Xususan, chatbotlar orqali xizmat ko'rsatish sifati oshib, real vaqt rejimida mijozlar ehtiyojlariga javob berish imkoniyati kengaydi. Maqolada sun'iy intellekt va chatbotlarning nazariy asoslari, ularning texnologik xususiyatlari, jahon va O'zbekiston amaliyotidagi qo'llanilishi, afzalliklari, mavjud muammolar va istiqbolli yo'nalishlar yoritilgan. Tadqiqot natijalari asosida turizm sohasida raqamli innovatsiyalarni yanada rivojlantirish bo'yicha ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: sun'iy intellekt, chatbot, raqamli texnologiyalar, mehmonxona xizmati, turistik xizmatlar, avtomatlashtirish, mijoz tajribasi, raqamli transformatsiya, aqlli xizmat ko'rsatish, turizm innovatsiyalari.

Аннотация: В данной статье проводится глубокий анализ применения технологий искусственного интеллекта (ИИ) и чат-ботов в современной системе туристических и гостиничных услуг. В последние годы стремительное

развитие цифровых технологий стало важным инструментом автоматизации и оптимизации процессов предоставления туристических услуг, а также усиления клиентоориентированного подхода. В частности, использование чат-ботов способствовало повышению качества обслуживания и расширению возможностей оперативного реагирования на потребности клиентов в режиме реального времени. В статье также освещены теоретические основы искусственного интеллекта и чат-ботов, их технологические особенности, применение в мировой и национальной практике, преимущества, существующие проблемы и перспективные направления. На основе результатов исследования представлены научно обоснованные рекомендации по дальнейшему развитию цифровых инноваций в туристической отрасли.

Ключевые слова: искусственный интеллект, чат-бот, цифровые технологии, гостиничный сервис, туристические услуги, автоматизация, клиентский опыт, цифровая трансформация, умное обслуживание, инновации в туризме.

Annotation: This scientific article provides an in-depth analysis of the application of artificial intelligence (AI) and chatbot technologies in the modern tourism and hospitality services sector. In recent years, the rapid development of digital technologies has become a crucial tool in automating and optimizing the processes of providing tourism services, as well as enhancing customer-oriented approaches. In particular, the use of chatbots has improved service quality and expanded the ability to respond to customer needs in real-time. The article covers the theoretical foundations of artificial intelligence and chatbots, their technological features, applications in global and national practices, advantages, existing challenges, and promising directions. Based on the research results, scientifically grounded recommendations for further development of digital innovations in the tourism sector are provided.

Keywords: artificial intelligence, chatbot, digital technologies, hospitality service, tourism services, automation, customer experience, digital transformation, smart service, tourism innovations.

KIRISH

Sun'iy intellekt (SI) — bu kompyuter tizimlari orqali inson ongiga xos funksiyalarni, xususan, tafakkur yuritish, qaror qabul qilish, tilni tushunish, o'rganish va muammolarni hal qilish kabi qobiliyatlarni modellashtirishga qaratilgan ilmiy-texnologik yo'nalishdir.

U zamonaviy informatika, matematika, lingvistika, nevrologiya, psixologiya, falsafa va kognitiv fanlarning kesishgan nuqtasida shakllangan multidisiplinar soha hisoblanadi. SI o'z mohiyati bilan inson aqlining sun'iy ravishda qayta tiklanishi, uni algoritmlar va dasturiy vositalar orqali amaliyotga tatbiq etish imkoniyatini yaratadi. SI rivojlanishining nazariy poydevori 1950-yillarda Alan Turing tomonidan qo'yilgan bo'lib, u o'zining mashhur "Turing testi" orqali mashinalarning "aqlli" deb baholanish mezonlarini aniqlagan. Bugungi kunda SI turli yondashuvlar asosida amalga oshiriladi: an'anaviy ekspert tizimlari, bilimlar bazasiga asoslangan tizimlar, mashinali o'rganish (machine learning), chuqur o'rganish (deep learning), neyron tarmoqlar (neural networks) kabi yondashuvlar eng ko'p qo'llanilayotgan metodologiyalardandir. Mashinali o'rganish — SI tizimlarining ma'lumotlar asosida o'z faoliyatini mustaqil tarzda takomillashtirish imkoniyatini ta'minlaydi. Bu esa turizm sohasida mijozlar xatti-harakatlarini tahlil qilish, ularning istaklariga mos tavsiyalar berish va xizmatlarni shaxsiylashtirish imkonini yaratadi. Chuqur o'rganish esa aynan tilni qayta ishlash, ovoz tanish, tasvir tahlili kabi murakkab jarayonlarda yuqori aniqlikka erishish imkonini beradi. Aynan ushbu texnologiyalar chatbotlar va virtual yordamchilarning samarali ishlashiga zamin yaratib kelmoqda. Sun'iy intellekt texnologiyalarining turizm sohasida keng qo'llanilishida chatbotlar alohida o'rin tutadi.

MUHOKAMA

Chatbotlar — bu foydalanuvchilar bilan matnli yoki ovozli muloqot qiluvchi, sun'iy intellekt algoritmlari asosida ishlovchi dasturiy vositalardir. Ular turizm tizimida mehmonxona bron qilishdan tortib, sayohat ma'lumotlarini taqdim etish, marshrutlar tuzish, xizmatlar haqida maslahat berish va hatto mijoz shikoyatlarini qabul qilishgacha bo'lgan keng turdagi funksiyalarni bajaradi. Chatbotlarning afzalligi shundaki, ular inson ishtirokisiz 24/7 rejimida ishlay oladi, bir vaqtning o'zida minglab foydalanuvchilarga xizmat ko'rsatadi va insoniy omillardan xoli holda aniq, tizimli va tezkor muloqotni olib borishni yetarli darajada ta'minlaydi. Texnologik nuqtayi nazardan, chatbotlar uch asosiy

turga bo'linadi: skript (qoidalarga asoslangan) chatbotlar, sun'iy intellekt asosidagi (self-learning) chatbotlar va gibrid chatbotlar. Skriptli chatbotlar foydalanuvchi tomonidan berilgan maxsus so'zlar yoki iboralarga javob beruvchi, oldindan dasturlashtirilgan tizim bo'lib, u faqatgina cheklangan so'zlashuv ssenariylari doirasida ishlaydi. Sun'iy intellekt asosidagi chatbotlar esa foydalanuvchining savollarini kontekst asosida tahlil qilib, o'rganish va moslashish imkoniyatiga ega. Turizm sanoatida qo'llanilayotgan chatbotlar ayniqsa mehmonxona xizmatlarida muhim rol o'ynaydi. Masalan, Hilton Hotels kompaniyasi tomonidan ishlab chiqilgan "Connie" nomli robot-xodim mehmonxona mehmonlariga joylashish, mahalliy diqqatga sazovor joylar, restoranlar yoki transport haqida ma'lumot berishda yordam beradi. Shuningdek, Marriott, InterContinental, Hyatt kabi yirik brendlar o'zining veb-saytlari va mobil ilovalari orqali mijozlar bilan chatbotlar yordamida aloqa olib borishmoqda. Bu orqali foydalanuvchilar rezervatsiya qilish, xizmatlar haqida so'rov yuborish yoki turar joy sharoitlari haqida ma'lumot olish imkoniyatiga ega bo'ladi. Zamonaviy mehmonxona sanoatida chatbotlar xizmat ko'rsatish jarayonlarini avtomatlashtirish va mijoz ehtiyojlarini qondirishda samarali vositaga aylangan. Ularning qo'llanilishi, ayniqsa, bron qilish jarayonlari, mijozlarni kutib olish, xizmatlar haqida tezkor ma'lumot berish, shikoyatlarni qabul qilish va ularga javob berish kabi funksiyalarda keng ko'lamda amalga oshirilmoqda. Mehmonxonalar uchun chatbotlar mijozlar bilan ilk aloqa nuqtasini yaratadi va inson omiliga bog'liq bo'lmagan yuqori darajadagi servisni kafolatlaydi. Shuningdek, mehmonxonalarda sun'iy intellekt asosida ishlovchi chatbotlar yordamida mijozlarga avtomatik ravishda e'tiborli xizmat ko'rsatish imkoniyati yaratilgan. Misol uchun, mijoz mehmonxonaga kelishidan oldin unga avtomatik xat yuboriladi: kutib olish, taklif etilayotgan xizmatlar, transport, yaqin atrofdagi diqqatga sazovor joylar va mehmonxona qoidalari haqida. Mehmonxonaga joylashgandan so'ng esa chatbot foydalanuvchi ehtiyojlariga qarab xizmatlarni taklif qiladi: masalan, ertalabki nonushta uchun buyurtma berish, xona tozaligi haqida xabar berish, qo'shimcha qulayliklar so'rash kabi. Yana bir jihat — chatbotlar mehmonxona ma'muriyatiga xizmat

ko'rsatish sifati, mijozlarning xatti-harakati va qoniqish darajasi haqidagi tahliliy ma'lumotlarni yig'ish imkonini beradi. Ushbu ma'lumotlar asosida xizmatlar sifati oshiriladi, strategik qarorlar qabul qilinadi va marketing faoliyati takomillashtiriladi. Shu tarzda chatbotlarning mehmonxona sohasidagi amaliyoti ularning faqat texnologik emas, balki iqtisodiy, sotsiologik va menejment jihatdan ham muhim ahamiyatga ega ekanligini ko'rsatadi.

ASOSIY QISM

Mehmonxona xizmatlaridagi chatbotlar samaradorligi ortidan, turistik agentliklar va yakka sayohatchilar uchun mo'ljallangan chatbotlar ham keng qo'llanila boshladi. Turistik agentliklar uchun chatbotlar mijozlar bilan aloqa jarayonini avtomatlashtirish, xizmatlar assortimenti haqida tezkor va aniqlashtirilgan ma'lumot berish, marshrutlar bo'yicha tavsiyalar tayyorlash, viza va transport bo'yicha ma'lumotlarni yetkazish kabi ko'plab funksiyalarni bajaradi. Ayniqsa onlayn turistik xizmatlar platformalari — TripAdvisor, Expedia, Kayak, Airbnb — o'zining foydalanuvchilari bilan ilk muloqotni aynan chatbotlar orqali amalga oshirmoqda. Ushbu chatbotlar turistik yo'nalishlar bo'yicha individual takliflar tayyorlash, ob-havo ma'lumotlari, valyuta kurslari, madaniy tadbirlar haqida real vaqt rejimida axborot yetkazish, xavfsizlik choralari tushuntirish, shuningdek, foydalanuvchi oldingi sayohatlari asosida yangi takliflar berish imkoniga ega. Sun'iy intellekt bilan jihozlangan bunday chatbotlar foydalanuvchining tilini aniqlash, uslubini tahlil qilish, savollarni kontekst asosida tushunish va shaxsiylashtirilgan javoblar berishga qodirdir. Sayyohlar uchun chatbotlar esa sayohat jarayonining deyarli barcha bosqichlarida foydali bo'ladi.

Turizm sohasida sun'iy intellekt va chatbot texnologiyalarining keng ko'lamda joriy etilishi nafaqat xizmat ko'rsatish sifati va tezligini oshirish, balki iqtisodiy samaradorlikni sezilarli darajada yaxshilash imkonini beradi. Bu texnologiyalar korxonalar faoliyatida inson resurslariga bo'lgan ehtiyojni kamaytirish, operatsion xarajatlarni qisqartirish, xizmatlarning standartlashuvi va avtomatlashtirilishini ta'minlash orqali umumiy xarajatlarni tuzilmasini optimallashtiradi. Avvalo,

chatbotlar inson xodimlari tomonidan bajariladigan bir qator takroriy va oddiy vazifalarni o'z zimmasiga oladi. Masalan, bron qilish, so'rovlarni qayta ishlash, mijozlarga tez-tez beriladigan savollarga javob berish, xizmatlar haqida ma'lumot taqdim etish kabi jarayonlar chatbotlar orqali tez va kam xatolik bilan amalga oshiriladi. Natijada kompaniyalar qo'shimcha xodim yollash zaruratisiz mijozlar oqimini samarali boshqarishi mumkin. Bu esa ish haqi fondining qisqarishiga, ishchi kuchi aylanishining kamayishiga va xodimlar bilan bog'liq boshqa xarajatlarning kamayishiga olib keladi. Ikkinchidan, sun'iy intellekt algoritmlari orqali mijozlar xatti-harakatlarini tahlil qilish, ularning afzalliklari asosida personalizatsiyalangan xizmatlar taklif qilish, dinamik narxlash strategiyalarini ishlab chiqish va sotuvni optimallashtirish mumkin. Bu texnologiyalar kompaniyalarga o'z xizmatlarini bozordagi talab va mijoz ehtiyojlariga maksimal darajada moslashtirish imkonini beradi. Misol uchun, mehmonxonalar mavsumiy talabdan kelib chiqib narxlarni avtomatik tarzda sozlashi, yoki turistik agentliklar foydalanuvchi profiliga qarab individual safar paketlarini ishlab chiqishi mumkin. Bu esa nafaqat mijoz qoniqishini oshiradi, balki kompaniya daromadlarining o'sishiga ham xizmat qiladi. Uchinchidan, chatbotlar real vaqt rejimida ma'lumot yig'ish, tahlil qilish va hisobotlar tayyorlash imkonini yaratadi. Bu ma'lumotlar asosida boshqaruv qarorlarini tezkor va asosli qabul qilish mumkin bo'ladi. Xizmatlar ko'rsatish sifatini monitoring qilish, mijozlarning qoniqish darajasini baholash, xizmatdagi muammoli nuqtalarni aniqlash va ularni bartaraf etish imkoniyati ham sezilarli darajada ortadi. Bunday yondashuv korxonaning ichki jarayonlarini optimallashtirib, raqobatbardoshlikni oshiradi. Dasturiy ta'minot bir marta ishlab chiqilgach, u yillar davomida xizmat ko'rsatishi mumkin, uni yangilash va texnik xizmat ko'rsatish xarajatlari esa ancha past bo'ladi. Bu holat chatbotlar va sun'iy intellektning iqtisodiy jihatdan samarali vosita ekanligini yana bir bor isbotlaydi. Umuman olganda, sun'iy intellekt va chatbotlar integratsiyasi turizm sohasidagi korxonalar uchun uzoq muddatli iqtisodiy barqarorlik, resurslardan oqilona foydalanish va yuqori rentabellikni ta'minlovchi muhim omil sifatida qaralmoqda.

Zamonaviy marketing strategiyalarida sun'iy intellekt va chatbotlar mijozlar bilan interaktiv

aloqalarni mustahkamlash, individual takliflar taqdim etish va raqamli reklama samaradorligini oshirishda muhim vositaga aylangan. Ayniqsa turizm sohasida bu texnologiyalar an'anaviy marketing yondashuvlariga nisbatan yuqori darajada shaxsiylashtirilgan, dinamik va foydalanuvchi markazli yondashuvlarni ta'minlamoqda. Chatbotlar orqali real vaqt rejimida maxsus chegirmalar, yangi yo'nalishlar yoki mavsumiy aksiyalar haqida mijozlarga xabarnomalar yuborish, ularning so'nggi qidiruvlariga asoslangan tavsiyalar berish marketing kompaniyalarining konversiya ko'rsatkichini sezilarli darajada oshiradi. Sun'iy intellekt esa katta hajmdagi mijozlar ma'lumotlarini tahlil qilish, segmentatsiya qilish, foydalanuvchi xatti-harakatlaridan kelib chiqib xulosa chiqarish va shunga mos marketing strategiyalarini ishlab chiqishga xizmat qiladi. Masalan, AI algoritmlari foydalanuvchining sayohat tarixi, qiziqishlari, byudjeti va boshqa parametrlari asosida unga moslashtirilgan xizmat paketlarini taklif qiladi. Bu esa foydalanuvchi tajribasini yaxshilabgina qolmay, sodiq mijozlar bazasini shakllantirishga ham hissa qo'shadi. Sun'iy intellekt va chatbotlar faoliyati kengaygani sari, ularga ishonilayotgan shaxsiy ma'lumotlar hajmi ham ortib bormoqda. Bu esa axborot xavfsizligi, maxfiylik va etik me'yorlar bilan bog'liq muhim muammolarni yuzaga keltirmoqda. Ayniqsa turizm sohasida foydalanuvchilar pasport ma'lumotlari, to'lov kartalari, marshrutlari, sog'ligi va boshqa nozik axborotlarni chatbotlar orqali taqdim etayotgani uchun bu ma'lumotlarning himoyalanganligi ustuvor ahamiyat kasb etadi. AI tizimlari orqali to'plangan ma'lumotlar noto'g'ri ishlatilgan taqdirda, shaxsiy hayot daxlsizligiga tahdid tug'dirishi, diskriminatsiya va noto'g'ri algoritmik qarorlar qabul qilinishiga olib kelishi mumkin. Shu sababli, AI va chatbotlardan foydalanishda axloqiy me'yorlar, xalqaro standartlar, GDPR kabi ma'lumotlarni himoya qilish qonun-qoidalari, foydalanuvchilarning roziligi va ochiqlik tamoyillariga qat'iy amal qilish lozim. Kognitiv chatbotlar — bu oddiy chatbotlardan farqli ravishda, foydalanuvchi bilan chuqur, kontekstga asoslangan va doimiy o'rganish asosidagi muloqotni amalga oshira oladigan ilg'or tizimlardir. Bunday chatbotlar tabiiy tilni chuqur tahlil qilish, turli muloqot ssenariylarini o'zlashtirish va foydalanuvchi

kayfiyati yoki nutq uslubiga moslashish kabi murakkab funksiyalarni bajarishga qodir. IBM Watson, Google Bard, yoki GPT-4 kabi tizimlar shu turdagi AI texnologiyalari sirasiga kiradi. Turizm sohasida kognitiv chatbotlar mijoz bilan muloqotni shunchaki javob berish emas, balki maslahatchi darajasida olib boradi. Masalan, sayohatga chiqmoqchi bo'lgan foydalanuvchi bilan chatbot qiziqishlar, byudjet, sog'lik holati, xavfsizlik va ekologik afzalliklar haqida muloqot qilgan holda individual yo'nalish, transport vositasi, mehmonxona va hatto kunlik rejani ishlab chiqishi mumkin. Kelajakda bunday chatbotlar ovozi interfeyslar, virtual reallik va hatto robotlashtirilgan jismoniy vositalar bilan integratsiyalashib, sayohatni to'liq boshqaruvchi aqlli tizimlarga aylanadi.

XULOSA

Turizm sohasida sun'iy intellekt va chatbot texnologiyalarining jadal rivojlanishi, ushbu sohaning an'anaviy xizmat ko'rsatish modelidan raqamli transformatsiyalashuv bosqichiga o'tganini anglatadi. Chatbotlar mijozlar bilan muloqotni avtomatlashtirish, xizmatlar sifati va tezligini oshirish, xarajatlarni kamaytirish, shaxsiylashtirilgan marketing strategiyalarini amalga oshirish hamda foydalanuvchi tajribasini yaxshilashda samarali vosita sifatida namoyon bo'lmoqda. Sun'iy intellekt esa katta hajmdagi ma'lumotlarni tahlil qilish, foydalanuvchi ehtiyojlarini chuqur anglash va bashoratli tahlillar orqali xizmatlarni optimallashtirish imkonini bermoqda. O'zbekiston turizm tizimida ham bu texnologiyalarning dastlabki joriy etilishi kuzatilmog'da. Raqamli xizmatlarning kengayishi, davlat va xususiy sektor tomonidan chatbotlarning amaliyotga tatbiq qilinishi turizm infratuzilmasining zamonaviylashuvini tezlashtirmoqda. Shu bilan birga, axborot xavfsizligi, malakali kadrlar yetishmovchiligi va texnik tayyorgarlik darajasi singari muammolar mavjud bo'lib, ular hal qilinishi zarur. Kelajakda kognitiv chatbotlar, ovozi interfeyslar, ko'p tilli muloqot tizimlari va shaxsiylashtirilgan sun'iy intellekt yechimlarining kengayishi turizm sohasining yanada raqamli, interaktiv va moslashuvchan shaklga o'tishini ta'minlaydi. Shu asosda aytish mumkinki, sun'iy

intellekt va chatbotlar nafaqat turistik xizmatlar sifatini oshiradi, balki mamlakat turizm salohiyatini jahon miqyosida raqobatbardosh qilishda ham shubhasiz muhim strategik rol o'ynaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O'zbekistonning rasmiy turizm portali. <https://uzbekistan.travel>
2. O'zbekiston Respublikasi Turizm qo'mitasi. <https://uzbektourism.uz>
3. Karimov A.K. Turizm sohasida raqamli transformatsiya jarayonlari. Toshkent: Iqtisodiyot nashriyoti. 2022.
4. Abdurahmonov Q.X., Tursunova, G.B. Sun'iy intellekt: nazariya va amaliyot. Toshkent: Innovatsiya. 2021
5. Smith M., Anderson, J. Artificial Intelligence and Tourism: Trends, Strategies and Challenges. Springer Nature. 2020.
6. Buhalis D. & Amaranggana, A. Smart Tourism Destinations. Information and Communication Technologies in Tourism 2015, -B. 553–564. https://doi.org/10.1007/978-3-319-14343-9_40
7. Ivanov S. & Webster C. Adoption of robots and service automation by tourism and hospitality companies. Revista Turismo & Desenvolvimento, 2017, p. 1501–151.
8. 9.Morosan C., & Bowen J.T. Biometric solutions for enhancing hotel guest experience: A framework for research and practice. International Journal of Contemporary Hospitality Management, 2019. 31(5), p.2021–2040.
9. 10.Khodjaeva Mavluda Sabirovna, Azamat Bozorov, and Alimjon Dadamuxamedov, "Mobile Apps in Uzbekistan Make a Significant Contribution to the Development of Tourism", IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. Special Issue, p. 13, Oct. 2020.
10. 11.Gursoy D., Chi C.G., Lu L., & Nunkoo R. Consumers acceptance of artificially intelligent (AI) device use in service delivery. International Journal of Information Management, 2019. № 49, p.157–169.
11. 12. Gretzel U., Sigala, M., Xiang Z., & Koo, C. Smart tourism: foundations and developments. ElectronicMarkets, 2015. 25(3), p. 179–188.
12. 13. Law R., Buhalis, D., & Cobanoglu C. Progress on information and communication technologies in hospitality and tourism. International Journal of Contemporary Hospitality Management, 2014. 26(5), p.727–750.
13. 14. Xu H., & Wang, Y. Conversational agents in tourism: A systematic review. Tourism Management Perspectives, 2021.
14. 15. Tussyadiah I.P., & Park, S. Consumer evaluation of hotel service robots. International Journal of Contemporary Hospitality Management. 2018. 30(9), p.2902–2920.
15. 16. Belanche D., Casaló, L.V., & Flavián, C. Frontline robots in tourism and hospitality: Service enhancement or cost-cutting strategy? Tourism Management. 2021, <https://www.statista.com>
16. <https://www.oracle.com/industries/hospitality>
17. <https://www.unwto.org>

ТУХЛИЕВ Нурислом,

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор, академик

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ- МАДАНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ ОБЪЕКТОВ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ В РАЗВИТИИ ИСТОРИКО- КУЛЬТУРНОГО ТУРИЗМА

THE IMPORTANCE OF CULTURAL HERITAGE SITES IN THE DEVELOPMENT OF HISTORICAL AND CULTURAL TOURISM

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда мавжуд маданий мерос объектларининг умумий туризмнинг муҳим йзналиши ҳисобланадиган тарихий-маданий туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти, унинг таркиби ҳақида сўз боради. Тарихий-маданий туризмни ривожлантириш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, чора-тадбирлар, бу йўналишнинг зиёрат ва гастрономик туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти ёритилган. Шунингдек, маданий мерос объектларини таснифлаш, муҳофаза, реконструкция қилиш ва бу борада Хитой тажрибасига тўхталиб ўтилган.

Таянч атамалар: Маданий мерос, UNWTO, дестинация, цивилизация, ЮНЕСКО, гид, инфраструктура, имидж, глобал, миллий, объект.

Аннотация. В статье рассматривается значение и состав объектов культурного наследия Узбекистана в развитии историко-культурного туризма, являющегося важным аспектом общего туризма. Освещены работы и мероприятия, проводимые в нашей стране по развитию историко-культурного туризма, а также значение этого направления в развитии паломнического и гастрономического туризма. Также были затронуты вопросы классификации, охраны, реконструкции объектов культурного наследия и китайский опыт в этом направлении.

Ключевые слова: Культурное наследие, UNWTO, дестинация, цивилизация, ЮНЕСКО,

гид, инфраструктура, имидж, глобальный, национальный, объект.

Annotation. The article discusses the importance of cultural heritage sites in Uzbekistan in the development of historical and cultural tourism, which is an important aspect of general tourism, and its composition. The work and measures carried out in our country to develop historical and cultural tourism are discussed, as well as the importance of this direction in the development of pilgrimage and gastronomic tourism. The classification, protection, reconstruction of cultural heritage sites and the experience of China in this regard are also discussed.

Keywords: Cultural heritage, UNWTO, destination, civilization, UNESCO, guide, infrastructure, image, global, national, object.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг маданий мерос объектларининг кўлами ва уларнинг тарихий-маданий туризмни ривожлантиришдаги ўрни катта. Замоनावий дунёда маданий мерос туризмни ривожлантиришда, айниқса, тарихий-маданий туризм соҳасида асосий ўрин тутди. Маданий мерос объектлари нафақат тарихий қадрият, балки сайёҳларни жалб қилиш, иқтисодиётни рағбатлантириш ва мамлакатнинг ижобий имиджини яратиш учун кучли воситадир. Ноёб меъморий ёдгорликлар, археологик топилмалар, анъана ва урф-одатлар туризм индустрияси учун муҳим манба бўлиб, ички ва халқаро туризмни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу мақоланинг мақсади тақдимотда маданий мерос объектларининг тарихий ва маданий туризмни ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатишдир. Маданий мерос объектларини таснифлаш ва муҳофаза қилиш, уларнинг туризм бозорига таъсири, шунингдек, туризм соҳасига интеграциялашувини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маданий мерос объектлари тушунчасига нималар киритилиши аниқлаш муҳим вазифалардандир. Илмий адабиётларда меъморий ёдгорликлар, археологик казишмалар, монументал санъат объектлари, музейлар, шунингдек, маданий анъаналар, хунармандчилик ва фольклорни ўз ичига олган моддий ва номоддий объектларни ажратиш

одатий ҳолдир. Ҳар бир мамлакатда маданий мерос объектлари унинг тарихи, маданияти ва миллий ўзига хослигининг ўзига хос кўринишидир. Туризм эса ана шу бойликни дунё миқёсида намойиш этиш, иқтисодий даромад келтириш ва миллий ўзига хосликни тарғиб қилиш воситасидир. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кура, маданий туризм глобал туризмнинг 40% дан ортигини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонга келган чет эллик сайёҳлар сони 2023 йилда 6,5 миллионни, 2024 йилда 10,3 миллионни ташкил этди, бу эса 2023 йилга нисбатан 55,2% кўпдир.

Яна бир муҳим вазифа – маданий мерос объектларининг туризм бозорига таъсирини таҳлил қилишдан иборат. Тарихий-маданий туризмни ривожлантириш сайёҳлар оқимини кўпайтиришга ёрдам беради, меҳмонхона ва ресторан бизнеси, транспорт инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантиради. Бой тарихий ўтмишга эга мамлакатларда маданий диққатга сазовор жойлар минтақаларнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшадиган асосий туристик диққатга сазовор жойларга айланмоқда.

Улкан маданий-тарихий салоҳиятга эга мамлакатлардан бири Ўзбекистондир. Ўзбекистон Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Туркия каби цивилизация бешикларидан қолишмайдиган тарих, маданий ва тарихий меросга эга. Бу эса тарихий-маданий туризмни ривожлантириш учун қулай шарт ва имконият яратади.

Эътиборлиси, Ўзбекистонда давлат дастурлари ва халқаро ҳамкорлик доирасида ўз маданий ёдгорликларини асраб-авайлаш ва оммалаштириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Масалан, 2024 йил май ойида бу ерда Германия сайёҳлик ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро Дестинация форуми бўлиб ўтди. Мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон маданий меросини жаҳон туризм бозорида кенг тарғиб қилиш, хорижий сайёҳлар ва инвесторларни жалб этиш, туризмга замонавий технологияларни жорий этиш масалалари кўриб чиқилди. 2023 йилда Ўзбекистон 15 та йирик халқаро туристик

компания билан ҳамкорлик шартномаларини имзолади.

Маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистонда 8208 та обидани ўз ичига олган кўчмас моддий мероснинг миллий реестри юритилмоқда. Улар орасида 4748 та археологик ёдгорликлар, 2250 та меъморий обидалар, 678 та монументал санъат объектлари ва 532 та табиий диққатга сазовор жойлар мавжуд. Улардан 209 таси ЮНЕСКОнинг Бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Ушбу рўйхат доимий равишда янгиланиб борилмоқда. Бу эса маданий мероснинг мамлакат ривожини учун аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, маданий мерос нафақат иқтисодиётга, балки мамлакатнинг халқаро имиджига ҳам таъсир кўрсатувчи туризм индустриясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Тарихий-маданий туризмни ривожлантириш ёдгорликларни асраб-авайлаш ва реставрация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, гидлар ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш каби комплекс ёндашувни талаб этади.

Жаҳон тажрибаси мисолида курсак, Хитойнинг Буюк Хитой девори мамлакатнинг бой тарихи ва меъморчилик маҳоратининг бекиёс ёдгорлиги сифатида ҳар йили 10 миллиондан ортиқ сайёҳни жалб қилади. Айниқса, Бадалинг қисми жуда машҳур бўлиб, баъзан бир кунда 100 000 дан ортиқ ташриф буюрувчини қабул қилади. Буюк деворнинг сақланиши учун ва туризм инфратузилмасига катта сармоялар киритилган. Масалан, 2024 йил сентябрь ойида деворни таъмирлаш, нураш олдини олиш чораларини қўллаш, тадқиқот асосида реставрация ишлари олиб бориш ҳамда маданий ва туристик ресурсларни ривожлантириш учун 100 миллион юан микдорида маблағ ажратилди. Ушбу ташаббуслар Буюк деворни дунёнинг етакчи туристик масканларидан бирига айлантириш билан бирга, унинг тарихий аҳамиятини сақлаб қолишга қаратилган Хитойнинг жиддий ёндашувини ифодалайди.

Маданий мерос объектларининг мавжудлиги минтақанинг туристик жозибадорлигини сезиларли даражада

оширади. Ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар минтақани таникли ва саёҳатчилар орасида талабга эга қилади, бу айниқса кучли рақобатбардош глобал туризм бозорида муҳим аҳамиятга эга. Тарихий-маданий туризмни ривожлантириш иқтисодиётга катта таъсир кўрсатиб, иш ўринлари ташкил этиш, инвестицион жозибadorликни ошириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон туризмни ривожлантириш индекси бўйича 78-ўринни эгалламоқда. Қўшни мамлакатлар орасида Қозоғистондан кейин, Тожикистон ва Қирғизистондан олдинги ўринда турамыз. Бу чегара эмас, албатта.

Ўзбекистон ўзининг бой маданий меросидан сайёҳларни жалб этишда фаол фойдаланиш керак. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Термиз, Шаҳрисабз, Марғилон, Қўқон каби шаҳарларда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган ноёб меъморий ёдгорликлар мавжуд. Қадимий мадрасалар, масжидлар, мақбаралар ва карвонсаройлар тарих ихлосмандларини ҳам, шарқ маданияти мухлисларини ҳам ўзига тортади.

Хусусан, Самарқанд – Буюк Ипак йўлининг юраги, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуаси, Улугбек расадхонаси каби ёдгорликлари билан машҳур. 2022 йилда Самарқандга 2,1 миллион сайёҳ ташриф буюрган. Бухоро, «Бухорои тариф» номи билан танилган, Арк қалъаси, Пойи Калон мажмуаси ва Лаби Ҳовуз каби тарихий жойлари билан диққатга сазовор. Бухоро ЮНЕСКОНИНГ Жаҳон мероси рўйхатига киритилган бўлиб, ҳар йили тахминан 1,5 миллион сайёҳни жалб қилади (ЮНЕСКО, 2023). Хива, “Очиқ осмон остидаги музей”, Ичан-Қалъа мажмуаси ЮНЕСКО рўйхатига киритилган бўлиб, 2023 йилда бу ерга 800 минг сайёҳ ташриф буюрди. Шаҳрисабз, Амир Темурнинг ватани бўлиб, унинг улугвор меъморий мероси сайёҳларни ўзига жалб қилади. Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу ҳудудни ривожлантириш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.

Ҳудуднинг туристик жозибadorлигини ошириш учун нафақат тарихий обидаларнинг мавжудлиги, балки сайёҳлар учун қулай шарт-шароит яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Меҳмонхона инфратузилмасини, транспорт

тармоқларини ривожлантириш, интерактив музей майдонлари ва рақамли технологияларни яратиш (масалан, виртуал экскурсиялар ва ёдгорликларни 3D реконструкция қилиш) маданий мерос объектларига боришни янада қулай ва маърифий қилади.

Маданий мероснинг туристик ресурс сифатида машҳурлиги туристлар оқимининг кўпайишига олиб келади, бу эса меҳмонхона бизнеси, ресторан сектори, транспорт ва бошқа тегишли тармоқларнинг ривожланишини рағбатлантиради. Шунингдек, валюта тушумлари ошиши - Чет эл сайёҳлари орқали миллий иқтисодиётга кўпроқ хорижий валюта кириб келади. 2023 йилда Ўзбекистон туризм соҳасидан 1,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида тушум олди.

Бундан ташқари, маданий ёдгорликларни реставрация қилиш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш шаҳар атроф-муҳитини яхшилаш, янги йўллар, аэропортлар, вокзаллар қуришни тақозо этади, бу ҳам маҳаллий аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. Самарқанд халқаро аэропорти орқали келган сайёҳлар сони 2023 йилда 30% га ошганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Тарихий-маданий туризмнинг ривожланиши турли соҳаларда - меҳмонхона ва ресторан бизнесидан тортиб, хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экскурсия хизматларигача иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда. Экскурсия гидлари, музей ходимлари, хунармандлар, эсдалик совғалари сотувчилари, таржимонлар ва озиқ-овқат хизмати ходимлари сайёҳликнинг ўсиши туфайли янги иш имкониятларини кўрмоқда. Хусусан, 2023 йилда Бухоро ва Хивада хунармандчилик маҳсулотлари экспорта 20%га ошган.

Шунингдек, маданий мерос объектлари, айниқса, меҳмонхона бизнесини ривожлантириш, сайёҳлик мажмуаларини барпо этиш ва янги туристик йўналишларни яратиш шароитида инвесторлар учун жозибador бўлиб бормоқда. Туризмни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари, субсидиялар ва инвесторлар учун солиқ имтиёзлари саноатга капитал жалб қилишга ёрдам беради.

Тарихий-маданий туризм сайёҳлик фаолиятининг зиёрат, тадбир ва гастрономик

туризм каби бошқа соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Кўпгина маданий мерос объектлари диний аҳамиятга эга бўлиб, уларни зиёрат туризмнинг муҳим марказларига айлантиради. Ўзбекистонда Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд макбараси, Тошкентдаги Ҳазрати Имом, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Сурхондарёдаги термизийлар ва бошқа кўплаб ислом зиёратгоҳлари каби муқаддас қадамжолар бор. Бу масканлар нафақат тарих ишқибозларини, балки бутун дунёдан зиёратчиларни ҳам ўзига жалб этиб, диний туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Маданий мерос объектлари зиёрат туризмни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги 528 та зиёрат объектилари мавжуд. Уларнинг аксарияти маданий мерос объектларига киради. Кўп ҳолларда тарихий-маданий туризм ва зиёрат туризмни бир-биридан ажратиш қийин. Бу ерда бош мезон – мақсад, яъни саёҳатчи нима мақсадда ташриф буюрганлиги бўлиш керак.

Тарихий ва маданий обидалар йирик тадбирлар, фестиваллар, кўргазмалар ва конференциялар ўтказиладиган жойларга айланади, бу эса сайёҳларнинг қўшимча оқимини жалб қилади. Ўзбекистонда ҳар йили Самарқандда “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, Қўқонда амалий санъат фестивали, турли тарихий реконструкциялар каби тадбирлар ўтказилади. Бундай тадбирлар маданий меросни тарғиб қилади ва унинг жаҳон туризм индустриясига интеграциялашувига хизмат қилади.

Глобал муслим туризм индексида Ўзбекистон 2023 йилда 140 мамлакат орасида зиёрат туризми бўйича 13-ўринни эгаллади. Вазифа биринчи ўнталиққа кириш бўлиши керак.

Тарихий ва маданий туризм гастрономик туризм билан чамбарчас боғлиқ, чунки анъанавий ошхона маданий мероснинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистон ўзининг пазандалик анъаналари билан машҳур. Тарихий шаҳарларга ташриф буюрган сайёҳлар маҳаллий таомлар билан ҳам танишади, пазандалик маҳорат дарсларида ва миллий таомлардан татиб кўришда иштирок этади. Гастрономик туризмнинг ривожланиши ресторан бизнесининг кенгайишига ва ноёб

туристик таклифларнинг яратилишига ёрдам беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, маданий мерос объектлари туризмни ривожлантириш, минтақанинг жозибадорлигини шакллантириш, иқтисодий манфаатлар яратиш ва туризмнинг турдош турларини ривожлантиришга кўмаклашишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Замонавий шароитда маданий мерос объектларини нафақат асраб-авайлаш, балки уларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда туризм соҳасига самарали интеграциялаш, инфратузилмани яхшилаш, сармояларни жалб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг сақланиши ва тарғиб этилиши нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки иқтисодий ўсиш ва халқаро имиджни мустаҳкамлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/uz/docs/4428097?ONDATE=14.05.2024>. Мурожаат санаси: 16.06.2025.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 05.01.2019 йилдаги ПФ-5611-сон фармони // <https://lex.uz/docs/4143188?ONDATE=24.05.2023>. Мурожаат санаси: 16.06.2025.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон фармони // <https://lex.uz/docs/6600413>. Мурожаат санаси: 16.06.2025.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисидаги 09.02.2021 йилдаги ПФ-61-65-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5315060?ONDATE=09.01.2023>. Мурожаат санаси: 16.06.2025.
5. Астанакулов О., Ғойипназаров О. “Туризм 4.0”, “Саноат 4.0” технологияларини туризм соҳасига қўллаш имкониятлари // Иқтисодиёт ва таълим. – Т.: 2023, № 3. – Б. 330-337.
6. Худаяров А. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: ООО “Complex Print”. 304 б.

ABDULLAEV Ravshan Vahidovich,
O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi
Islom iqtisodiyoti va moliyasi, ziyorat turizmi
kafedrası professori, iqtisod fanlari doktori
ravshan.v.abdullaev@gmail.com

ORIFJONOV Maxammadjon Shoodiljon o'g'li,
O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi,
1-kurs magistranti
orifjonovm52@gmail.com

YASHIL SUKUK – KORXONALAR INNOVATSION FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY YECHIMI

ЗЕЛЁНЫЙ СУКУК – СОВРЕМЕННОЕ РЕШЕНИЕ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

GREEN SUKUK – A MODERN SOLUTION FOR DEVELOPING ENTERPRISES' INNOVATIVE ACTIVITIES

Annotatsiya. Ushbu maqolada yashil sukuk korxonalarining innovatsion faoliyatini rivojlantirishning zamonaviy usuli sifatida atroflicha o'rganilgan. Xususan, maqolada innovatsiya tushunchasi, uning ta'rifi, korxonalarda hozirgi raqobat darajasi yuqori bo'lgan bozorda innovatsion faoliyatini rag'batlantirishning dolzarbligi, korxonalar innovatsion faoliyatini moliyalashtirish usullari, yashil sukuk tushunchasi, yashil sukukning hozirgi holati va yashil sukuk innovatsiyalarni rag'batlantirishning zamonaviy usuli sifatida hozirda mavjud va dolzarb bo'lgan eng so'nggi malumotlar asosida atroflicha yoritilgan.

Kalit so'zlar: innovatsiya, korxona, yashil sukuk, raqobat, raqobatbardoshlik, innovatsion faoliyat, sukuk, islomiy moliyalashtirish.

Аннотация. В данной статье зелёные сукук всесторонне рассматриваются как современный способ развития инновационной деятельности предприятий. В частности, в статье раскрыты понятие инновации, его определение, актуальность стимулирования инновационной деятельности предприятий в условиях высокой конкуренции на современном рынке, способы финансирования инновационной деятельности предприятий, понятие

зелёных сукуков, текущее состояние зелёных сукуков, а также их значение как современного механизма стимулирования инноваций на основе последних и актуальных данных.

Ключевые слова: инновация, предприятие, зелёные сукуки, конкуренция, конкурентоспособность, инновационная деятельность, сукук, исламское финансирование.

Annotation. This article provides a comprehensive study of green sukuk as a modern method for developing the innovative activities of enterprises. In particular, the article explores the concept of innovation, its definition, the relevance of promoting innovative activity in enterprises operating in today's highly competitive market, methods of financing innovative activities, the concept of green sukuk, the current state of green sukuk, and its role as a modern tool for encouraging innovation, based on the most recent and relevant data.

Keywords: innovation, enterprise, green sukuk, competition, competitiveness, innovative activity, sukuk, Islamic financing.

KIRISH

Bugungi kunda ishlab chiqarishning rivojlanishi fan-texnika taraqqiyotiga ta'sir etib bormoqda. Fan-texnika taraqqiyoti yutuqlaridan o'z vaqtida foydalanish har bir korxona faoliyatidagi, shuningdek iqtisodiyotni rivojlantirishdagi muhim omil ekani, mahalliy hamda xorijiy olimlar tomonidan ko'p marta ta'kidlangan. Innovatsion faoliyat bugungi kunda mamlakat iqtisodiyotining o'sishi omili sifatida raqobatbardosh tovarlar va xizmatlar yaratishning eng muhim shartlaridandir. "Innovatsiya" deganda biz, yangi texnologik jarayonlarni tatbiq etish, yangi texnik imkoniyatlarga ega, zamonaviy mashina va dastgohlarni joriy etish, yangi, ilgari talab bo'lmagan mahsulot turlarini ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish, mavjud innovatsiyalarni keng tatbiq etishni nazarda tutamiz. Innovatsion faoliyatni rivojlantirishga yurtimida ham katta e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 12-sentabrdagi PF-158-son "O'zbekiston – 2030" strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni bilan "Iqtisodiyot tarmoqlarining "drayver" yo'nalishlarida 850 turdagi innovatsion mahsulotlar ishlab chiqarish", "O'zbekistonning Global innovatsion indeksda Top-50 talik mamlakatlar ro'yxatiga kirishini ta'minlash" hamda "ichki va tashqi bozorlarda tijoratlashtirish natijasida yaratiladigan yangi innovatsion ishlanmalar

sonini 2 baravarga oshirish” ustuvor vazifalar sifatida belgilab berilgan[1]. 2022-2026-yillarda O‘zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasi doirasida, strategiyani hududlar kesimida amalga oshirishning maqsadli ko‘rsatkichlari, shu jumladan, quyidagilarni nazarda tutadi:

hududdagi innovatsion markazlar sonini 494 tagacha yetkazish;

texnologik innovatsiyalar bilan shug‘ullanuvchi mahalliy sanoat korxonalari sonini 600 tagacha yetkazish;

hududlarda yaratiladigan yangi texnologiyalar sonini 384 tagacha oshirish;

hududlarda yillik ro‘yxatga olingan patentlar sonini 184 tagacha yetkazish;

xorijiy tashkilotlar bilan hamkorlikda amalga oshirilayotgan ilmiy, innovatsion va texnologik loyihalar sonini 183 tagacha oshirish;

innovatsion startaplar sonini 1 437 tagacha yetkazish[2].

Innovatsion faoliyatni rivojlantirishda uni moliyalashtirish asosiy omillardan hisoblanadi. Hozirgi kunda moliyalashtirishning turli shakllari mavjud. Ayniqsa islomiy moliyalashtirish asosidagi “Yashil sukuk” ni ta’kidlashimiz o‘rinlidir. Bunday moliyalashtirishga hozirda talab kundan kunga ortib bormoqda, buning asosiy sabablari qilib uning adolatli tamoyillari va keltirayotgan samaralarini aytishimiz mumkin.

ASOSIY QISM

Innovatsion faoliyatni moliyalashtirish ko‘plab firmalar uchun muhim muammo hisoblanadi. Innovatsiyalarga investitsiyalarni kamaytiradigan moliyaviy cheklovlar uzoq muddatli iqtisodiy o‘sishga to‘sqinlik qilganligi sababli, korxonalar o‘zlarining innovatsion faoliyatini moliyalashtirish uchun foydalanishi mumkin bo‘lgan moliyalashtirishning turli manbalarini, shuningdek, innovatsion biznesni moliyalashtirish uchun ishlab chiqishlari mumkin bo‘lgan aralashuvlarni tushunishlari kerak. Innovatsion faoliyatni moliyalashtirish boshqa investitsiya turlariga qaraganda bir necha sabablarga ko‘ra qiyinroqdir. Korxonalar innovatsiyalarni moliyalashtirishda ichki vositalariga quyidagi bir qancha vositalardan foydalanishi mumkin:

– o‘z faoliyatidan olgan foydasining bir qismi innovatsion loyihalarni moliyalashtirishga yo‘naltirilishi orqali;

– asosiy vositalarning eskirishi hisobiga ajratilgan mablag‘lar yangi texnologiyalarni joriy etishga yoki mavjudlarini modernizatsiya qilishga ishlatilishi orqali;

– korxonaning boshqa aktivlarini sotish yoki optimallashtirish natijasida olingan mablag‘lar ham innovatsiyalarni moliyalashtirishga yo‘naltirilishi orqali;

– innovatsion loyihalarini amalga oshirish uchun tijorat banklaridan kredit olishlari orqali;

– aksiyalar chiqarib mablag‘lar jalb qilish orqali.

“Yashil sukuk” - islom moliyasi tamoyillariga mos keladigan va atrof-muhitga ijobiy ta’sir ko‘rsatadigan loyihalarni moliyalashtirish uchun ishlatiladigan sukukning bir turini anglatadi. Boshqacha qilib aytganda, bu islomiy “yashil obligatsiyalar” dir.

Yashil sukukning asosiy xususiyatlari uning shariatga muvofiqligi, ya’ni ular foiz (riba)ni taqiqlash kabi islom moliyasi qoidalariga rioya qiladi. Investorlarga daromad loyihaning foydasini bo‘lishish, ijara shartnomalari yoki aktivlarga bog‘langan boshqa shariatga mos tuzilmalar orqali to‘lanadi. Ekologik yo‘naltirilganligi, ushbu sukuklardan tushgan mablag‘lar faqat atrof-muhitga foyda keltiradigan loyihalarni moliyalashtirishga yo‘naltiriladi. Yashil sukuk orqali moliyalashtirilishi mumkin bo‘lgan loyihalar misollari qilib quyidagilarni keltirishimiz mumkin: qayta tiklanadigan energiya loyihalari (quyosh, shamol, gidroenergetika), energiya samaradorligini oshirish tashabbuslari, yashil binolar, barqaror suv va chiqindi boshqaruvi, barqaror qishloq xo‘jaligi.

Yashil sukukning quyidagi afzalliklarini keltirishimiz mumkin. Barqaror rivojlanishni qo‘llab-quvvatlash, ular islom kapitalini ekologik jihatdan mas’uliyatli loyihalarga yo‘naltirish orqali barqaror rivojlanishga hissa qo‘shadi. Investorlar uchun yangi imkoniyatlar, ular shariatga rioya qilgan holda ekologik toza investitsiyalarga qiziqqan investorlar uchun imkoniyat yaratadi. Obro‘ va shaffoflikni oshirish, Yashil sukuk chiqarish kompaniyalarning ekologik mas’uliyatga sodiqligini ko‘rsatadi va shaffoflikni oshirishi mumkin. Global miqyosda o‘sib borayotgan bozor, Garchi hozircha umumiy sukuk va yashil obligatsiya bozorlarining kichik bir qismini tashkil etsa ham,

yashil sukuk bozori islom moliyasi markazlarida va undan tashqarida barqaror moliyalashtirishga e'tibor kuchayishi bilan o'smoqda. Malayziya va Indoneziya kabi davlatlar suveren yashil sukuklarni chiqarishda yetakchi bo'lib kelmoqda. O'zbekistonda ham "yashil sukuk"ni joriy etish imkoniyatlari muhokama qilinmoqda va bu borada BMTTD kabi tashkilotlar ko'mak bermoqda.


Islom moliyaviy xizmatlari sanoati rivojlanib bormoqda va so'nggi yillarda bir nechta yangi yurisdiksiyalar va ko'plab korporativ va kichik va o'rta korxonalar sohaga ichki yoki xalqaro sukuk chiqarish orqali kirib kelgan. Bundan tashqari, Sukuk o'ziga jalb qildibir qator yangi emitentlar, ba'zi yirik emitentlar esa ikkilangan transh taklifidan (Sukuk va an'anaviy obligatsiya) foydalanadilar, shuning uchun ikkalasi ham Shariatga muvofiq va an'anaviy investorlar emissiyada ishtirok etishlari mumkin.

2023-yilda jahon sukuk emissiyasi tarixiy yuqori ko'rsatkichga yetib, 212 milliard dollarni tashkil etdi. Bu ko'rsatkich 16% ni tashkil etadi. O'sish uzoqroq tenor Sukukning chiqarilishi bilan mustahkamlandi. 15 yildan 50 yilgacha, asosan Malayziya, Indoneziya va Saudiya Arabistonining suveren va kvazi-suveren subyektlari tomonidan. Sukuk bozori nisbatan konsentratsiyalangan bo'lib qolmoqda, unda 843 milliard dollarlik sukukning 90 foizdan ortig'i to'lanmagan. Malayziya, Indoneziya, Turkiya va GCC mintaqasi kabi cheklangan miqdordagi asosiy bozorlarga to'g'ri keladi. Shunga qaramay, bu asta-sekin yaxshilanmoqda, chunki Pokiston, Bangladesh, Misr, Nigeriya va boshqa mamlakatlar kabi yangi yurisdiksiyalar paydo bo'lmoqda. Afrikada Sukuk bozoriga tobora ko'proq jalb qilinmoqda. Bundan tashqari, yangi bozorlar qo'shilmoqda - Misr va Filippin birinchi marta suveren xalqaro sukukni chiqardi.[5]

Quyidagi 1A (i) grafikda ko'rsatilganidek, 2023-yilda qisqa muddatli sukuk emissiyasi hajmi 72,7 milliard AQSH dollarini tashkil etdi. 2022-yilga nisbatan emissiya 62,7 milliard AQSH dollarini tashkil etdi, bu foizda ikki xonali o'sishni anglatadi. 15,99% sh.b. Shuni ham ta'kidlash kerakki, uzoq muddatli emissiyada ham yillik 16,08% ga o'sish qayd etildi. 2023-yilda emissiya hajmi 139,3 milliard dollarni tashkil etdi, 2022-yilga nisbatan emissiya hajmi 120,0 milliard dollarni tashkil etdi.

2023-yilda xalqaro sukuk emissiyalari jami 52,7 milliard AQSh dollarini tashkil etdi, bu 2022-yildagi 35,7 milliard AQSh dollariga nisbatan 17 milliard AQSh dollariga yoki 47,61 foizga o'sishni anglatadi. 2023-yil davomida emissiya hajmi uzoq muddatli sukuk emissiyalari bilan bir qatorda qisqa muddatli sukuk emissiyalarida ham o'sishni qayd etdi. Bu sukuk o'zining jozibadorligini va o'sish tendentsiyasini saqlab qolishining aniq belgisidir.


Chart 1A: Total Global Sukuk Issuances - All Tenors, All Currencies, in USD Billion



Total Global Sukuk Issuance USD 2.00 Trillion (JAN 2001 - DEC 2023)
Source: IIFM Sukuk database

1-rasm. Umumiy sukuk emissiyasi. Manba: IIFM (international Islamic financial markert) sukuk report

Chart 1B: Total International Sukuk Issuances - All Tenors, All Currencies, in USD Billion




Total International Sukuk Issuance USD 470.16 Billion (JAN 2001 - DEC 2023)
Source: IIFM Sukuk database

2-rasm. Umumiy halqaro sukuk emissiyasi. Manba: IIFM (international Islamic financial markert) sukuk report

Yashil sukuk – bu nafaqat shariat qoidalariga mos keladigan, balki mablag'larni ekologik jihatdan mas'uliyatli loyihalarga yo'naltiradigan innovatsion moliyaviy vositadir. Bu esa yanada yashil va barqaror kelajakka qarab qo'yilgan muhim qadamdir. 2017-yilda Malayziyaning Tadau Energy kompaniyasi tomonidan ilk bor chiqarilishi va 2018-yilda Indoneziyaning suveren benchmark

sukuk debyutidan buyon yashil sukuk mashhurlikka erishdi. 2023-yilda 13,4 milliard AQSH dollari miqdorida barqaror sukuk chiqarildi, bu 2022-yildagi 9,4 milliard AQSH dollariga nisbatan sezilarli o'sishni ko'rsatadi. COP28 konferensiyasi oldidan Birlashgan Arab Amirliklari emitentlari tomonidan energiya o'tishiga e'tibor qaratgan holda rekord darajadagi 3,9 milliard AQSH dollari jalb qilindi. Ushbu emissiyalardan tushgan mablag'lar mintaqadagi barqaror infratuzilma loyihalarini moliyalashtirishga yo'naltiriladi. So'nggi COP konferensiyalari, xususan COP27 va COP28, islom moliyasi sanoatiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi, yangi yutuqlarga yo'l ochdi va barqaror moliyalashtirish yechimlariga bo'lgan dolzarb ehtiyojni ta'kidladi.




3-rasm. Yashil sukuk emissiyasi.

Manba: IIFM (international Islamic financial markert) sukuk report, LSEG Workspace

2022-yildan buyon kuzatilayotgan makroiqtisodiy qiyinchiliklarga qaramay, yashil va barqaror sukuk emissiyasi o'zining kuchli o'sish sur'atini saqlab qoldi. Bu 2017-yilda bozor tashkil etilganidan buyon yillik emissiyaning ketma-ket yettinchi rekord ko'rsatkichidir. 2023-yilda yashil va barqaror sukukning umumiy emissiyasi 13,4 milliard AQSH dollariga yetdi, bu 2022-yildagi 9,4 milliard AQSH dollarining yillik ko'rsatkichidan oshib ketdi. 2023-yil oxiriga kelib, yashil va barqaror sukuk umumiy yashil va barqaror obligatsiyalar emissiyasining 1,6 foizini va umumiy sukuk emissiyasining 6,2 foizini tashkil etdi.


So'nggi yillarda sukuk bozori uchun foydali bo'lgan tendensiya atrof-muhit, ijtimoiy va boshqaruv (ESG) bilan bog'liq yo'nalishlarda chiqarilgan sukukka bo'lgan qiziqishning ortishidir. Quyidagi gistogrammada yashil sukuklar bo'yicha eng yetakchi davlatlarni ko'rish mumkin. Ushbu davrga kelib, 2023-yilning birinchi

to'qqiz oyi davomida chiqarilgan ESG sukukning eng katta ulushi banklar hissasiga to'g'ri kelgan, bu umumiy emissiyaning 27% ini tashkil etdi. Ularning aksariyati Saudiya Arabistoni va BAAda joylashgan.



4-rasm. Yashil sukukning mamlakatlar bo'yicha jami emissiyasi.

Manba: IIFM (international Islamic financial markert) sukuk report



5-rasm. Yashil sukuk emissiyasi.

Manba: IIFM (international Islamic financial markert) sukuk report, LSEG Workspace

Bundan tashqari, mintaqadagi bir qator suveren emitentlar, jumladan Sharja hukumati ham energiya o'tish kun tartibiga kuchli e'tibor qaratilayotgan bir paytda yashil va barqaror moliyalashtirish tizimlarini joriy qila boshladi. Ushbu tendensiyaning davomi sifatida Ummon va Saudiya Arabistoni hukumatlari o'zlarining barqaror va yashil moliyalashtirish tizimlarini e'lon qildilar. Bu esa ularning davlat moliya vositalari qatoriga yashil va barqaror obligatsiyalar hamda sukukni kiritish uchun zamin yaratdi.

XULOSA

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki innovatsion faoliyatlarni moliyalashtirishda, an'anaviy

moliyalashtirish vositalariga muqobil raviishda, bugunga kelib “Yashil” sukuk keng qo‘llaniluvchi vositalardan biriga aylanib bormoqda. Va buni yurtimizda joriy qilish borasida ko‘plab ishlar amalga oshirib borilmoqda.

Yashil sukuk – korxonalarning innovatsion faoliyatini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadigan zamonaviy moliyaviy vositadir. Ular nafaqat islom moliyasi tamoyillariga mos keladi, balki ekologik toza va barqaror loyihalarni moliyalashtirish orqali korxonalarning innovatsion rivojlanishiga yangi imkoniyatlar yaratadi.

Yashil sukuklar korxonalarga qayta tiklanadigan energiya, energiya samaradorligi, barqaror transport va boshqa “yashil” texnologiyalarni joriy etish uchun zarur bo‘lgan mablag‘larni jalb qilish imkonini beradi. Bu esa, o‘z navbatida, ularning operatsion xarajatlarini kamaytirishga, resurslardan foydalanish samaradorligini oshirishga va yangi, ekologik toza mahsulot hamda xizmatlarni ishlab chiqishga turtki beradi. Bundan tashqari, yashil sukuklarni chiqarish korxonalarning obro‘cini oshiradi, investorlar va iste‘molchilarning ekologik mas‘uliyatga bo‘lgan talablariga javob berishga yordam beradi. Bu esa, ularning bozor pozitsiyasini mustahkamlaydi va raqobatbardoshligini oshiradi.

Yashil sukuklar korxonalar uchun innovatsion faoliyatni rivojlantirish, barqarorlikka erishish va yangi bozor imkoniyatlarini yaratishda strategik ahamiyatga ega bo‘lgan moliyaviy instrument hisoblanadi.

Hozirgi kunda O‘zbekistonda ham ekologiya, insonlar sog‘lig‘ini asrashga qaratilgan ulkan ishlar olib borilmoqda. Jumladan, joriy yilda Toshkentda Istiqbolli loyihalar milliy agentligi, Islom taraqqiyot banki, BMTTD hamda Istanbul Xususiy sektorni rivojlantirish xalqaro markazi (ICPSD) hamkorligida tashkil etilgan O‘zbekistonda islom moliyasi va yashil sukuk bo‘yicha ikki kunlik trening tashkil etildi. Trening davomida yashil sukukni muvaffaqiyatli ishga tushirish va ishlatish uchun shart-sharoitlar yaratishga qaratilgan qator chora-tadbirlarni amalga oshirmoqda. Yashil sukukning chiqarilishi va muomalasini tartibga solish bo‘yicha me‘yoriy-huquqiy bazani yaratish, ilg‘or tajriba va standartlarni o‘rganish va qo‘llash maqsadida xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikni yo‘lga qo‘yish, shuningdek, mahalliy va xalqaro sarmoyadorlarning xabardorligi va ishonchini oshirish bo‘yicha ishlar yuzasidan batafsil

ma’lumot almashindi (O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi).

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 12-sentabrdagi PF-158 son “O‘zbekiston – 2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni // <https://lex.uz/ru/docs/-6600413>

2. 2022-2026-yillarda O‘zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasi // <https://lex.uz/uz/docs/-6102462>

3. IIFM (international Islamic financial market) sukuk report // <https://iifm.net/sukuk-reports>

Sukuk bo‘yicha IIFM hisoboti. Global sukuk bozorini kompleks o‘rganish // <https://iifm.net/sukuk-reports>

5. IIFM (international Islamic financial market) sukuk report // // <https://iifm.net/sukuk-reports>

6. OECD. Financing Uzbekistan’s Green Transition: Capital Market Development and Opportunities for Green Bond Issuance. – Paris: OECD Publishing.

XUDOYAROV Anvar Aidjanovich

*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi
Islom iqtisodiyoti va moliyasi,
ziyosat turizmi kafedrasida dotsenti,
iqtisodiyot fanlari nomzodi
nvarxudoyarov111@gmail.com*

BUXORO ZIYORATGOHLARINI O'RGANISH VA ULARDAN UNUMLI FOYDALANISHNING SAMARADORLIGI

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ СВЯТЫХ МЕСТ БУХАРЫ И ИХ РЕАЛИЗАЦИЯ

EFFECTIVENESS OF STUDYING THE HOLY PLACES OF BUKHARA AND THEIR IMPLEMENTATION

Annotatsiy: Bugungi kunda ziyoratgothlar bilan bog'liq ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilishda ko'plab tegishli ilmiy tadqiqot markazlari, oliy ta'lim muassasalari tadqiqotchilari tomonidan ilmiy ishlar olib borilib amaliyotga joriy etilmoqda. 21-asrning boshlaridan boshlab axborot texnologiyalari ijtimoiy-gumanitar va diniy-ma'rifiy sohalarini rivojlantirish borasida keng qo'llanila boshlandi. Xususan, turizm, ziyorat turizmi borasida ilmiy tadqiqotlar, tarixiy hodisalarni virtual voqelik asosida o'rganish, ajdodlar meroslarining raqamli resurslar bazasini yaratish va boshqa tadqiqotlarni ko'rsatish mumkin.

Tayanch so'zlar: madaniy va ma'naviy meros, memory va tasviriy san'at, tarixiy obidalar, innovatsiya, konsepsiya, raqobat, takomillashtirish, xalqaro turistik bozorlar, turistik resurslar, infrastruktura, logistik xizmatlar, axborot kommunikatsiya texnologiyalari.

Аннотация. В настоящее время, при сборе и анализе информации, связанной с местами паломничества, исследователи многих соответствующих научно-исследовательских центров, высших образовательных учреждений проводят научную работу и внедряют ее в практику. С начала XXI века информационные технологии получили широкое распространение в социально-гуманитарной и религиозно-просветительской сферах. В частности, можно показать научные исследования в области туризма, паломнического туризма, изучение исторических событий на основе

виртуальной реальности, создание базы цифровых ресурсов наследия предков и другие исследования.

Ключевые слова: культурное и духовное наследие, мемориальное и изобразительное искусство, исторические памятники, инновации, концепция, конкуренция, благоустройство, международные туристические рынки, туристические ресурсы, инфраструктура, логистические услуги, информационно-коммуникационные технологии.

Annotatsion: Currently, when collecting and analyzing information related to pilgrimage sites, researchers from many relevant research centers and higher education institutions conduct scientific work and implement it in practice. Since the beginning of the 21st century, information technologies have become widespread in the social, humanitarian and religious and educational spheres. In particular, we can show scientific research in the field of tourism, pilgrimage tourism, the study of historical events based on virtual reality, the creation of a database of digital resources of ancestral heritage and other studies.

Keywords: Cultural and spiritual heritage, memorial and fine arts, historical monuments, innovations, concept, competition, improvement, international tourism markets, tourism resources, infrastructure, logistics services, information and communication technologies.

КИРИШ

Butunjahon turizm tashkiloti (UNWTO) ning statistik ma'lumotlariga ko'ra, «...turizm daromadlilik darajasi bo'yicha uchinchi, tovarlar va xizmatlar eksportida to'rtinchi o'rinda, uning jahon yalpi ichki mahsuloti (YAIM)dagi ulushi o'rtacha 10,0 foizni tashkil etmoqda...» [1]. Xalqaro mehnat tashkilotining ma'lumotlariga ko'ra, bugungi kunda xalqaro turizm tizimida dunyoning mehnatga layoqatli aholisining 284 mln. kishisi banddir [2]. Shuningdek, bu tarmoqda yaratilgan bitta yangi ish o'rni sanoat tarmog'iga nisbatan 20 barobar arzonga tushadi [3]. Biror-bir mamlakatga tashrif buyuruvchi har 30 ta turist bevosita bitta yoki bilvosita ikkita yangi ish o'rinlarini barpo qilishga imkoniyat yaratadi [4]. Demak, xulosa qilish mumkinki, jahon iqtisodiyotining boshqa tarmoqlariga nisbatan turizm sohasi kamroq sarf-xarajatlar evaziga ko'proq ish o'rinlarini yaratish va iqtisodiy barqarorlikni ta'minlashra xizmat qiladi.

O'zbekiston o'zining boy madaniy va ma'naviy merosi, memoriy va tasviriy san'ati, tarixiy obidalar bilan, hamda Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy, Muxammad Muso Xorazmi, Abu Nasr Forobiy, Axmad al-Farg'oniy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Ahmad Yassaviy, Abu Iso at-Termiziy, Mirzo Ulug'g'yek, Bahouddin Naqshband, Abdulxoliq G'ijduvoni, Xo'ja Ali Romitoni, Amir Temur, Alisher Navoiy, Bobur kabi ko'plab dunyoga taniqli mashhur va buyuk ajdodlarimiz dunyo olimlari va sayyohlarini o'ziga jalb etib kelmoqda. Bu o'z navbatida xalqaro turizm bozorlaridagi o'zimizga xos o'rnimiz va nufuzimizni ko'rsatadi va jaxon bozorlarida yetakch davlatlar qatoridan o'rin egallashimizga xizmat qiladi.

Ta'kidlash joyizki, 2023-yilda qabul qilingan respublikani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha "O'zbekiston – 2030" strategiyasida ham sohada erishilgan natijalar va olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlarni yanada jadallashtirganholda xorijiy turistlar sonini 15 millionga, ichki sayyohlar sonini 25 millionga, ziyorat turizmi bo'yicha keladigan turistlar sonini 3 million nafarga oshirish, xususi investitsiyalarni jalb qilish hisobiga 30 ta yirik turizm klasterlarini tashkil etish, mehmon o'rinlari sonini kamida 2 barobarga oshirish, tog'li hududlarda 25 ta doryo'llari qurish, turizm mahallalari sonini 175 taga yetkazish, turizm xizmatlari eksportini 5 milliard dollarga yetkazish maqsadi qo'yilgan. Bu bilan mamlakatda iqtisodiy o'sishni ta'minlashda turizmning multiplikativ samarasidan foydalanish va pirovard natijada aholining turmush farovonligi o'sishga erishish ko'zda tutilgan.

Yurtimizning beqiyos turistik obyektlari qatorida Buxoroning har bir qarich yeri avliyolar sharofati bilan ziyoratgohga aylangan. Ziyoratgohlar insoniyatga, uning ongidagi tasavvuf va tariqat olamidagi ilk g'oyalarni keng targ'ib etilishiga ulkan hissa ko'shgani barchamizga ma'lum. Ayniqsa, butun dunyo ahlini o'ziga jalb etayotgan yetti pirlar bilan birgalikda, Sayfiddin Boharziy, Mog'aki Attoriy, Abu Hafs Kabir, Xoja Ka'bul Ahbor Vali, Boboy Poraduz ziyoratgohi, Ismoil Somoniy maqbarasi, Bibi Orifa maqbarasi, Mir Arab madrasasi va boshqa ko'plab ziyoratgohlarni sanab o'tishimiz mumkin.

Unda insoniyat ma'naviyati-madaniyati, ongi, iste'dodining yuksak ifodasini, u qurgan

tarixiy obidalar, masjid-madrasalar, ziyoratgohlar arxitekturasi evolyusiyasida takrorlanmas san'at darajasida namoyon etganligini amin bo'lamiz.

Buxoro 2020 yilda "Islom olami madaniyati poytaxti" deb e'lon qilinishi munosabati bilan Buxorodagi 7 ta – Ismoil Somoniy maqbarasi, Chor Bakr, Bahouddin Naqshband majmualari, Mag'oki Attor masjidi, Poi-Kalon ansambli, Qadimgi Poykent shahri qoldiqlari va Tosharoy madrasalari ICESCONing Islom Olami Merosi ro'yxatiga kiritilishi ahamiyatlidir.

Diniy ziyorat ko'plab xalqlar hayotidagi murakkab va xilma-xil ma'naviy va ijtimoiy-madaniy hodisadir. Ziyorat diniy faoliyat turi sifatida qadimgi davrlarda vujudga kelgan va dinning rivojlangan shakllarining paydo bo'lishi va jamiyatda ijtimoiy-madaniy munosabatlarning yuqori bosqichi bilan bog'liq.

Bugungi kunda mavjud ziyoratgohlarning madaniy-ma'naviy meros, islom me'morchiligi kelib chiqish tarixi, dunyoviy-diniy-falsafiy qarashlarining kelib chiqishi, tarixiy evolyusiyasiga doir ilmiy-madaniy o'rni va ahamiyatini tadqiq etish, o'rganish orqali islom sivilizatsiyasiga qo'shgan hissalariga tegishli ma'lumotlar bazasini shakllantirish talab etiladi. Buxoro ziyoratgohlarini o'rganish, ma'lumotlar yig'ish va ulardan samarali foydalanishning an'anaviy va zamonaviy usullarini keng joriy etgan xolda milliy va xalqaro sayyohlarning oqimini kengaytirishga xizmat qiladi.

ASOSIY QISM

Bugungi kunda ziyoratgohlar bilan bog'liq ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilishda ko'plab tegishli ilmiy tadqiqot markazlari, oliy ta'lim muassasalari tadqiqotchilari tomonidan ilmiy ishlar olib borilib amaliyotga joriy etilmoqda. 21-asrning boshlaridan boshlab axborot texnologiyalari ijtimoiy-gumanitar va diniy-ma'rifiy sohalarini rivojlantirish borasida keng qo'llanila boshlandi. Xususan, turizm, ziyorat turizmi borasida ilmiy tadqiqotlar, tarixiy hodisalarni virtual voqelik asosida o'rganish, ajdodlar meroslarining raqamli resurslar bazasini yaratish va boshqa tadqiqotlarni ko'rsatish mumkin.

Turizm sohasida ziyoratgohlar bilan bog'liq ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilishda axborot texnologiyalarining o'ziga xos o'rni va

xususiyatlari mavjud. Masalan, ziyorat turizmining ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish sohalari ularga hisob yuritishning avtomatlashtirilgan tizimlarini qo'llash orqali ishlab chiqarish salmog'ining o'sishi, hisob yuritish mexanizmlarining sifatli bo'lishiga erishdi. Shunday hisob yuritish tizimlari namunasi sifatida umumjahon iqtisodchilari tan olgan SAP, Scala, CRM va 1C tizimlarini keltirish mumkin [5].

Ziyorat turizmida axborot texnologiyalaridan foydalangan holda turistik resurslar bo'yicha ma'lumotlar yig'ilib, tahlil qilinib ishlab chiqarishga buyurtma qabul qilishdan boshlab, to tayyor mahsulot ishlab chiqarilib yoki xizmat ko'satilib, buyurtmachi yoki xaridorga yetkazib berilguncha bo'lgan jarayonlar nazoratda bo'ladi. Faoliyat natijalarini gorizontaal va vertikal tahlil qilish imkoniyatlari mavjud. Tahlil natijalariga ko'ra turizm ishlab chiqarish yoki xizmat ko'rsatish plan grafiklarini operativ tuzatish imkoniyatlari mavjud. Bunday imkoniyatlar esa ishlab chiqarish yoki xizmat ko'satishni yanada yangi taraqqiyot bosqichlariga olib chiqish imkonini bermoqda.

Bugungi kunda bozor iqtisodiyoti sharoitida zamonaviy axborot tizimiga asoslangan ziyorat turizmi tarmoqlari miqyosida faoliyatining muvaffaqiyati taxlil qilingan zaruriy ma'lumotlarni o'zaro uzatish va ularni yetkazish tezligi, axborotlarning dolzarbligi, to'liqligi hamda o'z vaqtida uzatilishi va qabul qilinishi bilan to'g'ridan to'g'ri bog'liqdir. Jahon bozorlarida turizm industriyasining samarali rivojlanishi ham sayyohlik mahsulotlarni ishlab chiqish, uni o'z vaqtida iste'molchilarga yetkazib berish bosqichlariga tegishli bo'lgan har bir jarayonga zamonaviy axborot kommunikasiya texnologiyalarini joriy etishni talab etadi.

Bu borada O'zbekiston halqaro islom akademiyasida muayyan ishlar amalga oshirilgan va tegishli vazirliklar faoliyatiga joriy etilgan. Bular jumlasiga qo'yidagi bajarilgan ishlarni keltirish mumkin: "Turkiston jadidlarining yangi tafakkur va madaniyatiga qo'shgan hissasi", "Arab tilini o'rganishda multimediyali texnologiyalardan foydalanish", "Hadislarning tarbiyaviy ahamiyatini multimediya vositalari yordamida yoritish", "O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi hududidagi qadamjolarga virtual sayohat uyushtirish", "Qadimiy qo'lyozmalarni

o'rganishda ajratilgan so'zlarni infologik bazaga soluvchi dasturiy vosita" va boshqalar.

Shu bilan bir qatorda "Toshkent shahar masjidlari dislokasiyasining on-line xaritasi va 3D modellardagi ko'rinishi", "Buxoro ziyoratgohlari Web saytlarini optimallashtirish (Yetti pir ziyoratgohi misolida)", "Tasavvuf namoyondalari" multimediyali interaktiv o'quv qo'llanma, "Android tizimida Abu Mansur al-Motrudiy ilmiy merosi va "Motrudiya ta'limoti", "Android tizimida O'rta Osiyo allomalari qomusi mobil ilovalari", "Islom sivilizasiya markazining avtomatlashtirilgan axborot tizimi", "Markaziy Osiyolik mutakallim olimlarning ilmiy merosi multimediyali interaktiv qo'llanma", "O'zbekiston buyuk allomalar yurti" mavzusidagi virtual sayohat dasturi, "Hadis ilmiy maktabi" multimediyali dasturiy vosita, "Xalqaro va mintaqaviy islom tashkilotlari" haqida multimediyali dastur, "Islom sivilizasiyasi markazi virtual qabulxonasi", "Sa'diddin Taftazoniyning ilmiy ma'naviy merosini multimediyali interaktiv qo'llanmada aks ettirish", "Kaffol Shoshiy majmuasi android tizimida", "Ziyorat turizmida geolokasion yo'l boshlovchi", "Shayx Zayniddin kompleksi faoliyatini multimediyali tizimlarda aks ettirish", "Sayyohlarga "Suzuk ota" kompleksi bo'yicha ma'lumot beruvchi dastur", "Muqaddamat ul-adab manbaasini androidli platformasi", "Hakim at-Termiziy ziyoratgohiga android tizimida sayohat", "Sufi Ollayor ziyoratgohiga multimediyali sayohat" kabi dasturiy vositalardir.

Mazkur ishlanmalarni shartli ravishda qo'yidagi uchta toifaga ajratish mumkin:

1. Kam o'rganilgan islomshunoslik manbalarini xalqaro turizm obyektlariga aylantirish maqsadida zamonaviy axborot texnologiyalari orqali targ'ib qilish;

2. Turizm obyektlariga innovatsiyalarni jalb qilishda potensial investorlarni qidirib topish va ularga ishonarli ma'lumotlar yetkazishda zamonaviy internet texnologiyalari yutuqlaridan foydalanish;

3. Turizm obektlari yordamida milliy qadriyatlarni targ'ib qilish va milliy internet resurslarini yaratishda yurtimiz yoshlari tashabbuskorligini oshirish.

Birinchi toifa masalalarni amalga oshirishda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 2 dekabrda PF-4861-sonli «O'zbekiston

Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida» Farmoni asos bo'ladi. Unda, xususan, shunday deyiladi: mamlakatda turizmni jadal rivojlantirish, mavjud ulkan turizm salohiyatidan yanada to'liq va samarali foydalanish, an'anaviy madaniy-tarixiy turizm bilan birgalikda turizmning boshqa salohiyatli turlarini – ziyorat qilish, ekologik, ma'rifiy, etnografik, gastronomik, sport, davolash-sog'lomlashtirish, qishloq, sanoat, ishbilarmonlik turizmi va boshqa turlarini jadal rivojlantirish, bolalar, o'smirlar va yoshlar turizmini, oilaviy turizmni, keksalar uchun ijtimoiy turizmni rivojlantirish hisobiga turizmning ijtimoiy ahamiyatini kuchaytirish, hududlarda yangi turizm yo'nalishlarini tashkil etish, ularni pasportlashtirish, turizm yo'nalishlari va turizm obyektlari bo'yicha yagona milliy reyestrlarni shakllantirishga yo'naltirilgan ichki, kirish va chiqish turizmini kompleks rivojlantirishning milliy va hududiy dasturlarini ishlab chiqish va amalga oshirish ko'zda tutilgan.

Ushbu masalalarni amalga oshirish maqsadida yangi turizm obyektlarini yaratish, yaratilgan obyektlarning ahamiyatini keng media xududda bir necha tillarda (ingliz, rus, arab va boshqa) targ'ib qilish zarur bo'ladi. Bu ishlarni ijobiy hal qilish uchun kerakli media resurslar yaratilgan. Bulardan faqat to'g'ri va unumli foydalanish kerak bo'ladi. Shunday resurslar qatoriga Burxoniddin Marg'inoniyning "Al-Hidoya" asarining elektronlashtirilgan varianti, Buxorodagi "Yeti pir" ziyoratgohining geolokasion tizimi kabilarni keltirish mumkin. Bu innovasion ishlanmalar O'zbekiston Respublikasi intellektual mulkchilik agentligidan patentlashtirilgan.

Ikkinchi toifa masalarni yechishda quyidagilarga e'tibor qaratiladi. Globallashish sharoitida O'zbekistonda innovasion faoliyatni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishi ko'plab omillarga bog'liq. Bularga misol tariqasida samarali va izchil amalga oshirilayotgan makroiqtisodiy va faol investisiya siyosati, rivojlangan xorij tajribasi hamda investisiya muhitini yanada jozibadorligini oshirish mexanizmlaridir. Turizm obyektlari doimiy tadqiq qilinishi lozim, u doimo o'z ichiga yangilikka, samaradorlikka asoslangan ilmiy va amaliy muammolarni qamrab oladi.

Bu muammolarning jozibador yechimlarini topish va bu yechimlarni global internet tarmog'i

orqali turli tillarda targ'ib qilish kerak bo'ladi. Berilayotgan ma'lumotlarga qiziqish bildirgan foydalanuvchilarning internet manzillarini eslab qolish va ular bilan hamkorlik aloqalariga chiqish kerak bo'ladi. Bunday hamkorlarga real investision takliflar ishlab chiqish, ular e'tiboriga loyiq talablarni o'rganish kerak bo'ladi. Chunki jahon iqtisodiyotining globallashuvi va raqobat muhitining kuchayib borishi, turizm obyektlari jozibadorlik davrini keskin qisqarishiga, bozor konyunkturasi va iste'molchilar ehtiyojlarini tez o'zgarishiga olib kelmoqda.

Natijada ziyorat turizmi sohasidagi ishtirok etuvchi vakildan raqobatbardosh turizm obyektlari jozibadorligi mexanizmlarini ishlab chiqishni hayotiy zaruriyatga aylantirib, soha yoki tarmoqda innovasion faoliyatni rivojlantirish va uni samarali boshqarish bugungi kun talabiga aylandi. Bunday faoliyatni internet texnologiyalarisiz amalga oshirish mushkul vazifa hisoblanadi.

Uchinchi toifa masalalarida ajdodlarimiz ilmiy meroslarining jahon sivilizatsiyasiga qo'shgan hissalarini keng targ'ib qilish zamonaviy yoshlarda milliy g'urur tuyg'usini mustahkamlash, ularda yaratuvchanlik va ijodkorlik hissiyatini shakllantirilishiga yordam beradi. Bu yo'nalishlarda yaratiladigan axborot tizimlari ma'naviy, ma'rifiy, ilmiy, nazariy, diniy boyliklarimiz va qadriyatlarimizni asrash, ularni kelajak avlodga multimediya, mobil va kommunikasion texnologiyalar orqali yetkazishga xizmat qiladi. Shunday axborot tizimlari faqat ajdodlari ishlari bilan faxrlanuvchi yoshlarni emas, balki ajdodlari ishlarini munosib davomchilari bo'lgan tafakkur egalari shakllantirishga munosib hissa qo'shadi.

Ilmiy meroslar bo'yicha axborot tizimini yaratish: axborot tizimi tuzilmasini ishlab chiqish, uning informasion asosini tashkil etuvchi bebaho ilmiy merosni yanada teran tadqiq etish va ommalashtirishga qaratilgan say-harakatlarga yangi turtki berish uchun zamonaviy axborot qidiruv vositalariga moslab, qulay joylashtirish, jamlangan va joylashtirilgan ilmiy meros namunalarini yosh tadqiqotchilar va keng jamoatchilik ommasi didiga mos ravishda zamonaviy multimedia, kommunikasion va mobil vositalar yordamida taqdim etish mexanizmlari, modellari va algoritmlarni ishlab chiqish va ularni dasturiy vositalar yordamida amaliyotga joriy qilishdan iborat.

Ta'kidlash joizki, O'zbekiston xalqaro islom akademiyasida ajdodlar merosini eng ilg'or texnologiyalar yordamida o'rganish va jamlangan materiallarni xalqaro va milliy miqyosda keng jamoatchilik ommasiga yetkazib berish bo'yicha muayyan tajriba to'plangan.

Xulosa

Tahlillarimiz natijalariga ko'ra, turizm industriyasi tarmoqlari doirasida sayyohlik mahsulotlarni yaratish, ishlab chiqish va iste'molchiga yetkazib berishning barcha mavjud bosqichlarida turistik faoliyat qatnashchilarini ma'lum bir markazga uyg'unlashtiruvchi bo'g'in sifatida axborotlar muxim ahamiyat kasb etadi. O'zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirishning samaradorligini oshirishga yo'naltirilgan axborotlar markazini muntazam takomillashtirib borish talab etiladi.

Bunday holda faqatgina ma'lum bir turmahsulot emas, aynan axborot oqimlari turistik faoliyat qatnashuvchi korxona va tashkilotlarning o'zaro aloqalarini, munosabatlarini ta'minlaydi hamda turli xizmatlar va to'lovlar shaklida vujudga keladi. Ziyorat turizmida soha xususiyatlariga ko'ra sayyohlik xizmatlar o'z iste'molchilariga yetkazib berilmaydi va ular iste'mol qilingunga qadar zaxiralanmaydi. Turizm industriyasida farqli o'laroq ushbu xizmatlarning mavjudligi, narxi, sifati va xizmatlar to'g'risidagi ma'lumotlar uzatiladi, o'rganiladi va optimal varianti qabul qilinadi.

Natijada o'zoro bevosita jalb etilganligi turistik faoliyatni yuqori darajadagi integrasiyalashgan tovar va xizmatlar yig'indisi sifatida tahlil etish talabini harakatlantiradi, vujudga keltiradi. Ziyorat turizmi bozorlarida bu o'z navbatida, sayyohlik faoliyatni tashkil etish va boshqarishda axborot kommunikasiya texnologiyalaridan unumli va samarali foydalanishga turtki bo'ladi. Ta'kidlash joizki, shu bilan bir qatorda, turizm sohasida alohida segmentlar tomonidan axborot kommunikasiya texnologiyalaridan unumli foydalanish qolgan tegishli yo'nalishlar uchun ham muhim ahamiyatdeb hisoblaymiz.

So'nggi yillar davomida ziyorat turizmi bozorida amal qiluvchi korxona va tashkilotlar faoliyatiga axborot kommunikasiya texnologiyalarini faollik bilan qo'llash va standart hamda maxsus dasturli ta'minotning joriy etilishi

natijasida elektron hujjat aylanishini yo'lga qo'yish, raqamli iqtisodiyot usullarini qo'llash bilan turizmdagi ko'pgina tegishli texnologik jarayonlarda shaklan va mazmunan sifatli natijalarga erishishga muayassar bo'ladi.

Ziyorat turizmi bozori rivojlanishining tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini rivojlantirish samarasi, birinchi navbatda, barcha mavjud darajalaridagi boshqaruv faoliyati bilan bog'liq jarayonlarning keng miqyosda axborotlar bilan ta'minlanishiga to'g'ridan-to'g'ri bog'liqdir.

Tahlillar natijalariga ko'ra ushbu vazifani chuqur anglash hamda turizm industriyasining tashkillashtirilgan, markazlashtirilgan, tartiblashtirilgan, qat'iy axborot bilan ta'minlash tizimiga bo'lgan ehtiyoji, mamlakatimiz bo'ylab milliy iqtisodiyot darajasida integrasiyalashtirilgan turistik axborotlar bazasini shakllantirish konsepsiyasining yaratilishini talab etadi.

Turistik bozorlardagi ishtirokchilar o'rtasida integrasiyalashtirilgan axborotlar bazasini shakllantirish va ulardan unumli foydalanishning tizimli ravishda amalga oshirilishini ta'minlash turizmida, xususan, ziyorat turizmida axborot tizimini takomillashtirish talabini vujudga keltiradi. O'zbekiston Respublikasida turistik axborot tizimini takomillashtirish mexanizmining konsepsiyasi mualliflar tomonidan ishlab chiqilgan.

Ziyorat turizmida axborot tizimi mamlakatimizning milliy turizm bozorida boshqaruv faoliyatining barcha darajalariga, xususan turistik tashkilotlardan tortib to yuqori boshqaruv organlarigacha tegishli tartiblashtirilgan axborotlar ma'lumotlari bazalarini shakllantirish, ma'lumot va axborotlarni quyi qatlamdan yuqori qatlam tomon integrasiyalash, ularni tizimli ravishda vertikal va gorizontal yo'nalishlarda uzatish, yagona tizim doirasida tegishli element uchun ma'lumot va axborotlardan foydalanish hamda kerakli chegaralarini belgilash bilan bog'liq aloqa va munosabatlarni tartibga solish elementlari yig'indisidan tashkil topgan tizimdir. Internet tarmog'i axborot va ma'lumotlar izlanuvidan tortib sayohatlarga tegishli ma'lumotlarni o'rganishgacha bo'lgan zanjir bo'g'inlarini birlashtiruvchi tarmoq vazifasini bajarib, sayyohlik mahsulot iste'molchilarining tanloviga hamda harakatlariga to'g'ridan-to'g'ri ta'sir qiladi. Interfaol sayyohlik axborotlar va ma'lumotlar tizimi quyidagi tuzilmaviy tavsifga ega bo'lishi talab etiladi:

– ziyorat hamda ahamiyatli turistik obyektlarning zamonaviy geofazoviy xaritalariga ya'ni tegishli hududning rangli kosmik sxemali tegishli xaritasiga;

– 3D-modeli, ziyorat hamda ahamiyatli turistik obyektlar majmuiga ya'ni obyektlarning rasmi, aniq turistik obyekt haqidagi axborotlar ko'rish imkoniyatlaridan tashkil topgan dasturga;

– ziyorat hamda ahamiyatli turistik hududiy infratuzilma obyektlari majmuiga ya'ni infratuzilma obyektlari haqidagi mukammal axborotlar yig'indisi va alohida aniq obyekt haqidagi ma'lumotlarni ko'rish imkoniyatlaridan tashkil topgan dasturga;

– ziyorat hamda ahamiyatli turistik ekskursiya yoki turistik marshrutlar qatlamiga ya'ni tegishli marshrutlarning sxemali aniq xaritasi, unda qamrab olingan sayyohlik obyektlari, sayyohlik-ekskursiya xizmatlarini tashkil qiluvchi korxonalar va tashkilotlar manzili, murojaat qilish uchun ma'lumotlar bazasiga;

– ziyorat hamda ahamiyatli turistik obyektlarning navigasiyasi ya'ni ma'lumot va axborotlarni qidirish zamonaviy vositalari tizimiga;

– tegishli hududlarda mehmonxona va joylashtirishning muqobil boshqa korxonalar va muassasalariga ya'ni mehmonxonaning manzili, ularda taqdim etiladigan servis xizmat turlari va bo'sh xona va joylari haqidagi axborot va ma'lumotlar bazasiga;

– tegishli ziyorat hamda ahamiyatli turistik obyektlarning hududlarda transport logistikasidan unumli foydalanish imkoniyatlariga ya'ni yo'l xaritalaridan iborat ma'lumotlar bazasiga ega bo'lishi;

– ziyorat hamda ahamiyatli turistik obyektlarning interfaol axborotlar va ma'lumotlar tizimida ma'lumotlar bazasi xalqaro xorijiy tillarda shakllantirilganligi.

Ta'kidlash joizki o'ziga xos ilmiy va texnik salohiyatga ega bo'lgan yurtimizda ham bugungi kunda axborot kommunikasion texnologiyalar va ularning dasturli ta'minotining tizimli rivoj topishiga alohida jiddiy e'tibor qaratilmoqda. Natijada turistik resurslar sifatida milliy va xalqaro ahamiyatga ega bo'lgan ziyoratgoxlarni yoritishda 3D texnologiyasidan samarali foydalanish orqali yurtimizga turistlarning oqimini keskin kengaytirishga erishish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Tuxliyev N., Jiyanov O'. Turizmning rivojlanish milliy modellari: darslik. – Toshkent: «Ilm-Ziyo-Zakovat» nashriyoti, 2021. – 257 b.
2. Xudoyarov A. O'zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari: monografiya. – Toshkent: “Kompleks Print” nashriyoti. 2021. – 303 b.
3. Xudoyarov A. Turizm va mexmonxona industriyasi asoslari: darslik. – Toshkent: “Kompleks Print” nashriyoti, 2023. – 207.b.
4. Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник для вузов. Второе издание. - М.: YУНИТИ - ДАНА, 2012. – 1063 с.
5. Tuxliyev N., Maksudova Sh. Turizmda raqamlashtirish: monografiya. – Toshkent: «Ilm-Ziyo-Zakovat» nashriyoti, 2024. – 175 b.